


Хамзиг Аян

Парулар  
тугисими





УЎК: 821.512.133-3  
КБК 84(5Ў)7  
А 576


Ҳамид Али (Маллаев)нинг номи илгари чоп этилган «Зуррэд», «Шаффоф одам» номли китоблари орқали китобхонларга таниш. Ушбу «Парилар тилсими» деб номланган тўнламида унинг қисса ва ҳикоялари жамланган. Уларда тоғ одамлари ҳаёти, реал воқелик ва ҳаёлий олам манзаралари, онг ва ҳаёлот ранглари теран ҳамда тиник чизгиларда акс эттирилган.

ISBN 978-9943-28-081-6

© Ҳамид Али, 2015

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2015

# Қиссалар



## ҚҰНАЛҒА

### I

Ёлтошда ҳар хил офатлардан: бўрон, дўл, яшин ва ёввойи йирткичлардан асрайдиган серсоя дов-дарахтлар битмаган. Тор даралар орасидан кўз ёшидай силкиган булок сувлари пастдаги ғўрим тошларга етар-етмас сингиб кетади. Бу ерда одамлар яшаши у ёқда турсин, хатто қушлар ҳам очофат илонлар дастидан уя қуриб бола очишга кўпда журъат этишмайди. Фақат чағиллардан тўрт чақирим нарида уларнинг сайронини эшитиш мумкин. Ёлтошнинг илонлари эса калтакесакларга кирон келтиришар, чатнаган қоялар орасидан уларни туюлмайдиган оч қолган тунлари тонггача чинқириб чиқишарди. Қаҳри қаттиқ тоғнинг мангу сукутини эса ҳеч нарса: газандалар, одамлар, хаттоки асрлар ҳам ҳеч қачон бузолмайдигандек...

Самода ёлғиз бургутгина бу дахлсиз салтанатга ҳаёт нишониси ато этиб айланиб юрарди. Унинг парвозида шу соқов зовларга монанд аллақандай сирли қудрат зохир, бир қарашда учаётганини, умуман жонли мавжудотлигини ҳам ажратиш мушкул. Йироқдан ҳавода муаллақ қотган тош парчаси ёхуд қандайдир самовий жисмга ўхшаб кетарди... Дара устида илвасин излаб қўнам тентирашга тўғри келмади. Қоя тубида баданини офтобга тоблаётган қўлвор илонни кўриб мўлжални аниқ олгач, парвоздан тўхтаб ҳавода бир зум муаллақ қотдида, қанотларини йиғиб ўлжа устига бирданига ташланди, лаҳза ўтмай уни панжаларида қисганча яна ҳавога кўтарилди. Қўлвор илон ҳам эрталаб хўрак лардида инидан судралиб чиққан, ўзини меровликка солиб зоранг шоҳида сайраётган фотмачумчукка ташланиш учун пайт пойлаб ётарди. Жингидон гама шўрликка ёмон

панд берди – ўзи бировнинг насибасига айланди. Бургут кўз кўрим баландликка етгач, жон талваса типирчилаб бўйнига захар солишга уринаётган илоннинг танасини тирноқларида эзгилаб бошини пўлатдек қайрилма тумшуғи билан ёриб ташлади. Сўнгра қанотларини керганча шовуллаган муздай ҳаво оқимини тарк этиб Шох қояга қўнди ва ҳали жони биратўла чиқмаган, баданидан қони тиркираб турган илоннинг гўштини бурдалаб юта бошлади. Атиги бир неча сония олдин заранг шоҳидаги фотмачумчукнинг лаззатли гўшти таъминини туйиб бемалол офтобда исиниб ётган кўлвор илон шу тахлит жойи ростонига кетди. Бургут ундан қолган нишонларни ёғримга ташлаб юборди, тумшуғидаги қон ва шилимшиқ гўшт юқини патларига артди.

Ҳа, у ям-яшил арчазорлар этагидаги ўтлоқлар, шарқироқ дарёлар ёқасида мунчоқдек тизилган қишлоқлар ёнида тўхтамай, уч кун йўл тортиб йилқиларни ҳайдаб келган манзилда конталаш қоялар-у палахса-палахса харсанглар, шохлари тарвақайлаган заранглару ирғайлар айкаш-уйқаш ўсган тубсиз даралардан бўлак ҳеч вақо йўқ эди. Кун чошгоҳга яқинлашганда тоғдан эсаётган саррин ел тўхтади. Этак шамол ҳали кўзғалмаган, ёзнинг илк кунлари бўлгани учун жазирама авжга минган, ҳавода жизғанак ёвшонлар, яна аллақандай куюнди хидлар анқийди. Ўришдан қайтаётган йилқилар эринчоқлик билан чор-ночор кадам ташлашади. Улар ҳали ўзларининг янги маконларига кўникишмаган, соз тупроқли кенг адирларга ўрганган түёқлари чарилда тоширқаб қолган.

Бойхон уюрни ўз холига қўйиб берди, чанқаб, томоғи қақраб кетган бўлса ҳам қистамади. Қоровул қоя ёнида остидаги Човқар отнинг жиловини тортиди. Чарчоқданми, иссиқ элитганиданми эгар қошига энқайган қаддини ростлади. Куюнди ҳиди эгнимдаги чакмонимдан келмаяптимикин, дегандек у ёқ-бу ёғига каради. Кийимлари унча-мунча иссиққа куядиган эмас: чакмони дағал, қалин, тер ва чангда обдан пишган бошидаги сур телпак, ултондан тикилган этиги ўзига жуда ярашар, уни цолвоксифат, улуғвор кўрсатарди. Белбоғига

осилган пичоқнинг такаки қини ҳам эски, бир замонлар мохир чармгар уста томонидан овуртмоқ ва пис-тонлар тақиб безатилган, кумуш тасма югуртирилган, безакларининг ранги кетган бўлса ҳам бежиримлигини йўқотмаган. У тошлоқларга, буғдойик битган дараларга тикиларкан шамолда қорайган чехрасида ҳеч қандай ифода – рам-андух, ташвиш ёки қувонч, безовталиқ ё хотиржамлик сезилмасди.

Йилқилар аллақачон шамолғоҳда давра қуришган – бошларини тўлаб, думларини шийпинглатганча чивин қўришар, этак шамолнинг кўзгалишини сабр-тоқат билан кутишарди. Бойхон Човқардан тушиб, темир козиғини хаслироқ ерга тепиб-тепиб қокди-да чўбирининг хароб тарзига қараб хўрсиниб қўйди. Ўзга йилқилар озодлик, беғамлик нашъасини суриб, хордиқ чиқараётган паллада бу боёқиш йилқичининг забардаст гавдаси остида йўртишга маҳкум. Офтоб тандирдай қиздириб турган пайтда ўтлаб, қорнини қаппайтириши, кечки ўриш пайтигача куч йиғиб олиши даркор. Бойхон унинг сувлиғини чиқариб қоқ суяқ бошини, кўзи устидаги чуқурни сийпа-лаб, патак бўлиб кетган кокилларини силаб қўйди, чағ аралаш қотган терини қашлаб артди. Човқарга бу жуда хуш ёқарди. Жонивор ҳеч қачон, ҳеч нарсадан эгасининг дағал бармоқлари манглайига текканчалиқ роҳат қилмасди.

У хуржунни эгардан олиб шохлари тарвақайлаб ўсган олмурут тагига юрди. Қўшхона ёнида бафуржа чўзилиб ётган ит қадам товушини эшитиб бошнини эринчоқлик билан кўтарди, кўзини очмасдан олғир итлардай гурс-гурс ҳура кетди. Унга йилқиларнинг тапир-тупири ёқмаган, тинчишгунча ва эгаси оддан тушиб, саришталаб келгунича маза қилиб ётмоқчи эди. Қари Сиртлон қўриқчиликни қойил қилмаса ҳамки, айёрликни бошларди.

– Бор, ёт энди! – деди йилқичи уни жеркиб. Қўйнидан бир парча қотган нон олиб нарироққа ташлади. Ит очикқан бўлмаса ҳамки, эгасининг кўнгли учун нон ортидан чопди.

У олмурут шохига ташланган пўстакни олиб ерга тўшади, кийимини бошига қўйиб ёнбошлади. Хар сафар

ўришдан қайтганда от устида эзилган танига шу тахлит ором берарди. Олмурут таги шинам ва баҳаво – илк дафъа Ёлтошга келганида бу ерни қўналға учун бекорга танламаган. Хартугул элдошларининг тааддиси ўтган Бойхонни Ёлтош ўз оғасидек бағрига олди.

Ўшанда олмурут тагига нарсаларини тушириб, атрофда сочилган тошларни тераётганида дарахт томирлари орасидан бахайбат кулранг илон чиқиб келган эди. Йилтираган тошдек совук кўзларига, даҳшатли қимирлаб турган ҳалқумига тикилиб қотиб қолди. Илон ҳам дафъатан бирор ҳаракат қилмай унга бақрайди. Бир неча сония бир-бирларини жаҳд билан кузатишди. Дарранда хужумга шайланганча кучини баданига йиғиб кулча тушиб олганди. Бойхон белбоғига қистирилган қамчинни суғуришга шошилмади. Ички бир сезги уни душманликка ундамади. «Ишқилиб кўркмаслигим, бирон сочим мўйи қилт этиб илоннинг зарбага отилишига баҳона топиб бермаслигим керак», дея рақибини кузатарди. Акс ҳолда полвоқлик тажрибасидан биладики, ҳаммаси ё илоннингми, ё унингми ҳалокати билан тугайди. Улар ҳар сония бир-бирларига ташланишга ҳозирланиб узок туриб қолишди. Бойхоннинг юзидан қони қочиб, чакка томирлари ўқлоғдай бўртиб чиққан, илоннинг ҳам бадани таранглашиб ўзини ҳамлага ҳозирларди. Заҳари жағидаги ўткир тишидан томчилай бошлаганди. Ўртада омонсиз рухий олишув борарди. Бунақа курашда бутун куч сезги, ирода кўзларга ййивлади. Энди муносабатлар табиатнинг одил қонунлари-ла ажрим топиши керак. Илоннинг ҳалқуми шишиб, даҳшатли қомида қоп-қора айри тилининг учи кўринди. Бойхоннинг баданидан совуқ тер чиқиб кетди. Унинг ҳатто ота-боболари арвоҳига сизғиниб, уларни мададга чақиришга ҳам фурсати қолмаган эди, ниҳоят эҳтиёткорлик билан қамчи сопига қўл юборди. Шунда у кутилмаганда газанданинг ҳалқуми бўшашганини, кулча тушиб ётган ерида сал эзилганини кўриб қолди. У япаски бошини олдинга чўзиб айри тилини энди баралла чиқариб қимирлатарди. Бойхон ҳам кўлини секин қамчидан олди. Илон томирлар орасидан судралиб чиқди, зарангдай бадани ёзилди,

секин бурилиб олмурут тақалиб ўсган девордай ғадир-будир қояга ўрмалаб чиқиб кетди.

Бойхон онгсиз бир газанданинг у билан «сулх» тузганига хайрон қолди. Қизиқ, ҳатто улар ҳам тириклик қонунларини баъзан инсондан кўра яхшироқ тушунаркан. Одамзод бошқа жонзотлардан гофилроқми ё? Эҳтимол уларда ақлдан кўра табиий сезгининг устунлиги учун шундайдир. Ахир, оқил нодонга тўғри гапни тил билан англатолмайди. Тилсиз хайвон эса ўзи англайди.

Бойхон шуларни хаёлдан кечираркан яқинда ўз кардошларининг Бўзадирдан уни йилқилари билан қувғин қилганларини эслаб ғазабдан вужуди титраб кетди. Ота макони, Она яйловидан айрилганига ҳамон кўниколмас эди.

Экинлар ўрилиб, ангор бўшагач, совхознинг чорваси, Дехқонободдан, Қарши чўлидан келган кўй сурувлари бу ерга мўр-малахдай ёпирилди. Кўй-кўзиларнинг маърашлари, чўпон-чўлиқларнинг, дала қоровулларнинг бакирик-чакириклари, комбайн ва тракторларнинг вараңлаши билан қўшилиб қулоқни коматга келтирарди. Чўпонлар молларини ангорлар томон ҳайдашар, бошқаларни бунинг еридан суриб чиқаришга интилишарди. Ёз пайти ўт ширага тўлганда совлиқлар семириб, вақтида қўчқорталаб бўлишса, тўл ҳам яхши тушади. Чўпонлар буни яхши билганлари учун ҳам жонларини жабборга беришарди. Ҳаммасининг ижозатномаси бор, молларини боқишга ҳақли. Бойхонда эса ижозатнома йўқ, яйловга талабгорлик қилолмайди. Шундай бўлса ҳам унинг йилқилари бу ерларда баҳузур оралаб, қоринлари тўйгунча ўтлаб юришарди. У биронта амалдордан қоғоз олишга уриниб ҳам кўрмади, сўраганда ҳам бермасликлари аён.

Чўпонларга унинг қоғози йўқлиги маълум эди, албатта. Лекин бирор нарса дейишдан ҳозирча тийилиб туришибди. Эҳтимол, полвонлиги хурмати, бу ерларга эгадек кўкрак кериб юриши тилларини боғлаб тургандир. Чиндан ҳам Бойхон Бўзадирни ўзимнинг мулким, уни ота-бобом яйлаган, манглай терлари шу тупроқни шўрлатган, деб ўзини эркин ҳис қиларди. Лекин ҳозир

бу даъволарини ҳеч ким инобатга олмаслигини, яйлов ота-бобосидан қолган-қолмаганини суриштирмасликларини ҳам тушунарди. Шу боис чўпонлар билан сан-манга бориб оҳорини тўкмади. Лекин ўрим-йигим охирлагач, ҳарчанд уринмасин, уни йилкиси билан Бўзадирдан, сўнгра бутун Лангар даштларидан хайдаб чиқаришди. Ота-бобосидан «қолган» яйловдан буткул қадами узилиб кетди. Кечгача йилқилар билан қорама-қора йўл тортиб, Кўрагон тоғлари этагида уюрга аранг етиб олди. Қаттиқ таъқибга учраган йилқилар Тўрқанинг текислигида ғуж бўлиб, гўё осмонга учиб кетгудай човланиб туришарди...

Бойхон ўша қувғинни эсларкан, аъзойи бадани тутундай тутаниб, суяклари сиркираб кетди, юраги қаъридан аламли бир нидо отилиб чиқди: «Оқпадарлар!». Аммо атрофда бу нидони эшитадиган кимса йўқ эди...

\* \* \*

У қўшхонада осмонга тикилиб ётаркан, ота юртидан қувилганини ва ўзга ғалваларни унутгандай бўлди. Энди ўзини яраланган йўлбарсдай аламзада эмас, боладай сезарди. Бегубор мовийлик, осудалик, уни тамоман ўзга олам сари етаклади, дилига ажиб тотли хисларни солди. Бир вақтлар хирмонда чарчаб қўр устига йиқилганда шунақа хаёлларга шўнғиган, валагов – хирмонга қўшилган молларни хайдашдан безиб қушга айланиб қолишни орзулаган.

Отасидан қорахат келганда 16 ёшда эди. Почтачи Дамин бобо машъум қоғозни берган куни у ўтовкинг тўрида баданига чечак тошиб, қилдан тўқилган гиламда ўраниб ётарди. Уйдаги йиғи-сиғида, азада ҳам иштирок этолмади. Устига-устак урушнинг боши, авжи ёз, ўрим-йигим палласи, юрт оч, юпун, каттаю-кичик, оёғи чикқан бари далада. Шойимкул бригадир уйма-уй юриб одамларни ўроққа хайдарди. Хайдашнинг ҳожати ҳам йўқ, шусиз ҳам барча далага чопарди – кечлик насибани топиб келиш лозим эди-да.

Бир қозон гўжа қайнатиб отасининг етгисини ўтказишган куни иситмаси тушди, ўзини сопла-соғ сезди.

Факат кўзидаги чечак кетмаган, емириб йўкотади, деб энаси кўзига солиб қўйган тарикдай садаф мунчокнинг ҳам нафи бўлмаган эди. Эрталаб энаси халтанинг тагида қолган донни ёрғучоққа солди, дон ёрғучоққа юк ҳам бўлмади. Укалари кечлик аталанинг суюқ бўлишини сезиб безовталанишди. У қил гиламни тарк этиб, хали дармонсиз бўлса ҳам, далага отланди.

– Қаёққа? – деди энаси.

– Шойимқул ака ярасанг далага чикқин, йўкса оч коласанлар, деб айтди, – минғирлади у, кейинги гапни бекорга айтдим-ов дегандек ерга қараб.

– Кириб ёт, – деди энаси, аммо унинг гап оҳанги суст эди.

– Хеч бўлмаса, бир шамоллаб келарман, эна.

...Бўзадир гавжум. Чол-чоп, хотин-халаж, ўспирин битгани шу ерда. Галланинг буёғи ўрилаяпти, буёғи чиғона<sup>1</sup>га ортилиб хирмонжойга ташилаяпти. Ўсмирлар ва кексалар – ўрокка ярамаганлар машоқ териш билан машғул. Терилган машоқ хирмонжойга элтиб тўкилади, ким қанча терган бўлса, кечкурун шунга қараб меҳнат ҳақи олади. Бойхон уларда хуфя машоқ халта ҳам борлигини ўз тажрибасидан биларди. Уни кийимнинг тагидан қўлтиққа боғлаб олишар, ишбошиларнинг кўзларини шамғалат қилиб, бошоқдан ситиб солишар, шу тахлит «ўғри» халта кечга яқин тўлар эди. Гоҳо қўлга тушиб дондан айрилишади, гоҳо омадлари келиб олиб кетишади.

Кўшик айтиб ўрок ўраётган қиз-жувонларнинг ёнидан ўтаётганида Бойхоннинг қадами илгаригидек қуюқланмади. Кўзидаги чечак билан уларнинг олдида пашшахўрда бўлишдан тортинди. Ўроқчилар орасида Гулойим ҳам бор эди-да. Гулойим! Гулойим! Уни куйдирган ҳам, оламни нурга тўлдирган ҳам шу Гулойим! Ҳали муштдек ўспирин, бурнининг олди қораймаган, аммо шу қизни қўрганда юраги тутдай тўкилади. Гулойим ундан бир ёш кичик, кош-кўзлари попуқдай юзи сутга чайилгандай, дуркунгина қизча.

---

<sup>1</sup> Хўкиз қўшилган чапа-арава.

– Гулойим, кара! Ошигинг келди! – уни кўриб қичкиришиди шаддод жувонлар.

– Поччамиз нега бурилмади-я, қизлар? Ё бизлардан қочаяптимиқан?

– Ай кайним, кел, бўйгинангдан бир ўпайин. Юз Гулойим бошингдан айлансин!

– Ўлинг-э, – деди Гулойим Оқ Зайнаб отли жувонга қия бурилиб, – фаросат борми сизда? Отасидан қорахат келган-ку!

Бойхон бу гапни эшитиб болалигига борганини, отасини, азани нутиб Гулойимга орзуманд бўлганини билди. Кўшиқ айтилаяптики, ғам йўқ, аза йўқ, уруш ҳам йўқ, деб ўйлапти! Гулойим-чи! Унинг қайғулари йўқмикин? Ахир у ҳам отасиз-ку. Аниви, энаси билан аҳди паймон қилган йигит тўй қилишга улгурмай бевақт оламдан ўтган. Оғзига кучи етмаганлар ўйнашдан туғилган дейишади. У қадамини тезлатди. Борчилар – Нусрат кўса билан Замон қоқбошга салом бериб ўтди, аммо борчилар унинг саломига алик олишмади. Улар чакқон ўроқчи аёллар ташлаб кетган буғдой дасталарини боғлаб улгуришолмас, чарчаб қолишганди.

Чифонада валла ташиётган амакиси Кенжа бобонинг қошига борди. Машоқчилар чифонадан буғдой ситишарди. Чол бунга йўл қўймаслик учун узун гавронини сермайди, бироқ ҳаммасини уддалаб бўладими? У бунинг устига бригадирми ё колхоз раиси Жонқобиловнинг ўзими, келиб қолишидан чўчирди, атрофга олазарак қараб чифонага қўшилган хўкизларни гаврон билан саваларди. Шу йўл билан қутулиб кетишни чамалайди, аммо машоқчилар унинг орқасидан худди чуғурчукдай ёпирилишган. Бойхон у билан чифонада хирмонга икки-уч марта бориб келди. Кенжа бобонинг кир чакмонидан келаётган хидни димоғида туйиб кўнгли бузилди, унга: «Отам ҳалок бўлди, мен етим қолдим» дегиси келди, лекин тилидан бошқа гап чиқди:

– Кенжа бобо Гулойимнинг отаси ким бўлган? Нега уни...

Чол нигоҳини йўлдан ва хўкизлардан бир зум олиб унга ҳайратланиб қараб қўйди, соқолининг учи титради.

– Бу гаплар билан сенинг нима ишинг бор-а? – деди хўкизлар шохига тақилган арқонни силтаркан. – Одамлар валаклашаверсин, сен қорнингни ўйла! – Сўнгра у бироз жahlдан тушиб қўшиб қўйди. – Отанг рахматли яхши йнгит эди, аттанг. Жувонмарг кетди-да...

Овози ўзгариб гапдан тўхтаб қолди. Шунда Бойхон унинг кўксига бош қўйиб йнглади. Кўз ёшлари билан чолнинг кийимларини хўл қилди...

Кенжа бобо хирмонжойга юкни тушириб қайтгач, чифонадан тушди. Хали бу ерда қандай иш билан машғул бўлишини билмай турган Бойхонга гавронни ва хўкизларнинг бошвоғини тутказди. Гавроннинг учи ёрилиб кетган эди.

– Чифонани юргизиб тур, мен хў анави ердан янги гаврон кесиб келайин, – деди унга.

У ишмасан иш топилганига суюниб чифонага иргиб чикди. Машоқчилар уни боғ билан тўлатишгач, хирмонжойга хайдади. Ортидан уларнинг яна мўр-малахдай ёпирилганларидан беҳабар. Бир найт атрофдан галаговур кўтарилганини, аёллар ва ўсмирларнинг қийчувини эшитди, аммо одатдаги шовқин бўлса керак, деб йўлида давом этди. Шунда нақ тепасида: «Ў бола, тўхта!» деган хайбатли товушни эшитиб чўчиб тушди, хўкизларнинг жilовини тортди. Чифона ёнида турган уч отликни ғира-шира илғади... Шойимқул бригадир, раис Жонқобилов ва қишлоқ шўросининг раиси Латипова!

– Туш чифонадан, кел буёққа! – амр қилди раис.

У чифонадан тушди. Қўрққаниданми, буёғи нима бўлади, деб ҳаяжонланганиданми аъзойи бадани дағ-дағ қалтиради, кўзидаги садаф у ёқдан-бу ёққа югурганда қорачиклари оғриб кетди.

– Хайда буни ҳам! – Шойимқулга буюрди раис.

Шойимқул боя раис устларига от солганда тумтарақай қочиб кетишган машоқчиларни тўплаб, Бойхонни ҳам уларга қўшди-да, пайкал бошига хайдади. Раис қаршиларига келиб от жilовини тортди. Бир қур назардан ўтказгач, навбат билан ҳаммага бир қамчидан уриб ўтди. Дадилроқ ўсмирлар туриш берди, ғўрароклари майишиб йкилди. Раис айикдай кучли, қамчиси зар-

бали эди. Шойимкул ҳам ўз хиссасини қўшиш ниятида бўлса керак, машоқчиларни чапанлаб сўкарди. Латиповагина қора отда хайкалдай қотган – миқ этмасди. Аллақаяқдан ўзларини сездирмай пайдо бўлган Нусрат кўса билан Замон қокбош раиснинг икки ёнида, узангисига бош қўйиб, кўзларига суртиб дуо қилишарди: «Омон бўлсин раисимиз, боши тошдан бўлсин. Бахтимизга дунё тургунча туринг Жонқобиловжон! Худо мартабангизни улуг қилсин!». Бойхон: «Улар раисни юмшатишмоқчи, машоқчиларга раҳм-шафқат қилишни сўрашяпти», деб ўйлади.

Жонқобилов навбат унга келганда негадир урмай қамчисини қайтарди. Бир ўкрайиб қарагач, бригадирдан сўради:

– Чигоначи қани?

Шунда Нусрат кўса узанги тагидан чикди-да, тумшукни кўрсатди.

– Ху ана у ерда, раисжон, иусиб ўтирибди. Ёлғон гапирсам бола-чақамдан айрилайин. Сизни кўриб қочиб кетган бу шум чол, машоқчиларга ғаллани талатган ҳам ўша! Ўмир ўтирикчи билан иккови сиз йўғингизда жуда талтайиб кетишди. Биз бечораларнинг арз-додимизни сиз эшитмасангиз ким эшитади. Илоё кўкаринг, раис кўкаринг!

– Нарн туринг! – деб ўшқирди Жонқобилов уни сизлаб, кейин Шойимкулга буюрди. – Топиб кел, дарров!

Шойимкул гаврон кесиб юрган Кенжа бобони ўзи ҳам кўрган бўлса керак, дўнгликка от қўйди. Дам ўтмай чолни от туёқларига бостириб раиснинг олдига хайдаб келди. Раис қўйи эгилган оксоч бошига урмади, «Меҳнат хаки қирқилсин!» деган қатъий буйруқ билан чекланди. Унинг семиз, бийдай қоп-қора афти кўпчиб кетган, хали қўлининг қичуви қонганга ўхшамасди.

Ўроқчи қиз-жувонлар бўлаётган гапларни жим кузатишарди. Қўллари нилдан тўхтамаган, акс холда ҳамма бало уларга ёғилиши ҳам мумкин-да! Улар дарғазаб раиснинг диққатини тортмаслик, унга бирон баҳона топиб бермаслик учун ўлиб-тирилиб ишлашарди. Шу топда ягона халоскорлари ҳам, овунчлари ҳам иш эди. Аммо...

– Тўхтат ўрокни! – деб хайкирди Жонқобилов улар томонга.

Ўроқчилар ишдан бош кўтардилар.

– Сенлар давлатнинг ишини қилаяпсанларми ё кўзига чўп суқаяпсанларми, а? Нега машоқ қолдириб ўрасанлар! Одамлар қон кечиб, душман билан жон олиб, жон бераётган пайтда сенлар хосилни барбод қилаяпсанлар! Ҳа! Ҳаммангни қаматаман! Ҳаммангни кўкайингни кесаман! Холаёрова бу ёққа кел!

Ўроқчилар орасидан қорамағиз юзли, кўхлик, узун бўйли жувон чиқиб келди. Звено бошлиғи Қора Зайнаб шу аёл эди. Қишлоқда икки Зайнаб бор – ранги-рўйига қараб бирини Қора Зайнаб, бирини Оқ Зайнаб дейишарди. Иккисининг ҳам эри жангга кетган, иккиси ҳам забдор жувон.

– Оқ Зайнаб! Жанғил ёшлар етакчиси! Сенлар ҳам кел! – деди раис, сўнгра олдига келган Қора Зайнабга бакирди. – Булар ғаллани талон-тарож қилаётганда сен қаерда эдинг? Сен бизнинг ишонган одамимиз, бошқарув аъзосисан-ку!

Жувон тутакди, юзи вазабдан ва номусдан яна ҳам қорайиб кетди.

– Мен ўроқчиман, ўроқ ўришимни биламан. Таҳкирламай гапиринг, раис! Ҳар қалай эркак отингиз бор...

Бироқ гапи оғзида қолди, раис бор кучи билан юзига қарсиллатиб қамчин урди. Аёлнинг юзи зарангдай қамчин ўримида тарс ёрилиб кетди, чаккасидан гиркираб қон чиқди. Раис қонни кўриб баттар кутурди, аёлнинг кўкраги аралаш устма-уст қамчицлай кетди. Одамлар Латиповадан мадад кутиб унга қарашди, чунки угина орага тушиши, раисни юмшатиши мумкин эди. Бироқ арбоб аёл от устида ҳамон бамисоли ҳайкалдай хиссиз қотиб турар, бўлаётган ҳодисаларни кўрмаётгандек бепарво эди...

Бойхон ҳушини йиғиб қараганида Жонқобилов энди Оқ Зайнаб билан Жанғилни саваларди. Жанғил унинг чечаси урушда бедарак кетган амакисининг унашилган қайлиги – чидаб туrolмади:

– Қочинг чеча, қочсангиз-чи парига! Нега узангига тикиласиз? Фашистан ёмон у! Мен ҳали унинг калласини оламан! Сизлар учун, отам учун! – деб қичқириб юборганини билмай қолди. Назарида уни аллаким бўғаётгандай бўлди. «Буларнинг бариси туш, мен ёмон туш кўраяпман, босинқираб қичқираяпман», дерди ўзича.

Жонқобилов унга ўгирилиб ваҳшат билан хайқирди:

– Сенми? Сен-а! Ичак-чавофингни ағдариб ташлайман, итвачча! Чифонага чиқиб ғаллани талатган сен эмасми? Халқ душмани! Бери келчи!

Бойхон ўрнидан жилмади, Жонқобилов тепасига келганда ҳатто четланмади ҳам. Аввал ҳавода вириллаётган камчини, зарбаларни туйди, сўнгра нима бўлганини эслолмади. Гўё борлиқ остин-устун бўлиб кетган, Бўзадир кўкка чиқиб, осмон ерга тушгандай эди... Ўзига келиб тупроқда қоришиб ётганини билди. Кўзларига беғубор осмон кўринди. Осойишталик қарор топган, Жонқобилов ҳам, қора отда ҳайкалдай қотган Латипова ҳам, сўкинавериб бўғилиб қолган Шойимкул ҳам йўқ, Оқ Зайнаб бошини тиззасига олиб ўтирар, Жанғил билан Гулойим юзига сув сеппиб, рўмол билан жароҳатларини, қон юқини артиб туришарди.

– Кўзингни оч, қайним, – деди Оқ Зайнаб, энди унинг овози ҳазиллашган пайтидагидек жарангдор эмас, инакдай майин, меҳрли эшитиларди. – Бахтингга уста Ўмир келиб сени айириб олди. Бўлмаса нақ ўлдириб қўярди, йигит ўлгур қобон.

Бойхон ўзини мажолсиз сезар, аммо не ажабки, кўзлари чараклаб равшан торганди. Атрофдагиларни, осмонда учиб юрган қушларни, қанотларини силкитганларини аниқ-гиниқ кўрарди. Қутилмаган равшанлик уни лол қилиб қўйган эди. Кўзидаги чечак ҳам, садаф ҳам ғойиб бўлганини уйга келгандагина англади. Бир ҳафта қил гиламда бадани кизиби-ёниб, иситма тутиб ётди, кейин оёққа туриб далага отланди...

У ўша қабоҳатларини ва даҳшатларини эсларди-ю бироқ асоратини сезмасди. Ўсмирлик дамларидаги барча кўрган-кечирганлари ғаройиб тушга ўхшарди. Гўё қора қунлар, галагов, отасининг ўлими, чечак, Жонқобилов –

хаммаси Бўзадир даштларида офтобнинг ва урушнинг тафтида куйиб кетгандай эди...

\* \* \*

Ёлтошнинг адоғини соя босди. Йилкилар ўриш тусагандек бошларини тўлғаб қирларга карашар, андиз ва буғдойикнинг таъмини олиб тамшанишарди. Бойхон наридан-бери тамадди қилгач, уюрни ўришга хайдади. Орқада тошларга қоқила-суқила йўртаётган Човкар устида чапг-тўзонга қоришиб бораркан, биқинлари қавишган, ковурағалари саналиб ётган хароб йилқиларига боқиб яна феъли айниди. Қанчалик ўзини бардошли тутмасин, кимсасиз тоғ уни эзиб ташлаган эди. У тишлари орасида гичирлаётган тўзонни туфлаб кетидан болахонадор қилиб кимлариндир сўқди. Шу топда кекса чавандознинг қўлига уни ва йилқиларни шу кўйларга гирифтор қилганлар, айниқса опшаси Сайпилла кал тушганида-ми, нима қилишни ўзи биларди. Чунки бу ишларнинг хаммасини шу каззоб бошлади, дерди. Ахир у районда очилган чорвачилик курсида ўқиб келмаганида, уни мудирликдан тушириб ўрнини эгалламаганида йилқилар шу кунга қолмас эди-да. Лангарда йилқичиликни тугатиб қўй боқинни ўйлаб топган ҳам мана шу қувда! «Бутун районда қорақўл қўйларидан зўр даромад олинаётган пайтда, биз бесамар қилқуйруқларни қувлаб юраверамизми?!» деб мажлисда какиллаган ҳам шу. У пайтлар Бойхоннинг ҳар қалай таъсири бор, Сайпилланинг гапига ҳеч ким қулоқ солмади. Аммо совхоз бўлди, Тўракул ота раисликдан тушди, Сайпилла кал ишбилармон, ўқиган чорвачи, Бойхон эса курук довруқлар билан яшаётган эски одамга чикди.

Кўкламда йилки пунктида бўлган мажлисда илгари бу ерга ташриф буюрган тошкентлик олимнинг гапини рўқач қилди: «Қорабайир йилқилар ноёб тур, йилдан-йилга камайиб бораяпти, уларни асраш, хўжаликларда қимиз етиштиришни қайта ташкил этиш лозим. Қимиз ҳам дори, ҳам таом, ҳам даромад». Лекин у йилки учун жон қуйдирганида бу нафларни ўйламаган. Зора гапи

инобатга олиниб, йилки колдирилса, деб чўтлаганди. Афсуски бунинг зиғирча фойдаси бўлмади.

– Йилқини колдириш ёки колдирмаслик бизнинг ихтиёримизда эмас, – деди совхоз директори Ўтбосаров. – Юқоридан шундай топшириқ бор. Хўжаликни сердаромад сохага айлантиринглар, маккажўхори экинлар деган.

Бироқ Бойхон унинг гапини чўрт кесди:

– Мана шу уюр қолади. Бошқаси билан ишим йўқ, бошқалари нима бўлса бўлди.

Ўтбосаров лол бўлиб қолди. Бошидан шляпасини олиб унинг бурни тагида силкитганча, қайтадан тушунтиришга киришди:

– Бунинг иложи йўқ. Эшитяпсизми? Иложи йўқ! Йилқининг ҳаммаси бизнинг ҳисобимиздан чиқиши керак. Совхозда ортиқ битта ҳам сақлай олмаймиз, билдингизми? Энди йилқичилик деган гап йўқ. Мабодо шу уюр қоладиган бўлса, унга ем-хашак ҳам, ўтлаш учун яйлов ҳам ажратолмаймиз. Йилки планимизда йўқ, давлат биздан бу соха бўйича махсулот ҳам талаб қилмайди.

– Боққани учун йилқичига ҳақ ҳам тўланмайди. Сен эса шу бугундан бошлаб мудир ҳам эмассан! – Сайпилла бир ердан какиллади.

Бойхон Ўтбосаровнинг гапидан кейин йилқининг қўлдан кетишига кўзи етиб қолган эди. «Қалдан қолиб чиқишим керак!» дея дилидан ўтказди.

– Мен уюрни бермайман. Нима қилсанг қил! – деди у Ўтбосаровга. – Ўзим боқаман. Давлат озуқа берадими, йўқми, маошсиз очликдан ўламанми, барибир!

У сўзим тамом, дегандек ўрнидан ирғиб турди.

– Шошилманг, Бойбулов! – фамилияси билан чакирди директор, таъсирлироқ чиқади, деган умидда. – Ахир, эртага комбинатдан машиналар келади-ку! Улар билан келишиб қўйганмиз!

– Келишганинг билан бир чақалик ишим йўқ. Бутун умрим, меҳнатим сингган тулпорларимни қушхонага жўнатишларига йўл қўймайман. Ҳали ўлганимча йўқ, ҳали Бойхон отим ўчган эмас! Мени бутун вилоят танийди, манави кални эса халқ бир чақага олмайди.

- Йилкяни топшир, ошна ўрлик қилма! - чинкирди Сайпилла.

Бойхон белбовига кистирилган камчини шартта суғуриб унга сермади. Аммо кал абжирлик қилиб ўзини столнинг орқасига олди. Қамчи столда ётган Ўтбосаровнинг шляпасига тарсиллаб тегди-да, нарига учириб юборди.

У стол ортида мушукдай пусиб турган ошнасига қарашга ор қилгандай шартта ўгирилиб идорадан чиқиб кетди. Катталар бир қарорга келишга ҳам, уни йўлдан қайтаришга ҳам улгуришмади. Човқарни қозикдан ечиб минди-да, гўштга жўнатиш учун ҳайдаб келинган охириги уюрни олдига солиб тўпла-тўғри Бўзадирга йўл олди.

Шундан бери у йилкиларни ўз хохиши, саъй-ҳаракати билан боқиб юрибди. Уюрнинг ҳам, ўзининг ҳам қисмати буюдан кейин қандай кечиши номаълум. Фақат бир нарса аён: Эндиликда улар учун ёруғ олам анча тор бўлиб қолган эди.

Чўпонлар қувғинидан кейин йилкиларни овули яқинига ҳайдаб келди. Бироқ кора торғиб келган овулдошлариям уни совуқ қарши олишди. Кечкурун уюрни дўнгликда қолдириб уйига келаётганида тўнғич қизи Зумраднинг ўтов ёнида қайнонаси билан айтишиб турганини кўрди-ю, таъби баттар хира бўлди. Эридан эрта тул қолган гапга чечан кампир жаврарди:

- Аввали ичкуёв бўлмай ўғлим ўлсин. Ўз бошига рўзгор қилиб, қайнотадан холисроқда ўтирмайдими! Қуниям энди йилда туғадиган, ивирсиган жанжалкаш келинга қолдими?

- Нега ичкуёв бўларкан? Ўз уйи, ўз рўзгори-ку! Отам аралашаяптими? - шанғиллади Зумрад. Афтидан, шанғиллашни ҳам аллақачон қайнонасидан ўрганиб олганди.

- Ичкуёв бўлмай гўрми? Яйловга кўчиб чиққанида ёнига тикиласан, тилинг чиқиб қолади. Шўри курсин, ичкуёв ўғил ёвдан ёмон! - дерди кампир лаби лабига тегмай.

Човқарнинг биқинига товони билан ниқтади. Аҳмоқ кампир қанқув гапириб қайфини учирган эди. Ўтовига

боргач сал дили ёришди. Ичкари саранжом-саришта, осуда. Тўрга, тахмонлар устига тоза, чўндай рангдор гилам кигизлар, шойи кўрпачалар, лўла болишлар қўйилган, кераганинг гир айланасида ям-яшил ўтлар ўсиб ётарди. Бойхон хотини янги келин бўлиб тушган дамларни эслади. Болхин ҳар эрта уйни йиғиштириб сув сепарди. Чийдан шамол эсиб, офтоб нури уриб турганидан керага тубидаги ўтлар гуркираб ўсарди. Отаси ёстиққа яслангач, Ойдин каршисида тиз букиб ўтирди. Бойхон унинг пешовасидан ўпиб қўйди. Кенжалигиданми ё танҳо суянчик бўлиб колганиданми фарзандлари ичида шунга бўлакча меҳр қўйган.

Алламаҳалгача ухлашмади. Ота овқатдан кейин устига сочиқ ташланган хум чойнакдан кўк чой куйиб ичиб ўтирди. Қизи унинг кийимларини ювди, қуриши учун керага қулоғига осди. Ўрнига янги, тоза устбош келтирди. Бойхон буларни кийгач, ўзини қушдай енгил сизди, таъби очилди. Кўпдан бери устара тегмаган соколи атрофини кириб текислади. Гўё ёшлиги қайтгандай! Борлиқни ўн тўрт кунлик тўлини ой ёритарди. Торларда ранглар ўткир бўлади, ойдиннинг кундуздан хиралиги билинмайди — харсанглар; бўз адирлар оқ ёвдуга чўмилган, гўё атрофда оддий тупроқ, тошлар эмас дурлар сочилгандай, олам сиёму зарга тўлгандай!

Ойдин ишларини саранжомлаб, отаси ёнига келди, «ухлагин қизим» деганига қарамай, овулдаги гаплардан сўзлаб ўтирди, аммо ота қизининг бошқа нимадир демоқчилигини, ўзига дахлдор муҳим гапини айтолмаётганини пайқади. «Ойдин бу йил ўн саккизга тўлади. Энаси бўлганда у билан сирлашар эди, — деб афсус қилди дилида. — Қизим-а, муштипар қизим-а! Дардингни унга айта олардинг...

Ота ва қиз унсиз суҳбат қуришарди. Ниҳоят Ойдин Менгли мерганнинг ўгли Мурод таътилга келганини тутила-тутила айтди. Лоладай қизариб кетди. Шу йиғитнинг отини тилга олганда қизариши бежиз эмас — Менгли мерган анчадан бери Ойдинни келинликка сўратиб юрибди. Совчиси Бойқўчқор. Бойхонга инисининг совчи

бўлиб юриши ёкмаганиданми ё бошқа сабабданми, бу гапга рўйхушлик бермай келади.

Ойдин уялиб гапни бошқа ёкка бурди. Мурод у ёкда акасини кўрибди, аспирантурала ўқиётганмиш, уларга салом, деб юборибди. Бу янгилик отамнинг кайфиятини чов қилади, деб ўйлаганди бечора қиз. Аммо Бойхон ўтган йили ўғлига бир қизни битишиб, ўқишдан келишини кутиб ўтирганида унинг шахардан бир сочи кесилган сариқ қизни етаклаб келиб юзига оёқ босганини эслади-да, афти чала ёнган ўтиндай қорайиб кетди. Сўнгра Ойдиннинг дилидагини айтолмай акаси – Шерзоддан гап очганини билиб тагин юмшади.

– Кел қизим, пўстиннинг ўнгирини ёпингин, шамоллаб қолмагин-а, – деди.

Ойдин унга яқинроқ сурилиб ўтирди, кўзларидан мунчоқдек ёш тўкилиб кетди. «Нима бўлди, қизим? Нега...» Аммо шунда тўсатдан қизининг дилидагини пайқаб қолди. «Майли болам, кўнглинг Муродда бўлса, мен нима ҳам дейман. Мен рози. Бахтли бўл, қизим». Буларни ичида айтди, лекин қизи ҳаммасини англади. Ота ҳам билди. Юлдуззор фалак узра кезаётган ой ҳам таъсирлангандек, уларнинг дийдорини кўриб тўкин нурларини устларига сочарди...

Эртаси кунни Менгли мерган юборган совчилар уникдан тўн кийиб, оқ белбоғ бовлаб қайтишди. Уни ҳамма «куёв» билан қутлашди. Аммо фотиҳа тўйида саруполарни мўл олиб келиб унга устамлик қилаётган Менгли мергандан ҳам, тўйга раҳнамолик қилаётган иниси Бойқўчқордан ҳам ранжиди. Бойқўчқор хизматдагиларга иш буюрар, араз урганларнинг кўнглини оларди. «Акамнинг тўйига беш-қош бўлиб, эмчақдошлигимни билдираяпман, акам мендан хурсанд бўлар», деб ўйларди. Бойхон эса аралашиб, тўйда бор-йўғи бир қозон ош дамлангани, чори қўчқордан яна битта сўйилмагани учун баковулларни роса койиди. Укаси унинг учун изза бўлиб, уйга – оқсоқол одамлар ёнига бориб ўтиришини, иззатини сақлаш лозимлигини айтди. У «бориб» ўтирди: аммо юраги ўртаниб кетди. Зурриётининг тўй-томошасида уларнинг бахтини кўриб қувониб

юрадиган одми оталардай бўлмаётгани учун азоб чекарди, дилига чироқ ёкса ёришмасди. Бир ёғи, Бўзадирдаги можаро, кейинам чолларнинг орасида куни овқат ейишга қолгани учун ўзига-ўзи ачинарди. Хали пуштдан қолмаган забардаст эркак тасбеҳни қўлига олиб маърака кезиб юрадимми? Мулла Абдулло бошқа гап. У илмдор одам, унга ярашади. Ана ҳозир ҳам уйнинг тўрида, қават-қават кўрпача устида чертса қон томғудай қизил юзидан нур ёғилиб тасбеҳ ўгириб ўтирибди.

– Йилкини овулга ҳайдаб кепсиз-да, Бойхон полвон, – деди ўзига қараётганини пайкаган мулла таънаомуз ҳамдардлик билан. – Нобакор чўликлар кўп ёмон иш қилибди. Ҳай майли, қуфрга берилманг, шукрона келтиринг. Энди беш вақтини ўқиб, худо деб қолган умрингизни тоат-ибодатда ўтказсангиз хўб бинойи бўларди. Йлло шу пайтгача намозу рўзани қазо қилганингизни эгамнинг ўзи кечиргай. Буёғига хушёр бўлинг, Аллоҳнинг қарами кенг. Аммо қаҳри ҳам қаттиқ! Катталарнинг гапига кирмаганингиз ҳам тузук эмас.

– Одамларга тавфиқ, имон тилаганингиз маъқул, – деди Бойхон зарда билан. – Лекин сиз мени худога эмас, бандаларга сизингиз деясиз. Мен бир худо-ю бир қора қалламга сизинаман. Сиз шунга нима дейсиз?

Мулла ўсал бўлиб қўлини тортди. У билан бир дастурхондан таом еб, ўзи айтмоқчи «гуноҳи азим»га мустаҳиқ бўлишдан кўрқди шекилли, яна тасбеҳ ўгира бошлади.

– Бу имконсиз иш, Бойхон полвон – деди ниҳоят узок сукутдан кейин бош чайқаб. – Бандасининг ёлғиз ўзига эътиқоди нимага ҳам арзир эди.

У индамади. Баҳса ютқазгани учун эмас, асло. Мулла Абдуллони ҳурмат қиларди. Одми муллалардан эмас, мадраса кўрган, Каломуллоҳиям, чор китобиям ўқиб туширган. Ўзи ҳам нақллариши хўб эшитган. Шу боис муллага арзу ҳол қилди, йилқиларининг юрта сизмай қолганидан гап очди. «Энди ўзимам қартайибман, аввалги кучим қолмабди», деди. Шундан сўнг одамлар унга шунақанги «жўялик» маслаҳатлар бериб, панду насиҳат ўқишга киришдиларки, у хасрат қилганига афсусланиб

колди. Хаммаси уни йўлга солишга уринишарди. Назарида ўзларининг нари-бери ўтаётган умрларини унга ўғит қилиш билан тўлдирмоқчига ўхшардилар.

– Бойхонбой, Лангарда энди йилкичилик тугармиш, деб эшитдик, шу рост гапми? – деди Замон қоқбош ёшланган кўзларини қисиб уни синамоқчидай тикиларкан.

Ундан садо чиқмади. Чолнинг саволи ўлганнинг устига тепгандай бўлди. Тарин қудаси Менгли мерган ҳам минғирлади:

– Хайдаб юрган йилқиларингиз қаерга жой бўлади? Хукуматнинг қарорига тескари иш қилиб уларни олиб қолишингиз маъқул эмас-ов.

– Сиз ака, ёшингиз бир жойга бориб айнинингиз, – деди Бойқўчқор. – Бу савиллар кишлокни оралаб юрса элнинг кўзига ҳам ёмон.

Хаммадан ҳам унинг юрагига ханжар бўлиб ботгани – Бойқўчқорнинг гапи бўлди. Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога. Инисига ва бошқаларга ҳеч нарса деёлмайди. Эртаси кун амакиси Кенжа бобони чақириб: «Қайтгунимча уйга қараб турасиз», деб тайинлади-да, хаммасига этак силкиб Ёлтошга жўнаб кетди. Уюрни кишлок кўчасидан хайдаб ўтаётганида овулнинг болалари йилқиларга тош отиб қувлашди. Бир пайтлар уни суйган, хотинидан совутган аёллар уларни «тек» дейиш ўрнига ўзлари ҳам жовуллашиб қарғашди: «Ордона қолғурлар ўришимизни пайхон қилганлари етмагандек кўчани ҳам чангга ботиришди, ёйиб қўйган кирларимиз тупроқ билан битта бўлди. Уларнинг дастидан болаларимиз эмин-эркин ўйнай олишмаса. Ҳа, соқолинг гўрда чиригур, золим! Қартайганда бунга валломатликни ким қўйибди? Йилқиларинг қарошингга сўйилсин илойим!..»

У миқ этиб оғиз очмади, обрўни қўлдан бермай оёғини узангига тираб кетаверди. Қалпоқларига тош солган болалар, желакларини қўлларида силкитган аёллар йилқиларни кишлокдан чиққунча изма-из қувлаб боришди...

Жазирама ҳамон авжида. Далалардан худди темирчининг кўрасидан чиқаётгандек олов сели уфурарди. Осмондаги бургут иссиққа парво қилмасди, аксинча куёшнинг тафтидан куч олаётгандек хавода осуда, энгил сайр этарди. Хозир қартайиб қолганини ҳам, саратон тиғи куйдираётган чавиллар узра саросар кезиб юрганини ҳам унутганди. Гўё атрофда бир вақтлардагидек ўзи тенги ёш бургутчалар учишаётгандек, жоши танасига сиғмай тиниқ кўкда хаволанарди.

Бургут илк бора учирма бўлиб осмон шамолини жисмида туйганида шундай бесабр қанот қокқан, бошқалардан ўзиб йироқларга учиб кетгиси келган эди. Қулранг чавиллар ўшанда минг хил оловланган лаълу ёқутлардай, Ёлтош эса ер юзининг жаннатидай туюлган. Шох қоя тепасидаги Она бургут ошёни ҳам хозиргидек ғариб эмасди. У пайтларда Шох қоядан ёлғиз ўзи учиб чиқмасди. Олдин тунда уни ва бошқа полапон бургутчаларни қанотлари остида иситиб чиқадиган, тумшувида хўрак тутадиган меҳрибон Она бургут йўл бошларди. Орқасидан эндигина темир қанот чиқарган бургутчалар! Шох қоянинг бошқа тарафидан эса вақти-вақти билан уларнинг ошёнига меҳмон бўлиб турадиган оқ тожли, ўмгани чипор сор бургут хавога кўтариларди. Кўп ўтмай панжасида илон ёки қалтакесакни типирчилатганча улар ёнида пайдо бўлади. Шундан сўнг ҳаммалари бирор тоғ қатовига қўнишар, Ота бургут тилқаланган танасидан қони тиркираб оқиб турган ўлжани ўртага ташларди. Она бургут эса унга эгаллик қилиб одатдан ташқари ўткир ва абжир тумшуви билан бўлақлар, шундан кейингина чирқиллаб илҳақ бўлаётган бургутчаларга хўракни улашиб берарди, ўз насибасини ҳам унутмасди албатта. Ота бургут овнинг бошидаёқ нафсини қондирган шекилли, бир чеккада кунтийганча зурриётларининг мазали лукмаларни ейишларини мароқланиб кузатиб турарди. Бордию ошёнлари тепасига бошқа бургут шитоб билан учиб келса ажаб томоша юз берарди. Келгиндини олисдан кўриши билан

Ота бургут ҳавога кўтарилади. Бирпас чақирлмаган «меҳмон» атрофида айлангач, унга шиддат билан ташланади. Кўпинча олишув шу илк ҳамладаёқ бир ёқли бўлиб «меҳмон» жойи ростонига кетар, баъзан эса, аксинча жанг узоқ давом этарди. Ота бургут рақибини чағилга кулатиб қонга ботган тожини байроқдай хурпайтириб, қанотларини қолибона керганча Шоҳ қоядаги ошёнга кўнаради. Бундай дамларда Она бургут «кийк-кийк» дея эҳтиросли овоз бериб унга жуда парвона бўлиб қолади, қонга беланган чипор ўмганига суйкалади. Ёш бургутчалар эса уядан бирин-кетин учиб чиқиб хозиргина тугаган жанг нишонаси – чағилда тўзғибган патлар узра беармон парвоз қилишарди...

Бургут бепоён мовийлик бағрида сузаркан, атрофи кимсасизлигини, қанотлари зилдай оғирлашиб қолганини сезмасди...

Шамолгоҳда ором олаётган йилқилар баданларини дириллатиб силкипди. Ёлларини сарин ел шопиради. Бунақа маҳалда уюр мавжланиб-мавжланиб қирғоққа тўш урган денгизни эслатади. Йилқиларнинг мисдай қизиган сағрилари шамол теккач, ранг-баранг товланади: дам кумушдай ярқирайди, дам олтин янглиғ ёнади, дам сулув қизларнинг қора зулфларидай зулмат тусга қиради.

Бойхоннинг назарида ҳаводан қимиз бўйлари уфураётгандай, яна аллақандай дилни ўртовчи куй ҳам таралаётгандай:

*Гулойим, Гулойим дейишади,  
Зулфини шамоллар эшади.  
Гулойимни айтманг бизга,  
Юракка ўтлар тушади.*

У ёлдор кўксини шамолга тутди. Димоғида қимиз бўйларини туйганда Гулойимни эслаб юрак бағри ўртаниб-ўртаниб кетади...

Баҳор чоғи бияларни соғиш учун овулнинг қизжувонлари Бўзадирга куч-кўронлари билан келишар, дашт алвон лолалар очилгандек яшнар эди. Уруш тугаган, Жонқобилов қилмиши фош бўлиб қамалиб кетгач, ўрнига урушдан қайтган Тўракул ота раис бўлиб

Бойхонни фермерга мудир килди. Ўқишга юбормокчи эди, ammo уида карайдигани бўлмагани учун фикридан қайтди. Бойхон бошига сур теллагини кўндириб, эгнига ок чакмонини елвагай ташлаб (булар отасидан қолган, мудир бўлган куни энаси бўҳчадан олиб кийдирган эди) кўшокни айланиб юрарди. Кизлар, эрларни урушдан қайтмаган ёш келинчаклар унга зимдан кўз тикишар, оқшом чоғи йилкичилар олиш қурганда, бўз йигитларни таппа-таппа босаётганида нор билакларига бокиб хўрсиниб қўйишарди. Соғимчилар икки маҳал бияларни соғишар, ёшамол, тажриба кўрган аёллар сутни қувиларда ишлаб қимиз тайёрлашарди. Тайёр бўлган қимиз бидонларга солиниб, колхознинг «полуторка»сида районга жўнатиларди.

Бойхон учун бошқалар бир тараф, Гулойимнинг ўзи бир тараф. Қиз ҳам бошида фаранги рўмол, эгнида каштали алвон кўйлак. Даштлар ичра, соғимчилар ичра тўлин ойдек танҳо. Мудирнинг ошиқлигини билади, ammo рўйхушлик бермайди. У билан ўзини тенглаб, синашиб юради.

Қоқ туш пайти, қувичи аёллар ишни тўхтатиб, бироз мизгигани чодирларига кетишган. Уларга қарашаётган Гулойим нимагадир хаяллаб қолди. Бойхон бидонларнинг қопқоғи маҳкам бекитилганми, йўқми деб чайқатиб юрган эди. Қизни танҳо кўриб юраги гупириб кетди. «Шу бугун айтаман, хозирнинг ўзида! Бўлмаса бир умр айтолмай армонда қоламан» деб ахд қилди.

Гулойим тайёр бўлган қимизни қувидан бидонларга ағдараётган эди. Уни пайқагани йўқ ёки ўзини шундай кўрсатарди. Ҳар қалай, йигит қаватига келганида илкис чўчиб тушди, соч ўримлари белида тўлганиб кетди, кизаринди. Сўнгра қимиздан бир чўмич олиб йигитга тутди. Бойхон қизнинг диркиллаб турган кўкрагига кўзи тушганда лоп этиб юзига қон урди, чўмичда чайқалиб тўкила бошлаган қимизни сипқориб, оқ юки урган мўйловини кафтининг сирти билан артди.

— Гулойим! Мен сени суяман! Оламан сени!

Қиз гўё хайратлангандек чарос кўзларини сузиб унга қаради. Бир кулиб қўйиб тезда нигоҳини олиб

кочди. Йигитнинг назарида дил бергандай бўлди, бироқ тўсатдан шарақлаб кулди-да:

– Сиз мени оласизми? Мени-я! Сиз мен тегадиган йигитнинг кўлига сув ҳам қуёлмайсиз! – деди ва бурилиб кетди.

Чодирга етгач изига қайрилиб қаради-да: «Ҳазиллашдим, тағин аччиқланиб юрманг!» дегандай рўмолини силкитди.

Мавсумнинг сўнгги оқшоми ҳам келди. Соғимчи қиз-жувонлар йигитлар ёққан гулхан атрофига жам бўлди. Ўртага дошқозон осилган, унда бугун сўйилган той гўшти билк-билк қайнарди. Ҳамма шод-хуррам, ғам нима билмас, гина-кудуратлар унутилган, гапи чап тушган, бири-бирини ғийбат қилишган аёллар ярашган. Кексалар ҳам ёшаргандай! Йилқичи бўз болалар қиз-жувонларга тинмай тегажоклик қилишар, улар ҳам ранжишмас, силтаб ташлашмас эди. Бир ерда кўшиқ, бир ерда чанқовуз, бир ерда ўйин! Аждоди бахши ўтган Омон йилқичи дўмбирасини булбулдай сайратарди.

– Гулойим куйинни чал! Гулойимни! – деб кийқиришарди бўз болалар.

Гулойим ўйинга тортган бўз болаларга бош бермай қизлар билан дўмбира куйига ракс тушар эди. Эртага ҳамма овулга қайтади, келгуси мавсумгача бундайин даврани кўриш йўқ, юракларнинг черини чиқарган қолади.

Шўрва ичилиб, гўшт ҳам ейилади. Кенжа бобо фотиҳага қўл очди:

– Омин, тинчлик бўлсин, ёв қайтиб юртимиз тупроғига оёқ босмасин! Шаҳидларнинг жойи жаннатда бўлсин. Ўғлонлар хамиша ёнимизда, бизга қувват бўлиб юришсин. Юртимиздан қут-барака аримасин!

Кенжа чол уятчан одам, аммо дуони қойил қиларди. Гуриллаб юзларга фотиҳа тортилди. Охирлашган ой Кўрагон тоғидан шуъла берганда ухлагани тарқалдилар.

Тоғдан эсаётган салқин шабада ухлаётганларни алла-лаб ҳориган танларига ором берарди. Бойхонгина бедор... У соғимчиларнинг эртага қайтишини ўйлаб қўшхонада айланиб юрганида Қора Зайнаб енгидан ушлади.

– Укам, – деди аллақандай сирли шивирлаб. – Мен сенинг дардингни биламан. Гулойимга ошиқсан, тонма гапимга яхшилаб қулок сол. Истасанг шу кеча кўйнига соламан. Унинг ҳам кўнгли бор, тегса сендай йигитга тегди-да! Бошларингни қовуштириб савобга ботайин дейман. Лекин сўз бер, тайин оласанми?

– Оламан, фақат у...

– Ишинг бўлмасин у ёғи билан. Капага кир, Қора Зайнаб унинг қўлидан етаклаб, атрофда тизилишиб, бир-бирларининг пинжигга сукилишиб ухлаётганлар орасидан олиб ўтди.

– Гулойимга Сайпилла ҳам харидор, тагин доғда қолма йигит. Оқ Зайнаб совчиси, биласан, илоннинг ёғини ялаган хотин. Қал ул-бул нарса бериб, умид солдириб юрибди.

Сайпилланинг отини эшитиб баданида рақиблик хуружи уйғонди. Бирок капага яқин келганларида яна юраги пўккилади, орқага тисланди. Қора Зайнаб қўлидан тортди.

– Юравер, ўтаканг ёрилмасин. Йигит деган юракли бўлади. Бахтдан юз ўгирма, қушинг қўлингга кирай, деб турибди!

Аёл уни ўзини ўнглагунча бўлмаб капага итариб изига қайтди...

Капа ичи коронғи, устига ёпилган кигиз жулдур, илматешик, жуда тилсимлидай кўринарди. Кўзи коронғига ўрганишиб нарсаларни илғади. Гулойим қимиз тўла бидонлар ёнида бахмал камзулини ёпиниб, момик билагини бошига кўйиб ётарди. У дафъатан нима қиларини билмай туриб қолди. Бир кўнгли шартта чиқиб кетай ҳам деди, аммо яна, йигитлик шаъни, индамай қайтишни ўзига эп кўрмади. Гулойимни уйғотиш, унга бир нима дейиш, бундан-да душвор. Капанинг жулдуридан ой шуъласи уриб турар, шуъла қиз юзида, қора зулфларида ўйнар, назарида шу тилсим қўналға, шу ой ёғдуси, шу висол мангу муҳрланиб қолгандай! Унга ой ёғдуси далда бергандек бўлди, энгашиб қизнинг зулфи аралаш оқ юзидан охиста ўпди. Қиз сесканиб уйғонди, чарос кўзларини катта очиб қаради. Уйқули кўзида

хам кўркув, ҳам саросима, ҳам ибo бор эди. Уни та-нигач, беихтиёр кулиб кўйди, сўнгра кийикдай ўрнидан сакраб турди. Бойхон уни тутиб бағрига босди. Нима қилаётганини идрок этмасди, ич-ичидан тошиб келаётган вулқондай куч уни тажовузга ундар, қизнинг бўлик, аммо гулдай нозик баданини эзғиларди, йўғон бўйнига чирмашган қўлларидан гўё жисмига ўт туташди...

Бойхоннинг кейинги ҳаракатлари зое кетди. Энаси: «Нордай ўғлимга ўйнашдан туғилган кизни олиб бер-гунча ўлганим яхши» деб туриб олди. Гулойим эса Сай-пиллага ҳам рад жавобини берди. Ўша кузда Оксувга тўйлаб келган бир катағонлик чавандозга қўшилиб кет-ди. Омон йилкичи дўмбирасини булбулдай сайратиб, Гулойимни қўшиққа қўшиб унинг куйган юрагини куй-дирди:

*Зулфига зулфи қўшилиб,  
Қаро зулфлари эшилиб,  
Қатағонлик нор билан,  
Гулойим кетди қўшилиб...*

\* \* \*

Саратон охишлаб борарди. Андиз ва қоврақларнинг япроғи қовжираб ўзақлари атрофига тўкилди. Бу орада Бойхонни излаб Ёлтошга ҳеч ким келмади, йилқиларига ҳам даҳл қилишмади, ўлик-тиригидан ҳам хабар олиш-мади. Совхоз катталари: «Хумори роса қонса қонсин, охири безор бўлиб, урдасидан чиқолмай уюрни ўзи хай-даб келиб топширади», дейишгандир. Сайпилла кал эса: «Бу қайсар йилқиси билан тайин бўриларгами, илон-ларгами ем бўлади ё очликдан силласи қуриб ўлади», дегани аниқ.

Бойхон қирда ёйилган йилқиларнинг ширага тўлган бўлик бугдойиқларни шатир-шутир чайнашларини ку-затаркан шуларни хаёлдан кечирарди. Йилқилар энди Ёлтошга ўрганиб, туёқлари чағилларга қўникишган, сағирлари тўлишиб семира бошлаганди. У тулпорлар-нинг мириқаётганини кўриб мийингида кулиб кўйди. «Илонларга ем бўлишни кўрсатиб қўяман сенга! – дея ошнасини яниди. – Муртумни болта ҳам кесмайди, уюр-

ни қор тушгунча ўтлатиб аскарлардай қаторлаштириб пунктга ҳайдаб бораман, мудирликни ҳам сендан тортиб оламан, додингни худога айт! Курсда ўқиб келганинг менга бир пул. Сен ҳали ким билан ўйнашаётганингни билмайсан».

У қаршисида ястанган ҳудудсиз тоғлар салтанатига боқиб ўзини бардамлашаётгандек сазди. Бу ерда унинг ва йилқиларининг оромини бузадиган кимса йўқ. Бойхонга нонни бу ердан 8 чақирим наридаги Қизилтом қишлоғида турадиган бир бева аёл пишириб берар, ҳар ҳафта ўспирин ўғлидан юбориб турарди. Қизилтомга тўйлаб борганида уйларига кўноқ бўлиб танишган. Илгари қурғокчилик йили, Лангарда ўт кам битганда уюрларни Ёлтошга ҳайдаб келиб, кишгача унинг дараларида боқишган. Ўшаанда вертолётларини Шох қояга қўндириб аллақандай маъдан излаб юрган кончиларни учратган, Семёнов деган бошлиқлари билан танишган эди. У Москвадаги раҳбарлари билан роса бахслашиб, даралар қаърида ноёб бойлик бор, деб келгану, бир парча ялтироқ тош ҳам тополмай қайтиб кетган. Аммо ишончини йўқотмаган: «Мана кўрасан, ҳали қайтиб келаман. Бир вақтлар Помирда олмос излаб беш йилни ўтказганман. Неча кунлар бўронда оч-наҳор қолиб кетганмиз... Барибир Ёлтошнинг келажакига ишонаман. Ундан ҳали зўр кон топилади. У ёқдаги теңса-тебранмас профессорлар мум тишлаб қолишади ҳали!»

Бойхон Ёлтошга келиб геологлар кўмган темир фўлаларни кўрди. Фақат фўлалар энди кўпайиб қолган, шакли ҳам бошқача, бўёғи кетмаган, янги эди. Афтидан кончилар кўкламда тағин келишган, бунини чағилдаги машина ва бульдозерларнинг нам ерга ботган изларидан, бўшаган шишалар-у консерва қутиларида ҳам билса бўларди.

...Тун яримлади, аммо қўшхонада олов ҳамон авжланиб ёнарди. У чойни дамлаб, устига шол белбоғини ташлаб қўйди. Чойни бу тахлит тиндириш унга Болхиндан қолган одат. Болхин! Раҳмағли хотинини эслаганда ҳар сафар кўз ўнгидан нечундир бирга умр кечирган дамлари эмас, Болғали қишлоғи, кўкка бўй чўзган те-

раклар, баланд иморатлар ўтарди. Болғалидаги кураш, Болхинни илк марта кўргани, Ойтўла момо билан Кенжа чолнинг совчилиги...

У совиб қолган чойдан симириб оловга боқди. Назарида у катталашиб, кўкка чирмашиб бораётгандай, Ёлтош ҳам, ғариб қўналғаси ҳам қайгадир чекилиб, ўрнида кенг давра пайдо бўлгандай... У даврани, уни олқишлаётган оломоннинг гувиллашини рўй-рост хис этди!

Эндигина даврага чиқиб олишнинг халисини олаётган дамлари Гулойим юрагига доғ солиб катагонликка тегиб кетгач, бутун аламини курашдан оларди. Камашада катта тўй бўлармиш, вилоятнинг машҳур полвонлари йиғилармиш, деган гап тарқалганда у тинччини йўқотди, аъзойи бадани хуружга кирди. Майдон уни оҳанрабодай ўзига тортарди. Тўйга лангарликлар Тўракул раис бошчилигида колхознинг полторкасида дабдаба билан жўнадилар. У Калтатойда йилқининг бошида эди, кетганларидан кейин курашдан хабар тониб ичини ит тирнади. Охири Кенжа чолнинг қирчанги тўригини миниб йўлга тушди. Қирчанги йўлда човлаб қолиб, ит азобида Болғалига кун ботар-ботмас кириб борди. Тўйхона ит эгасини танимаган, талатўп кўринарди. Лекин сиртдан караганда, анойи одамнинг назарида шундай! Катта тўй расм-русмлари билан батартиб ўтаётган эди. Майдонда катта гулхан ёқилган, олов кўкка чирмашади. Кексалар, обрўли одамлар, тўйбошилар давранинг бошида, ёш-яланглар олдинда, полвонлар орқароқда жой олишган. Бир тарафда қиз-жувонлар! Болғалининг таърифи кетган сулувлари элнинг машҳур полвонларини кўриш учун келишган. Баковуллар даврадан сал илгари ўтиришибди, уларнинг ёнида олишга қўйилган зотлар уюлган. Бош баковул Овла полвон кундуз ёқали пўстинини елкасига ташлаб айланиб юрибди. Ҳозирча майдонда номи чиқмаган ёш полвонлар олишарди. Давранинг бошида бекасам тўн кийиб оқ белбоғ боғлаган икки баковул бор. Овла полвон улардан гап қолмаслигини билади.

Нихоят одми полвонлар кураши бўлди. Даврага Ёрғинчидан Аҳмад полвон билан Окзовлик Болта полвонлар чиқишди. Аввал иккиси қўл беришиб кўришдилар,

бир кур давра айлангач, маст туядай бир-бирларига ташландилар. Уч бел олишгандан сўнг, Болта бирданига қолиб келаётгандай бўлди. Бирок бу янглиш таассурот экани кейин билинди. Рақибни хужумга ўтмай кучини сақлаб, қочиб олишарди. Болта ўрама чил солиб: «Ё пирим» деб рақибнинг тоғдай гавдасини ердан озод қўтарди. Пашша учса сезиларли жимлик чўқди. Ҳамма нима бўлишини кутиб қотиб қолган. Афсус кўпчилик хавфсираган фалокат юз берди. Сўнгги дақиқада Болтанинг чили чиқиб кетди, мувозанатни йўқотди, ўзини ўнглагунча Аҳмад уни чалқанчасига қайириб босди... Кураш тугаган эди, қолибни табрикладилар.

– Ҳало-ол! Аҳмад полвон йиқитди! – деб кичкирди баковул ҳам.

Ёрғинчиликлар ҳайкиришиб ўз полвонларини қутлашди. Баковул ўртага патир тугилган шохи белқарсни кўйди, оломон курашнинг маҳобатли қисми бошланишини билиб шамол ётгандай тинчиди.

Баковул кичкирди:

– Бош товоқ совринига бир нор туя, туркмени гилам ва минг сўм пул қўйилади. Ўзига ишонган полвон майдонга чиқсин, бош товоқни эгалик қилсин!

Ўртага айикдай лапанглаб зармаслик Саман полвон чиқиб келди. Майдондаги белқарсни олиб ичидаги патирни тавоф қилгач, уч бора давра айланиб одамларга таъзим қилди. Бойхон унинг таърифини кўп эшитган, олишишини кўриб зўрлигига иқроқ бўлди. Ахир, бош товоқни олиш бутун даврага талабгорлик дегани! Одамлар безовталанишди: Саман полвоннинг бошқа бир элга келиб дов солиши ориятларини қўзғаган эди. Қамашиликлар яна Аҳмадга юзланишди, аммо ундан садо чиқмади. Баковул сўзини такрорлади:

– Саман полвонга талабгор борми?

Даврада қилт этган товуш бўлмади.

– Охириги марта айтаман, халойик! Бош товоқнинг армони кўп бўлади, гинадор бўлманглар.

Ўртага Бойхон отилиб чиққанида оломон хайратдан донг қотиб қолди. Нотаниш ёш полвонга ҳам ачиниби, ҳам довюраклигига қойил бўлиб қарадилар.

– Баракалла, ўғлим! – деган заиф, аммо рухланган товуш эшитилди бир ердан.

Бу Тўракул раиснинг овози эди. У Болта йиқилганда: «Катта ўрада ундан ўтар полвон йўқ, орига чикадиган топилмаса дабдаба билан келиб, шарманда бўлиб кетадиган бўлдим», деб тақдирга тан бериб кўйган эди. Бойхонни майдонда кўриб севинчини яширолмади.

Баковул Бойхоннинг юртини, насл-насабини сўраб халойикқа танитди. Ёш полвон уларга таъзим қилиб давра айланди, рўбарў келган полвонга қўл берди. Саман кутилмаганда чиққан бу талабгор ким экан, дегандек туслаб каради, ҳеч қаерда кўрмаганини билиб насиҳат қилди:

– Ука, ёш экансан, изинга қайт! Журъатнинг учун зотнинг ярмини сенга бераман. Ол, ош бўлсин! Сен билан олишмайман.

Бойхон айтди:

– Катта полвон! Олишмай туриб зот олиш чин полвоннинг ишими? Майдонга чиқиб ким қайтган. Манглайда бори бўлади!

...У рақибига узоқ вақт тутқич бермади. Ховлиқиб Болтанинг хатосини такрорламайин деб эҳтиёткор олишди. Ахир шунча қора кўзнинг олдида йиқилиш ўлимдан қаттиқ! Ақл бовар қилмас улкан ишга бел боғлаган эмасми! Иккинчи қўлда Саман унинг канча қуввати бор экан, дегандек силтаб ўзига тортди, бор кучи билан белидан қисиб кўйиб юборди. Рақибининг бадани тошдек қаттиклигини пайқаб, бекорга чиқмаганига ишонч ҳосил қилди. Кураш чинлашгач, Тўракул ота ўтирган жойида қимирлаб қолди. Йигитнинг тап тортмай олишаётганини кўриб қоронғи дилида умид учқуни йилт этди. Умрида курашга чиқиб бировнинг ёқасини тутмаган боёқиш тоқат қилолмай Бойхонга ўргатарди:

– Яқин борма, эй бола! Чилига эҳтиёт бўл-а!

Шойимкул ҳам, Сайпилла ҳам, Бойкўчқор ҳам шу ерда. Улар ҳам қийқиришиб мадад беришарди. Айниқса, Сайпилланинг чинқироқ овози баландроқ эшитиларди. Яқиндагина у билан Гулойимни талашиб юрганини, бошқа жанжалларни тамом унутган эди.

Саман ҳамон устундай оёқларини ерга тираб, писанд килмай олишарди. Лекин сиқувларга дош берган ёш полвоннинг чапдастлиги уни хушёрликка ундади. Учинчи қўлда курашни тугатмоққа аҳд килди, лекин рақиби чўт бермади: худди шу даврада улғайиб, кучига-куч кўшилиб, чин полвонга айлангандек чирпишиб олишарди. Энди у рақибининг Саманлигини ҳам, элнинг орики ҳам ўйламасди, булардан-да муқаддасроқ нарса уни ўз измига олган эди. Тўртинчи қўлда рақибининг ҳарсиллаётганини пайқади, аммо ўзи ҳам холдан тойиб қора терга ботган, Тўракул раис иситма тутгандек дағ-дағ титраб нидо киларди:

— Бўшашма, Бойхон сен ҳам йиқилсанг биз юртга нима деб борамиз? Элнинг шаънини ўйла, болам!

У бирдан ўзида номаълум бир довнинг шамолини туйгандек бўлди, билаклари шишиб томирларидаги қон хуружга кирди, рақибга тикка ташланди. Саман худди шуни кутиб турган эди: Елкаси оша тутиб, қўша чилни солиб, «Ё пирим!» деб кўтарди. Атрофдан «аттанг!» деган садолар янгради. Саман қўша чилни солиб кўтарганда рақибга омонлик йўқлигини билишарди. У ҳайкираб даҳшатли куч билан ёш полвонни бошидан ошириб ерга ташлади. Бойхоннинг кўзига бир зум юлдузлар чарақлаган осмон кўринди. Шунда юлдузлар унга мадад бергандай, сўнгги лахзада ўзини ўнглади, ерга кураги билан эмас юзтубан тушди...

Саман ҳалол йиқитдим, деган ўй билан одамларга ва баковулларга юзланди. Бирок ҳамма унга майдонни кўрсатишди. У рақибга қараб кўзларига ишонмади... Кураш давом этди. Оломон Саман кўтариб отганда кураги билан тушмаган ёш полвонни олқишлаб гувлар, бу унинг кучини беқиёс ошириб юборган эди. Энди рақиб кўзига кўринмай колди, еру-кўкка сиймаётганини, волибона дов келганини англади. Назарида рақиб бургут чангалидаги илондай талвасага тушганди. У Саманни чил солмасдан бир қўлида уюриб кетди. Кейинчалик ҳеч ким тоб беролмаган Бойхоннинг «куюн олиши», деб ном олган усул шунда яралган эди!

Саманнинг улкан гавдаси унинг бир кўлида па-  
лахмон тошидай чирпирак бўлиб айланарди. Рақиб  
белбоғларга кўтарилганда Бойхон «туя чил»ни солиб  
акл бонар қилмас куч билан силтаб юборди. Тоқчилар  
полвони айланиб келиб қоқ елкаси билан гулхан ёнига  
тушди, ўк еб осмондан кулаган қушдай қўлларини ёз-  
ганча, хийла маҳал ерда чилпарчин бўлиб ётди. Оломон  
гулларди. Одамлар Бойхонни кўтариб кетишди.

Кураш тугади, аммо одамлар тарқалмадилар. Шу  
қишлоқда қолиб полвонга тўн кийдириш одати бор эди.  
Удумга кўра уни бўй етган киз бола полвонга тақдим  
этарди.

Бош баковул Овла полвон кундуз ёқали пўстини  
енгини кийиб аёллар тарафга юзланди:

– Даврани Лангарлик Бойхон полвон соп синдирди.  
Полвонга тўн кийдирилглар бойбичалар.

Аёллар тарафда безовталиқ ва саросималиқ бошлан-  
ди. Афтидан удумни ким бажаришини олдиндан кели-  
шиб олишмаган, чоғи.

– Болхин келсин! Жўра саройнинг кизи Болхин му-  
носиб бу ишга! – деган товушлар эшитилди, атрофдан.

Қизил-яшил кийиниб жайнашган қизлар ўзларини  
чақиришмагани учун аччиқланиб лабларини буришди.  
Бошқалари, эр кўрган келинчаклар аксинча тезроқ бо-  
ришга ундашарди:

– Она қиз, бошингизга бахт қуши кўнди-ёв! Қаранг,  
кандай бургутдай жигит-а, хаялламанг ойнажон.

Нихоят тўндан сарвкомат қиз чиқиб келганда, бўйдоқ  
эмасми, Бойхоннинг юраги гушиллаб уриб кетди. Қиз  
баковулнинг кўлидаги зар тўн билан белқарсини олди.  
Гулхан ёруғида юзлари лов-лов ёниб, дафъатан полвон  
ёнига боришга ибo қилиб нарироқда оёқ илди. Кексалар  
орасида ўтирган мошгуруч соқолли, барваста киши унга  
далда берди:

– Бор кизим, удумимизни бажо келтир. Полвон йигит  
ким бўлса ҳам отасига раҳмат. Унга элнинг совғасини  
тортиқ қил.

Қиз рўмоли билан юзини ярим тўсиб, лабини тиш-  
лаб Бойхоннинг олдига келди, зар тўнни елкасига

солди. Илакдан гул солиб тикилган, рангдор пистонлар қадалган шоҳи белқарсни белига боғлади ва полвонга ибo билан шундай бир қараб қўйди. Самандай зўрни кўтариб отган полвон бу қарашга тоб беролмади. Йигитлик қилиб кўнглига эрк бердим, чиндан-да шайдо бўлдим, билолмади шу топда. Энди у майдонда жон сотганини ҳам, элнинг орини ҳам, бойибдан келган довни ҳам хис этмас, ўзига қадалган бир жуфт қора қўзларнигина илғар, уларнинг сеҳринигина туйиб сархушланар эди...

### 3

Ёлтош осмони бегард, осуда улугвор қоялар асрий сукутларини бузмай бир-бирига тўш урганча ястаниб ётибди. Ложувард осмонда парвоз қилаётган бургут оламга улугворлик бахш этарди. Ёлғизлик унга жуда ярашарди. Гўё қартайиб кучдан қолмаган, пўлатдай қанотлари ҳамон шиддатга тўла, тенқурлари билан ҳавода эмин-эркин, осуда парвоз қилаяпти. Шоҳ қояда эса ҳамон мода бургутлар «кийқ-кийқ», дея эҳтиросга чорловчи овоз беришяпти! Гўё тоғлар ҳам ўша қадимий қўшиқни – Эрк қўшиғини куйляпти!..

Кушнинг парвозини кузатиб ётган Бойхон ғайритабий ҳолатни бошидан кечирарди. Назарида вақт аталмиш дунёнинг чархи айланишдан тўхтаб қолгандек. Тонг отиб кун ботиши, фасллар алмашилиши, оламда нелардир содир бўлишининг вақтга сира алоқаси йўқдек. Унинг умри ҳам гўё қачондир – улоқдан чиққан кундами, Болхин вафот этган чоғдами, йилқилари билан қишлоқдан «ҳайт» деб чиқиб кетганидами илгарилашни бас қилган. Кўз ўнгидаги борлик – ҳаёт: қолхоз ўрнига совхоз бўлиши, одамларнинг от ўрнига машина, мотоцикллар миниши, хотинларнинг ўтин эмас, газ ёқишлари, бўз йигитларнинг бўйқизларга уйлангилари, туғилиш ва ўлиш ҳамма-ҳаммаси қандайдир эрмакка ўхшарди. Чинакам ҳаёт эса қачонлардир сирли равишда тўхтаб қолган вақтнинг юриб кетиши билан яна давом этади. Унинг болалик кечмишлари, Гулойим, Болғалидаги олиш, Болхин, Ойтўла момо билан Кен-

жа чолнинг совчилиги ҳам ўткинчи дунёнинг одатдаги нашъу номалари эмас, асл ҳаётнинг ўзи! Йўкса у кампирнинг қирқ йиллик эртагини муқаддас нақлдай эслаб юрармиди...

«Совчиликниям ўзига яраша йўли бор, қайним, – деб хикоя қилган эди Ойтўла момо. – Сенга Болхиндай нозанин қизни олиб бериш учун Ойтўла момонг иш кўрсатган. Билиб қўй қадрин! Бир элдан бир элга, синамаган юртга келин битказиш ҳазилми? Момонг кўнглини қолдирганга бўлишмайди, кўнглини тўлдиргандан жонини ҳам аямайди. Ойтўланинг тилидан бол томади, куёвни мақтаб, керагага миндиради. Қудаларни аврайди, рости ёлгон сўйлаб дилларини ром этади. Меҳри товланганда илонни ҳам инидан чиқаради. Шунақа доғули момонг! «Болғалида бир қиз кўрдим, шуни битказинг», дединг, олдимга қизил юзингни суниб келдинг. Момонг яхшилар хизматидан қайтармиди. Куйган юрагимни куйдирма-я, қайним! Ўрганган бағримни ўртама! Бердиқулим, ёлғиз қароғим урушдан қайтмади. Йиғлай-йиғлай кўзда ёшим қуриди, ўғлим келар деб ййган кўкракларим тош қотди. Тиркираган оқ сутларим қуриди!.. Мен сени ўғлим дедим, бўйингни кўриб қувондим, тош қотган сийналарим қайтадан ийди. Бердиқулим наст-баландга қараган, ғарибнинг холини сўраган, сендайин шунқор йигит эди. Мен болам ўрнига сени болам дедим, бел боғлаб, қора хангини миниб, Кенжа чолни олдимга солиб Болғалига равона бўлдим. Сенга: «Ҳартугул синамаган юрт, битмаса менадан гинадор бўлмайсан», дегим келди. Яна, шу гапни айтиб, катта йўл устида ўзимга ўзим лот бермайин, дедим. Кенжа қирчанғи тўриғини миниб эгарда ялпайиб олдимга тушди. Мен унинг тарзига қараб: «Қаддингни сал кўтар, йигит ўлгур! Одамни номусга ўлдирасан», дедим. «Бўлганим шу, Ойтўла, кўп қисталанг қилаберма, бўлмаса қайтиб кетаман», дейди соқолингни ел егур!

Савсанда бир кеча ётиб, эртасига пешин пайти Болғалига етдик. Адоқсиз катта қишлоқ: Кўп хунараманд, чиройга ошиқ эл экан, Сарой<sup>1</sup> деганича бор-да.

<sup>1</sup> Сарой – уруғнинг номи.

Маскан тутган ерини обод киларкан. Бог-роғлар дейсанми, хон саройига ўхшаган ганчқори уйлар дейсанми! Қиз-жувонлари худди хайитлагандай солланиб юришибди. Жуда орзуманд бўлдим, ёшлигимни, йигитлар айтган ўланларни тусадим. Умидланиб Кенжага қарайман. Қани энди миқ этса! Эгарнинг қошига бурнини энкайтириб бораяпти. Мен: «Қўшиқ айтсанг-чи!» дедим чидамай. «Мен қўшиқ билмайман, Ойтўла» дейди соқолинг гўрда чиригур, нос отиб олганича гўлдираб. Ўзим айтдим, кўксим тўлиқиб кетганидан сабрим чидамади-да!

*Келиной кимнинг келини-я,  
Болғали дейди элини-я.  
Олтой боқилган қўйдаш  
Ололмайдида белини...*

Кишлоққа кираверишда Кенжа кирчанғининг жилловини тортиди. Мен: «Йигит ўлгур, нимага тайсаллайсан? Эркак отинг бор, олдин юр!» дедим, далда бермоқ ниятида. Хўш гапирсам Кенжа баттар бўшашади-да. «Қаерга борамиз, Ойтўла», дейди у бурнини тортиб. «Ишинг бўлмасин, юрабер, фақат иштонга бохабар бўл, хўллаб қўймагин тавин, уят бўлади-я!» дейман. Бўйинсам-да, унга тегишмасам кимга тегишаман? У буни кўтаради.

Олдимиздан чикқан сарвиноз қизларни тўхтатиб сўрадим: «Жўрақобилбойнинг ҳовлиси қайси, айланайлар?» Бир узун бўйлиси йўл кўрсатди: «Ху, анави теракнинг олдидан ўтсангиз тегирмон бор, нарёғидаги кўк эшик. Ораларида Болхиннинг бормикин, деб қарадим, аммо гўрда танийманми? Ҳаммаси чиройли, ҳаммаси сарвақд қизлар!

Сўраб-сўраб излаган уйимизни топдик. Кенжа кирчанғининг жилловини тор кўчага бурди. «Ҳа!» дедим унга. «Ҳеч оёғим тортмаяпти-да, Ойтўла. Бет бўлолмаяман, бегона элга совчи бўлиб ўрганмаганман. Ўзинг борсанг қалай? Мен қайтсам ё анави теракнинг остига бориб турсам...» дейди-я! «Йигит ўлгур олдимга туш! – дедим. – Аввал бегона бўлса, энди яқин бўлади. Бегоналарни яқин қилиш совчи зотига шараф, бундан бош бурма». «Бўлмаса ўзинг олдин юр, Ойтўла», дейди. «Йўқ, сен олдин юр, харна, эркак отинг бор. Сени бекорга олиб

келганим йўқ», дедим. Кенжа поилож қирчанғини хайдади, чўлтоқ қамчиси дастаси билан эшикни қоқди. Мўйлови майса урган бўз бола дарвозани очди. Кейин билсам, шу сенинг бўлажак қайнинг экан. «Хуш келиб-сизлар, тушингизлар», деди.

«Жоним, шу Жўрақобилбойникими?» деб сўрадим. «Ха, худди ўзи», деб Кенжанинг қирчанғиси жиловини ушлади. Узун бўйли, оқ юзли, тўлагина хотин уйдан чикиб бизни қаршилади. Кейин билсам шу сенинг бўлғуси қайнонанг экан. Қудағайдан кўнглим тўлди, дидингга беш кетдим. Ахир, онасини кўру, кизини ол, деганлар-ку!

Ҳасатиғлик уйга кирдик. Туз-намак бўлдик. Насл-насабимизни, элимизни айтдик, хўб танишиб олдик. Ёғли паловни ҳам еб устидан кўк чой ичдик. Мен: «Гап бошла!» дегандай Кенжага қарайман. Йигит ўлгур бўлса, дастурхондаги майиз, холва, писта-бодомлардан кўзини узмайди. Жуда егиси келиб томоғини тақиллатади, кўл чўзишга эса юрак қани унда! Охири чидамай уни туртдим. «Нима дейин? деб кўзини мўлтиратади. Ўл, совчиликка келдик, деб айт!» шивирладим биқинидан чимчилаб. Кенжа ов кўрмаган тозидай қилтанглайди. Барибир эплаб бир нарсани айтолмади, йигит ўлгур аввалдан меровтоб эди. Охири ўзим гап очдим: «Қизингизнинг боши очиқми, бойбича? Совчи билан элчига ўлим йўқ, биз совчиликка келдик». Тасдиқ ишорасини олиб, белимдаги пўтани ечиб, қаддимни ростлаброқ ўтирдим. Жуда керилиб, лабимни буриб, баланддан қарадим қудағайга. Сени таърифлаётганда булбулигўё бўлиб кетдим ўзимам. «Берсанг, шунга берасан-да, бойбича! Кўп давлатманд эмас, хайдар моли оз, ҳаловати соз, ҳам полвон-у, ҳам чавандоз! Отадан сағир қолган, йигит моли олдинда, бўқтаруви яғринда, энасининг садағаси, юртининг ўтағаси!» Буёғини қўшиққа улаб кетдим. Чинини айтдим-да, қайнижоним. Ёлғонни нима қиламан, ёлғон гапириб ким мурод топибди?!

Бойбича фаросатли аёл экан, гапнинг индаллосини тушунди. «Эрим уйда йўқ, мен бир аёл киши бўлсам,

кайдан билай?» демади. «Куёвни кўрайлик, бўй бастини ўлчайлик, Болхинга муносибми, билайлик», деб айтди. Момонг анойи эмас, рўйхушлик берганини кўриб гап солдим. Сенинг бултур келганингни, катта олишда даврани соп синдирганингни, Саманни йиқитиб бош товокни олганингни... Момонгдан гап қоладими? Қудағай бирдан: «Эҳ-а, полвон йигитми ҳали», деди-да мум тишлаб қолди. Анчадан кейин бошини кўтарди: «Йигитни кўрган эканмиз, буёғи бизга маъқул. Сойибимиз келсин, адоқ бош йиғилиб маслаҳат қилайлик, ўйлашиб кенгашайлик. Яна бир хабар оласизлар-да, совчижонлар, оворагарчилик бўлсаям», деди.

Ойтўла момонг эртасига ўймакор эшиқдан чиқа солиб Кенжанинг бикинидан ўйиб олган, Кенжа қирчағи устида бир газ сапчиб тушган! «Йигит ўлгур, нимага дингилдайсан? Ё ҳалиям қитиғинг борми? «Момонг ўшанда димоғи чоғлигидан Кенжани суюб чимчилаган эди-да! Ишни битириб қайтганидан уни ҳар мақомга ўйнаган!

Янаги сафар ўзини юбордим. Иш битган, бераси бўлган, хабарни олиб келишга ярамаса, ўлсин-да, бошига телпак кийиб юрмай! Билсанг момонг шуйтиб иш кўрсатган, қўшиқлар айтиб келин битказган.

Ҳай, бу дунёнинг ишлари-я, сенга ойдай келинни ковуштирган момонгни эслаб юргин, полвон қайним-а!»

...Бойхоннинг юраги мумдай эриди. Ойтўла момо ҳаёт эди-я ўшанда! Кўп яхшилар ҳаёт эди. У аёл зотидан бўлса ҳам, ўткинчи дунёда ер, сув, офтоб, осмон каби боқийликка эш, асл одамлардан эди...

Ўйлари ўйига уланди.

«Болхин уйимга келин бўлиб тушди. Энам уни рўзғорга дохил қилди. Иримига ўчоқдан кул олдирди, қўлига капгир бериб қозонга урдирди, супра ёйдириб ҳамир кордирди. Ойтўла момо ҳам шу ерда... Олтмиш увуқли оқ ўтовни тикдилар. Болхин ўтовнинг остонасига қадам қўйганда Кенжа бобо келиннинг қадами қутлуг бўлсин, қут-барака келтирсин, деб бошидан бир сиқим буюдой сепди, донлар зар ковушига тўкилди, эғнида, оқ рўмоли попуқларида, сочларига илашиб қолгани ҳам

бўлди. Кенжа чол суюнди, худди ўзининг келинидай кўкси гурурга тўлди.

Хотини уйга ўзи билан олиб келган удумлар ҳам кизик, аммо бачканароқ туюлганди. Уларга жиддий нарса деб, ихлос билан қарамаган – айниқса суннат тўйида ўғлига жиға тақиши, келин танлатиш маросими роса кулгисини қистатган.

Шерзод саккизга тўлганда Бойхон унга тўй қилди, элга ош берди, кўпқарисига олтига каттани ташлади. Шу куни энаси болани ғалати либослар билан ясантирди. Эгнига зарбоф, укали тўн кийдириб, белига шоҳи белқарс боғлади. Бошига жиға тақилган оқ саллани кўндирди. Бола энди кичкина шахзодага ўхшаб қолганди.

– Саройлигинга борасан-да, хотин. Бу билан худди ота-бобонг чиндан ақобир ўтгандай кўрсатасан. Биз кўпфиротларга бу нағмаларинг нега керак!

Болхин сира хижолат чекмай: «Ирими шундай, отаси», деб қўйди. У чор-ночор бу қизик хангомани томоша қилди. Энаси Шерзодни аёллар даврасига олиб боришди. Боланинг кўзни қамантиргудай чиройлилиги-ю, ғаройиб кийимлари аёлларни лол қилиб қўйган эди. Болхин тўйчи хотинларга юзланиб деди:

– Урфимизга кўра ўғлимиз бугун «малика»сини танлайди. Хушёр бўлинглар, овсинлар! – кейин тортиниброқ турган ўғлига уқтирди: – Болам, манави бойвучча янгаларинг ёнидаги қизчалар орасидан биттасини танлагини. Эр етганинда унга етишиб, бахтли бўласан. Ўзинга муносибини, энг чиройлисини билиб танла, мана шу қизил мунчоқни бўйнига тақ!

Бола довдиради, сўнгра бу ишларни кизик ўйин деб, унда ўзи иштирок этаётганидан мамнун бўлиб илжайди. Энаси узатган қизил маржонни олди, аёлларга қаради, аммо уларнинг бари бирдек табассум қилиб тургани учун қай бирининг олдига боришни билмас эди. Яна қизлари борларини излаш лозим! Ниҳоят унинг диққатини ўртада ўтирган, қорамағиздан келган сулув жувон ўзига тортди, ёнида ўтирган қизчага тикилиб қолди. Чўчинқираб энасига бир қаради-да, аёллар ўртасидан ўтиб, қўлидаги

мунчокни шоша-пиша қизчанинг бўйнига ташлади. Мунчок яхши тақилмай, бир қулоғида илиниб колганида ва қизча чинқираб йиғлаб юборганида ўтақаси ёрилиб ура қочди. Аёллар ортидан қаҳ-қаҳ отиб кулишди:

– Қиз йиғлади, йиғлади! Кўнгли бор экан, ана-а!

– Қуллуқ бўлсин «куёвинг» Тўлғоной!

– «Куёв» қурғур қўрқок эканми?

Хаммаси чуғурлашиб Бойқўрғонлик Ўтан чавандознинг хотинини қутладилар. Бўларича бўлган «куёв» эса аллақачон бошидаги жигали саллани ҳам уларга улоқтириб жуфтакни ростлаган эди!

У дамлар – хотинининг ҳою-ҳаваслари, ўғлининг жигали саллачасини улоқтириб қочгани, «кўлини ҳалоллаш» пайтида ўзини ботир тутиб йиғламагани энди сира тақрорланмаслигини англаб юраги шувиллаб кетди. Ҳа, ҳаёт давом этади, назарида тўхтаб қолгандек туюлган вақт ҳам юриб кетади, лекин у пайтлар, у кечмишлар сира қайтмайди! Болхин қайтмайди энди...

\* \* \*

Кечга яқин йилқилар ўтдан тўйиб, баданларига иссиқ ўтиб эриниб қолишди. Сувлоққа эниб чанқоқларини қондиришди, сайхонликда тўда-тўда бўлишиб «сухбат» қуришди. Биялар елинларини сўраётган хира қулунларидан безор бўлиб тайсаллашар, айғирлар пишқириб думларини шийпинглатганча чотларига шап-шап уришарди. Шу йўсин чивину сўналардан бироз қутулиш мумкин-да! Ёш айғирлар эса тек турмай бияларнинг бикинларидан чимчилашарди, бўйинларига ёлларини ташлаб «муҳаббат изҳор» қилишарди. Лўмбиллаган баданлари офтобда қизиган тумса байталлар ҳам айғирлар билан ҳингиллашишарди. Лекин шундан нарига ўтишмайди, келгуси кўклам – қўшилиш маҳалигача жумбушдан ўзларини тийиб, ҳид олиш билангина чекланишади. Йилқилар бир-бирларига суйкалишиб ҳузурланишарди. Одамлар ҳам қоринлари тўк, шодмон пайтларида шунақа хангомалашиб кўнгиллари чигилини ёзишади, ташвишлардан фориг бўлиб, ғам-андуҳларни унутишади. Одамзодга ўхшаб йилқиларнинг ҳам ҳар хили бор: кучлилари,

кучсизлари, ўқтамлари, бадъамаллари, чиройлилари, хунуклари, жангарилари, бечорахоллари... Талаш ҳисси, кўпроқ нарсага эга бўлиш сезгиси уларга ҳам бегона эмас! Бойхоннинг диққатини катта тўда ўзига тортди. Чиройли бўйдор жийрон бия ўзидан бино бўлган қил-қуйруқларни бағирлаб турибди. Унинг боласи Оқёл дўнан, уярнинг бош айғири Шапоқ ҳам шу тўдада, Шапоқ жийрон бияни эгаликлаб юрганидан мамнун, ўзидан қолишмайдиган рақиби Эркатўрининг ва бошқа айғирларнинг ҳасадини кўзгаб гоҳо зарурат бўлмаса ҳам ёш байталлар билан искашиб қўяди. Айғирлар эса унга харифлик билан қарашар, ёшроқлари хатто яқин келиб уни чеккага суриб чиқаришга ҳам уринишарди. Лекин Катта Оқёл улоқдан чиқиб уюрга қайтганида ҳам, ўлгунча ҳам рақибларини яқинига йўлатмаган...

Ҳа, унинг қўлидан не-не зотдор улоқчи отлар ўтмаган. Ҳозир қаердаликлари, кимлар чопаётгани, кимларга наф бераётганининг фарқи йўқ. Оксувдами, Лангардами, Дехконободдами, Бойсундами, Чирокчи томонлардами довруқларини эшитиб суконарди. Катта Оқёл уларнинг биттасига ҳам сингишмасди. Уни кўрганлар афсонавий Бойчиборга менгашлари бежиз эмас. Уста Ўмирнинг айтишича, Оқёлнинг аждодлари – ёввойи тулпорлар Тошқўрғондан нари Искандарқўл атрофларида ҳозир ҳам яшашади. Катта Оқёлни ғунолигида Шотрудлик бир чол Лангарга келтириб битта эгарга алмашиб кетган: «Товдан ўрилларим қуруқ ташлаб ушлашган эди, лекин ювоштиролмадик, уюридан айрилганига аза тутди, шекилли озиб-тўзиб кетди». Бу гапларга одамлар ишонишмай уста Ўмирнинг хамишаги ўтирикларидан бири, деб қарашган. Уста Ўмир бошидан ўтган ғаройиб воқеаларни қўшиб-чатиб ҳикоя қилиб юрадиган афанди феъл киши бўлгани учун уни «ўтирикчи» деб аташар, баъзан рост гапларига ҳам унчалик ишонишмасди. Лекин Оқёл ҳақидагиси чинлигини Бойхон яхши биларди. Чунки уни ювоштиргунча роса тер тўккан.

Уста тойни бир байтал эвазига қолхозга топширган. Йилқичилар отни уюрга қўшиб қўйишган. Орадан тўрт йил ўтиб 8 ёшга тўлганида Оқёл чина-

кам тулнорга айланди. Ниҳоят ушлаб бошига нўхта солишга қарор қилишди, аммо Окёл йилкичиларни яқинига ҳам йўлатмади. Охири Кенжа чол бўйнига курук ташлади. Ушлашга ушлади-ю, эпломлади. От осмонга тикка сапчир, шаталок отар, боёқиш кекса йилкичини у ёқдан-бу ёққа силкитарди. Устига Бойхон келиб қолмаганида, ким билсин, охири бахайр тугамаслиги ҳам мумкин эди. Олдинига от унга ҳам бош бермади. Бир вақтлар соғимга кирмаган асов бияларни ювоштирганидек қулоғидан олиб, бир зарб билан шаштини қайтаришни чамалади. Бироқ бу усул Окёлга қор қилмади. Шундан кейин амаллаб бошига овсарли нўхта солди, арқоннинг учини олти йилкичига ушлашиб, ёлидан тутганча яланғоч белига сакраб минди. От уни ўша захотиёқ ерга улоктириб юборди. Лекин Бойхон умидсизликка тушмади, арқонни базўр тутиб турган олти йилкичи атрофида шаталок отиб чопаётган от билан кечгача олишди. Унинг бадани моматалок бўлиб, юзи, қўллари шилиниб кетди, аммо от ҳам энди толикқан, аввалги шашти йўк, хийла ювош тортиб қолганди.

– Бўлди, – деди у холдан тойган отга қараркан. – Бугунча етарли.

У Кенжа бобога кундадан қозик йўндириб отни узун арқонлаб қантаришни, соғигач, олдига курук беда ташлаб қўйишни тайинлади.

Эртасига эгар-жабдукни кўтариб эҳтиёткорлик билан ёнига келганида от тихирлик қилмади. Аксинча баданига қўлини теккизганда ўзи манглайини унга тутди. У отни бемалол эгарлаб, бошидаги нўхтани олиб ташлади, ўрнига пўлат сувликли юган урди, Окёл энди гўё тақдирга тан бергандай, зўрнинг қўлига тушганини англагандай буткул итоаткор бўлиб қолганди. Бойхон унинг терларини уқатиб бошини силаркан, кафти намланганини билди. Отга тикилиб қаради: кўзларидан йирик-йирик ёшлар томчиларди. От кунчиқарга – булутлар ичида элас-элас кўзга ташланиб турган қорли тоғларга тикилиб ёш тўкарди... Кейинчалик Бойхон у билан улоқ чопиб Сурхону Қашқани қойил қилди, энг

катта соврин ва зотларни қўлга киритди, унинг ҳам отининг ҳам доврўи тилларда дoston бўлди.

Окёл авжи улоқ чопаётган кезлари уюр жайдарни айғирларга қолган эди. Улардан зотдор қулунлар тушмади. Ҳаммаси ҳам ўртамиёна. Окёлнинг қайтишини кутди. От бир кун бўлмаса, бир кун улоқдан чиқади. Ҳатто Окёлдай тулпор ҳам! Лекин у ҳали кучдан қолмайди, ундан насл олиб қолиш мумкин. Окёл қайтди, бироқ бияларга уринмади. Нега? Пуштан қолдими? Ё майдондан айрилганига аза тутдими? Ҳар қалай кундан-кун озиб-тўзиб, худди келган пайтидагидек қоқ суяк бўлиб қолди ва куз пайтларида жон берди. Бойхон унинг тепасида хўнграб-хўнграб йиғлади, чунки Окёлдай от унинг қўл остидаги уюрларда бошқа йўқ эди. Энди у Бўзадирнинг текислигида ҳам, бошқа майдонларда ҳам юлдуздай учмайди. Тулпорни хурмат билан юк машинасида тоққа чиқариб кўмиб келди.

Ўша йили кўкламда яхши воқеа юз берди. Уюрдаги қорабайир зотли жийрон байталдан Окёл қулун туғилди. Қуйиб қўйгандай катта Окёлнинг ўзи эди. Дафъатан бунга ишонгиси келмади, шубҳага ҳам борди, лекин зот танишда пишиб кетган кўзлари, йилкичилик сезгиси уни алдамаганди. Орадан бир йил ўтгач, у катта Окёлнинг боласи экани маълум бўлди. Сағриси ёзик, кенг ўмганли, бўйни сарияқ ёйдай эгилган, бада ни мисранг, кумуш ёлли той. Катта окёл ҳам бошқа йилқилардан қадди расолиги билан ажралиб турарди. Окёл ҳали улоқдан чиқмаган пайтида бўшалиб келиб байталга қўшилганми ё бошқа бўлганми ишқилиб қулунни у заҳматлари эвазига қойибдан берилган тухфадай қутлаб қабул қилди.

Ҳа, отдан ҳам, доврўқдан ҳам ками қолмади. Лекин унинг кўксини бошқа бир армон тоғдай эзиб ётарди... Ўша кезларда валломатликка берилиб кетиб рўзгорни қаровсиз қолдирди, хотини бошига қўп жафоларни солди. Кўкламда уни йилқилари билан қишлоқ қўчасидан қувлашган, қарғишлар ёғдирган овул хотинлари у Болхинга уйланганда бўй қиз эдилар. Бойхон уларни назар-писанд қилмай болғалилик Сарой қизни олгани учун

аламлари зиёда бўлиб қолишган. Кейинчалик ҳаммасининг хиссасини Болхиндан чиқариб олишди. Бойхон эса у кезларда қамчин ўйнатиб бутун Кўрагонга дов солиб юрарди. Овсинлар Болхинга Гулойим «қиссаси»ни ҳам сўзлаб беришган. У шуни эрининг юзига солаверганидан жанжал яна ҳам авжланган эди.

– Қурисин, ҳалиям ўшани деса! Қачонгача Гулойимга куяди! Ким экан ўзи? Бир ўйнашдан туғилган бузук хотин-да!.. Тарин Қатағонликка тегиб кетибди, бу кишига вафо ҳам қилмабди. Гулойимни олмадим, деб оҳ уради, ўшанинг дастидан рўзгорга карамайди. Соғимчи аёлларнинг олдидан бери келмайди. Ундан кўра рўзгорга қарасин. Мудир оти бор, уйда бўлса бетга суртим уни йўқ, тоғанини ҳар кимларга бериб юрса...

Гулойим! Гулойим!.. Унинг юраги куйди, Болхинни олгач, ёдидан чиқарган эди, аммо отини эшитавергач, яраси янгиланди...

Болхин кўп бола туғди, лекин эридан ва овсинларидан роса жабру ситам кўргани туфайли кўпи чала туғилиб нобуд бўлди. Ўзи ҳам дардга чалинди. Тоғларга бойчечак ёйилган илк баҳор чоғи вафот қилди. У хотинининг ўлаётган пайтидаги чехрасини сира унутолмас эди. Қазо олдидан аёлнинг хушрўй ёнокларига кизиллик югурди, заиф табассум-ла эрига боқди. Шунда унинг юраги шув этди, дунёни остин-устун қилиб бўлса ҳам тузатиб олишни истарди. Аммо аёлнинг заифгина табассумида муҳрланган дахшатли ҳақиқатни англаб бошини оқ ўтовнинг остонасига урди...

Тоғ шамоли эсиб Кўрагон овулларида аёллар ёқаётган арча ўтинлар иси димоғига урилганда Бойхоннинг уйқуси кочарди. Шу дарбадар ёзмишига такрор ва такрор ажабланарди: Нечук умр кечирди? Хўш, энди нима қилади? Қачонгача? Йилки кегидан юриб дашту дала-ларда қазоси етгудек бўлса-чи?! Нима, йилкилари бошида йиғилиб унга мотам тутадими? Оламда яккаю-ягона паноҳларидан айрилганлари учун ёш тўкадиларми? Шунда ҳам бу мотам, бу йиғини ҳеч кимса кўрмайди. Эшитганлар Бойхон ўлибди, деб қўя қолишмайдими! Олдинги доврўқлари аллақачон ўтмишга айланган,

качонлардир манаман деган чавандоз бўлганини ҳам унутиб юборишади...

У улоқдан чиққан кунини эслади.

Оқёл қариб кўпқаридан бешиб қолган, ўзининг ҳам илгариги шашти йўқ, билагининг қуввати камайган. Ўша йили Тераклининг Шибоклисидаги кўпқарига элнинг донғи кетган отлари, катта чавандозлари йиғилган. У ноумид шайтон – улоқ чиқиши олдидан Оқёлни яланғочлаб ағанатди. От у ёқ-бу ёнига ошиб тушаверди. Дилида умид учқунни йилт этди. Отни якка чирги қилиб, эгари устидан жулни ташлаб қантариб кўйди. Шов улоққа ҳам, кичик зотларга ҳам қўшилмай тепалик, томошабинлар ёнида ўтирди. Чавандозлар улоқни ҳар олиб чиққанида баданига ваража кирса ҳам сабр сақлади. Ниҳоят бақовул: «Кел чавандозлар! Бош зотни айтаман, от-отингни овуштир, армонда қолма!» деганида, жомакори устидаги чакмонини ечиб қўпхонага кўйди-да, «ё Раззок», деб отга минди.

Тўда қалин, Кўпқари тикислик майдонда у ёқдан-бу ёққа ағдарилиб чопиларди. Чавандозлар тўсатма-тўсат от солишади. У анча вақт улоққа етолмай юрди. Уни оти билан чеккага суриб ташлашарди. Лекин кекса чавандоз умидсизланмай отга қамчи босади. Ниҳоят Оқёл тўданинг ичида оёқларини кериб турди – от қатъий қарорга келган эди. У қамчинни тишлаб ерга энкайди, улоқнинг пойчасини топиб, кезанақдан қўш кўллаб тутди, «ё Раззок!» деб кўтариб тақимини оширди. Қаддини ростлаб жилловни кўйди. От судровни оралаб жўнади. Тўда қалин, ёш чавандозлар учқур отларда олдини ўрар, улоқни пойчалаб тортишар, унинг кексалиги, кўнглидаги ўйлари билан асло ҳисоблашишмасди. Кўпқарининг тартиби шундай! Бунда юзхотирчилик кетмайди, ким зўр, кимнинг оти югурик бўлса улоқ ўшаники!

У қора терга ботиб отига товуш берар, сурдовнинг охири эса кўринмасди. Бир пайт тақими бўшашиб улоқ пастлай бошлаганини билиб қолди. Шунда: «Маҳкам бўл, Бойхон! Обрўни кўлдан берма!» деган эгрисувлик овинаси Қамбарнинг овозини эшитиб, улоқни бир газ кўтариб олди. Қамбарнинг оёғи майиб бўлиб улоқдан

чикқан, аммо ҳамон кўнгил узолмай кўпқарига қатнаб юрарди. «Товушингдан, Қамбарим, жўрам!» деди ундан қувват олган Бойхон. Сурдов тепага ўрлаганда, отни қайтараман, деб чамалади, бироқ қиррага етмасдан чавандозлар қисиб отини таққа тўхтатиб қўйишди. Атрофида издиҳом қайнар, устига от солишар, улокни тортиб олишга интилишарди. Бунақа қиёмат қойимни энди кўраётгани йўқ, бундан қалин тўдаларда ҳам улокни бир қўллаб тутганча отга қамчи босиб чиқиб кетган. Илгари кўрага кирганда сурдов қоқ ёрилиб кетарди, тагидаги тулпор отми, ёбими фарқи йўқ. Кўпқарида худди бўридай ораларди... Энди, у даврлар ўтган, бир қўлини узса, улок ерга тушиб кетадигандай чор тарафга йўл излаб олазарак боқади, аммо мадад берадиган кимса йўқ. Ошнаси Қамбар ҳам, бошка жўралари ҳам алақачон чопишни йиғиштириб, томошабинларга айланишган. Сурдов салгина бўшашганда отнинг жиловини силтаб қайтарди. «Ё, Раззоқ!» деб товуш берди. Оқёл бор кучини тўплаб олға шиддат билан отилди. Бироқ... Ҳайҳот! Улок қўлидан чиқиб кетган эди. Бунинг қандай содир бўлганини билмай ҳам қолди. Улокни ёнқоклилик Малла полвоннинг тўриқ қашқаси билан ёш чавандоз Нурбой айирганда нордай қадди букилиб, эгарнинг қошига суяниб қолди...

#### 4

Мезон пардаси қоплаган яйдоқ қирлар этагида қушларнинг сайрами эшитилмасди. Илонлар инларидан камдан-кам чиқишар, шунда ҳам у ёқдан-бу ёққа судралмасдан инлари оғзида кун бўйи баданларини офтобга тоблаб ётишарди. Таниш бургут эса ғубор чалган чўққиларнинг хазин куйига қулоқ тутгандек сокин учарди. Фақат ахён-ахёнда этак тарафдан ўтадиган самолётларнинг гувиллашлари эшитилганда сесканиб илкис қанот қоқади. Ҳавода яшин парчасидек муаллақ қотиб овоз келган тарафга чағир кўзларини харифларча тикади. Шунда патлари хурпаяр, аъзойи баданига жанг оллидан кирадиган титроқ ораларди. Бу товуш қачонлардир Ёлтошда юз берган даҳшатли кабохатни ёдига солади...

Ўша йили полалонлар темирқанот чиқариб эндигина учирма бўлган ёз кунларининг бирида этакдан Ёлтошга аллақандай парракли улкан махлук учиб келди. Қояларни зир титратиб тепада анчагача айланиб юрди. Бу ҳам етмагандай нақ Шох қоя устига, Она бургут ошени ёнгина-сига қўниб, атрофни қўланса хидга тўлдирди. Парракли махлук варанглаб осмонга кўтарилар, яна қўнар, хуллас Шох қояни ўзига буткул макон қилиб олганди. Ундан тушганлар чағилларда узок тимирскиланишди. Бу ҳам майли-я, атрофда учишган қушларга қирон келтиришди. Уларнинг қарсиллаб отиладиган ажал қуролларидан у абжирлиги туфайли эмас, қандайдир мўъжизага қўра тасодифан омон қолганди. Асрлар бўйи ҳукм сурган дахлсиз осмонлари, эркин парвозлари заволга юз тутди. Энди улар Шох қоядаги Она бургут ошенига яқин ҳам йўламай тик этган товушдан қалтираб пасткамликларда биқиниб яшашарди. Ҳар сафар этакдан гувиллаш эшитилганда дуч келган ковакка ўзларини уришар, очликка ва қўрқув ваҳимасига чидолмай бир-бирларини, айникса кучсизроқларини ғажишарди. Ўша қишда кўплари шу тахлит ўлиб кетишди. Янаги йили кўкламда, этак тарафдан губор кўтарилганда бургутларнинг қолган-қутганлари Кўрагонга учиб кетишди. Бу Бургут эса Ёлтошни – ота маконини ташлаб кетолмади...

Шох қояда илиниб турган офтоб уфққа юмалади, Бойхон уюрни шом тушмасдан бурунроқ ўришдан қайтарди. Қуз кирганидан бери у серхавотир бўлиб қолганди, тунлари ҳавосат босиб тик этган товушга кулоқ тутади. Дарвоқе, уч оқшомдан бери йилқилар кунчиқардаги тоғ айрисига тикилиб кулоқларини динг қилишар, тепса-тебранмас Сиртлон ҳам ҳар замонда ўша томонга безовта ҳуриб қўярди. У энди сиртлонни бемаврид ғайрати учун койимоқчи бўлиб турганида Ёлтошнинг айри қоясида бўри улиди. Афтидан якка эмас, жуфт – навбат билан чўзиб-чўзиб увлашар эди. Бошини ерга солиб, тикка туриб ухлаётган Шапоқ сергакланиб айри қоя томонга кулоғини динг қилди. Йилқилар баданларини дуриллатиб силкишди. Табиий сезги ҳаммаларини хушёрликка чорлаганди. Агар бўрилар шунчаки,

йўл-йўлакай ўтишаётган бўлса, буни уюр ҳам, ит ҳам билар, ортиқча бесаранжом бўлишмасди.

Бойхон куз кирганини бўриларнинг қайтганидан билди. Ҳолбуки, ҳаво салқинлаб, окшомлар узайган, тоғ шамоллари Оксув овулларида хотинлар ёқаётган арча ўтинлар бўйини кўпроқ келтираётган эди. Бўрилар Кўрагонда ризқларини териб еб, энди қишлоқ учун маконларига қайтишган. Ёлтошда емиш оз, одатда, хувиллаб ётадиган чағилларда йилқиларни учратиб тайёр инъомдан қувонишган, ўлжа осонгина қўлга кирадиганми, ёки химоячиси дадилми, синаб кўриш, сир олиш мақсадида зўр бериб увлашарди. Бойхон ваҳима фалокат келтиришини полвонлик тажрибасидан яхши биларди. «Бош бобом Шер мерганнинг арвохи мадад берса бўлгани! Ундан ўзга мададкорим ҳам, нажоткорим ҳам йўқ», дея дуо ўқийётгандай пичирлади. Бўриларни қарши олишга шайланиб қўшхона тагига бостириб қўйилган чўқмор бошли заранг сўйилини олиб белига кистирди. У милтиқ тутмас эди. Гап отишни эпломганидан эмас, кучи борга қалтак афзал, деб биларди. Милтиқ қалтис дамда панд бериши мумкин, қалтак эса ҳамини сен билан бирга, зарбага шай! Бўрилар энди тоғ айрисида аңча берида, пастак қоялар ёнида увлашарди. Сиртлон ўша томондан кўзини узмай тикилар, ер тирнар, ўзини ботир тутиб жангга ҳозирланарди. Шапок уюрни айланиб ёш айғирларга, Окёл дўнанга ҳам ўмган уриб «далда» беради. Биялар ҳали ваҳимага тушишмаган, гўё айғирларга «бормисизлар», дегандек чимирилиб қараб қўйишади. Қулунли биялар дарҳол қулунларни излаб қишлоққа бағирларига олдилар.

Бойхон ўрнидан кўзгалмади. У бўрилар эҳтимол, Ёлтошнинг ортидаги қишлоқларга ўтиб кетишар, йилқиларга ташланишга ботинишмас, осонроқ ўлжани – кўрадаги қўйларни афзал кўришар, деб ўйлаган эди. Бироқ... Қутилмаганда уюрнинг орқа томони хурқиб кетди. Саман қилнади. Бошқа айғирлар ҳам унга бирин-кетин жавоб қилишди. Йилқичи қалтагини қўлига олиб уюр томон чопди. Сиртлон ундан бир зумда ўзиб, йилқилар орқасидаги зарангларга ўзини урди. Бунақа

пайтда уюр судров бўлиб қочмайди. Бундан кўнгли тўк эди. Бўрилар тепадан эмас, адоқдан келишди. Улар усталлик билан итни чалғитишган, аввалги жойларини тарк этиб, бўш қолган томондан айланиб ўтишганди. Уюрнинг шу ёри каттиқ хурқди. Шапок, ундан кейин Сиртлон ўша томонга чолишди. Янги ойнинг хира ёғдусида икки сур махлуқ бир лаҳза кўриниб, тагин қаёққадир ғойиб бўлишди. Афтидан уюрнинг химоясиз тарафини излашарди. Бойхон ҳайкириб товуш берди, Сиртлон олдинга ўқдай отилди. Энди итнинг товуши икки милтик отим наридан эшитилар, тобора йироқлашиб борарди. Уюр ҳамон хавф барҳам емагандай шамолғоҳда ғуж бўлиб турарди. Бойхон узок кутди, бироқ итдан дарак бўлмади, бирон жойда вовуллагани ҳам эшитилмасди. У хатар ўтди, деган тўхтамага келиб қўшхонасига юрди, аммо салкин куз шамоли жунжиктирган елкасига энди кебанакни солган ҳам эди, бўрилар даставвал келган тарафда бирдан кучли тасир-тусир эшитилди. Шапок каттиқ кишнади, йилкилар қўшхонага ағдарилиб хурқди. Уни босиб-янчиб кетишларига оз қолди. Айғирлар гир айланишиб, четга чиққан тойчаларни ва қулунларни ўмганлари билан тўдага киритишди. Йилкичи нариги тарафга жон ҳолатда чопди. Қай бир йилкининг жон аччиғида кишнагани ва тарсиллаган тўёқ товуши ҳам эшитилди. Уюрнинг шу томони қок ёрилиб кетди. Бўри бир тойнинг сонидан тишлаган, Эркатури жондорни қўш оёқлаб тепишга улгурган эди. Йилкилар кишнашар, у ёқдан-бу ёққа хурқиб, ола-тасир чопишар, гўё қиёматқойим бўлаётгандек. Қулунлардан бири ингичка, ўткир товушда чинқираб кишнади. Бойхон тўпдан айрилган бўз бияни кўрди. Сургалаётган икки нарсанинг орасига ўмган урар, ёрдамга чорлагандай тинимсиз кишнади. Бўри чанғалидаги оқ қулун эса дар-дар қалтирайди. Энг олдин Оқёл дўнан ва аллақайёқдан пайдо бўлган Сиртлон етиб келишди. Қулунни таппа босган бўрига барабар ташланишди. Йилкичи қалтагини таваккал сермади, аммо у бўрига эмас, қулуннинг бошига тегди. Бўри қурбонини ташлаб қочди, бироқ Шапок унинг қок рўпарасидан тўсиб чикди. Юзма-юз келгач, жондор

такка гўхтади. Таъкибдан зўрға қутулган бўрига сўнги нажот йўлини танлаш учун фурсат керак эди. Бойхон худди шу лаҳзада сўйил билан бор кучида унинг бошига қарсиллатиб урди. Бўри икки юмалаб тушди, аммо у кутгандек жойида тил тортмай ўлмади. «Аттанг, илгариги кучим қолмабди», деб дилида надомат чекиб турганида Сиртлон вангиллаб қочган бўри устига ўзини отди. Бўри энди гингшимас, афтидан қутулиб кетишдан умидини узмаган, рақибининг диққатини камроқ жалб этишни кўзларди. Аммо бўғзини Сиртлоннинг омонсиз жағларидан ажратолмади. Афтидан, қари ит иккинчи марта доғда қолмоқчи эмасди. Йилкичи такаки киндан пичоғини суғуриб бир қўли билан бўрининг орқа оёғидан тулиб пайини кесди. Бўри мард келади, деганлари рост экан – ун чиқармади, чамаси энди тақдирга тан берган эди. Бойхон унинг иккинчи пайини ҳам шартта қирқиб ташлади.

Энди шошиладиган жойи қолмаган эди. Пайи кесилган бўри сургала-сургала текислик жойга бориб чўзилиб қолди. У ҳамон жондорнинг бўғзини қўймаган итига гап қотди:

– Қўй, Сиртлон, бўлди, қўй энди уни ўз ҳолига!

Этигининг пошнаси билан уни нари суриб бўридан ажратди. Сиртлон рақибидан кўзини узмай ириллади, чунки жондор хали тирик, ҳаёт билан осонликча видолашгиси келмаётгандек бадани жийрилиб титрар эди. Бойхон ўлган қулун тепасига борди. Сиртлон ҳам келиб орқа оёқларида чўнкайганча оҳиста улыб қўйди. Ботаётган ойнинг хира ёғдусида қулуннинг оппоқ момикдай бадани товланарди. Бўри унинг томоғини чала ғажиган, қорнини ёриб жигарини суғуриб ейишга улгурганди. Ҳамон кишнаётган бўз бияни қулундан зўрға четлатди. Панароқ жойга олиб бориб терисини шилди, қўшхонага элтиб олмурут шохига ташлади. Бўз бия боласининг қони томган ерни ҳидлаб, сўнгра унинг ортидан эргашиб, қўшхонагача борди. Тонггача кишнаб олмурутни айланиб кетолмай юрди...

Бойхон бўрининг ҳам терисини шилди ва келтириб олмурутнинг бошқа шохига ташлаб қўйди. Икки

Ўлимдан қолган нишонага тикилди ва ҳайратланди: Умрини разилликда, завод келтириш билан ўтказган бўри, ёруғ дунёга қувонч бахш этиш учун кадам қўйган қулун ва бу терилар ўртасида ҳеч қандай фарқ қолмагандай эди...

\* \* \*

Куз охирлаб борарди. Тунлар салқинлаган. Сим-сиёҳ сукуватни дашт илонларининг нидоларигина бузади. Шу кезларда нечундир уларнинг чинқириқлари кўпайганди. Бойхон ҳам, йилқилар ҳам бу «қўшиқлар»га кўникиб кетишган. Гўё илонлар унинг қисматини қуйлашаётгандек... Ҳа, илонлар ҳақ! Ахир ракиблар у ёқда турсин, ўз пушти камаридан бўлган ўғли ҳам сўнгги орзусини елга совурмадим!

Бултур ёзда Шерзодни уйлантириш орзусига тушди. Ўтан полвонникига совчи юборди. Болхиннинг иримини ерда қолдирмайин деди. Совчилар Бойқўрғондан «бўри» бўлиб қайтишди. Энди гап Шерзоднинг ўқишини битириб келишида эди. Ўғли келди, аммо ёлғиз эмас! Бир сочи кесилган, ажабтовур либос кийган киз билан...

Унинг бошидан хуши учди, дафъатан сир бермади. Кечаси ўғил билан холи ётиб суриштирди.

– Бу кизни нега олиб келдинг, улим?

– Биз Румия билан курсдошимиз. Бир-биримизни... Хуллас турмуш қуришга ахду паймон қилдик. Ўйлайманки, сиз бундан хурсанд бўласиз...

Шерзод бу гапларни ўнғайсизланмай, гўё аллақачон ҳал бўлган ишдай бепарво айтди. У ишқални ётиғи билан бир ёқли қилмоқчи эди, аммо ўғлининг пинак бузмай, гапириши қонини қайнатиб юборди.

– Сен қачондан бери ўзбошимча иш тутадиган, мени сариқ чақага олмайдиган бўб қолдинг, а? Даштдан-даштга уйланиб кетавераман, деб ўйлайсанми? Эл нима дейди? Ўтан эшитса нима деб ўйлайди? Бу ишлар отадан лозим эмасми?

– Сиз менга буни аввал айтдингизми? – Қутилмаганда Шерзод ҳам аччиғланди. – Биз учун бирон кун қайғурдингизми? Энамни ҳам... Мен ўзимни ўзим

уйлашга мажбур бўлдим. Ўз ғамимни ейишим керак-ку ахир! Аспирантурага йўлланма беришмоқчи, мен сўққабош яшай олмайман!

– Ким сени сўққабош яшайсан деяпти? – деди Бойхон унга тарсаки тортиш ўрнига, негадир паст тушиб. – Ўтаннынг қизини келин қилмоқчиман. Ҳаммасини тайёрлаб қўйдим. Хохласанг тўйни эртага бошлаймиз. Яшайвер! Совхоздан гаплашиб иш олиб бераман, лекин сен ановингни жўнатиб юбор. Уят бўлади!

– Иложим йўқ, – деди ўғли шарт кесиб. – Букинг ҳам ота-онаси бор, обрўли кишилар. Кейин... Бирга юришимиздан хабарлари бор.

– Сен бир урғочини деб, отангдан, элингдан кечасанми?

– Нега кечаман? Бирга яшаймиз, агар сиз...

– Энангни ўйламайсанми? Унинг иримини ерда колдирасанми?

– Энам тирик бўлганида бир гап бўлар эди. Иримдан ҳеч кимга зарар етмаган, шекилли.

– Шу гапинг гапми?

– Ҳа, лекин сиз... Ниҳоят Шерзод бунчалик кескин гапириб ишнинг пачавасини чиқарганини англаб ямлашиб колди. У бошида мужмалланиб ишни баттар чигаллаштирмаслик учун ростига кўчган, буёғи эса...

Бойхон этак силкиб уйдан чиқиб кетди.

Эрталаб чой махали ўғлим гапидан қайтмадимикин, деб унга кўз кирини ташлади. Бироқ Шерзод опалари даврасида олмоқчи бўлган «қизи» билан яйраб-яшнаб нонушта қилар, бу ернинг табиатини, урф-одатларини таърифлаб кулишиб ўтирарди.

Унинг қаҳри келди.

– Шерзод! Кет бу ердан! – деди босиқ аммо қатъий, ўзгарган овозда. Ўлсам, бировлар кўмар, гўрсиз қолмасман. Менинг сендай ўғлим йўқ!

У Шерзод қизни етаклаб йўлга тушганда ҳам, йўлнинг қайрилишида кўздан ғойиб бўлишганда ҳам, кейинчалик ҳам қилган ишидан пушаймон бўлмади...

Зухро юлдуз Кўрагон тоғлари устида порлаб, кўрғошин тусли машриқ осмони теграси оҳиста оқариб

келарди. Тонг еллари кирда ёйилган йилкиларнинг ёлларини шопириб мавжлантирди. У ёлдор кўксини кериб окликка кўмилган тоғлар сари юзланди, русса-ю тугёнларига шерик бўладиган кимдир ёнида бўлишини истар, кимнидир бағрига босгиси келарди. Болхиннинг вафотидан кейин бошқа хотин олишга рағбат қилмади. Бунга вақти ҳам бўлгани йўқ. Бирок ёлғиз қолган кезлари уйлансам қалай бўларкин, эҳтимол шунда шамолда қолган чаловдай тентираб юрмасмидим деб қовурғасига ростлаб кўрарди. Яқинда унга нон пишириб берадиган Кўғаликлик аёл қўшхонасига келганида тагин шу ният хаёлидан ўтди. Аёл уни ўзига соибдай тутиб ўғли хақида арз қилганди:

– Ўғлим мактаб директорининг кизини олиб бермасангиз, бош олиб кетаман, дейди жувономарг. Бир маслаҳат беринг. Нажотсиз аёл бўлсам, қўлимдан нима ҳам келарди? Қайиноғаларим бош қўшишмайди. Аёллари ҳам эрларини қизғанишади денг: Мана, сиз ҳам тева-ракнинг хотинлари мени суйгани учун аёлим раҳматлик рашк қиларди, дедингиз-ку! Мен сизга айтсам, аёл мардумга кийин экан. Хай, майли, сизни яқин кўриб ўтлаб кетганимни билмай қолибман. Ўғлим қурғур кўп мени танг қилди. Мактабда бирга ўқиб, хат беришган экан. Аёл бошим билан директорниқига совчи бўлиб боришга бетим чидамади. Қишлоғимизда сизни ҳамма танийди. Орага тушсангиз, йўқ дейишмас. Шунга бир...

Бойхон унинг сўзларини эшитар, аммо маънисини укмас эди. Кўнглида шу аёлни олсам қалай бўларкин, деб чамалаб кўрарди. Гўё аёл ҳам шуни истаётгандай, совчилик бир бахона-ю, аслида қўйнига қўл солиб кўнглини билсам, деб келганга ўхшарди. Аёл кўхлик, оҳорлигина, гулсиз бахмал камзул кийган, бошига лачак ўраб устидан оқ, шотути гулли рўмолини ёя ташлаган, сўзлаганда рўмоли учида оғзини ибo билан тўсиб турарди. Қулоғига қадимий тилла балдоқ, бурнига қумуш латиба таққан, хапамати рангсиз, оддий мунчоқлардан тизилган, аммо ўзига жуда муносиб, ярашиқли. Бойхон қаршисида ўтирган аёлга тикилиб ўйга ботди: «Уни бахтли қила олармиканман, ёшим қайтганда унга уйла-

ниб йўқотган бахтимни топаманми? Гулойим кўзда ёш билан кетди, Болхин ҳам мен билан бахтли бўлолмади. Ё мен унга бу хилқатни бермадимми? Нечун? Ҳануз кераксиз матоҳдай ўзим билан тоғ-тошларда олиб юрибманми? Бунчалар телба бўлмасам!»

У ўйлаб ўйига етолмади, дунёнинг бу сирли тугунини ҳам ечолмади. Охири аёлга уюрни безга ташлаб боролмаслигини, ўғли хали эси кириб қолишини, ёшликда бундай ошиқ-маъшукликлар кўп бўлишини айтиб жўнатиб юборди.

## 5

Туни билан шивир-шивир севалаган ёмғир чошгоҳга бориб тинди. Осмоннинг теграси оқариши билан даралар устида сузиб юрган қуюқ туман тарқалиб қирлар бағрига сингиб кетди. Юзини ёмғирда чайиб тозарган Бовурчи чўккиси узра кўтарилган офтоб нури яркираб кўзни камаштирарди.

Бугун ҳаммаси бўлакча: Ёлтош ювиниб тараниб, эгннга янги чакмонини кийган покиза мўйсафиддай оламга сокин, пурҳикмат боқарди. Қари тоғ ҳеч қачон ҳозиргидек кўркам тусга кирмаган, ҳатто баҳор айёмида, атрофни алвон чечаклар қоплаганида, ҳавода камалаклар кесишиб тошларни турфа рангларга фарқ этганида ҳам бу қадар зарифлик қасб этмаган. Дараларда бир-бирига чирмашган илонлар атрофда югуриб юришган қалтаке-сакларни думлари билан оҳиста уриб эркалашар, тепада сор бургут ташланиб қолишидан ҳавфсирашмай заранглар шохида шавқларга тўлиб сайрашаётган чумчуқлар чуғурига қулоқ тутган кўйи лаазат суриб ётишарди. Зарангларнинг шовдирок заъфарон япроқлари олтиндай товланар, йироқдан улар еру осмон ўртасида муаллақ осилган зумрад боққа ўхшарди. Атрофдаги софлик ва афифликни таърифлаш тугул тасаввурга сиғдириб, онг билан идрок этиб бўлмасди. Бунда ясама ҳашамдан фарқли, буюқ тилсимот яширинган эдики, унинг тангри ижод этган суврати – ДАХЛСИЗЛИК, деб аталарди. У ҳали инсоннинг ўзгартирувчи, обод этувчи, сўнгра

форатга айлантирувчи тиниб-тинчимас қўли тасарруфига ўтмаган, хали унинг дараларини оқовалар билан гўлдиришмаган, бугдойиклари устига ҳар хил оғулар сочишмаган. Ирғай ва зарангларнинг таналарига болта изи тушмаган. Бу ерда жонзотлар ҳам ажал пурковчи темир ўпқонларга дуч келмай эмин-эркин ирғишляшади.

Бургут эса борликни чулваган сеҳрли оройишни найкамагандек. Ов иштиёки уни илгаригидек ўзига жалб этмас, кунларини эринчоклик билан чалакурсоқ холда ўтказарди. Энди гўё самовий баҳри-уммон танига ортиқ роҳат бахш этмас эди. Қуруқ устихондан, пайдан иборат вужуди шовуллаган муздай хавода титраб асабийлашар, алланечук куйишган беором жисмини энди шамоллар совута олмасди – бағрини тафтли, суюкли вужудга босиб титроқдан халос бўлгиси, ҳатто шу кўйи жон бергиси келарди. Энди мода билан жуфтлашиш, жангу жадаллар, зўр қушлигидан мағрурланишлар қайда! Борлигини аллақандай бўшлиқ, мақсадсизлик қамраганча, нилий арчазорлар орасидаги оқ зовларга саросар боқарди.

Шунда у қандайдир хатарни сезгандек кутилмаганда, атрофга олазарак термилди, дахшатли гулдирос қояларга урилиб акс-садо берар, гўё тоғлар фарёд чекар, нола-лари илонлар чинқириғига қўшилиб азалий маконнинг сўнгги ва мангу қўшиғига айланиб борарди...

Баданлари ивиб совуксираб қолган йилкилар ёмғир тингач, йилқичининг «Хайт!» деб товуш беришини кутмасдан ўришга йўл олишди. Бойхон уларни ўз ҳолига қўйиб берди, қайси дарага боришлари билан иши бўлмади. Остидаги Човкар ујрдан анча орқада қолган, эринчоклик билан охиста лўкилларди. Қафтини пешонасига соябон қилиб олдинга қаради: Йилкилар анча олислаб кетишганди. Бу йироқлик аллақандай сирли ходиса даракчисидай юраги увишди. Пастда садолари қояларга урилиб қайтаётган аллақандай гувиллаган овозлар қулоғига чалинди. Ёлтошга бир маҳаллар Семёнов солган йўлдан турли-туман машиналар ўрлаб келишарди. У кончи яна ноёб маъданларни излагани келаётган бўлса керак, деб чамалади-да, ўз ўйларига шўнғиди:

«Қаерга келган эдим? Ҳа, умр қайтмайди, у бамисоли оқар дарё! Мен умримни қайтадан бошлаганимда ҳам, барибир яна худди ҳозиргидай яшашим муқаррар! Бундан бошқасига кодир эмасман. Начора, ҳар кимнинг тақдиру азали бошқа».

Йилкилар даранинг энг юкорисигача ёйилиб иштаҳа билан буғдойик чайнашар, гўё аллақандай номаълум сафарга тайёрланиб, кўпроқ куч йиғиб олишга ҳаракат қилаётганга ўхшардилар. Илгари шуларга ўзини ягона паноҳ деб билар, паноҳлик ҳисси кўнглини кўтарар эди.

Уюрни ўришдан қайтариб келганда машиналар аллақачон Ёлтошга етиб, Коровул қоя қифтидаги текисликда тўхташган, эгалари чодирлар тикиб бафуржа ўрнашиб олишганди. Йигитлар яланғоч бўлиб кўкаламда ҳордиқ чиқаришар, овқатланиб сгулик ва ичимликлардан бўшаган қутиларни, шиша идишлару, елим халталарни атрофга улоқтиришарди. Чироғи ва тугмачаси ғиж-ғиж машиналар ёнида ўтиришар, бошқалари кўзойнак тақиб аллақандай қоғозу чизмаларни ёйиб ўзаро қизгин баҳслашишади. Гоҳо қўлларини паҳса қилиб бир-бирларига бакиришардики, у аввалига сўкишишяптими деб ўйлади.

Бойхон уларнинг қандай одамлар эканини билиш мақсадида яқинларига бориб заранг шохлари орасидан роса томоша қилди, гапларига қулок тутди, аммо ҳеч вақони англолмади. Чунки ранг-рўйлари турлича бўлсада, бир тилда чулдиришар, у эса русчада алифни калтак деёлмасди. Йилкилар ҳам дастлаб саросимага тушишди, шамолгоҳга чикмай уни роса қийнашди. Зўр бериб пишқиришар, қулоқларини динг қилиб янги, бакирок, тиниб-тинчимас қўшниларига бесаранжом боқишарди. Йигитлар уюрни кўргач тепадан ёлғиз авратпешда югуриб келишди. Йилкиларни томоша қилиб хахолаб қулишди. Бир хил қизикчилари кафтларини бошларига қайчи қилганча кишнашар, бошқаси унинг белига миниб олиб: «Ну-ну чу, давай!» дея қийқирарди. Улар қўшхонада тепадай бўлиб ўтирган Бойхондан сира хайқишмас эди. У йигитларни жон деб тартиб-интизомга чақирган бўларди-ю, аммо... Тил билмаганидан

чор-ночор олисдак бургут қараш қилиш билан чекланди. Бахтига тепадаги карнайдаг бошлиқларнинг кескин буйруқлари янграб қолди ва йигитлар дархол харбийча интизом билан сафланганча, изларига қайтиб кетишди. «Бўлганича бўлар, – деди ўзича. – Буларнинг кўч-кўрони оғир, ертешар машиналарининг санови йўқ, ҳатто кишлаб қоладиган чўтлари бор».

Бир куни яна сабри чидамай чуқур қовлаётган йигитлар ёнига бориб нима қилаётганларини суриштирди. Бахтига бирови ўзбекчани биларкан.

– Излаянимиз.

– Нимани?

– Хар балони, олтин, кумуш, платина, уран, волфрам... Декабрғача улгуришимиз керак, – деб бақирди унга қорабаранг йигит ертешар машинаси кабинасидан туриб.

Бойхон яна сўради:

– Бошлиқларнинг ким? Семёнов эмасми?

Унга чап кўзи ғилай, сап-сарик, мўйлови тикадек одамни кўрсатишди.

– Альберт Степанович, экспедиция штабининг бошлиғи.

– Ҳм, бошқа экан, – деди у соқолини қайириб тишлаганча, ғилайга қарагиси ҳам келмай.

Орадан бир ҳафта ўтгач уларнинг кимлигини ва Ёлтошга не мақсадда келганларини билиб олди. Энди рисоладагидек қўшничилик қарор топган эди. Фақат янги келганлар орасида эски таниши Семёнов йўқлигидан бироз ранжиди, лекин йигитлар уни ва йилқиларини бошқа безовта қилишмаганига ҳам шукр қилди. Бунга уларнинг вақтлари ҳам бўлгани йўқ – дараларга йўл солишар, ғаройиб машиналар билан қоялар бағрини ўйиб сим тортишар, қандайдир ақл бовар қилмас улкан ишга Ёлтошни тайёрлашарди. Қорабаранг йигит унга бу ерда топилган маъданни тозалайдиган завод, ишчиларнинг бола-чақалари яшайдиган бинолар қуришларини, Зарангбулоқ дарасини қовлаб сув чиқаришларини, у етмаса Оксувни ҳам шу ёққа оқизишни батафсил айтиб берди.

...Кунларнинг бирида кончилар ишга чикмай, байрам қилишди. Қанақа байрамлигини йилкичи билмасди. Дарвоқе, ойларнинг саноғини улуг – айём кунлар борлигини ҳам унутиб юборган. Кечкурун икки йигит кўшхонасига келиб уни базмга таклиф этишди.

– Ойбой, Жилкиши жўлдас, бугун жилки бағувдасингда гўй. Биз менен жур, – деди козоқ йигит, сўнгра кўшхонадаги тулум саночга ишора қилиб сўради – Вўси, сенам қазақа ўхшайсинг, жўлдас, қимисинг жўқба?

– Қозоқ менинг отадошларим бўлади, – деди у. Бош уругимиз бир. Сизлар Бойбўридан, биз аразкаш Бойсаридан таркаганмиз. «Алпомиш»нинг ёлғони йўк. Қимиз дейсанми? Қимиз йўк, шунқорим. Бир маҳаллар Тўракул ота раислигида бўларди, йилқилар ҳам кўп эди, соғимчи аёллар ҳам. Энди ҳаммаси йўк, ҳаммасини қуритишди.

– Ойбой Жўлдас, бу неси? Қимис ишмесинг жилки бағувда не керек? Бейремега жур вўси, арақ ишесинг.

– Ароқ дейсанми? Мен ароқ ичмайман, Мулла Абдулло эшитса, чаток бўлади. Ҳали намоз ўқимаганим учун яниб юрибди.

– Ойбой, журсенгши, арақ ишмесинг тамаса қилесинг, пепси-кола ишесинг, шампан ишесинг. Вўси, биздинг жакда двойной мейрем. Бугун Жалтасда алтин таптик, алтин! Эшитесингле, билсенг Жалтасдинг асти тўла алтин экен.

У боришга ваъда берди.

Кечкурун уларнинг манзилгоҳини кўриб дафъатан ҳайратдан оғзи очилиб қолди. Қоровул қоя этагидаги кенг текисликни ертешар машиналар, улкан кранлар, булдозерлар, асбоб-у анжомлар қуршаганди, атрофдаги тошлар электр чироқлари нурида ялтиради. Чодирларнинг олдидаги қатор тизилган столлар устида турли-туман ноз-неъматлар, шишалар уюлиб кетган. Тўрдаги столда бошлиқлар ўтиришибди, ҳаммалари ашула айтишар, ўртага чиқиб ракс тушишарди. Ора-сира илғорлари нутқ сўзлашар, шундан сўнг яна навбат ўйин, кўшиққа. «Ур-а!» деган хитоблар янграб тоғларда акс-садо берарди. Хавога отилаётган ранг-баранг мушаклар Ёлтошнинг

қоронғи осмонида ялт-юлт қилиб қояларни бир зум ёритиб сўнардилар. Унга ҳам колбаса-ю консерваларини манзират қилишди, кўярда кўймай пепси-кола ичиринди, ўйинга тортишди. Атрофида чалак чалиб: «Бабайчик, наш байбайчик, во!» дея қийқиришарди.

Баэм ярим кечагача давом этди. Бойхоннинг кулоқлари «ура» садоларидан, тўрт томонга ўрнатилган карнайлардан жаранглаётган мусикадан том битиб қолган эди. Охири боши айланиб, кўзи тиниб кетди, қаердалигини, атрофдагиларнинг қимлигини билолмай қолди. Назарида бариси: машиналар, чодирлар, байроғу шиорлар, қўшиқ айтиб ўйин тушаётган оломон ва у чирпирак бўлиб айланар эди...

\* \* \*

Нахорда моторларнинг кучли гувиллашидан уйғониб кетди. Қон қидирувчилар ишни эрта бошлаб юборишганди. Йилқилар шамолгоҳда алланарсани кутиб, гўё қаёққадир чоғлангандек кулоқларини қайчи қилиб туришарди. Бойхон бундан ажабланди. Устига-устак чап қовоғи тинмай учарди. Унинг нияти, қор тушгунча йилқиларни Ёлтошда ўтлатиб совхозга ҳайдаб бориш, Ўтбосаровдан қишлоқ учун жой, ем-хашак талаб қилиш эди. Лекин бу ерда қончилар ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб ётишибди. Йилқиларнинг холи не кечиши номаълум. Қончилар қароргоҳида эса тараддуд зўр. Улар бугун вертолётда келтирилган ошиқ-мошиқли қутилар ичидаги елим қопларни чуқурлар оғзига элтишди, бўшатиб чавилларга улоқтиришди. Бойбўл йиртилган қоплардаги дори юқини кўрди, қончилар чуқурларга сим тортишар, уланган жойларини қайта-қайта эринмай кўздан кечиришарди. Тугмачали усқуналар олдида ўтирганлари ҳам бир-бирларига қичқиришиб баҳамжиҳат ишлашарди. Ҳаммалари гўё ҳал қилувчи ҳамлага ҳозирлик кўраётгандай ғайратта мининган. Бойбўл қўшхонада уларнинг бақир-чакириқларини, машиналарнинг тариллашларини эшитмаслик учун бошини кебанагига буркаб ётарди, уюрдаги айғирлардан бири қишнади, сиртлон безовга ҳуриб қўйди. У бошини кўтариб қаради-да,

бўрилар улиган тоғ айрисидан ошиб келаётган отликка кўзи тушди. Келувчи отини қистаб ҳайдар, холдан тоғийиб базўр қадам ташлаётганига қарамай саврисига устмауст камчи босарди.

Аввалига нон олиб келаётган қизилтомлик аёлниг ўғлимикин деб чамалади. Чунки ўспирин анчадан бери қорасини кўрсатмаган, у нонсиз қолиб оқшомлари саноқдаги қотган от гўштининг қуруқ ўзи билан тирикчилик қиларди, итига ҳам ноилож шу гўштдан ташларди. Ора яқин қолгач, тикилиб туриб отликни таниди. Сайпилла кал! У энди буткул дол бўлиб қолди. Нахотки қончилар совхозга бориб устидан шикоят қилишган бўлса?! Балки Сайпилла туманнинг, балки ундан ҳам юқорироқнинг буйруғини кўтариб, Ёлтошга от чоптирган чиқар! Эҳтимол судга ҳам беришгандир? «Майли, келишса келишсин. Қайтага ҳаммаси бир ёкли бўлади. Айтадиганимни айтаман, мени ҳам сўрайдиганлар бордин, дунё бедарвоза эмас-ку!» деди ўзига далда бериб. Сайпилла шамолгоҳга чиқиб, уюрни ёнлаб ўтиб отини тўғри қўналғага ҳайдади, олмурутга етар-етмас эгардан ўзини ерга таппа ташлади.

– Ҳа юртни ёв босдим, мунча ховликасан? – деди Бойхон ўтирган жойидан қимирламай. – Отингни борлаб кел, ҳеч бўлмаса.

– Кераги йўқ, қочмайди. Тамом бўлган, – деди Сайпилла ҳарсиллаб нафас оларкан, кейин кўришгани қўл узатди.

– Ўзинг ҳам тамом бўпсанку, кал – деди Бойхон сурилиб унга жой бўшатаркан, сўрашмай-нетмай пўстакка чўзилгани учун кесатди. – Сўрашгали ҳам дармонинг қолмапти-да.

У жавоб қилмади, бошидан теллагини олиб тер ва чангга ботган юзини кафти билан артди. «Чойинг борми?» деди унга, лекин чой беришини қутмай олмурутнинг пастки шохига илинган мешга узалиб бўйни, кийимлари ёқасига тўкиб-сочиб сув ичди, «ух, худога шукур», деб яна пўстакка ясланди. Бойхон ошнаси нафасини ростлаб сал ўзига келгач, суриштирди:

– Нима гап, тинчликми ўзи?

– Сен бор жойда тинчлик бўлармиди. Бутун бошли уюрни обқочиб юрибсан-у бизга индамай қўйишадими? Ўтбосаров сенинг касрингга қолди энди. Мен эса...

Бойхоннинг сабр косаси тўлди.

– Чулчутланмай бўларини гапир, нима гап?

– Бўларини айтсам... – деб яна ямланди Сайпилла.

– Айтсанг айт, бўлмаса қамчинни ишга соламан.

Ошнаси чиндан урадими деб хавфсираб пўстакдан сурилиб олмурут танасига қашишди, кўзларини филтиллатиб сўзланди:

– Нимамни урасан, ургулигим қолдими менинг? Хаммаси тамом бўлди. Биз сени аяган эдик, энди аямайдиганлар чиқиб қолди. Йилқиларни обқочиб юрганинг туман катталарининг қулоғига етибди. Тагин манави кончиларнинг ишига халакит бераётган эмишсан. Вилоятдан махсус хат келди.

Бойхон унинг реза-реза тер оқаётган юзига, куриқшаб пўст кўчган лабларига ҳадик билан тикилиб сўради:

– Алдамаяпсанми?

– Алдаб ишим коптими. Кўрадиганингни кўрасан энди. Мен сенга айтувдим-ку, катталар билан олишишни сенга ким қўйибди, деб. Ана оқибати!

– Хўш, гапни чўзма, сенингча мени нима қилишади? Камашадими?

– Керак бўлса камаласан ҳам. Кел, мени мунча тергама ошна, чойингдан қуй, томоғим қақраб кетди.

Лекин ошнаси унга манзират қиладиган аҳволда эмасди. Иш бунчалик тескарисига олмас-ов, деб юрганди дилида. Сайпилла кал унинг саросимага тушишидан роҳатланаётгандек кўзларини қисганча кузатарди. Бойхон буни пайқади, сир бой бергиси келмай гапни бошка ёкка бурди:

– Сен у ёқдан гапир, қишлоқда нима гаплар бор? Уйим, кизларим тинчми?

Бироқ ошнаси худди тилдан қолгандек миқ этмай кўзларини филтиллатиб унга тикилишда давом этарди. Шу тахлит ўтиришганда тепадан гурс-гурс қадам ташлаб икки киши тушиб келди. Бойхон бировини таниди: Унга Семёнов деб рўбарў қилишган ёйлай, тиканак мўйловли

штаб бошлиғи хазиллашаётгандек кўлини чеккасига тираб ҳарбийча салом берди. Ёнидаги қорамангиз чўзинчок юзли татар йнгит буни такрорлаб ўзини Алик Маликов деб таништирди. Ғилай папкасини очиб ичидан машинка ёзувли шаддироқ қоғоз чиқарди, пакана гавдасига ярашмаган дўрилдоқ овозда ўқишга киришди. Алик Маликов таржима қилиб турди. Қоғозда қуйидагилар баён этиларди:

«Кон қидириш Ўрта Осиё бўлими раҳбарияти шуни маълум қиладики, Ёлтошда Иттифок аҳамиятга молик маъдан қидирув-қазини ишлари олиб борилади. Ёлтош – «Махсус ёпик манзил» деб эълон этилади. Эртага Москва вақти билан соат 8.00 да ялпи портлатиш амалга оширилади. Портлашларнинг кўлами ва хавфлилигини назарда тутиб Ёлтошдан аҳоли, хўжалик ускуналари, чорва моллари хавфсиз масофага кўчирилиши талаб этилади. Жумладан, сиз «Лангар» совхозининг йилқичилик фермаси собиқ мудирини Бойбулов Бойхон мазкур хўжаликка қарашли бир юз ўн етти нафар йилқини 24 соат ичида олиб чиқиб кетишингиз сўралади. Талаб қатъий, шикоятга ўрин йўқ!»

Экспедиция раҳбари: В.И. Захватчиков

Штаб бошлиғи: А.С. Семёнов.

Алик Маликов таржимани тугатиб Бойхонга юзланди, аммо у нима деяпсан ҳам демади, худди қаншарига қўнмоқчи бўлаётган пашшани ҳайдаётгандек кўлини силтаб қўйди. Нигоҳи уларда эмас, бошини қуюқ, қўланса тутун қоплаган қояларда беором кезарди. Сўнгра шамолғоҳда депсиниб турган йилқиларга юзланиб гапир кетди:

– Биламан, ҳаммасини тушундим. Шу шаддироқ қоғозни олдимга кўтариб келмасаларинг ҳам бўларди. Қоғозларинг ўзларингга сийлов, менга ўтмайди. Ёлтошни кунпаякун қилиб қулини кўкка совураверинглар, менга ҳам, тулпорларимга ҳам бало урмайди. Уларни тошларга кўмиб бўпсанлар. Мана, битта кўмадиган ўтирибди. – У пўстак устида ётган Сайпиллани кўрсатди. Боринглар азаматлар, қандай қарорга келишни, йилқиларни нима

қилишни ўзим биламан. Бошлиқларингга бориб шунни айтишлар.

Кончилар гапини сабр-тоқат билан тинглашди, охирида кайсарликнинг оқибати ёмон бўлишини уқтира бошлашди. Шу пайт бирдан Сайпилла ётган жойидан сапчиб туриб, жазаваси тутгандек бақира кетди:

– Хей сен гилайкўз! Сен ҳам Алакша Малакша! Кимга қогоз ўкталаётганларингни биласанларми? Қайси маконда турибсанлар ўзи? Сенлар оталаринг кимлигини танимайдиган таскаралар Бойхонни, юртнинг полвонини биласизларми? Мана, мана, кўриб қўйинглар унинг кимлигини! – У овзидан тупик сочиб қичқираркан, қўйнига қўл солиб камзулининг чўнтагидан вижимланиб кетган газета чиқарди-да қутилмаган дағдагадан қути учган штаб бошлиғининг бурни тагида силкита бошлади. Кейин биринчи саҳифасида йирик ҳарфлар билан ёзилган буйруққа қўлини нуқиб кўрсатди.

– Буни ўқи, билафон бўлсанг! «Лангар» совхозининг йилкичиси Бойбулов Бойхон Чорвачиликни ривожлантиришдаги узок йиллик самарали меҳнатлари учун «Меҳнат қизил байроқ» ордени билан тақдирлансин!

Сайпилла қўлидаги газетани нега силкитаётганига ҳам, нималарни айтиб айюҳаннос солаётганига ҳам Бойхоннинг ақли бовар қилмасди. Семёнов: «Нима деб дағдага қиляпти бу одам?» дегандек шеригига юзланди. Алик Маликов унга газетада чиққан буйруқнинг мазмунини тушунтиргач:

– Все ясно, от души поздравляю вас! – деди. – Но это не меняет наши требования, вы должны покинуть Ялташ в течении уже 23 часа, понятно!

Бойхон «ҳа» ҳам, «йўқ» ҳам демади. Кончилар кетишди. Сайпилла жазаваси босилиб пўстак устида хотиржам ястаниб ётарди.

Ниҳоят Бойхон ўзига келиб унга юзланди:

– Қани бир бошдан гапир, қамагани милисаларинг қачон келади? Манави газетангдаги гап нимаси яна? Буйруқ дейсан, орден дейсан...

Бироқ ошнаси гапиришга мажоли етмаётгандек унга мўлтиради. Бироздан кейин қаддини ростлаб ғайратланди, қўлларини бир-бирига ишқалаб газетани олди.

– Нимасига тушунмайсан. Орден олибсан, ошна!  
«Меҳнат кизил байроқ» ордени... Бу ўз-ўзидан бўлган,  
деб ўйлайсанми? Тошкентлик олим кипти ҳаммасини.  
Хов, эсингдами, бултур келганида йилкини асраш керак,  
деб сенинг тарафингни олган домла!

– Хўп майли, сен у ёғини гапир. Ўша олимнинг  
орденга нима дахли бор?

– Эҳ пишмаган хом калла. Ўғлинг Шерзод унинг  
қўлида дарс олар экан, диссертациями бир бало  
ёклаётганмиш. Яқинда келиб шу гапларни айтиб кет-  
ди. Домла йилкиларнинг тарихини ундан суриштириб  
билибди. Марказқўмга чиқиб масалангни кўтарибди.  
Улар, хўп йилкичингизни тақдирласак кутуламизми,  
дейишибди-да...

У алоқ-чалок туш кўраётгандай бўлди. Бу ходиса-  
лар – кончилар, Сайпилла ва унинг гаплари асло ўнгида  
эмас, тушида бўлаётгандек туюларди унга. Хеч нарсани  
идрок этмас, гўё энди Ёлтошда ётиб чеккан изтиробла-  
ри, ўйларию курашлари аҳамиятини йўқотгандек...

Сайпилла қандайдир қадимги термани хиргойи қила  
бошлади:

*Ола тоғда қор ёғса, бунда қиров, ҳай ёр,  
Мен ёримни кўролмай бунда гирён, ҳай ёр!*

Бойхон сўради:

– Сен қачон қайтасан?

– Ёнингда қолсам девдим – минғирлади ошнаси.

– Қолиб нима қиласан?

– Эртага уюрни Лангарга қайтарсанг ёрдамим тега-  
дими деяпман-да. Ахир, кончилар...

– Кончилар? Нима шу срданам ҳайдаламанми? Энди  
ўлигим чиқади Ёлтошдан, билдингми?!

– Ҳарқалай, ёнингда бўлгим келяпти – деди Сайпил-  
ла. – Кел энди, нима бўлса бўлар, бирпас хасратлашай-  
лик. Кўришмаганимизгаям анча бўлди чоғи, сен билан  
жанжалларимни соғиниб қолдим.

Қоронғи тушиди. Иккови қотган нону саночда-  
ги гўштдан тамадди қилишди, чойдан сўнг ухлагани  
ётишди. Бойхоҳ кебанани ошнасига берди, ўзи эски

пўстинни ёпинди. Аммо уйку қаёқда, иккиси ҳам бедор ётишарди. Энди уни душман билмас, ўрталаридаги кирк йиллик рақиблик шу окшомда қайгадир изсиз ғойиб бўлганди, гўё. Нега? Қандай пайдо бўлди бу кўнгилчанлик? Нечун улар ҳеч қачон бир-бирларига ситам қилмагандай ҳасратлашиб ўтиришибди? Адоватлар, курашлар қани?! – Ажабланиб ўйларди у. Бирок кейинги ҳодисалар, Сайпилланинг хушxabари, ўртадаги рамгусорлик қалби тубидаги бўрон олдида хемири эмаслигини сезиб турарди. Ошнасини яна гапга солмоқчи бўлди:

– Овулдан хабаринг бордир, ҳар нечук. Бизнинг уйлар тинчмикан?

– Овулда тинчлик, нима ҳам бўларди дейсан. Қизларинг яхши ўтиришипти. Хов бирда кўрганамда гилам тўқишаётган эди. Мен сенга айтсам қиз бола палахмоннинг тоши, сен билан бизнинг ишимиз тенгини топиб узатиш. Қиз деганинг бировнинг хасми, мен ҳам яқинда тўнғичимни узатдим...

– Мен ҳам Ойдинни чиқарсам, бошқа ташвишим йўқ, – деди унинг ҳасратидан таъсирланган Бойхон.

– Эшитдим. Менгли мерган тўйга керакли ҳамма нарсани тахлаб, сенинг йўлингга кўз тутиб ўтирибди. Ҳа, ошнам, умр ҳам ўтиб бораёпти. Икковимиз суришиб юриб мундоқ ошналардай борди-келди қилмадик. Асли куда-пуда бўлганимиз маъқулмиди. Қизимни ўғлингга берардим, совчи юбормадинг-да.

– Биз ҳозир жуда яқинмиз деб ўйлайсанми?

– Ҳа, энди, уришсак ҳам, талашсак ҳам узанги йўлдош эдик-да.

– Бу гапларни сен қаёқдан ўргандинг? Хаёлимда илгари бошқачароқ сайрардинг.

– Ҳа, сен шундай дейсан-да. Қаёқдан ҳам билардинг? Эздан чиқиб кетгансан. Яқинда Кенжа чол қазо қилди. Сенга хабар қилишга иниларинг эринишди, ўзимиз эплаймиз, дейишди. Уларнинг қайғуси бошқа. Бойкўчқор Шойимкулнинг ўрнига бўлим бошлиғи бўлган, мени ҳам мудирликдан туширишди. Пенсияга чиқдингиз, ҳисобдорлик ишларига ярамайсиз, деб. Била-

ман, сен менга ишонмайсан, барибир, душман кўрасан. Лекин мукофотланганингни эшитиб бу ёкка иниларинг эмас, мен чоңдим. Ўзимни оқламайман, мендан кўп фирромлик ўтган...

Бойхон унинг хаста овозини тинглаб кўнгли бузилди, амакисининг вафотини эшитиб яна дилини ғусса қамради, ошнасига далда бергиси, сендан хафа эмасман, ўтган гапларни эслама, дегиси келарди.

– Сени мукофотлашди-я! Бирданига катта мукофот. Хеч ким шундай бўлади деб кутмаган эди. Сен голиб чиқдинг, биродар, – деди ўринда ухлोलмай тўлганиб ётган Сайпилла. – Сен ҳам, ошнам, бўйнингга ол! Мендан ўтар иш қилганинг йўқ. Кўнглингга олмаю, аслида орденни...

– Сен олишинг керак эди, сенга ярашади, шундайми? – деди Бойхон унинг яна эски Сайпилла калга ўхшаб гапира бошлаганидан ҳафсаласи пир бўлиб. – Ана шу-да аҳволинг. Одам эмраниб турганда кўнглини ирkit қиласан. Туппа-тузук одамдай эдинг-а! Дарров айнийсан, ҳеч тутиригинг йўқ.

– Мен ундай деганим йўқ, тушун, ахир. Фақат мен ҳам ўша темирдан битта олсам яхши бўларди, деяпман-да. Қорнимга эмас, кадримга йиғлайман.

Бойхон сукут сақлади, сўнгра гапни бошқа ёкка бурди:

– Майли биродар, мунчям ўкинма, одамнинг кадрини шулар ўлчамас. Хушхабар олиб кепсан, раҳмат. Лекин нимага энди олдин шуни айтмай дағдаға кўтардинг? Район катталари сени қамайди, ишинг судга тушган, дейсан. Бу гаплар ҳазилдир-а? Чинингни айт.

– Нимага дағдаға кўтарардим? Сен билан қирк йил йўл талашиб келган мендай одам дарров қуллуқ қилиб оёғингни ўпайинми? Газетани олиб бу ёкка от қўйишга қўйдим, аммо айри тоғдан ошиб қорангни кўргач, ориятим келди-да.

Бойхон кулди.

– Хай ошнам-а, қушмиялигинг қолмади қолмади-да. Шу найранг хожат эмасди-да, – деди унинг тарам-тарам ажин югурган юзига боқаркан, кейин жиддий тортиб

сўради. – Шерзодни кўрдим дедингми? Нега бу ёкка келмапти?

– Айтдим-ку, диссертациями бир бало ёклаётганмиш деб. Эҳ калла! Эсан чикибди. Кани суюнчини чўз, неваралик бўсан хумпар! Бахт келса кўша келади деганлари шу-да.

Сайпилла кула-кула унинг бошидаги сур телпакни юлиб олиб қўйнига солди. Ошнаси: «Ха хўп, суюнчи бўлса оласанда», дегач кайтариб берди. Янги хабарни эшитиб Бойхоннинг кўкси тўлиқиб кетди, дилини шодликми, соғинчми тотли бир хис камради. Назарида ўғли қоронғи борлиқ ичра қуёшдай порлаб ғариб қўналғасида пайдо бўлгандай, гўдаклик исини димоғида туйгандай галгиди. Дилидаги барча қадарлар тўкилиб, осмонда парвоз қилаётган қушдай енгил сезди ўзини.

– Уюрни нима қиласан энди? – деди Сайпилла унга.

Бойхон уйқудан чўчиб уйқонгандек бирдан бошини кўтарди. У ҳаётида суюнса арзийдиган ходиса юз берганини билиб англаб турарди-ю, эмин-эркин суюнолмай, қалбида кўтарилган туғённи баралла ошқор этолмай азобланарди.

– Уюр билан сенинг нима ишинг бор? Ухла энди. Йилқилар бугун ўтлашмади, эртага сахардан ўришга ҳайдаш керак, бироз мизғиб олайлик.

Лекин Сайпилла уни эшитмагандай яна термаларини хиргойи қила бошлади:

*Ола тоенинг кийиклари ўйнашар, ҳай ёр,  
Болғалининг қизларидай жайнашар, ҳай ёр.  
Сунбул сунбул сочлари қорамикин бир қаранг,  
Сунбул сунбул сочларидан кимлар ўпар ёр...*

Бойхон унинг ҳирқираган ҳазин товушига кулоқ тутиб яна ҳаёлга толди. Қўшиқ жуда йирокдан келаётгандай туюларди. Уни Сайпилла айтаётганга ўхшамасди, у бутунлай йўқ эди гўё. Ўзи ҳам, уни қийнаб келган қирқ йиллик азоб бахш орзулари ҳам йўқ, ҳаммаси поёнига етиб қалби хувиллаб қолгандай. «Ха буларнинг бари олдиндан аён бўлган эди. Кенжа бобо вафот этибди, яна манави қончилар... Қаёққа бораман? Уюр

билан қайларда кўним топаман? Уларсиз мен орденни нима қиламан? Сайпилланинг газетасини ялов қилиб киёматгача кўтариб юраманми?!»

Ошнаси терма айта-айта охири ухлаб қолди. Зулмат сукунатини саррин тоғ шамоли ҳамда унинг бир текисда отаётган хуррагигина бузиб турарди.

## 6

Нихоят бургут азалий одатини тарк этди. Бугун тонгда хавога кўтарилмади. Кўрагон тоғдан офтоб аллақачон мўралаган бўлса-да сўнқайган зилдай қанотларини йиғиб Шох қоядаги ошённида ўтирарди.

Энди парвозларга ярамай қолганидан эмас, ҳаммасини беҳуда, деб билгани учун учишни бас қилган эди. Ёлтошдаги шовқин-суронга, пастда безовта учишаётган, тинимсиз чағиллашаётган қушларга айникса бепарво қарарди. Бошқа қушлар учишни жуда қойилатаётган шу дамда қояда ўликдай қотиб турганидан асло «хижолат» чекмасди. Бургут кўпдан бери йиртқиқчилик майллари билан эмас, кундалик эҳтиёжларини қондиришга ўзини кўниктирган, табиатига хилоф равишда ювош бўлиб қолганди. Аммо сиртдан қараганда, зоҳиран шундай кўринарди, холос. Аслида юмшоқ табиат ҳам, хотиржам ҳам эмас, у ёқда, авлодлари орасида халоват топмони дарғумон. Тинимсиз алмашилиб турадиган насллар умридан иборат ҳаёт аталмиш рўё энди уни ўзига мутлақо жалб этмасди. Ёлтошда танҳоликда кечирган онлари ҳам ўтмиш бўлиб қолишини, ёруғ дунёнинг сўнгги суварати оний хотирага айланишини биларди. Шу боис Шох қояда қимир этмай қазосини кутиб ўтирарди. Бирок тепасида айланаётган калхатларни кўргач, сесканиб кетди. Афтидан, калхатлар уни ўлаксага чиқариб хомташ қилиш ниятида келишганди. Ахир, ўлакса олдин қудратли жонзот бўлганининг калхатлар учун қанчалик фарқи бор.

Бургут сўнқайган қанотларини ёнига шап-шап урди, соққадай чағир кўзлари хонасида қаҳрли айланди, панжалари очилиб юмудди, баданидаги титроқ зўрайди.

«Кийк-кийк», дея жанговар сас берди. Лекин бу харакаг, бу сафарбарлик зарба учун эмас, балки бор-йўги табиий сезгиларининг уйғонганидан эди. У сўнгги бор Ёлтошнинг чағилларига боқди. Пати кетган япаски бошини энгаштириб бутун кучини қанотларига йиғиб забт билан ҳавога кўтарилди, дарҳол атрофга тумтарақай қочишган калхатлардан бўшаган Шоҳ қоя устида уч бора доира ясаб айлангач, кунчиқарда кузги ғубор ичида элас-элас кўзга чалинаётган қорли тоғлар сари шитоб билан учиб кетди...

Бургут ярим йўлни босиб пастга тангадай жимирлаб оқаётган Оқсув тепасига етгач, бехос тўхтаб ортига Она бургут ошёнига қаради, қояларнинг асрий қўшиғига қулоқ тутди ва яна тонгда ўзи ташлаб чиққан макони – Ёлтошга қайтди. Она бургут ошёни тепасида анча маҳал чарх урди, сўнгра офтобнинг шуъласига ғарк бўлган, ложувард кўкка сўнгги бор бутун вужуди билан талпинди-да пастга шиддат билан қуюлди. Ханжардай ўткир тошларга урилиб парча-парча бўлиб чағилларга сочилиб кетди. Ўлжадан ҳамон умидвор бўлиб Шоҳ қоя устида айланиб юрган калхатлар унинг лошига ташланиш ўрнига нечундир тез тарқалишди. Этак тарафдан эсан кучли шамол бургутнинг суякларини ва цағлариши аллақачон даралар ичкарасига учириб кетган эди...

Наҳорда у яна моторларнинг кучли шовқинидан уйғониб кетди. Барвакт турган Сайпилла қора йўрғасига эгар босарди. Кечагидан кўра хийла бардам, ғайратли кўринар, камзули устидан камарини маҳкам боғлаб, қамчинни қистириб олганди. Бойхон йилкилар кеча оч қолишгани учун, аллақачон ўришга жўнашган деб ўйлаган эди. Бироқ улар худди бугун ҳам ўтга оғизларини урмай, сурдов бўлиб юришадигандай бамайлихотир, тоғ шамолга баданларини тутиб туришарди. Тикилиброк қаради-да, уларнинг сира ҳам ғафлат уйқусида эмаслигини пайқади.

У қўшхонани йиғиштирди, юз-қўлини чайиб, шол белбоғига артинди, патак бўлиб кетган соқолини бармоғи билан таради. Сўнгра чой қайнатиш учун шох-шабба тераркан, беихтиёр олмурут тепасидаги қояга қараб,

унда осилиб турган бахайбат кулранг илонни кўрди. Кўркувдан эмас хайратдан донг қотиб қолди. Илонни таниган эди! Дарранда қоп-қора айри тилини чиқарганча унга тикилар, ҳали замон унга ташланадигандай хезланиб турарди. Улар худди олдингидек бир-бирларига харифларча узоқ қараб қолишди. Ниҳоят у илоннинг борлигидан ёғилиб турган даҳшатли кучга дош беролмай орқага тисарилди. Илон жойидан жилмади, аммо бу сафар қарори қатъийлигини, ё ўлим ё қалаба деб турганини Бойхон англади. Уни бошқа нарса хайратга солган эди: Нечун илон бугун эски маконига қайтди? Бунда не ҳикмат бор?! У кўрган нарсасини Сайпиллага айтмади, бафуржа олов ёқиб чой қайнатди, аммо чойхўрлик давомида ҳам, кейин ҳам бу синоат ёдидан чиқмади...

Тепада янграётган мотор овозлари кучайган. Уюр энди шамолгоҳда руж бўлиб турарди. Биялар қулунларини ёнларига олишган, айғирлар уларнинг атрофини қуршаб кулоқларини чимириб, бошларини юқорига кўтаришган. Бойхон уларнинг сағрилари шишиб, сонларининг томирлари бўртганини, бурун катаклари очилиб хавони хидлаётганларини пайқади.

– Йилқиларинг чопгиси келаётир, шекилли, – деди Сайпилла.

– Ҳа, уларнинг бир билганлари бор.

– Қончилар ҳали замон бошламади. Уюрни довондан оширайлик, кейин пешоналарида нима ёзилган бўлса шуни кўради-да. Дарвоқе, сен билан биз ҳам шу эмасми!

У қўшхонадаги нарсаларни хуржунга жойлашга киришди. Ҳали ошнаси бунга кўнмаслиги, кўлидан нарсаларни тортиб олишини кутган эди, аммо Бойхон унга ва ишига эътибор қилмади. У чағиллар орасидаги сўқмоқ йўлга тикилиб қолган, сўқмоқдан тугун кўтарган оқ рўмолли аёл келарди. Аёл уларга яқинлашиб рўмолини тузатди ва бир учи билан оғзини тўсиб салом берди. Сайпилла иш билан банд бўлсада, ошнасидан илдамроқ туриб уни қаршилади. Хушрўйгина аёлнинг бу овлоқ гўшада нима қилиб юрганига ақли етмай, унга бошдан-оёқ разм солди. Аёл қўлтиғидаги тугунни ерга қўйиб,

ўзи ҳам ёнига чўккалади. У эркаклар билан келин-чакдай иболаниб сўрашди, аммо йилкичини холи уч-ратмаганидан, ёнида ярғоқ юзли, калтабакай одамнинг ўтирганидан хафа бўлгани билиниб турарди.

– Хуш келибсиз бойбича, – деди Сайпилла аёлларнинг кўнглини олишда устаси фарангдай қийшанглаб.

Аммо аёл унга қайрилиб ҳам карамади. Рўмолини ҳимариб юзини ярим тўсди.

– Ўтган ҳафта келолмадик, Бойхон ака, – деди у эркалангандай нозли бир овозда. – Директорнинг уйига тўй жўнатдик. Ўғлим тушмагур охири ниятига етди. Қиз билан гапни бир жойга кўйган, экан. «Энди иш битди, бориб Бойхон акани тўйга айтиб келгин, сен йилкиларга қараб турасан», дедим. Жувонмарг кўнмади.

Бойхон ҳали уйқуси очилмагандек қарахт бўлиб ўтирар, аёлнинг нима деяётганини илғамас, хаёли йироқларда чарх урарди. Бугун ўзгача – ёшаргандай, сулув кўринаётган аёлга тикилган сари унут бўлган хотиралари ёдига тушиб юраги қуярди. Кончиларнинг бақир-чакирлари, моторлар товуши авжга минди. Йилкилар шамолғоҳда таранг тортилган ёй-ўқига монанд овозларга қулоқ тутиб тек қотишган.

– Тайёр! – деди қўшхонани саранжом қилган Сайпилла.

У Бойхондан сўраб ҳам ўтирмай Човқарни етаклаб келиб айилни тортди. Хуржунни эгарга ортиб устидан пўстин билан кебанакни ташлади-да, ошнасининг энди манави хушрўй бойвуччаси билан хайр-хўшлашиб жўнашига ишониб, қора йўрғасини ечиб минди. Бироқ анчагина кутиб қолди. Ошнаси худди ясатиғлик ўтовда, чимилдикда ўтиргандай, ойимчаси билан «нозик» суҳбатини давом эттирарди. Аслида уларнинг бир оғиз ҳам сўз айтмай, ер чизиб ўтиришганидан беҳабар эди.

– Сиз... жўнаб кетаяпсизми? – деди аёл ниҳоят бошини кўтариб унга фироқ билан боқаркан.

– Ҳа, – деди Бойхон ўзгарган хиркироқ товушда. – Ёлтошда кончилар иш бошлашди, хавфсизроқ жойга кўчишимизни сўрашяпти. Гап бундаям эмас... Сафарим қариди, чоғи. Яна Ёлтошга келаманми, сиз билан

кўришамизми йўқми, билмадим. Берган тузингизга рози бўлинг. Кунимга ярадингиз, эсимдан чиқмайди. Хайр энди!

– Нонни олмайсизми?

– Энди насибамни йўлдан излайман, синглим. Айтгандай ҳамроҳингиз йўқ экан...

– Ўғлим йўлда кутиб турибди – деди аёл. – Хеч бўлмаса битгасини олиб кетинг, тўйнинг патиридан эди...

Бойхон патирни олиб хуржунга солди ва узангига оёқ қўйиб Човкарнинг белига минди. Аёл мужонидаги ёшларни рўмоли учида артиб оларди. У ёнидан чарм ҳамёнини олиб унда бор пулини аёлга узатди. Шу он кончилар қароргоҳидан: «Ура! Бошладик!» деган хайкириқлар янгради. Ёлтошнинг қоялари узра куюк тўзон кўтарилди. Тоғ-тошларни ларзага солган кучли портлаш овози гумбурлади. Уюр аллақачон кўналгани тарк этган эди...

Аёл ҳамон узангини тутиб йиғи аралаш нимадир дер, зар ковуш кийган оёқлари тагида пуллар сочилиб ётарди. Пастдан чопиб келаётган отлик ўспирин шамолгоҳга чиққанда аёл узангини қўйиб юборди, аммо ҳамон жовдираган кўзлари йилқичига умидвор боқарди. Бойхоннинг кўз ўнгидан бир лахза киз-жувонлар алвон лолалар янглиғ тўлдирган Бўзадир даштлари сузиб ўтди ва... Шаҳд билан энгашиб аёлнинг билагидан тутди-да отнинг саврисига олди. «Белимдан каттиқроқ ушла!» деб кичкирди-да Човкарга қамчи босди. Аввалгилардан ҳам кучлироқ портлаш овози янгради. Ёлтошни қиёмат-қойим буткул забтига олган, асрий уйқудаги тоғ нолакор сас берар, қоялар қоқ бўлиниб, палахса-палахса харсанглар осмону фалакка отилар, чағиллар лава сингари шиддат билан дараларни босарди...

У Човкарни қамчилаб тоғ айрисига етганда йилқилардан ҳам Сайшилладан ҳам ном нишон қолмаган – йирокда куюк чанг кўринарди, холос. Ниҳоят чанг орасида Лангарни эмас, олис Шотруд тоғларини кўзлаб шитоб билан учиб кетаётган йилқиларни илғади. Сайпилла уюрни қайтариш учун қора йўрғасида тўзонга аралашиб елиб борарди. Шунда уюр олдида кумуш

ёллари хилпираб кетаётган Окёл дўнани кўриб қолди. Йилкилар ўз тақдирларини тулпор авлодига ишониб топширишган, Окёл дўнан ёввойи сезгилари уйғониб уюрни аждодлари яшаган олис тоғлар томон бошлаб борарди...

Бойхон йилкиларнинг харакатини кузатгач, бу ерларни абадул-абад тарк этаётганини, ошнасининг от кўйиши беҳудалигини англади. Дарҳақиқат, йилкилар инсон билан дўстлашгандан буён барҳам топган азалий сезгиларига бўйсуниб ўзларига янги манзил излаб кетишар, шу тобда уларни қайтариб қоладиган куч дунёда йўқ эди...

Бойхон орқасида белбоғидан маҳкам тутган аёл борлигини буткул унутган кўйи ўзига-ўзи сўзланарди: «Аждодлари ёнига кетишди, мен энди уларга керак эмасман. Ох, Окёлим, тор бағримдан уюрни олиб кетдингма! Чиндан Румгача буюк Кўнгиротга йўлдош бўлган тулпорларим бир кун қайтишар, Бўзадир даштларида яна туёқларининг дупурларини эштарман. Минг йиллардан кейин ҳам, кимлардир мендайин ортидан тоғ-тошларни кезишар, қари йилкичилар ўрнини ёшлари эгаллашар. Ўшанда улар окшом чоғи тулхан атрофига йиғилганда бечора Бойхонни ҳам хотирлаб рухини шод қилиш учун дўмбира чергиб дostonлар айтишар»...

У соқолига дўлдай тўкилган кўз ёшларини артиб оларкан, Човқарнинг бошини Лангар йўлига бурди.

1995 й.



## ЗУРЁД

### 1

*От юлдузларга қўшилиб кетди!*

... У қоронги тунда барханлар узра тулпор отда учиб борармиш. Олдинда улуг, виқорли тоғлар бормиш, тепасида юлдузлар чарақлармиш, аммо улар шу қадар йироқ эмишки, қанча учган билан етиб бўлмасмиш... Кўз олди жимирлашиб кетди. Барханлар кўчди, қуюн ичра қолди. От энди ёлғиз, дол бўйинини чўзиб, олга интилармиш, тугеи остидан юлдузлар отилармиш, тўзон янглиг атрофга сочилармиш...

– Элтўри-и-и!

От унинг нидосини эшитмади, вужуди ўт бўлиб ёнди, юлдузлар аро чопиб бораётган тулпорга тикилганча қотиб қолди: ана, у чиройли бошини буриб кишнади, овози ер-у кўкни тўлдирди, тоғларда акс-садоси узоқ янгради, ҳилпираган кокиллари остидаги қашқаси сўнги бор ярқиради!..

*Элтўри юлдузларга қўшилиб кетди!*

Қишлоқ билан мактабнинг ораси олис эмас: ўртадаги кўндаланг адирдан ўтилса бас, совхоз идорасининг яқинда қурилган икки қаватли биноси, унинг ёнида маржондай сочилган уйлар, нарироқда эса адл тераклар қуршовидаги мактабнинг ўзи оқариб кўринади.

Қишда бу адирни ошиб ўтиш осон эмас. Эрта баҳордаги лойгарчилик ҳам болаларнинг тинкасини қуригиб юборди. Ёзда совхознинг машиналари сомон ва беда ташиб, йўлнинг роса чангини чиқаришар, нам тушди дегунча у таппа-тайёр ботқоққа айланар эди. Ҳозир майнинг қоқ ўртаси, «ботқоқ» аллақачон қуриган, ўримиғим бошланмагани учун машиналар йўлни чангитишга ҳали улгуришмаган.

Болалар мактабдан қайтишмоқда. Кун аллақачон пешиндан окқан бўлса ҳам, улар уйга тезроқ етишни хаёлларига келтиришмайди. Йўлнинг икки томони майсазор. Эндигина бош тортиб келаётган майсалардан ажиб ҳид таралади. Гулхайрилар бутонидаги зарғалдоқлар гўё бу тоза, муаттар бўйлардан маст бўлгандай, жонлари жимжитгина таналарига сиграётгандай, басма-бас сайрашади. Кичик болалар мана шу зарғалдоқлар мисоли учиб-қўниб олдинда кетишяпти, каттароқлар орқада. Эгиларига ранг-баранг шойи кўйлак кийган, сочларига жамалак такқан қизчалар ва маҳмадона, хўроз йигитчалар кулишиб, гангир-гунгур сўзлашиб келишмоқда. Қолганларнинг бутун диққат-эътибори уларда, хаваслари келиб гуруннга қўшилишга уринадилар.

– Хой Равшан! Нима бало, тошбақа миниб олдинг-ма? Юрсанг-чи тезроқ!

Тўндан орқароқда ўзича хаёл суриб келаётган ўн беш ёшлардаги ўспирин гўсатдан бошини кўтариб қаради.

– Сенга айтаяпмиз, ҳўв чавандоз!

Равшан: «Гапинг бўлса ўзинг кел», демоқчи бўлдию индамади. Уни чакирган – новча, гавдаси хиёл эгик, сочи елкасига тушган ўспирин ёнидагиларга нимадир деди, болалар кулишди, қизлар ҳам.

– Отанг Деҳқонободдан хотин олибди, сен бўлсанг беҳабар юрибсан! – дея дўриллаган овозда давом этди халиги ўспирин. – Юришингни қара, ким айтади сени саккизни битирипти деб! Отангга, энамни ташлаб кетманг, ундан кўра менга хотин олиб беришг, десанг бўлмайдимми?! Ҳа-ҳа-ҳа...

Равшан суяги бузуқроқ, аммо жуссаси келишган пишик, тенгқурлари орасида кўримли бола, юкори синфдагилар ҳам ундан хайикишади. Бироқ ҳозир ҳазилвон ўспиринга ҳам, уни мазах қилиб кулаётганларга ҳам бир оғиз бир нима демади, деёлмади. Йўл бўйидаги сачратқини шартта томири билан юлиб олди-да гулхайрига қўнган қўнғизларни савалай кетди.

– Ака, нега анавининг оғзига урмадингиз? – деди изма-из эргашиб келаётган укаси, жингалак сочли болакай хайрон бўлиб.

Равшан индамади. У танг аҳволда қолган, сачратқининг шохчаларини асабий ҳолатда битта-битта юлқир, гўё бутун аламини шундан олмоқчидек кўринарди.

Отаси тери топириш учун Дехқонободга катнаб юриб ўша ёқда аллақандай жувонга илакишиб қолган! Бундан Равшанининг хабари бор, лекин ўша хотинни олган-олмаганини аниқ билмайди. Кейинги пайтларда бирдан йўқолиб қоладиган одат чиқарди ва шу билан уйларидаги жанжал ҳам зўрайди. Бор-будини сарфлаб навбатдаги сафардан уйга шипшийдан бўлиб, сўнпайиб қайтганда энаси йиғилиб қолган таъналарини эрига дўлдай ёғдирарди.

Отаси дарҳол ўзини оклашга киришар, тоза танг қолгач, қарши хужумга ўтар эди: «Сендақа бакироқ хотин билан яшагандан яшамаганим, бор-э, ана, отангди мозорига!» Шундан сўнг, оқибати энасининг калтакланиши билан тугайдиган ҳақиқий можаро бошланарди. Укалари дераза олдида тизилишиб чирқирашар, Равшан эса номусга чидолмай, энг тўрдаги хонага кириб, эшикни ичкаридан бекитиб оларди. Бу ғавғо то кўшнилар чиқиб, эр-хотинни ажратгунларича давом этарди. Улар-ку, муросага келиб бирпасда апоқ-чапоқ бўлиб кетишарди-ю, Равшан уч-тўрт кун уятдан бош кўтаролмай юрарди. Бу апоқ-чапоқликка, бутун қишлоққа сурон солиб ҳеч нима кўрмагандай тавин ярашиб кетишларига у сира тушунолмасди.

Қулмат чавандоз фойда-зиёни билан иши йўқ, жўмард одам. Қишлоқда бирор маслаҳатли иш усиз битмас, ҳаммага ёрдам берар, ҳамманинг кўнглини олиб юрар эди. Манаман деган чавандоз! Уни элга танитган ҳам мана шу хунари.

Энасининг уни қайириб ололмаслигига ақли етарди, аммо ўжарлигини қўймасди. Равшан ўзича насиҳат қиларди: «Эна, нима керак шунча жанжал? Қўйимиз, сигиримиз, қопда унимиз бўлса, худо деб ўтирсангиз бўлмайдами!» Энаси уни жеркиб ташларди: «Бас қил, бечора тирик егим! Сен нимани биласан? Сенлар одам бўлиб қўлтигимга кириш ўрнига... Ота бўлса бўлсин, бўлмаса – бўрай тўзсин!»

Отаси эса кишлокда эканида ҳам меҳмондорчилигу зиёфагларда ялло қилиб юрарди. Равшан ранжиса ҳам дилида отасини еру кўкка ишонмасди. Кимсан Қулмат чавандоз-а! У билан фахрланмай бўладими? Энаси буни тушунишни истамайди, ўзига қўшилмагани учун Равшанни ҳам қарғайди...

– Равшан, қайғурма, биродар. Энанг эрсиз қолмас!

Бояги ўспирин бўйнини жўжахўроздай чўзиб, баттоллик билан тиржайди. Равшаннинг тишлари кисирлаб кетди. Шу пайт қизлардан бири кулишдан тўхтаб:

– Сенга нима ўзи, Турсун таппи! – деди. – Хеч ким сени орага қўшгани йўқ-ку! Ўл-э, тагин ўғил бола эмиш, бурнингни артиб ол, оқиб кетди!

Равшаннинг юраги дуқирлаб кетди: Нурбиби! Отасининг ошнаси Жумабекнинг кизи! Равшан худди мана шу кизни ўйлаб обрў сақлаб келарди. Уни маломат қилаётганлар кўпчилик, ҳаммасига гап топиб бериш кийин, Нурбибининг олдида пўстагини қоқиб ташлашлари мумкин.

Жумабек ака билан отаси азалдан ошна. Ҳатто бир кўрпада тепкилашиб ўсган. Бола-чакалари эса унчалик борди-келди қилишмайди. Энаси буни эрига ағдарди: «Рўзгорни рўзгор демаганингиздан кейин, мени ким иззат қиларди? Ошнангизнинг ўзи ҳам йилда бир келди уйингизга!» Қулмат чавандоз ўз навбатида бутун айбни хотинига юқларди: «Сен яхши бўлганигда, бўйинсаларим уйимдан чикмасди. Энди пашша ҳам кўнмайди бу уйга!»

...Нурбиби Равшаннинг синфдоши, аммо улар камдан-кам гаплашишади. Равшан синфбоши, Нурбиби эса фаол, гурунглари ҳам дарсдан, синф ишларидан нарига ўтмайди. Ҳозир Нурбиби унинг тарафини олди, лекин ўзига боқмай, дугонаси билан тўпдан айрилиб илгарилаб кетди. Чамаси, ёнини олганини писанда қилгиси келмагандай эди.

Ўшанда рўзага сўямиз деб боқиб юрган чори кўчқорлари касал бўлиб қолган. Рўзага хали икки-уч ҳафта бор, кўчқорни бир амаллаб унғача етказиш лозим эди. Кўк йўнғичка тутиб кўришди, арпа қовуриб бериш-

ди, лекин кўчкор буларнинг биттасига ҳам қайрилиб қарамади.

– Кулоғи тушган, мол бўлмайди, – деди Равшаннинг амакиси Ўрол бобо қўйни кўргач.

– Нима қилиб турибсан қаккайиб? Бор, анави саёғингни топиб кел! Сўйиб берсин! – деб кичкирди энаси Равшанга.

«Саёқ» дегани, юқори овулга, Жумабек аканикига маслаҳат ошига кеча кетганича ҳамон дом-дараксиз юрган отаси.

– Абдумуродни юборинг. Мен отга қарашим керак, – Равшаннинг у ёққа боргиси йўқ эди.

– От билан ишинг бўлмасин. Бор, айтиб кел. Уйи, рўзғори бор одамам шуйтиб юрама?

– Қўй-э, Ойна келин, болани овора қилганинг билан барибир келмайди, одатини биласан-ку! Кўчқорни ўзим сўйиб бераман, – дея уни шаштидан туширмоқчи бўлди Ўрол бобо.

– Бор, айтиб кел, ўзи сўйсин!

Бормасликнинг иложи қолмади. У тўй бошланаётган ерга, Жумабек аканинг ҳовлисига яқинлашган сари юраги пўкиллаб, хатто изига қайтмоқчи ҳам бўлди. Отасини билади, катталар билан ўтирган бўлса керак. Эҳтимол, синф раҳбарлари Аҳад муаллим ҳам ўша ердадир... Равшан дарвоза олдида тайсаллаб, қирайми-қирмайми деб турган эди, тўйхонадан қимдир уни кўриб қолди:

– Кел, ҳей Қулматнинг ўғли! Нега тортинасан? Қўрқма, отанг ҳам шу ерда! Бунга дарров ош қўйинглар, тўғри молдан келаётганга ўхшайди. Қўлинг ювуқлими, полвон? Яша! Айтганча, буни катта меҳмонхонага, отасининг ёнига олиб бориш керак. Ўша ерда гўшт мўл.

– Юр, айланай, яхши келибсан, – гулдор баҳмалдан камзул кийган хушрўй жувон унинг қўлидан етаклади. Нурбинининг энаси шу эди.

Худди Равшан кутгандек, отаси деворига чўлдек гиламлар осилган кенг меҳмонхонанинг тўрида, басавлат одамлар орасида ўтирарди. Дастурхондаги сопол лаганларда коворма, қайнатма гўштлар, хатто тандир кабоб-

гача мўл-кўл. Овзи очилган, очилмаган шишалар кигиз устида думалаб ётарди. Бу егулик ва ичкиликлардан кўпрок пойгак тарафда ўтирганлар баҳраманд эди. Отаси эса тўрда, қават-қават шойи кўрпачалар устида, бах-мал болишга ёнбошлаб ётганча бўлим бошлиғи Бобошер билан қарта ўйнамоқда. Бобошер ҳар замонда қартани ёпиб, ёнидаги дафтар-қалам тутган Аҳад муаллимга ай-тиб турарди:

– Хў-ўш, сўқимга икки хўкиз. Гуруч билан қанд-қурсларни ёздингми? Энди, кўпқарига қўйиладиган зот-ларга ўт. Пулдан икки минг етармикин-а, сен нима дейсан, Қулмат чавандоз?

Равшанни бошлаб кирган Нурбибининг энаси жарап-лаган ўктам бир овозда уларга мурожаат қилди:

– Мана, янги меҳмон опкелдим, жой берингизлар, катталар.

– Э, оббо, қисталов-эй! Сенинг ўғлинг-ку, Қулмат! Мен бўлсам, райондан комиссия келибдим, дебман.

– Ҳа-ҳа, бизнинг ўғилнинг комиссиядан кам жойи бораканми! – Отаси овзининг танобини қочириб қулди. – Керак бўлса, комиссиянгни... Ке, улим. Э, қўй, ечма этигингни, гиламни аяб ўтирасанми-я! Жумабекка ўзимиз тўйдан иккита гилам айириб берамиз. А, Зархол, нима дединг?

– Ўтаверсин, ювиб ташларман, ака.

Равшан кап-катта бўлса ҳам отаси уни кучоқлаб ол-дига ўтказди.

– Шуни ҳам одам бўлади деб юрибсанми? – деди Бобошер қартани бошқатдан сузиб туриб.

– Ҳа-ҳа, сенинг ўғлинг бунинг бир бугича келмайди-да! – дея ҳаҳолаб қулди отаси. Унинг овзидан арча дуди урган тандир кабоб хиди келарди.

– Ол, улим сен буларнинг гапига кулоқ солма. Хей, Мамарайим! Мева халтангни келтир, бизнинг ўғилга қанд тўк! – дея эшик тарафга қичқирди отаси. – Хўш, нима гап? Элтўрини сувлаб, емини илдингма? Қалай, ўзи чиройн очикма?

Равшан шундагина бу ерга нима юмуш билан келга-нини эслади ва энасининг ғазабли чехрасини кўз олдига

келтириб, жойида ўтиролмай қолди. Негаки, уй тўла одамнинг ичиди: «Кўчқоримиз касал бўлди, энам сизни чакиряпти», деёлмасди-да, ахир. У ичиди: «Айтмайман, нима бўлса бўлди», деган қарорга келди-ю, дастурхондаги парвардага қўл узатди...

Кечкурун уйга ёлғиз, чўнтақларини қанд-курсга тўлдириб, аммо юрак ҳовучлаб қайтганида, бахтига, кўчқор аллақачон сўйилиб, саранжом-саришталанган эди. Энаси уни кўриб заранг савағични қўлига олди:

– Қани отанг? А? Қани, деяпман? Нега бир ўзинг қайтиб келдинг, шўртумшук? Сен ҳам отажонинг билан кўшмозор бўлмадингми, йигитгина ўлгур!..

\* \* \*

Ака-ука адирдан ошиб ўтишгач, Равшан майсазордан ўтган ёлғизоёқ сўқмоқка бурилди.

– Мен бир йўла отларни суғориб, жилдираб бораман, – деди укасига. – Сен қўзи-улоқни кўганлайсан, кечки мол келса, соғдирасан, хўпми?

Абдумурод бошини силкитиб, тойдай гижинглаганча чопиб кетди. Болалар ҳам кўздан йироқлашди. Равшан денгиздай мавж урган майсазорда ёлғиз қолди. У боя йўл ёқасидан юлиб олган сачратқиси билан гўнғиллаб майсазорни босиб кетган сариқ кўнғизларни савалаганча қир томон бораркан, дили недандир чароғон, аммо нимадан бунчалар қувонаётганини ўзи ҳам билмасди. Ям-яшил, муаттар борлик қўйнида хамиша кўнғлидаги губорлар тўкилар, ўзини қушдай енгил сезар эди. Бунда табиатга бир жону, бир тан бўлиб қўшилиб кетилди, умр бўйи давом этса-да, бу лаззатга тўйилмайди ва ўзга нарсалар хаёлга келмайди...

Атрофда жуда оз нарса кўринади, ҳатто уларни санаб чиқиш мумкин. Аввал бағрида лўппи-лўппи, қордай оқ булутлар солланиб юрган мовий осмон, кейин – унга найзадай санчилган қиррадор тоғлар, унинг ёлдор ўмганида эса кўм-кўк арчазор, қуйироқда паст-баланд тепалар, ниҳоят мана бу ерда бўлса – Бўзадир, денгиздай мавж урган майсазор. Яна ҳам нарига қаралса, қоп-қора дара ичидан шарқираб оқаётган Оксув. Дарё

кумуш белбоғ мисоли кишлоқни кесиб ўтиб, кунботишга оқарди. Уфк ҳам жуда гўзал! У ёқда кўзга элас-элас ташланадиган оппоқ шаҳар бор. Ботаётган куёш шаҳар узра ловиллаб ёнади, алвон шафақ уни қирмизи тусга бўйяди, ўзи ҳам охишта ол ранглар ичра шўнгийди. Булар бари Равшанга ёд бўлиб кетган.

Мана, ҳозир Орқовулдан ошса, кўриқ уват келади, арқондаги Элтўри уни кўриб қулоғини динг килади, кавшаб турган бир тутам ўти қилт этмайди, манглайидаги кашқасини ярқиратиб тикилиб тураверади. Уни таниб, Равшан эканини билгач, кишнайти, қозикда айланиб, енгилгина ўйноқлаганча «хи-хи»лаб кўяди. Бу – унинг саломлашгани. Кейин тўрри Равшаннинг олди-га келиб манглайини тутати. Бу одатини ҳеч эсидан чиқармайди. Элтўри манглайини силаб, нўхтаси ва кокиллари тўғрилаб қўйилганидан кейингина ортига тисарилиб, арқонни оёқлари орасидан чиқаради, мамнун бўлгандек, чиройли бўйинини қайириб, нарироқда чивин кўриганча лоқайд қараб турган Саманга кишнаб кўяди. Саман Ўрол бобоники. Бир пайтлар роса донғи кетган, энди қариган, ўйноқлаб турган Элтўрининг олдида пачоккина бўлиб бошини ерга солганча, оёғини совутиб турарди.

Элтўри уват этагидаги Аччибулоқнинг хом сувини хушламайди, Саманга эса фарқи йўқ: лойқами-бўтқами, хўриллатиб ичаверади. Равшан уни сойдан сувлаб чиқиб янги жойга жилдирадгач, Элтўрини майсазор оралатиб Совуқбулоққа етаклайди. Элтўрини яйдоқ минишга катта-матгалар ҳам журъат килолмайди-да! Олиб қочади. Бу ўзимизнинг Равшан, деб ўтирмайди, одати ёмон. Майли, Равшан ҳаммасининг хиссасини кузда чиқариб олади. Ҳозир дала қоровули Боймирза кўриб қолмаса бўлди. Боймирза дегани жуда қаттол одам. Шарқий фронтда Квантун армиясига қарши жанг қилган! Гоби чўлларини пиёда кезиб чиққан. От билан майса ораланини кўриб қолса борми!.. Равшан бир сафар қўлга ҳам тушганди. Бахтига, ўша куни Боймирзанинг кайфияти соз экан, индамади. Самандан ҳам хароб ола чўбирини миниб уватда юрар эди.

– Орала-я, орала, баччагар! Давринг келди, суриб кол! – деб кичкирди у чўбирга қамчи босиб. Лекин Равшан унинг химматига ишонмади, кўрқувдан титради. Боймирза томоғи йиртилгудай бақирарди:

– Кетавер деяпман, хой тирранча! Билсанг, бизнинг хотин ўғил тувди, картайганда! Кетавер! Лекин билиб кўй, бошқа қоранғни кўрмайин, аяб ўтирмайман. Отанг Қулмат чавандоз тугул бошқаси бўлсаям бўйнингни узаман.

Боймирза чўбирни қамчилаганча Бўзадирнинг ортига ўтиб кетди.

Шуни эслаб, Равшан майсазорга бир қадар кўз югуртирди. Эҳтиёт яхши нарса. Боймирза ҳам анойи эмас, панадан кузатиб турган бўлиши мумкин. Равшан у яширинадиган жойларни билар, у ерларда Боймирзанинг бор-йўқлигини ҳам бир зумда аниқлаб олар эди. Ҳозир қоровулнинг арвохи ҳам йўқлигини сезди, кайфи човланиб, Бўзадирнинг қиррасига чикди. Отлар шу ердан кўриниши керак. Аммо негадир уватда Саманнинг ёлғиз ўзи турарди. Элтўри жойида йўқ. Равшан адирнинг нарғига югуриб ўтди, бироқ от ҳеч қаерда йўқ эди. Унинг бирдан таъби тиррик бўлди: «Демак, бўшалиб кетибди-да!» Саман ҳам негадир бесаранжом кўринарди. Равшанни кўриши билан хиркираб кишнаб юборди, қозикда чарх уриб айлана бошлади. Дилига таҳлика тушиб, Элтўрининг жойига югурди. Қозикдан ҳам, арқондан ҳам ном-нишон йўқ. Уватдаги ўтга тегилмаган, тезаклар аллақачон қуриб қолган эди. Равшан нажот қутгандек, Саманнинг ёнига борди. Қари от худди Элтўрига ўхшаб манглайини унга тутди: бўйни, тақир яғрини тердан жикка хўл эди.

– Тсс, Саман, тсс, бунча ховлиқмасанг, тс-э! – деб уни тинчлангирди Равшан. – Нима бўлди, а? Элтўри қаёққа кетди? Бўшалдимми? Ё от келиб бўшатиб кетдимми?..

Равшан яқин орадаги қирларни, сой этагини кўздан кечирди. Соининг нариги бетида овулнинг бошқа отлари кўзга чалинар, Элтўри у ерда ҳам йўқ эди. Равшан яна қайтди, беҳосдан ўтлар орасида ётган ялтироқ нарсага кўзи тушди: каттакон чопқи. Равшан уни диққат билан

кўздан кечираркан, дастасидаги кемтикка кўзи тушиб елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди. Отасининг чопқисси-ку! Кемтикни уйда Абдумурод иккаласи қилишган. Эшикка отиб ўйнаганларида дастанинг шу жойи учиб тушган эди. Кинода аначилар шундай қилишади-да! Демак, отаси райондан қайтган. От унга нега керак бўлиб қолганига Равшаннинг сира ақли етмасди, чунки кўпқари йўқ, бошқа йўқ, бу пайтда отаси совхознинг юк машинасида юрарди. Ахир, қиш бўйи кўпқаридан толиққан от баҳорда яйраб дам олиши керак. Уни бундай иссиқда уч қақиримга ҳам миниб бўлмаслигини отаси яхши биларди-ку!

«Керак бўлгандир-да», дея қўл силтади у ниҳоят, Саманни суғориб, янги жойга арқонлади-да, шалпайган кўйи қишлоққа жўнади.

Офтоб Бўзадирнинг этакларида, паст-баланд теналар узра юмалаб борарди. Соя босган қишлоққа томон сурув қайтарди. Кўзи-улоқнинг, совлиқларнинг маърашлари, кади кўтарган хотинларнинг кий-чуви кулоқни қоматга келтирарди. Бирок уларнинг ҳовлисида чикаётган шовқин ҳаммасидан ҳам ошиб тушарди. У ерга негадир хотин-халаж йиғилган, эркакларнинг овозлари қаттиқ-қаттиқ келмоқда. Бирдан Равшаннинг кўнгли ёмон нарсани сизди, юраги увишди. «Ишқилиб омонлик бўлсин-да», деган таҳликали ўй кечди хаёлидан.

Дарвозадан кирганида отаси эгарланган, юганланган Элтурини жилловлаганча дарғазаб бўлиб турибди. Айвондан эса укалари чирқирашар, энаси устун ёнида ниманидир маҳкам бағрига босганча турар (Равшан бу нарса отасининг янги пўстини эканини билди) ва кимнидир қарғар эди. Бошидаги каштали рўмоли елкасига тушган, сочлари тўзриб кетганди. Кўзидан оққан ёш юзини ювиб кўксига тушмоқда. Лекин у бунга парво қилмасди. Ҳовлида кўзи-улоқ оналарига эргашиб юрар, уларни ажратиб соғиш бировнинг хаёлига келмас эди.

— Хотин эмас, балойи азим экан! Ё Баҳоуддин, бу қандай қиёмат-а! Ё Мўминхон тўрам! Ё Ҳазрати Боқихон пирим! — дерди отасининг ёнида хасса таяниб турган чол.

– Бу хотиннинг танобини тортиб қўйиш керак, элим-халқ! Бу нимаси, на гапга кўнади, на гаштакка! Ахир, эринг баталёнга кетаётгани йўқ-ку! Ой ўтар, йил ўтар, қайтиб келар олдинга! Лаънати! Сени бўлмаса ҳам, мана бу узукнинг кўзидай болагиналарини кўзи киядим!

– Йўқ! – деди отаси кескин. – Қайтиб келмайман! Сиз, момо, кўп қайвонилик қилиб гапни салмоқламанг. У бор экан, менга бу кишлок харом! Мана бу еримга келди! – у қўлидаги камчин дастасини қип-қизил гарданига тақади.

Белини боғлаб унинг ёнида туриб олган, жуда ғайратга минган Равшаннинг момоси ҳам бўш келмасди:

– Охири сени ер ютади, ялангоёкнинг боласи! Остонамга келин бўлиб тушиб кун кўрдинг, ер юткир! Худоё худовандо, юзим қибла сари! – У энгашиб ерни муштларди. – Ўғлимга ҳали ойдаи хотинлар тегсин, бир ойдаи хотинлар тегсин, сен қуйиб ўл!

Аmmo энаси кампирга нарво килмас, эрига қараб кичқиргани-кичқирган эди:

– Бор, ўша туғмасинг билан қўшмозор бўлақол! Икковингнинг ўлигинг чиқсин!

– Пўстинни бер бу ёкка, йўлдан қолдирма мени! – дерди отаси пинак бузмай.

– Бермайман! Болам кияди, ана, келди ўзи! – энаси дарвоза олдида ранги бўздай оқариб кетган Равшанни энди кўрган эди.

– Қаёқларда қолдинг, кўзим? Мени бу итларга талатиб! Ур, нас босган башарасига ур! – дея хўнгиллаб йиғлаб юборди у.

Равшаннинг ҳам кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Лекин отасининг «Равшан!» деган кескин овозини эшитиб, ҳиқиллашдан тўхтади, томоғига аччиқ, шўр нарса тикилди.

– Мен... мен кетаяпман, ўғлим! Энанг билан муросамиз келишмади. Район яқин, бориб турарсан. Йиғлама, деяпман! Уялмайсанми?

Равшаннинг оғзидан беихтиёр, узук-юлук сўзлар чиқиб кетди:

– Уятни биласизми сиз?! Уятни билсангиз шундай юрасизми?! Кетсангиз одам йиғмай, индамай кетавермай-сизми! Боринг, тезроқ даф бўлинг!

Атроф сув қуйгандек жимиб қолди. Гўё одамлар тилдан қолди, нафас олишдан тўхтади. Қулмат чавандоз унга еб юборгудай тикилди, Равшан ҳам отасига тап тортмай қаради. Отасигина эмас, Азроилнинг ўзидан ҳам қўркмасди ҳозир! У югуриб бориб энасининг қўлидан пўстинни юлқиб олди-да, отасига қаратиб ирғитди. У пўстинни эгар устига ташлаб, узангига оёқ кўйди.

– Элтўрини ташлаб кетинг! Хароб қиласиз у ёқда! – деб қичқирди Равшан жиловга гармашиб.

Отаси қўлидаги камчи билан отнинг сағрисига туширди, ўйноқлаб турган тулпор пишқириб тикка осмонга сапчиди. Бола отнинг боши баравар жиловга осилиб борар, Қулмат чавандоз Элтўрига аямай камчи босар эди. Дарвозадан чиқаверишда Равшаннинг қўли беҳос тушган камчи зарбидан жизиллаб жиловдан ситилди. Жон ҳолатда узангига гармашибди, қайда Элтўрини одам боласи тўхтата олармиди!.. У аллақачон гузарга етган эди. Бола эса йўл устида, тупроқда юзтубан ётарди. Кейин у ўрнидан ирғиб турди, отасининг изидан югурди. Элтўри этакда қуюндай учиб борарди. Етолмаслигига кўзи етиб, яна ўзини ерга отди, тупроқни чангаллаб аччиқ-аччиқ йиғлади...

## 2

Танаффусда унинг ёнига Абдумурод келди. Кўзларида ёш филтилларди.

– Нима гап?

Абдумурод индамади, жингалак сочли бошини ҳам қилди.

– Нима гап деянман сенга! – деб ўшқирди Равшан.

– Ҳаким билан Шукур...

– Ҳаким билан Шукур нима?

– Машқни кўчирамиз, деб она тили дафтаримни тортиб олишди, эргалаб йўлда ҳам роса калака қилишди, бетимга сиёҳ сачратишди...

– Сен қараб туравердингми, ландавур? Нега жағига туширмадинг? Сўррайиб турганингдан кейин...

– Муаллимга айтаман.

– Бунақа тентакликни каллангдан чиқар, шуниси етмай турувди ўзи!

– Бўлмаса нима қилай? – болакай узун киприкларини пирпиратди.

Нима қилиш кераклигини Равшаннинг ўзи ҳам билмасди. «Қитмирларнинг адабини бериб кўяман!» деб боланинг кўнглини кўтариши мумкин, албатта, бироқ бу ёлғоннинг нима кераги бор? У ҳамма маломатчилар билан ёкалалашолмайди-ку, ахир!..

Мактабдан қайтишда Саманга Абдумуродни жўнатди. Уқаси аввалига: «Мен жилдиролмайман, оёғимни босиб олади», дея эътироз қилди. Лекин Равшан: «Саман сенга Элтўримидики, оёғингни босса! Отнинг нўхтасидан судраёлсанг бўлгани. Мен ҳали бедарак кетган қизил жувонани қидириб топишим керак», деб уни зўрга кўндирди. Аммо Саманга ўзи бормаганининг сабаби бу эмасди. У ёққа қадам қўйса, алами зиёда бўларди, Бўзадирда қари отнинг калта думини сонига шап-шап урганча ёлғиз турганини кўриб кўнгли бузилади... Ўрол бобонинг отга қарайдиган ҳеч кими йўқ, бефарзанд одам. Кампири, унга қўшилиб ҳамсоялар: «Бу дардисар отни сотинг», дея қисташади. Ростини айтганда, уни оларманнинг ўзи йўқ. Бориб-бориб, харидор ҳам чикди. Белибойлилик ферма мудирини олиб уюрга қўймоқчи, бу қари тулпордан насл олмақчи экан. Ўрол бобо барибир кўнмади.

– Мияси айниган чод! Ўзингизга қўшмозор қиласизми уни сотмай?! – дея жиғибийрони чиқади Бибиш момонинг.

Лекин Ўрол бобо пинак бузмайди.

– Балки қўшмозор қилмоқчидирман, сенинг нима ишинг бор? Урчуғингни йигир-да, гийбатингни қилавер, эркакларнинг ишига аралашма, – дейди.

Шундай қилиб, Саман, тағин савдодан қолди...

Қишлоққа кино келди.

Киночилар ашқол-дашқолларини тушириб бўлгач, эълон қилишди:

– Боринглар, кийиниб-тараниб, ота-оналаринг билан келинглар. Кино бир соатдан кейин бошланади. Қарикартанглар ҳам армонда қолмасин, жуда миҳдай кино!

Болалар: «Ҳозир қўяверинг, амаки, шундоғам кўраверамиз», дея чувиллашди, лекин ёғ босган шапкасини мағлайига бостирган мўйловли киночи уларни қувиб солди.

Равшан бу гаплардан беҳабар. У жувонани тониб келган, энди оғил бурчагидаги охурни тузатмоқда эди. Абдумурод ховлиқиб кириб келди, нимқоронғи оғилда унинг кўзлари чакнарди.

– Ҳа, ит қувдим, бунча пишилламасанг? – деди Равшан қўлидаги лойни ерга ташлаб.

– Кино келди!

– Вой-бў, мен ракета кептими, дебман! – уни масхара қилди Равшан.

– Қўлингни юв, ака, ювиниб-тараниб ота-оналаримиз билан борарканмиз!

Равшан унга: «Отанг бўлмаса ким билан борасан?» демокчи бўлди-ю, аммо фикридан қайтди.

– Менга кара, ариқдан бир челак сув олиб ке, лой котиб қолди.

– Ака!.. – дейди болакай кўзлари ёниб.

– Нима – ака?! Кино кўрмай юрибсанми? – кейин биров юмшаб, – майли борамиз, фақат охурни суваб бўлайлик, – деди.

– Ҳа-а, ўзинг ҳам жон-жон деб турибсан-а... Янги костюмингни киясан-да! Нурбибиям келади у ерга.

– Ўчир! – Равшан қўлидан лойни кўтариб пўписа қилди.

Абдумурод тилини чиқариб қикқиллаганча пакирни кўлига олди.

Қуёш аллақачон ботган эди. Одамлар гангир-гунгур сўзлашиб, кулишиб гузар томонга ўтиб боришарди. Олдинда болалар, кейин бола кўтарган-кўтармаган аёллар, энг орқада эса беқасам чопон кийган эркаклар кўлларини орқага қилиб кетишарди.

Абдумурод янги ботинкасини ва бекасам тўнини кийиб, устидан шохи кийикчасини боғлаб, тайёр бўлиб турди. Ундан икки ёш катта Ҳалимаям ироқи дўпписини кўз-кўз этиб шайланди.

– Тезроқ бўлинг, эна! – дея тоқати тоқ бўлганча депсиарди Абдумурод.

Тўрамуродни кўтариб энаси хам чиқди. Намозшоматлас кўйлагини устидан гулдор бахмал нимчасини кийиб, бошига оқ рўмол ўраган. Бу оҳорли кийимларини у яқин орада киймаган эди.

– Бўлақол, кўзим, кеч қоламиз, – деди у хаёли кочиб турган Равшанга.

Равшаннинг фикру ўйи бошқа ёқда эди. Биронтаси, юринглар, деб айтмади-я! Номардлар! Илгари шундаймиди? Кино келса ё тўй бўлса, ховлилари олдида тўпланишиб, уларнинг чиқишини пойлашарди. Отаси пўстинини елкасига ташлаб, мўйловларини бураб уйдан чикса кейин йўлга тушишарди. Бугун ҳатто амакилари хам қорасини кўрсатмади. Нима қилишяптийкин, дегандек худди ёв қўрғонидан сир олишаётгандек, бўйинларини чўзиб қараб-қараб ўтишди-я!

Улар етиб борганда киночи Такчанинг текислигига ашпаратини ўрнатган, деворга оқ мато осиб, кинони созлаётган эди. Одамлар.

– Шу ер маъқул, эна, – деди Равшан орқарокни кўрсатиб. – Бемалол кўринади.

Абдумурод туртина-суртина олға интилди.

– Ким ўзи бу зумраша? Хей, қаёққа? – деб дўк килди унга Карим магазинчи.

– Вой-вой, боланинг устидан ҳатлаяпти-я, жувон-марггина! – дея шанғиллади хотинлардан кимдир.

Абдумурод аллақачон аёлнинг тиззасидан ҳатлаб ўтиб кетган эди. Равшан уни чақириб олмоқчи бўлди, лекин бунга хожат қолмади. Аппарат ёнида устаси фарангдай механикка кўмаклашиб турган Чори кўшқалла болани ёқасидан тўрвадай қилиб кўтарганча аввалги жойига чиқариб қўйди. Атрофдан ғала-ғовур кўтарилди.

– Қулматнинг боласи-ку!

– Шунинг учун ўзмирлик килаётган экан-да.

– Хайдаб юборинг у ёкка!

Хаммадан ҳам Карим магазинчининг дами баланд эди. Гўё одамларнинг уларда алами бордай, энди шу аламни олишга имкон туғилганидан мамнундай мазаммат қилишарди. Ишқилиб, Равшанга шундай туюлди. Эрлари ёнида талтайиб ўтирган хотинлари унинг эна-сига ўгирилиб қарашар, ивир-шивир қилиб, бошларини маъноли тебратиб қўйишар эди. Энасиям ҳеч кимнинг олдига эгилиб боришни ўзига эп кўрмади. Овсинлари эса чақиришмади, сазойи бўлган хотинга қарагандай қарашди. Ойнахол уларга етти ёт бегона бўлгани учун эмас, балки табиатан гурурлилиги туфайли уларга азалдан эл бўлиб кетолмаганини Равшан тушунди. Сал пастрок тушганида қайишармиди овсинлари... Лекин овсин кундошдан ёмон, деганларича бор.

Кино бошланди. Аппарат аввал сурп матони оппоқ ёритди, кейин касира-кусур отишма янграб, тўпончадан ўқ узаётган, отларда учиб бораётган одамлар пайдо бўлди...

– Эна, Чори акага қаранг, мени олдинга ўтказмаяпти, – деб чўйиллади хали ҳам ўртани кўзлаб турган Абдумурод.

Равшан, «энам ҳозир Чорини қарғайди», деб чўчиди. Чорини қарғаш мумкин, албатта, аммо бу ҳозир кўпчилик олдиди... Энасининг ранги бўздай оқариб, лаблари пир-пир учаётганини кўриб Равшаннинг нафаси ичига тушди. Шу пайт ўртада ўтирган хотинлардан бири Абдумуродни чақириб қолди:

– Хув чиройли бола, ке бу ёкка, айланай! Эй йигит, қўйворинг ўша болани бу ёкка!

Чори четланди, Абдумурод ўша захоти сакраб ўтиб уни чақирган аёлнинг ёнида пайдо бўлди. Бу Жумабек аканинг хотини эди.

– Ўтказишмадимми? Қўявер, ўзим олиб ўтираман сени! Менга қуёв бўласанми айланай? Айтгандай, энанг қани? – деб сўради у боланинг елкасига қоқиб. Абдумурод экрандан кўзини узмай, орқага имо қилди. Аёл ўтирган жойида дугонасини чақирди, кейин ёнидаги, тўрт яшар ўғилчасини тиззасига олиб чордона қурган эрини туртди:

– Хей, чақирсангиз бўлмайдини уларни? Нега индамайсиз?

Жумабек ака ўгирилиб қаради:

– Равшан, бу ёққа келинлар, ўғлим.

Улар бориб кўришиб-сўрашдилар, гўё икки хонадон бир жону бир тан бўлгандай, арқоғу ўришлари мос келиб, ахилгина бир жойга ўтирдилар. Бошқалар уларга ёвқараш қилишди, аммо ивир-шивирларини тўхтатишди. Албатта, энасини бегона кўришлари, отаси кетгач, Карим магазинчи ўзини бу ерларнинг нарра шеридай тутиши аҳамиятсиз бўлса-да Равшаннинг кўнглига оғир ботарди, лекин кўксида пайдо бўлган оғриқдан, майда нарсаларни деб ўзини олдиргани хижолатланар эди...

У буларнинг барисидан нега уялаётганини сезиб қолди. Жумабек аканинг нарёида тиззаларини кучганча Нурбиби ўтирарди. Равшан келганини унга сездирмаслик пайида бўлган, аммо Нурбиби уни аллақачон кўрган, отасининг елкаси оша қараб жилмайиб қўйган эди. Равшаннинг «сирлари»дан сал-пал хабардор, нега бунчалик жонсарак бўлаётганини билиб турар, «бари беҳуда, бунчалик безовта бўлишинга хожат йўқ, шу одатингни ташласанг яхши бўларди», дегандек шўхчан боқар эди.

Айтмоқчи, бу гаплар бир-икки сония ичида бўлиб ўтган ва бутунлай унутиб юборилган, Равшан энди бор вужуди билан кинода кечаётган воқеаларга шўнғиб кетган эди...

Равшан кионинг тамом бўлиб қолганига ҳамда командирнинг севгилисига етишолмаганига роса ачинди. Ўтирганлар йўнғичқаноюни тарк этдилар. Ўртага ўтаман деб дунёни бузган Абдумурод эса Жумабекнинг тиззасига бош қўйиб ухлаб қолган эди.

– Ия, менинг куёвчам ухлаб қолибди-ку! – дея кула-кула уни уйғотди аёл. – Туринг, бойвачча, шунчалик экан-да!

Унинг Абдумуродни «куёвчам», деганига Равшан уялди: болага тўғри келадиган қизи йўқ, битта Нурбиби бор, у бўлса катта...

– Ойнахол, бизникига боринг, қачондан бери кўришганимиз йўқ, ғийбатлар йиғилиб қолди. Нурбибингиз

гилам қурган, хожари гуллардан солиб берасиз-да, айланай.

Ухлаб қолган тўрт яшар ўғилчасини кўтариб турган Жумабек ака Равшандан сўради:

– Отанг келдими уйга?

– Йўқ.

– Йўқ дегин? Районда кўрувдим. Роса сўқдим. Бораман, деб ваъда берди, келгани йўқми? Бир идорага бошлик бўпти, ишлари чаккimas-у, лекин уйдан бе-зиб юриши, у ёқда чавандозликни ҳам йиғиштирмаса... Элтўри бўлса томда ётибди, олиб келганигда яхши бўларди.

У Равшаннинг лардини кўзгаган эди. Равшан йиғлаб юбормаслик учун юзини тескари бурди...

Еру кўкни ёндириб, сарин елларини уфуриб яна ёз келди. Бўзадирнинг йўллари чангигандан-чангиди.

Комбайнлар адир ортига ўтиб кетган, қоралари қуюқ чанг орасида барханлар узра йўртиб бораётган туяларга ўхшаб элас-элас кўзга чалинади. Бўзадир эса сомон тўплаб юрган одамларга қолган. Уларнинг ичида оёғи чиққан иштонсиз болакайлар ҳам бор.

Равшан Холли бригадирдан сомонга рухсат сўради.

– А? – деди у кафтини йиртиқ қулоғи устига қўйиб.

Қулоғини бултур, ўзининг айтишича, тележка қузовини ёнаётганда темир илгак юлиб кетган, аммо ким билади, кўпқарида от чайнагандир, сал-пал улоққа араллашиб юради.

– Икки қоп сомон! – деди Равшан.

– Бўпти, лекин икки қолдан кўп олақўрма, райондан комиссия келган, каллангни сапчадай узаман-а!

Равшан, «хўп», деб бош силкиди, ичида қулиб қўйди: иккитага рухсат тегдими, энди тўрт қоп ҳам олавериш мумкин-да!

Абдумурод кўк эшакни миниб, устига қоп ортилган қора ханги эшакни етаклаб келди.

– Зардоли опкелдим, ейсанми? – деди у хуржундан тугунча чиқариб.

У келтирган ўрик эзилиб кетган, суви тагидаги нонга оқиб ивитиб юборган эди. Равшан уни бефаросатлиги

учун сўқмоқчи бўлди, бироқ сўқишга фурсат йўқ эди. Белбоғдаги бутун қолган ўрикларни нонга қўшиб апили-тапил тушира бошлади.

– Холикбердилар келишмадимми?

– Улар сомонни трактор билан оборишаркан. Маза-да! Сен ҳам, ака, бригадирдан трактор сўрамадингми?

– Сен ўзи қанақа боласан! – Равшан уни жеркиб берди. – Холли бобо ҳаммага тракторни экиб қўйиптимми?!

– Холикбердиларга-чи?..

– Отаси бухгалтер-да!

– Бултур бизга ҳам беришган эди, – деб қўйди болакай, хали ҳам бошини ликиллатиб эшак устида ўтираркан.

– Қани, туш энди, раис! Сомон қоплаймиз!

Абдумурод қопнинг оғзини очиб турди, Равшан уюм тагидаги майда сомонни қопга жойлай бошлади. Ака-ука бош кўтармай ишларди. Бу ерда ўзи шундай, ота-болага қарайдиган замон эмас. Сомон бозори кизиган!

Улар икки қопни тўлатиб, энди бошқа уюмга ўтишганда Боймирза келиб қолди. У йироқдан остидаги чўбирни аямай камчилаганча, сомончилар устига довулдай бостириб келарди. Аслида, Боймирзанинг ваколоти аллақачон тугаган, чунки у ўрим бошлангунча қоровул, ундан кейин донга ҳам, сомонга ҳам дахлдор эмас. Бироқ Боймирзанинг бу билан иши йўқ, ҳамон чўбирини камчилайди, ҳамон одамларга дағдаға қилади: «Ноинсофлар, қаззоблар! Мен бунинг ҳаммасига каллам билан жавоб бераман! Мен Квантун армиясига қарши жанг қилиб юрганимда, сенлар хотинларингни қўйнида ётгандиларинг! Менга буюрилган! Нонни ҳалоллаб ейиш керак!»

Боймирза келмасдан улгуриш лозим эди. Равшан аввалбошдан шуни ўйлаб ҳавотирда эди. Мана энди... «Бунга Боймирза эмас, манави шўртумшук айбдор!» деб ўйлади укасига қараб.

Боймирза тележкага сомон ортаётганларга қарамади, аммо уларга ҳам сиёсатни қанда қилмади, кейин қизи билан бирга қопга сомон жойлаётган Ўрол бобонинг ёнига келгач, ғайратга минди:

- Ўрол чол, бу нима? Сўрамай-нетмай!..
- Бригадирдан сўраганман.
- Бригадирингизни экиб кўйдим! Тўкинг анови коп-дагини! Учгаси етади!

У эшакдан ирғиб тушиб, ярим тиқилган сомонли копни чолнинг кўлидан тортиб олди, силкилаб тўкиб ташлади. Кейин қамчини билан ёғи чиқиб кетган ағдарма этигига қарсиллатиб урганча эшакка минди.

- Хў тирранчалар! Сенларга сомон йўқ, қани, жў-нанглар-чи! - дея ўша ёқдан қамчин тўлғаб кела бошлади у.

Абдумурод энди хикиллашга шайланган эди, аммо Боймирза уларни ва бошқа сомончиларни сўка-сўка комбайнлар тарафга ўтиб кетди.

- Нега у бизни уриб, сомонни тортиб олмади? - деб сўради бола. - Ё отамдан қўрқармикин-а?

- Кўзингга қара, тентак! - дея бақириб берди Равшан. - Мана бундай оч копни! Нарёвини! Нега мунча «отам»лаб қолдинг?!

Кеч тушганда сомонни Ўрол бобо билан биргалашиб орғдилар - ҳар эшакка иккитадан тенг қилиб. Кейин қишлоққа жўнашди. Ўрол бобонинг қизи Тўтигул кўшиқ бошлади. Овози ипакдай майин. Абдумурод завқи келганидан гижинглаганча эшакларни ҳайдарди.

- Тўти опа, эрингиз армиядан қачон келади? - дея ашулани бўлиб сўради у.

Тўтигул: «Эби!» деб лабини тишлади, қорабаранг юзи доладек қизариб кетди. Боланинг орқасига хишчин билан уриб, яниди:

- Ха, сенгина қурмагур! Ҳар балони биласан-а! Лекин мен ҳали эрга текканим йўқ, ўргилай!

- Барибир Носир акага тегасиз-да! У билан тўйда ўйинга тушгансиз, армияга жўнаётганда йиғлагансиз!..

Бу гаплардан Ўрол бобо беҳабар, олдинда борарди. Эшаклар йўлни чангитар, Абдумурод уларни қувалар, Тўтигул охиста кўшиқ айтар эди:

*Қора тоғдан ўчиб ўтган турчалар,  
Хабарини севганимга элтгайсиз...*

Ёлғиз Равшангина жим, осмонда яккам-дуккам милтираган юлдузларга тикиларкан, Элтўрини ўйларди. Отаси унча-мунча кўпқариларда уни чопмасди. Ўрол бобонинг Самани ёки бошқа бир жайдари отни минарди. Элтўрини Равшан бош зот ташлагунча совитиб туради. Охири така ҳам унинг тани! Роса чопилиб тепкиланганидан гўшти бурда-бурда бўлиб, чарвиси жинига аралашиб кетса ҳам барибир, одамлар «Охири»ни қайси от олди?» деб сўрайдилар.

Катта кўпқариларда Элтўрининг кунни тугади. Беш юз, олти юз от йиғилган қалин тўдаларда иш беради. Улоқ унга текканда тўда бир қалкиб, бўри қувган сурувдай тирқираб қолади. Лекин Ўрол бобонинг фикрича, қалин тўдаларда уни сурдовдан, яна ҳам яхшиси четдан қўшган маъкул, яшиндай ярқираб қувиб етади! Элтўри от бўлиб улоққа киргандан бери не-не чавандозларнинг юрагига доғ солмаган. Минг бир машаққат билан тўдадан чиқдим деганда қўштаким бўлса улоқни олиб кетади. Эх, Элтўри, Элтўри! Сен от эмассан, юлдузсан, юлдуз! Боланинг юраги ёнди! Тўтигул ҳамон кўшиқ куйларди:

*Гўбалайдан учиб ўтган турналар,  
Арзи ҳолим ўша ёрни дегайсиз...*

\* \* \*

Ёз ҳам ўтди. Уни ҳеч бир куч – одамларнинг тер тўкиб ишлашлари ҳам, қирларнинг ловуллаб ёниши-ю Боймирзанинг эшакка қамчи босишлари ҳам тўхтатиб қололмади. Тафти қайтган саратон бўз адирлар узра хорғин кўр тўкиб ётарди. Ҳосили ўриб олинган ангорлар офтобнинг бўз рангида охорсиз кўринади. Йирокда саф тортган Кўрагон тизмалари... Баланд тоғ гўё узун саратонни сукутда ўтказган, чунки мўйсафид соқолидай хануз кўксида қор ётар эди. Айтишларича, унда Буюк жаҳонгирнинг қори бор эмиш, бир учи Самарқанддан чиқармиш. Балки бу ҳам Равшан отасидан эшитган «Қирққиз»лар ҳақидаги афсонанинг давомидир. Отаси чўпонлардан тери йиғиш учун у ёққа борган, қорда ҳам

бўлган, тошга айланган Қирққизларни ҳам кўрган эмиш. Ўртада шокосадаги сув янглиг тиник кўл бормиш. Ёвлар уларни ошиқларидан тортиб олиб буёқларга келтиришган. Қирққизлар кечаю кундуз кўз ёши тўка-тўка охири тошларга айланишган, кўл суви шу ёшлардан йиғилармиш. Ундан ичган одам мангу навкирон бўлиб қолармиш. Отаси ана шу сувдан ичганман, деб мактанган эди. Балки ичгандир, балки йўқ. У қирққа кирди, ҳали 25 яшар йиғитдай навкирон, бир гапи бўлса бордир.

Буларни у кичкиналигида, отига мингаштириб чўпонларнинг қўшхонасига бораётганда айтиб берган. Равшан ишонкирамай сўраган:

- Ким ичса ҳам ёш бўлиб қолаверадими?
- Ҳа, ким ичса ҳам.
- Нега бўлмаса Ўрол бобом бориб ичмайди?
- Ичиб нима қилади Ўрол бобонг?
- Ёш йиғитга айланади, кейин Бибиш момомни кўйиб юбориб бошқа хотин олади. Ана шунда ўғил кўради, ахир ўғли йўқ-ку?

Равшан Ўрол бобо одамларнинг тўйидан қайтиб: «Манглайим курисин, бу бадбахт манглайга худо биргина бурни оққан ўғилни аяди!» деб йиғлаганини, кампири уни қараганини, кейин қўшилиб йиғлаганларини кўп кўрган. Бир марта чол ҳатто касал бўлиб ётиб ҳам қолган.

Саккиз ўғилнинг отаси, соколи тўрвадай Шойкул бобо даврида шундай деганмиш: «Ўролбой, қачонгача одамларнинг тўйини еб юрасан? Аттанг, ҳаммаси у дунёга қарз бўлиб кетадиган бўлди-да! Асли у ёрингизда йўқ экан-да, Ўролбой! На чора, худонинг иши!»

Ўрол бобо яккаю ягона қизини ҳам қариганда кўрди. Эр-хотинга қўшилиб ҳамсоялар, узанги – йўлдошлар энди қувонишганда Бибиш момо бошқа фарзанд кўрмади. «Чолнинг вақти ўтган қариди-да», деган гаплар Равшаннинг кулоғига чалинган эди. «Демак, ёшроқ бўлганида ўғил кўриши мумкин эканда! Бибиш момо эса фақат қиз тувади». Негадир, момонинг товоқдай қип-қизил юзига қараб шу фикрга келарди у...

Улоқчи оти борлар кир этагига жайдари арпа экишган, энди бу арпа ўрилиб, хирмонлар янчиляпти. Равшаннинг

Ғалла янчовида уч яшар қизил жувона ва унинг қаватига қўшилган икки яшар тана бор эди, холос. Пирман калтанинг хирмонида эса туёқ кўп: тўртта хўкиз ва кетидан ўғиллари навбат билан миниб ҳайдаётган бўз от. Ундан нарёқда Жумабек аканинг хирмони. Ўрол бобонинг эллик боғча арпаси Равшанларнинг ёнида бўлиб, унга ҳали ғалла янчиш қўшилгани йўқ. Пирман калтанинг хирмони катта, ўзлари ҳам кўпчилик, «хўп»ни мен ҳайдайман!» деб талашишар, гоҳо эса, биттаси ҳам ҳайдашга кўнмай, ўзаро жикқамунг бўлишар, отнинг устидагиси ҳам тушиб қочар эди, ана шунда безга қолган хўкизлар кўр қавшашга киришарди. Пирман калта қўлидаги паншахани тўлғаб, ўғилларини атрофдан йиғиб келгунча бақиравериб бўғилиб кетарди. Калта бўйли, гавдаси тарвайган бу хумкалла одам ичидан пишган муғамбир, унинг хумкаллагига ишониб армонда қолиш ҳеч гап эмас эди. У ён қўшнилари, лекин мана энди отаси кетиб қолганидан бери ҳатто гап ҳам қўшмайди. Абдумурод бўлса унинг болалари билан муштлашгани-муштлашган. Бунақа пайтларда Пирман калтанинг хотини Ўғилой уни олдига солиб ҳайдаб келарди.

– Йигит ўлгур, бойкушнинг боласи! Энанг ёмонда сенинг, энанг! – дея шанғилларди у.

– Нима бўлди ўзи? Муштдай бола экиннигизга тушдимми? – деб уйдан энаси чиқарди ва кўп можарога қоларди.

– Ўл бу кунингдан! Эрсиз, есир! Бир девонани чақир, болангни тияди!

Равшаннинг юраги безилларди. Укасини кистовга олар, бошқа уришмасликка қасам ичирар эди. Лекин Абдумурод эртасигаёқ яна жикқилашиб келарди...

Бибиш момонинг айтишича, эр-хотин мос тушган. Ўғилой – доғули хотин. Отасини ҳам киши билмас гап билан ўша айниган. Фойда чиқадиغانларнинг товоинини ялайди-да! Бошқаларнинг рўзвори нотинч бўлсин, дейди. Ҳамма шу дўлибашара хотинни мақтаса, бошқаларни ёмонласа, фақат у яхши бўлса! Боладан қолган хотинларни йиғиб, овсинларнинг гўрига фишт қалайди. Симён-да, симён!

Равшанининг симён-пимёни билан иши йўқ. Пирман калта бўлак гап, ахир у ҳалол, мард одам эмас-да. Бировга илон ўлдиргани тош ҳам бермайди...

Равшан хирмон агрофини йиғиштираркан, ғалла янчаётган укасига олифталик билан гап уқтирарди...

– Гавронни ўйнама, четдаги танани ур, тезроқ тугат-масак бўлмайди, бошқа ишлар кўп хали.

Нурбиби ҳам шу ерда. У хирмон теварагини супурар, соч ўримлари нозик белига чилвирдай ёйилган. Абдумурод кулади. Чунки барча «сир»дан хабардор. Равшан тилини тиёлмай унга дардини ёрган-да: «Сен нима дейсан, тентак, у мени... ўйлармикин?» (Мени севармикин, деёлмасди.) Укаси аввал: «Сени яхши кўради, ўлай агар. Ўзим кўрганман, сенга атаб рўмолча тикиб юради», деб қасам ичар, кейин эса: «Э ёлгон айтдим! Турсун тапшини яхши кўради, унга расмини ҳам берган!» дея ҳафсаласини пир қиларди. Равшан у билан сирлашганига миёнг-миёнг пушаймон! «Эҳ, бу Абдумурод-эй, жудаям қув-да», дея ичдан ҳам ранжирди, ҳам эр-калатарди.

Нурбиби отаси ва Пирман калтанинг олдига дастурхон ёзди, уйдан олиб келган бир товоқ филминдини кўйди. Кейин Равшанлар тарафга бир назар ташлади-да, чой дамлашга тутинди. Отаси унинг қарагани маъносини тушуниб, Равшанни чақирди. У: «Ҳозир», деди-ю, лекин хирмондан бош кўтармади. Пирман калтанинг болалари: «Мен борай, сен қол, сен қол!» дея отнинг жиловини бир-бирига ирғитиб жанжал кўтараетганди. Оталари уларни муросага келтирди:

– Кўлларни ювиб ҳаммаларинг келинлар бу ёққа!

Абдумурод унинг ўғиллари филминдини қаймоғини оқизиб оғизларига солишларига ҳавас билан термиларди. Овқатнинг таъмини туйгандек, тамцианиб қўярди. Филминди – буламиқ солиб пиширилган хамири юпка, мулойим, тўйимли таом. Юзига суртилган қаймоқ ҳам оғизда шарбатдай эриб кетади.

Жумабек уларнинг келмаслигини фаҳмлабми, Нурбидан овқат бериб юборди.

– Ана, бизга ҳам ошкелишяпти! – дея қувончини ичига сиғдиролмади Абдумурод. Лекин катта дастурхонда, катта одамлар билан овқат ейиш бошқача бўларди-да!

– Овқатланиб олинглар, кейин хайдайсизлар, – деди Нурбиби Равшанга. – Қаерга қўяй?

Равшан бирпас аланглаб турди-да, кейин белбоғини счди.

– Ёр бўлади, майлими?

– Сиз ювиб берасиз-да акамнинг белбоғини! – Абдумурод пикиллаб кулиб юборди.

Равшан: «Шу ерда ҳам оғзингни юмолмадинг-а!» дегандай укасига ўқрайиб каради, лоладай кизариб кетган Нурбибининг қўлидан овқатни оларкан, унинг бармоқларига қўли тегди. Қизнинг бармоқлари чўгдек эди...

Тушдан кейин кампири билан Ўрол бобо келди.

– Ассалому алайкум, хирмончи бойлар! Хирмонга барака! – деди чол.

– Умрингизга барака! Келинг, Ўрол бобо! – деб жавоб қилди Жумабек. – Кеч қолдингиз, нима гаплар?

– Гап кўп, – деди чол отдан тушаркан. – Раис бобони райондан келган рахбар ишдан олиб ташлади. Яхшига кун йўқ экан-да...

– Рахбарга тил теккизманг, бобой, – деди Пирман калта. – У нима қилиш кераклигини сиздан сўрамайди.

Ўрол бобо ҳам бўш келмади:

– Нега, Пирманбой! Биздан сўрайди-да, ахир! Биз халқмиз, бўтам, сўраши керак.

– Мановини ушланг! – дея кампири унинг қўлига тананинг бошвоғини тутқазди. – Намунча жағингиз очилиб қолди, чол?!

Таналар тихирлик қилди, уларнинг бошини бир ерга қовуштириш қийин эди. Кампири эса ингичка шохли қора танадан кўрқиб кетаяпти!

Чол таналарни эплай олмади. Жумабек ака билан Равшан «хўп»га қўшиб берди. Ўрол бобо ўроқ билан арпа боғламларини бир-бир кесиб, ўртага ёйиб ташлади. Ўзи қанча? Бирпасда бўладиган иш. Аммо қартайган

чол-кампирга тоғдай гап-да шу ҳам. Равшан тананинг ипидан тортиб хирмон устига айлантира бошлади. Сўнг Саманни эгарлаб миниб олган чолга бошвокни тутқазди-да, ўзининг хирмонига ошиқди. Уларда туёк оз, орқада қолиб кетишса, «Қулмагнинг болалари дангаса экан», дейишлари аниқ!

Пирман калтанинг ўғли Турсун таппи ҳам шу ерда. Занжидай қоралиги учун шундай лақаб қўйишган. У Равшандан катта, ўнинчи синфда ўқийди, бурни узун, серрайган ўспирин; Нурбибига хазил гаплар айтиб кулдирар, ўзи ҳам кулар, кейин: «Қандай!» дегандай улар томонга қараб қўяр эди. Равшаннинг рашки келарди. Ғазабни тошар, гўё аллақачон Таппининг ёқасидан олиб, кўтариб ерга ургандай, қўллари ихтиёрсиз ҳаракат қиларди. Қани энди олишса! Лекин бу ерда ёқалашиб бўлмайди-да! Нурбибининг кулишиям алам қилади, кизаринган оппоқ юзига, хиёл бўртган кўкракларига ўртаниб тикилади.

Равшан Таппининг супургини оламан деб кизнинг сочидан ушлаганини кўриб қолди. (Жумабек ака отини суғориш учун булок бўйига кетган) Нурбиби сочини тортиб олди, қўлидаги янтоқ супурги билан башарасига урди. У «вох!» деб орқага қочди, юзини тиканлар тилиб кетганига қарамай кулар, киз ҳам жилмаяр эди. Равшан қўлидаги гаврон билан тарғил жувонанинг орқасига жон аччирида туширди: «Бир болайман-ку ҳали, бурнингдан чиқармасам!..»

– Ўтин тергани бормаймизми, Турсун? – деб кичкирди у калласига келган баҳонадан қувониб.

– Ўтинни нима қиламиз? – деди у дўриллаб.

– Кечкурун чой қайнатиш керак-ку!

– У сени уради, Таппига кучинг етмасов! – деб қулоғига шипшиди акасининг мақсадини англаган Абдумурод. – Кейин укалари менга кун бермаса! – Равшаннинг парво қилмаганини кўриб дадилланди, ўзича ўргатган бўлди: – Белингни унақа сиқиб боғлама! Полвонлар бўш боғлайди, мен кўрганман.

– Ишинг бўлмасин!

Равшан билан Турсун гўё қалин ошналардай, хирмон-жой ортидан арчазор дўнглик томон ўралиб кетдилар.

– Нурбиби жуда зўр киз-да, окжўнгил! – деди Турсун бояги ҳазил-ўйин хавосида. Афтидан, ҳамроҳига «дил» ёрмоқчи эди.

Равшандан садо чиқмади. У Турсуннинг бўй-бастини чўтлаб, хирмондан пана бўлишлари билан ёқасидан олишни кўзларди. Кейин ўйлаб туриб фикридан қайтди. Ахир, номига бўлса ҳам ўтин териш керак эди-да. У бирпасда ер бавирлаб ўсган пастак арчалар остидаги қуриган шохларни суғуриб, бир ерга тўплади. Турсун шох-шабба тергилаб юришга бўйни ёр бермай, шудгор четида ётган арча молани судраб келди. У баҳорда кесилган, ишини бажариб бўлиб, саратонда қовжираб қолган – енгил эди. Турсун уни Равшан тўплаган ўтинлар ёнига таплади ва «Уҳ!» дея қўлларини белига тиради. Равшан нима қиларини билмай гаранг, аввалги аччиғидан тунган, энди рақиби ҳам кўзига унчалик баттол кўринмай қолган эди.

– Ановиларни қара, – деди сой бўйидаги чанг йўлдан ўтаётган юк машиналарига тикилиб турган Турсун, – худди қўнғизга ўхшайди, чангдан ўзиб кетолмайди. Ана униси зўр экан. «Урал» бўлса керак. Мен ҳам шофёрликни битирсам «Урал» хайлайман!

Аммо Равшан хирмонга қайтиб боргач, унинг яна «нағма» кўрсатишини ўйлаб дўқ урди:

– Эй сен, Таппи! Қара менга! Нурбибини ўз ҳолига кўясанми, йўқми?!

Турсун бақадек қотиб қолди.

– Нурбиби?

– Ҳа!

– Нима бўпти унга!

– Нима бўпти? Нималигини кўрасан!

Турсун унинг елкасидан босиб масҳара қилди: «Бўйинг пастлик қилади», дегани эди бу.

– А-ҳа, биз ҳали ошиқмиз, дегин?! Вой полвон-эй! Сен қайда-ю, Нурбиби қайда?! Тўрвадай қилиб бошига урадимми?! – Турсун қаҳ-қахлаб кулди, бироқ ияги остига келиб тушган муштдан гандираклаб кетди, ўзини ўнглаб Равшанга ташланди. Улар ёқалашиб кетдилар...

Абдумуроднинг айтгани келди. Турсун Равшаннинг сиқиб боғланган белбоғидан махкам ушлаб олган, бу узун, қайишқоқ қўллардан сира қутулиб бўлмас эди. Ниҳоят, Равшан унинг елкаси оша чангаллаб кўша чил солди-да, кўтариб ерга урди.

– Олифталикни ташлайсанми?! Айт, ташладим, де! Ташладим, де!

Турсун жавоб бермас, бир амаллаб унинг чангалидан халос бўлишга уринар эди. Кутилмаганда у ердан тупроқ олиб Равшаннинг юзига сочди. Равшан, «вой», деганча кўзини ишқалаб қолди. Пайтдан фойдаланган Турсун ётган жойидан ирғиб туриб нарига қочди. Шу маҳал: «Хов болалар!» деган овоздан чўчиб, иккиси ҳам тек қотди. Ўн қадамча нарида, пастгина арчанинг биқинида Жумабек ака турарди. У булоқдан отини суғориб қайтаётган эди.

– Уришаялсизларми? Қап-катта бўлиб-а?!

«Балки ҳаммасини кўрган, балки Нурбиби ҳақидаги гапни ҳам эшитгандир!» Равшан уятдан кизаринди. Турсун валдираб қўймасин, деб шоша-пиша жавоб берди.

– Ҳазилашяпмиз, Жума ака!

Жумабек лабини қимтиганча отининг бошини бурди. Гўё ҳеч нарса бўлмагандай Турсун бояги арча моласини, у эса шох-шаббаларини кўтариб жўнашди. Лекин йўлда Равшан унга ўшқирди: – Ҳали тугагани йўқ, хў Таппи! Билиб қўй.

Турсун сас бермади...

– Қалтак ебсан-а? – деди Абдумурод унинг кизарган қонталаш кўзларини кўриб.

Равшан: «Ўчир овозингни!» демоқчи эди, аммо укасини қуруқ гап билан ишонтириб бўлмаслигини тушуниб, иидамади. Укаси уни ёлғончига чиқардимиз, тамом: али деса бали деб тураверади.

Хирмонни энг олдин Жумабек ака янчиб бўлди. Улар сомон ва доннинг қолган-қутганларини йиғиштириб йўлга тушдилар. Нурбиби қўлидаги супургини ташлаб, рўмолини, соч ўримларини тузаганча унга қарарди. Равшан эса уларнинг кетаётганини аллақачон кўрган, кизининг нигоҳини ҳам идрок қилиб турарди-ю, хирмон-

дан бошини кўтармас эди... Нурбиби чошиб кетди. Бирдан Равшанга хирмоннинг ҳеч бир қизиги қолмагандай туюлди. Энди гўё паншахани абжирлик билан ишла-тишнинг ҳам, Абдумуродга ақл ўргатишнинг ҳам кераги йўқдай, хирмонжой, Бўзадир, то Кўрагон тоғларигача бўм-бўш, хувиллаб қолгандай. Турсун билан ёкалашиш ҳам беҳуда, бошқа чиранишлар ҳам...

Оқшом кўнди. Бирпасдан кейин тоғлар ортидан ўн тўрт кунлик ой кўтарилди. Адирлар сутга чайилгандай оқликка кўмилди. Ўрол бобо қари Саманнинг устида, «майда» айтарди:

*Майдалар қилгин кўрайин эй,  
Шохинга гуллар ўрайин-эй!  
Сенга келган балони  
Тоғу тошга жўрайин-эй!*

Хориб шашти қайтган таналар бир-бирига суяниб кўрни айланар, от эгасининг ҳазин, мунгли овозига кулоқ тутгандек, улар кетидан йўртар эди. Абдумуроднинг ҳам терма айтгиси келиб қолди. Ўрол бобонинг оғзидан олиб:

*Азаматим, олмосим,  
Босган изи толмасим... -*

деди-ю, қолганини эсидан чиқариб қўйди.

Таналар кўрни айланар, орқада Саман ҳорғин йўртар эди. Ўрол бобо бола шеърини айтиб олсин дебми жи-миб қолган эди, чийилдоқ овоз тингач, яна термасини бошлади. Мунгли кўшиқдан гўё ой нури эриб сутга айлангандек, тоғу топиларни, адирларни оқликка беларди...

Эртаси чошгоҳ маҳали чол хирмонини янчиб бўлди. Кампири овқат олиб келди. Биргалашиб ўтириб едилар. Кейин Ўрол бобо зарангдан ясаган паншаҳасини кўлига олди. Бир пайтлар хирмон совуришда унга етадигани йўқ эди. Колхознинг юз ботмонлик катта хирмонлари-ни ҳам бир ўзи эпларди. Йигитлар қаватида паншаха кўтариб, мадад бериб туришса кифоя. Эҳ, у хирмонлар қани энди! Бугунгилари бари ҳавасаки, от-улови бор битта-яримта одам кишининг фамида мана шундай хирмон қилмаса, кимга зарур кепти дейсиз!

Ўрол бобо хирмоннинг ярмини ҳам совурмасидан чарчаб, паншахага суянди.

– Пирманбой, келинг, тўрт шоха ташлаб беринг, – деди хирмони ёнида қўлларини ортига қилиб турган Пирман калтага қараб.

Пирман калта индамади.

– Бор, Турсун, чолга қарашиб юбор, – деди бир пайт ўғлига.

Турсун ўгирилиб ҳам қарамади, у қўшхонада қоплар уюмига суянганча сочини тарарди. Қир босган сочлари алвастиникидай, елкаларига тушган, уларни тараб бир ёқли қилиб бўлмас эди. Абдумурод қикирлаб кула бошлади.

– Ака, қаранг, яна сочини тараяпти!

Ўрол бобо пешинга бориб хирмонни қўлдан чиқарди. Кампирга сомони қоплайверишни буюрди. Ўзи эса хирмонжойни ойнадай қилиб супурди-да, барака-тошни келтириб қўйди. «Бисмилло» деб ғалвирни қўлига олди.

– Шунинг нимасини элайсиз? Эринмаган чол! – деди Бибиш момо. – Тагин баракатошга бало борми!

– Ия, нега баракатош бўлмасин энди?! – деди тош устига арпа элаётган чоли. – Ахир, ҳосил бу! Ҳосил эса баракатошсиз бўлмайди, ношукурчилик қилма, кампир!

Арпа чиндан ҳам оз эди, чол уни бирпасда ғалвирдан ўтказиб қўйди. Кечкурун жўнаётганида у тоза арпадан бир ховуч олди-да, хирмонжойга сочиб ташлади. Бу, хирмонжойдан барака кетмасин, келгуси йил ҳам боғ-боғ арпалар янчилсин, дегани эди. Афтидан, чолнинг бундан бошқа ҳам ўйлари мўл эди. У энди кексайиб қолди. Катта хирмонларни янчишга ярамай қолди, балки манови икки қоп арпа энг сўнггисидир...

Кетаётиб Ўрол бобо баракатошни, ғалвирни ва заранг паншахасини Равшанларга қолдирди. Паншаха эски, тасмаси ҳам ситилиб кетган эди.

– Қолдириб нима қиласиз, бобо, бунингиз хирмонга ярамайди, – деди Равшан.

Чол ажабланди:

– Нега ярамас экан? Ярайди, хали кўп хирмонларга ярайди, болам. Сен билмайсан-да! – Бу гапни у чуқур

хасрат, айни дамда ишонч билан айтди. — Ха, майли, ишқилиб Қулмат чавандознинг бахтига омон бўлинглар, — деб кўйди.

Ўрол бобо нега эналарининг эмас, уларни ташлаб кетган оталарининг бахтига омонлик тилаганини Равшан тушунолмади. Ахир, отаси уларсиз ҳам бахтли-ку! Донғи кетган чавандоз, Элўридай оти бор, районда... Чол нимани назарда тутган экан?..

Учинчи куни Пирман калта ҳам хирмонини янчиб бўлиб, кўч-кўронини кўтарди. Яна окшом қўнди, яна ой чикди, адирлар яна кумушдай яркиради. Хирмон-жойда эса ёлғизгина қўшхона қолган. Равшан кўрни ағдараркан, ўпкаси тўлиқиб йиғлагиси келар эди. Лекин бундай килолмасди — Абдумурод шусиз ҳам зўрга турибди...

Шу кеча Равшан тушида Элтўрини кўрди. У билан аллақаёкка, жуда олис сафарга кетаётганмиш. От устида Алломишдай ўтирармиш: эгнида совут, белида олтин камар, бошида дубулға эмиш. Адирлар ва тепалар, сойлар ва чўллардан Элтўрини елдириб борармиш. Бов-роғли қишлоқларда одамлар челак кўтарган қизлар ортидан тикилиб қолармиш. Ниҳоят, у қалмоқларнинг устидан чикди. Бугги энди дostonнинг ўзи: Барчиной, Бойсарибий, алплар, уларнинг сардори Кўкалдош... Барчиной шартларини айтди. Пойга бошланди. Олдин алплар от кўйишди, кейин Элтўри билан у. Чилбир чўлда алплардан ўзиб кетди... Қоронғида Бобогоғ виқор билан қад ростлаб турармиш, тепасида юлдузлар чарақлармиш. Ана шу юлдузларга етиш керак, Элтўрининг Бойчибордан зўрлиги ҳам шунда-да! Ахир, зотидан ўзмаса зурриёт бўлармиди!.. Кутилмаган ҳодиса юз берди: Отнинг жиловни қўлидан чиқиб кетди. Ўша захоти ерда ўзини кўрди! Элтўри эса ёлғиз, дол бўйнини чўзиб учиб борармиш. Туёқлари остидан юлдузлар отилармиш, отилармиш-у тўзон янглиғ атрофга сочилармиш. У сўнгги бор чиройли бошини буриб Равшанга каради, гулдираб-гулдираб кишнади. Бу унинг хайрлашгани эди. Шамолда ҳилпираган кокиллари тагидан кашқаси сўнгги бор яркиради. Элтўри юлдузларга кўшилиб кетди!..

Равшан ўйга ботди. Кўрган тушини Абдумуродга айтмади. Бу бировга айтадиган тушлардан эмас-да. У хали ёшлик қилади, масхаралаб кулиши аниқ.

– Отамни сониндим, ака, – деди Абдумурод эрта-лаб. – Сиз шунга нима дейсиз?

Аммо акасидан садо чиқмади...

### 3

Элтўри илк бор уларникига келганда ҳали жуда ёш, гижинглаган бир дўнан эди. Аммо ўшанда ҳам чиройли эди. Бошини баланд тутишидан, кенг манглайдаги яркираган кашкасидан учқур от бўлиши кўриниб турарди.

Уни ўткинчи бир савдогар олиб келган эди. Отаси оламан деб унча жон куйдиргани ҳам йўқ, арзонроқ туширишни ўйлабми, муғамбирлик билан уни аврамоқчи бўлди.

– Буни нима қиламан олиб? – деди у мусофирга. – Қовурғаси саналиб ётипти. Бели узук, от бўлмайди, узр меҳмон.

Отжаллоб бош чайқади:

– Худо назар солган йигитга ўхшайсиз, олинг шу тойни. Армонда қолманг. Кўҳна араби отларнинг авлодидан, қулоғини қайчи қилишини кўринг. Бошига қаранг, сухсурнинг ўзи, юлдузни кўзлаб турибди!

Қаердандир Ўрол бобо пайдо бўлди. У сал бўлмаса ажойиб савдодан қурук қолаёзган, энди вақтида келганига қувониб мусофир билан қуюқ кўришди.

– Хуш кўрдик, меҳмонжон.

– Хушвақт бўлинг, ёшулли!

Ўрол бобо чопонининг барларини белбоғига қистириб, тўри дўнанны айлағиб кўра бошлади. Қўли билан пайпаслаб қовурғасини санаб чиқди. Ортига ўтиб, сонларининг орасига қаради. Кейин Қулмат чавандоз тойнинг жағини очиб турди, чол унинг тишларини кўздан кечирди.

– Қўй, бўлди! – деди у қаддини ростлаб. Сўнг отжаллобга юзланди: – Меҳмон, тойчоқни қаердан олдингиз?

- Жаркўрғоннинг бозоридан, бойбобо.
- Хў-ўп, яхши! Эгасидан сўрамадингизми, ёши неч-чиди экан? Озиқ тиши ёрмапти.
- Сўрадим. Ёши тўртда. Эгаси художўй одам эди, ёлғон гапирмас, ўзи ҳам кўриниб турибди-ку, - отжал-лоб калта кузалган, оқ оралаган соқолини қашлади.
- Хў-ўп, ундай бўлса, айтинг, қанча сўрайсиз?
- Аммо Қулмат чавандоз эътироз билдирди:
- Мен ҳали оламан деганим йўқ, ахир. Берадиган нақд пулим ҳам йўқ, қўйинг Ўрол ака!
- Пулни мен бераман, - деди енгини ҳам шимариб олган Ўрол бобо. - Сен отни олавер, пули билан ишинг бўлмасин. Қани қўлни беринг, меҳмон. Хў-ўп, қанча дейсиз?
- Мен айтсам, катта айтаман-да. Минг сўм дедим. Хўш, ана олинг.
- Беш юз, бўладими?
- Кам, бойбобо.
- Бўлари олти юз эллик, ана, бор денг! - Ўрол бобо унинг қўлини силкиларди.
- Кам, бойбобо.
- Сиз ҳам тушинг-да энди, ахир! Боринг, нақд етти юз, бўлдимми?
- Отжаллоб ўйланиб туриб қўлини силкиди:
- Бўпти, бердим. Барака топинг!
- Сиз ҳам барака топинг!
- Ўрол бобо дарҳол шу атрофда айланишиб юрган Равшанни чақирди:
- Уйга чоп, момонгга айт, кичкина пўлат сандикдаги копчиримни берсин.
- Лекин Қулмат чавандоз бунга ҳам кўнмади:
- Бировдан қарз бўлиш ярамайди. Ўзи нима ҳам қилардик шуни олиб? - кейин бир зум ўйланиб туриб, деди: - Ўрол ака, қўнғир жувонани берсак-чи? Шу нархга тўғри келиб қолар-а?
- Келади, қўнғир жувонанг тўғри келади! - деди қувватлаб чол.
- Хўкизни оласизми, меҳмон? - деб сўради отаси.

- Майли энди, биз – бозор халки, нима бўлса ола-  
верамиз, молдан қайтиш бизга урф эмас. Олиб келинг  
жувонангизни!

Равшан сойда ўтлаб юрган қўнғир хўкизни хайдаб  
келди. Молашох, наслдор мол – Отжаллобнинг ҳам  
қўнғили тўлди шекилли, бирдан бошига аркон солди.  
Отни эса отаси етаклаб олди.

Ўрол бобо катга йўл устида фотиҳага қўл очди:

- Илоҳи омин, олган ҳам барака топсин, сотган ҳам,  
тўйларига букурсин, Аллоҳу акбар! Энди тушиб, туз-  
намак бўлинг, меҳмон, – дея таклиф қилди.

Отжаллоб Қарангқўлга ўтиб қўнишини, у ерда ош-  
насиникига шом тушмай етиб олиш кераклигини айтиб,  
хайр-хўшлашиб йўлга тушди.

Тўри дўнан Ўрол бобонинг қистови билан уч йил  
улоққа қўшилмади, боқув ҳам кўрмади, совутилмади  
ҳам. Фақат саратонда шира еди. Шира дегани – қўғал,  
эндигина бош тортган, аммо дони қотмаган жайдари арпа.  
Отаси отга қарамасди. Тери йиғиш, тери топшириш,  
кейин эса меҳмондорчиликлардан қўли бўшамасди. От  
ўз-ўзидан Равшанга қолди. «У сеники, ўзинг қарайвер!  
Менга қўп ишонма», дея олган кунiek уни Равшанга  
топширган эди.

От йўрға эмасди-ю, лекин юриши йўрғадан қолишмас,  
эркаланиб, рақс тушаётгандай оёқларини ўйноқлатиб бо-  
сарди. Гўё «чу» деса, учиб кетгудай чоғи бор. Аркондан  
бўшалавермас, отлар билан талашмас эди. Аммо бир  
дафъа қизиқ бўлган. Зардоли пишган кезлар эди. Рав-  
шан болалар билан зардолига андармон бўлиб, яйловдаги  
отни эсдан чиқарди. Ўрол бобо бўлса, унга ишониб, те-  
гирмонга кетган. Қишлоқнинг устидаги дўнгликдан Бой-  
мирза кичкириб қолди: «Отинг бўшалди-я, Қулматнинг  
боласи, каллангни узаман-а!»

Равшан оёғини қўлига олиб адирга чопди. У ерда  
отни қувлаб юрган ўроқчиларни кўрди. Улар минг бир  
хийла билан унинг олдини тўсиб чикмоқчи бўлишар,  
аммо от думини ҳам тутқазмай, экин оралаб юрар эди.  
Равшан ташвишга тушди: тутиб бўлармикан? Аксига  
олиб бошида нўхтаси ҳам йўқ. У таваккал қилиб отнинг

манглайдан тикка борди. От унга карадио оғзидаги бошокни чайнашдан тўхтаб, кулоғини кайчи қилиб енгилгина кишнади. «Кетди энди!» – Равшаннинг юраги шувиллаб кетди. Бироқ от жойидан кимирламади. Равшан бориб унинг бўйнидан ушлади; от қўлларига суйканар, ниманидир қойил қилгандек, зўр бериб пишқирар эди. Равшан уни уватга етаклаб кетди. «Ў, уккағарнинг оти, муштдай болага туткизди-я!» деб ёка ушлаб қолишди ўроқчилар.

Еттига тўлгандагина отни бойловса ташладилар. Еми-ни бир охурга, сувини бошқа охурга. Кейин, совусин деб ховли ўртасига олиб чиқилди. Ўшанда у димиқиб қолган экан, сал бўлмаса отасини суриб кетаёзди, Ўрол бобонинг кўмагида гулмихга зўрға боғлашди. Унинг туллаган, тўлишган сағриси йилтиларди. Ўйноқлаб гулмихни айланаркан, суксурдай боши гижингларди.

Равшан шунда Ўрол бободан сўради:

– Отни олаётганингизда қаерларини синлаган эдингиз, бобо?

– Қаерини бўларди, керакли, белигили жойларинида! – деди чол. – Мана, бошига қара, камгўштан келган, юлдузни кўзлаб турибди! Манглайи текис, бурунлари кенг, икки мушт бемалол сизгиши мумкин. Кўзининг баланддан тикилишини қара! Кейин, озиктиш ёрмаган эди. Одатда, дўнанликда озиктиш чиқади, лекин зотдор отларда кечроқ...

– Демак, бу яхши отми?

– Албатта, яхши от-да! Шу вақтгача мен сенга матал ўқияшманми, бўлмаса?!

– Бўлди-е, боланинг ҳам кулоғини қўлига қоқиб бердингиз! – деди Қулмат чавандоз. Аммо унинг ҳам отдан хурсанд эканини, ичида қувониб турганини Равшан пайқади. Одати шундай: қувонса ҳам ранжиса ҳам бировга билдиравермайди.

Отга «Элтўри», деб ном бердилар. Эллар ошиб келган ва элларни қойил қолдирган Элтўри! У ўша йилиёқ улоқчилиги билан танилди. Мана энди Катта ўрада унга тенглашадигани йўқ, номи тилларда дoston бўлди. Кишлоқда эса уни қўролмайдиганлар ҳам бор.

Бултур Карим дўкончи Белдовда отига бостирмоқчи бўлган, Элтўри бўлса арконни узиб, уни кўкрагидан тишлаб чалканча ағдариб ташлаган. Боймирза айтиб берган эди. Каримнинг Қорақашкаси ҳам улоқчи, лекин Элтўрининг олдида нима деган от! Равшан уни катта кўпкариларга миниб борган... Қайтишда оти толиққанига қарамай қулогини қайчи қилганча еларди. У улоқда катта зотларни айирди, элу юртни койил қилди. Тароқи хуржунни совринга лик тўла. Онаси, укасингиллари канчалар қувонишини кўринг! Қирдан ошганида кишлоғи кўринади. Булоқ бошига сувга келаётган қизларни кўриб шодланади, ўйноқлаган от устида бургутдай шиддатланади. Қизлар ҳам унга қарашади... Эҳ Элтўри, Элтўри!..

\* \* \*

Эртаси тушга яқин хирмонни янчиб бўлдилар.

Равшан, терлари қотсин деб, бир чеккага боғлаб қўйилган таналарни сувга хайдаб кетди. Таналар совиған отдай ингичка тортиб қолган эди. Унинг ўзи ҳам ўлгудай чарчаган, бунинг устига хирмонни янчиб бўлганидан унчалик хурсанд эмас эди. Ахир, янчишга янчилди, энди уни ким паншахадан чиқаради, ким элайди? У ана шунда бултур хирмон янчанларини эслади. Уни отаси билан икки кундаёқ саранжомлашган. Абдумурод аралашгани ҳам йўқ. «Қол», деганларига қарамай, боқиб юрган кўзи-улогини ташлаб бу ерга келган, «мен отман, мен Элтўриман!» дея кўр устида айланиб ўйнаган эди. Лекин энди булар бари ўтиб кетган гаплар...

Равшан булоқдан қайтиб хирмонжойнинг дўнгига чиққанида кишлоқ тарафдан келаётган эшаклини кўрди. Эшак устидаги одамдан ҳам кўра, каттакон бўз саллага ўхшарди. «Ўрол бобо!» деган қувончли ўй кечди кўпидан. Югуриб унга пешвоз чиққиси келди. Аммо чолни ҳовлиқтиришнинг нима кераги бор? Шундоқ ҳам қувонганини биллади.

Абдумурод кўр устида ухлаб ётарди. Маъсум юзини сомон гарди қоқлаган, оёқлари учида чумчуқлар пир-

пир учиб-қўниб донлаб юришар, у булардан беҳабар, маст уйқуда эди.

– Хорманглар, асл дехқонлар! – деди Ўрол бобо узокдан. – Чарчадингларми? Оббо, хирмонни янчиб кўйибсизлар-ку! Беҳабар колибмиз-да, буёғи кандок бўлди энди?

Равшан унинг ўсмоқчилаб, кўнгилларини кўтармоқчи эканини билиб кулимсиради. Чол кўрнинг яқинига келиб Абдумуродни кўрди.

– Оббо, шоввоз-эй! Алпомишдай ухлаб ётипти-я! Алпомиш ҳам алпларни йикитиб, бунча каттик уйқуга кетмагандир-ов! Равшанқул, бекни уйғотинг-да энди, хирмонни бўшатсин.

Равшан Абдумуродни кўрнинг устидан судраб туширди. Бола уйқусираб сўкинди, Хуррам калтанинг ўғиллари номини атаб мушт ўқталди.

– Оббо, вафлатда колибсиз-ку, бекзодам!– деди унга Ўрол бобо. – Алплар қочиб кетди-ку!..

Бола уялиб жилмайди, керишиб кўзларини укалаганча ўрнидан турди.

– Қани менинг гавроним? – деб чийиллади Равшанга.

– Сизлар чой ичиб олинглар, – деди Ўрол бобо. – Қатиқли кескан ош келтирдим, мурч сепилган, аччикқина. Энанг тайёрлаб берди. Ковурдок ҳам бор есаларинг. Ўзи ҳам Ойна келин илхақ бўлиб йўлларингга кўз тутиб ўтирипти. Сизларни роса соғинган. Икковингизга ҳам беқасамдан тўн қавиб қўйди, борганда киясизлар. Айтмоқчи, эртага тўй. Бир ясанасилар-да энди. Тўтини узатяпмиз, Носир армиядан келди.

– Ўҳ-ўв! Ростми? Қачон келди – кечасими, кундузи? Суюнчини ким олди? Погонлари борми, медали-чи?.. – дея бир зумда чолни саволга қўмиб ташлади Абдумурод.

Ўрол бобо: «Борганда кўрасан», деди. Бола эса: «Борганда кўрамиз, борганда кўрамиз!» дея ирғишлай кетди.

Болалар нонуштага ўтирдилар. Ўрол бобо эса чопони барларини белига қистириб, бўз салласи пешини қайирди-да, «Бисмилло», деб кадрдони – заранг пан-

шахасини қўлига олди. «Ё хазрати Мирхайдар!» дея хирмон совуришга киришди. Чол бугун илгариги, қариб путурдан кетган Ўрол бобога ўхшамас, яшаргандай, ажинли юзи ҳам ёришгандай!.. «Куёви армиядан эсон-омон қайтганига суюнаётгандир», деб хаёлидан кечирди Равшан.

Нонуштадан кейин у Ўрол бобонинг ёнида туриб кўр ташлаша бошлади.

– Мана бундай қилиб кўтар, – деди унинг ишига бир зум зеҳн солган чол. – Аввал ердан чаққон ол, сўнгра папшаханинг учини шамолга қайиргин. Ана шунда дон билан сомон ўз жойини топади...

Равшаннинг қўли келиша бошлади. Ўрол бобо мамнун илжайди, соқолини қашлаб қўйди. У илжайдими, соқолини қашладими – демак хурсанд, кўнгли тўлган.

– Энди, бўталарим, арпани элаймиз. Баракатошни келтиринг! – деди чол хирмонни совуриб бўлишгач.

У баракатошни супурилган чимликка қўйди, арпани ғалвирга олиб элай бошлади. Баракатош арпага кўмилиб кетди. Тез орада баланд чош ҳосил бўлди. Ғалвир эл-нар, чош устига кўкимтир дон марвариддай тўкилар эди. Арпа жуда мўл эди. Равшаннинг кўзлари қамашиб кетди. Ахир бу ҳазилакам ҳосил эмас! Уни киши билан талайгина мол еб адо қилолмайди, чунки бу одми оч, рандакли арпа эмас, балки каптар тергандай тўк, ширали арпа. Бўзадирнинг шамоли бошқа-да. Бу шамолда етилган дон мана шундай кўзни қамаштиради. Эҳ, кани энди Элтўри бўлса!.. Яна унинг кўнгли бузилди. Бу йил кўлкариларда ҳоли нима кечаркан? Бўзадирнинг саррин шамолида бадани қотарди, арпасини еса илиги тўларди. Шамолдай учқур бўлишининг бонси ҳам шунда-да. Энди бўлса... Боланинг юраги ёнди: «Элтўрини олиб келаман!» дея аҳд қилди дилида.

Тўтигулнинг тўйи қизийдиган бўлди. Оқсув ёқасидаги қишлоқларнинг ҳаммаси айтилди. Тўй катта бўлиши керак эди-да. Ахир, Ўрол бобо қизини, яккаю ягона фарзандини узатапти. Унинг ҳам ўзига яраша ёр-биродарлари, узанги-йўлдошлари бор, элнинг тўйини еган. Яна бундай тўй қилиш чолга насиб этармиди? Қиз

бўлса ҳам зурриёт-да. Ҳам қизи, ҳам ўгли шу – Тўтигул. Майли, нима дейишса оғизларига сикканича гапиришсин, фақат ҳақ сўзлашса бўлгани! Ахир, сен ҳақингда сўзлашмаса, дунёга келиб нима қилдинг? Зурриётинг бўлмаса, нимангни ёдлашади, нимангни сўзлашади?! Чол ховлисига гурра-гурра кириб келаётган, ош еб, лаблари, мўйловлари мойга ботиб чиқаётган одамларни кузатаркан, чамаси, мана шуларни хаёлидан кечирарди. Унинг ўзи ҳам бекор тургани йўқ. Қассобларга қарашди, ошпазларга керакли нарсаларни тахлаб берди. Қишлоқ оксоқолларини ва олисдан келган меҳмонларни Равшанларнинг меҳмонхонасига жойлаштирди.

Овулга оқшом куюлиб келди. Арчали адирлар яна ҳам ваҳимали, яна ҳам сирли бўлиб қолди. Қоп-қора осмонда юлдузлар чарақларди, овулдаги қўрғонларнинг бирида ҳам олов ловуларди, кўкка чирмашарди. Гўё оқшом тушмагандай, қуёш ботмагандай. Гўё бу ховли қуёши ботмайдиган афсонавий масканга айланган. Қиз-жуvonларнинг қўли-қўлига тегмайди, аммо бу юмушлар шу қадар мароклики... Ахир, тўй ҳар кун бўлавермайди-да! Шунинг учун ясанишган, оро беришган ўзларига. Солланиб у ёқдан-бу ёққа ўтишлар шунинг учун. Тилла балдоқлар, кумуш зебигардонлар тақилган, таъриф кетган хонатласлар кийилган. Бу нарсалар кечагина бўхчаларда ётган эди, бугун эса манман деган сатта сулувларнинг эғнида ял-ял ёнади. Тўй дегани шу-да!

Қорсон товоқларда қайнатма шўрва тортилди. Кейин қатта лаганларда гўшт олиб келинди. Бировга оз, бировга кўп, ахир, баковул адашиши мумкин-да. Араз урганлар ҳам кўн.

– Мен элдан чиққанми? Менинг ўғил-қизим жўқми? Элга тўй бермаганманми? Менга манови кезанак жилиқди қўйинди! – дейди Эшмурод бобо.

Ёнида қат-қат салласини қоядай қилиб ўраган кампири Қизларшой момо химоланиб эгачилари билан ўтирибди.

– Олти улли бойнинг тили оғзига сирмайди, етти улли бойнинг дови оламга сирмайди, Бибиш чеча! – дейди айвонда қайнатовоқ ҳозирлаётган хотинлардан бири.

– Ҳа, топиб айтдинг, Ҳайитхол, – деб қўйди Бибиш момо. Ортиқ бир нарса деёлмай тилини тишлади.

Ошга фотиҳа ўқилди, дастурхон, идиш-товок йиғиб олинди. Бироқ тўйнинг қизиғи энди бошланяпти. Келин дугоналари билан ховли бурчагига тикилган ўтовда, куёв эса ташқарида, жўралари билан гулхан ёнида турар эди.

«Куёв келсин, куёв келсин!» деган овозлар эшитилди. Куёв жўраси билан келиб қуроқ пўстак устига тиззалади. Равшан уни шундагина яқиндан кўрди. Носир қадди расо йиғит эди. Эғнидаги кийимларидан пур ёғиларди. Белқарсига ипак ҳошиялар тикилган, ранг-баранг листонлар қадалган. Бу белқарсни Тўтигул тикканини Равшан биларди, балки шунинг учун бунчалар чиройли, эртақлардаги каби сеҳрлидир.

– Кани, таъзим қилишсин куёвлар!

Носир жўраси билан ўрнидан туриб, энгашиб таъзим қилди.

– Нима бало, тиззаси қоғиб кетганми саллотликда, букилмайди! – деб кичқиришди чечалар.

Бибиш момо куёвининг бошидан бир сиқим танга сочди, атрофида болакайлар уймалаша кетдилар. Янгалар ҳамон қўйишмасди.

– Ҳа, яна, яна эғилсин! Ана шундай, хотин олмок осонми, биз ойдай қизимизни бераяпмиз, ахир!

– Бўлди-е! – деди бошқаси. – Аскар болани кўп кийнаманглар-э!

«Вакилсўрар» вазифаси Равшанга тоширилди. У келиннинг «вакилини» сўраш учун қизлар йиғилган ўтовга кирди. Нурбиби ҳам шу ерда! Уларнинг «сири»дан бохабар қизлар Нурбибини туртиб кулишадилар. Равшан тушларидаги каби эртақлар оламида, сирли хаёллар оғушида сезарди ўзини, гўё ўтовдаги қизлар оддий овул қизлари эмас, балки Кўҳикофда базм қурган парилар... Тўтигул – юзига ҳарир парда тутилган Маликан Айёр! Нурбиби ҳам Нурбиби эмас – Гулқиз пари! Равшан қизларнинг шойи-атлас кийимларига, қўлларига беихтиёр тегиб кетар, атир ҳидлари димоғига урилар, буларнинг бари уни гангитиб қўйган эди. Тўсатдан қизлардан қимдир унинг қўлидан силтаб тортди, у Нурбибига рўбарў

бўлиб қолди. Қизлар кикирлашар, Нурбиби уялиб уларни турткилар эди. Равшан илкис бошини кўтариб:

– Э, уялма, Нурбиби! Шу тентакларнинг нимасидан уяласан? Хаммасидан ўзинг яхшисан. Хали армиядан келганимда сени ўзим оламан!

Бу журъат, бу гаплар тилига қаёқдан келиб қолганига ўзи ҳам хайрон. Дувва кулги кўтарилди. Нурбиби лолдай кизариб кетган, аммо Равшанга зарда қилмади, аксинча «раҳмат», дегандай унга миннатдор жилмайди. Равшаннинг кўз ўнги жимиралиб кетди... Бу ерда келинчаклар ҳам, буй етган қизлар ҳам кўп. Атрофдан йигитлар бўйлашади. Тўйнинг кизиғиям шунда-да! Бўйдоқларга кун туғди. Ҳеч ким тортиниб ўтирмас, барча сирлар аён, орзулар тизгинини узган, кўзлар кўзга гушганда юраклар жизиллар эди. Ҳар икки тараф бирига талабгор, бир-бирига интилади. Эртага ҳамма ўз иши билан бўлиб кетишади, шунинг учун бу оқшом отни қамчилаб қолиш керак-да!

Ёр-ёр бошланди:

*Ой олдида бир юлдуз  
Ой боласи, ёр-ёр,  
Келинойим сўрасангиз,  
Бой боласи, ёр-ёр.*

*Ҳулкар билан Тарози  
Тенг келипти, ёр-ёр  
Келин-куёв – иккиси  
Хил келибди, ёр-ёр.*

Ёр-ёр садолари орасида Равшаннинг қуловига галати, ўкраган овоз эшитилди. Кимдир бостирма устидаги Фарам ортига ўтиб кетди. Равшан ўша тарафда тургани учун кўриб қолган эди. У секин даврадан чиқиб, фарам ортига ўтди. Фарамга суяниб кимдир ўтирарди. Равшан тикилиб туриб, бўз салласидан таниди, Ўрол бобо! У шошиб қолди, чунки чол юзини кафтлари билан тўсиб йиғларди.

– Бобо, нега бундай?.. Нима, ким хафа қилди? – деб сўради у тугила-тугила.

Чол жавоб бермади. Унинг елкалари силкинарди. Бу, юракка тошдай чўкадиган оғир йиғи эди. Кекса

одамнинг йиғиси дахшатли бўлишини Равшан шундагина билди. Чол оёқларига суйкалиб гингиётган итинни қўли билан итариб ташлади. Равшан уни ҳеч қандай хафа қилмаганини, чолнинг кўнгли ўзга нарсадан вайрон бўлганини англаб, кампирини чақириш керак, деган фикрга келди, чунки ҳозир унинг тилига тушунадиган бирдан-бир киши – Бибиш момо. Равшан шоша-пиша бостирмадан тушди, айвонни тўлдирган хотин-халажни четлаб ичкари уйга кирди. Бибиш момо аёллар билан Тўтигулнинг кўчини ўров қилаётган эди.

– Мана бунга тугинг ўровни, Ойнахол бойбича, бунисига тегманг, – дея, у Равшаннинг энаси ерга ёзмақчи бўлаётган ғажари гиламни олди.

Гилам тоза ипдан шу қадар пишиқ тўқилган эдики, ерга қўйса тик турарди, гуллари ажабтовур, хаёлни олиб қочарди. Қўнғирот келинлари орзу қиладиган бу гилам – Тўтигулнинг сепи, уни Бибиш момо неча йиллар орзу-ҳавас билан тўқиган. Равшан аввал момони ишдан чалғитгиси келмади, аммо пичан ортида ўтирган чолни эслаб:

– Бибиш момо, Бибиш момо, бу ёққа юринг! – деди.

Момо: «Нима дейсан?» дегандай анграйиб қаради, сўнг: «Бу боламнинг шу олди-тутди маҳалда нима иши бор экан менда?» дея гудраганча унга эргашди.

У ғарам ортида йиғлаб ўтирган чолини кўриб хайрон бўлди.

– Бу нима ҳунар яна? Энаси урган боладай бу ерда ўтириб олибсиз?.. – деди уни турткилаб.

Чол индамади. Лекин кампир: «Уят бўлади, гўдак бўлмаг, меҳмонлар жўнашсин, бафуржа йиғлайверасиз», деявергач, бурнини қоқиб:

– Сен нега келдинг, кампир?! – деди. – Ишингни қилаверсанг-чи, менга жин урармиди! Нега йиғлардим? Ана уйим тўлди, уйимда ёр-ёр айтилаяпти! Хурсандлигимдан йиғлайман-да, кампир. Эҳ!.. – У тағин ўкраб юборди.

Уни юпатаман деб, энди кампирини ҳам кўз ёши қилди. Қоронғида, дўмпайган ғарам ёнида чол-кампир қўшилиб йиғлашарди. Шу пайт аллақим улар томонга чайқалиб кела бошлади. Бўлим бошлиғи Бобошер экан.

– А? Ким бу ёр-ёр айтаётганлар, а? – деди у мас-тона товушда. – Нега энди, Ўрол бобо? Сиз, кап-катта одам... Кулиш керак, бобой, кулиш!

Бобошернинг пойинтар-сойинтар сўзлари дарров кучини кўрсатди. Ўрол бобо ўрнидан турди, кампири билан етаклашиб уйга кириб кетди.

Ҳовлида эса ловиллаган гулхан атрофида юракларни зириллатиб ёр-ёр айтилмоқда!

#### 4

Кулмат чавандознинг районга кетиб қолиши ҳақида ҳар хил тахминлар юрарди. Негаки, қандайдир аёлни деб элини, бола-чақасини ташлаб кетиши ақлдан эмас-да. Бу ерда бинойидай хотини, болалари, рўзғори бор. Обрў-эътибори жойида. Амали ҳам чаккимас, тери йиғсанг ҳам, ахир амал-амал-да! Районда яна каттароқ мансабга кўтарилганмиш, деган гаплар ҳам бор эди. Лекин бошқа бировлар бу фикрга қўшилмасди. Уларнинг назарида, Кулмат чавандоз совхоз директори Отакулов билан чиқишолмаган. Бу ҳам бўлса кўпқарининг устидан. Кулмат унинг отида улоқ чоғарди, бироқ Бўздингак йиқиладиган одат чикарди, чавандозга эса жон керак, минмай қўйди. Шундан кейин директор уни аста четлатиб юборди. Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан!

Аёлларнинг фикрича ҳамма гап Ойнахолда. Эрини ўзига ром этиб ололмади, аслида ўжар хотин-да. Кулмат аллақачон шундай қилиши керак эди... «Менинг эрим бир ёққа қадам босиб кўрсин-чи, ўша куни дунёни остин-устин қиламан! Ерга кирса қулоғидан тортаман, осмонга чиқса оёғидан! Ҳамма гап хотинда!» – дер эди Пирман калтанинг симёни.

Равшан кечкурун молдан қайтганида энаси ошхонада кўфирмоч пиширарди. Унинг олдида дастурхон ёзиб, бир коса қатик қўйди. Дастурхонда нон йўқ эди, Равшан хайрон бўлиб энасига қаради.

– Унимиз колмабди болам. Кеча борини ҳамир қилиб, Тўтигул опангни тўйига қатлама пиширдим. Сен-

га айтаман, деб эсимдан чиқибди, – деди энаси. – Арпадан кўғирмоч қилаяпман, ейсанми?

Равшаннинг таъби тирриқ бўлди. Эрталабдан буён оғзига туз олгани йўқ. Лекин ун бўлмаса, энасига аччиқ қилишнинг нима кераги бор!

– Тегирмон юрияптимикан?.. – деди Равшан ўйлаиб.

– Юргани билан бувдой бўлмаса... Ё арпадан тортиб келасанми?

Равшан «бўлмайди», дегандай бош чайқади.

– Пул бўлса, магазиндан ун оларлик. Ҳайрон бўлиб қолдим. Ҳа, айтгандай, почтачи: «Жумамуродга гувоҳнома олинса, нафақа пули чиқади», деди. Лекин районга ким борали?..

Жумамурод ўтган қишда туғилган, аммо уни қайддан ўтказиш бировнинг хаёлига ҳам келмаган. Бўлмаса отаси иш билан ҳар ҳафта районга катнарни.

– Мен бораман, – деди Равшан ўйлаб туриб. Энаси жим қолди. У, чамаси, менинг ҳам, ўзининг ҳам кўнглини кўтараётгандир, деб ўйларди. – Бориш қийинмас, – Равшан энасининг шубҳаларини тарқатиш мақсадида қаддини ростлаброк ўтирди. – Йўловчи машинага тушиб кетавераман-да!

– Хўп, болам борсанг бор. Ҳам анови манжалақини кўриб келасан.

– Отамними?

– Уни кўрмай юрибсанми? Тугмас ойпарисини айтаман!

Равшан тилини тишлаб қолди. Отасининг райондаги хотини тўғрисида гап кетганда у шунақа музтар бўларди.

У эртасига йўлга чиқди. Ғалла ташиётган машиналардан бирига ўтириб районга жўнади. Йўл нотекис, ўрли-қирли, аммо кузов ғаллага тўла бўлгани учун машина унчалик силкинмасди. Равшан бувдой устига ўтирди, оёқларини узатиб юборди. Районга бориб нималар қилиш лозимлигини дилида пишитиб кетди.

Машина Гавазнинг чангалзорларини ортда қолдириб, Бошқорбоққа нишаблади. Кўкка бўй чўзган оқ тераклар ва уларни кумуш тасмадай оралаб ўтган саёз дарё

кўринди. У гоҳо кўринмай кетар, гоҳо эса кутилмаганда сойнинг бурилишида ялтираб намоён бўлар эди. Машина Белибойлини четлаб ўтиб, тош йўлдан елиб кетди. Тўғонга етгач, мўйлови офтобда сарғайиб кетган шофёр бошини кабинадан чиқариб сўради:

– Хей бола, қаерда тушасан?

– Дехқонободга бораман.

– Буни ўзим ҳам биламан, қаерига?

– Ўзига, райсобесга бораман, – Равшан ишончли бўлсин деб қўшиб қўйди: – У ерда отам бор.

– Хе, отангдан ўргилдим! Ундай бўлса кимирлама, бортдан қоранг кўринмасин, билдингми!

Равшан энгашиброк ўтирди. Бироздан кейин кишлоқлар, улар ортидан икки қаватли бинолар қаторлашиб чиқа бошлади. Машина шу уйлардан бири ёнида тўхтади. Шофёр кабинадан бошини чиқарди:

– Хей бола! Туш, етиб келдик!

Равшан машинадан тушди, гўё шофёрга кира хаки бермоқчи бўлгандай киссаларини кавлаштирди. Аммо энаси почтачидан олиб берган уч сўм хали бошқа жойда аскотишини у яхши биларди.

– Отангга салом айт, биродар, агар тополсанг! – деб кичкирди шофёр машинани жилдираркан.

«Яхши одам экан, – дея хаёлидан ўтказди Равшан. – Пул бер, деб қисталанг килмади». Бирпасда у одамлар билан гавжум кўчада кўрди ўзини. Хамма тепасига «Аптека», «Ателье», «Магазин» деб ёзилган биноларга кириб-чиқиб юрарди. Уларнинг Равшан билан асло ишлари йўқ эди. У йўриғини йўқотиб қўйди, йўлда пишитиб келган режалари беҳуда бўлиб чикди. Бир-бирига қуйиб қўйгандек ўхшаш сон-саноксиз бинолар орасидан райсобесни топиб бўладими! «Аввал бозорни айланай-чи, кейин бир гап бўлар», деган қарорга келди у. Бозорнинг ўртасида, очиқ жойда бир неча уюм ковун-тарвуз, каппонлар тагида, кирдан қорайиб кетган пештахталарда мева-чевалар. Пештахта ортида семиз-семиз хотинлар, соқоллари ўсган эркаклар – мол эгалари харидор чакирарди:

– Кепқолинг Каттапайнинг лалми олмасига!

- Бойсуннинг майизидан опкетинг!
- Яхши помидор, иссиқда роҳатижон!..

Равшан бу нарсаларни кўриб, эгаларининг мактовини эшитиб, оғзи сув очди, улардан егиси келди. Аммо... Тескари ўгирилди.

У одамлар оқимидан кимнидир кидириб чор атрофга алангларди. «Ишқилиб, отамга дуч келиб колмайин-да», деб кўярди яна. Аслида эса излаётган одами ҳам шу – отаси эди. Кейин у райсобесни сўраш учун маъқулроқ одам излади. «Хў, анови йигитдан сўрайман. Ўзи ҳам идорада ишлайдиган кўринади», деб ўйлади. Бирок йигитга яқинлашгач, юраги пўкиллади, йигит жуда олифта кийинган эди. Тилла тишлари ҳам бор. Сўнг белбоғини бўш боғлаган гавдашан кишини мўлжаллади.

- Тоға, мен шу, анови рай... райсобесга бормоқчи эдим...

Гавдали киши ўгирилди.

- Райсобес! – деди Равшан такрорлаб.

- Ҳа, мендан сўраясанми? Райсобесни, болам, ўзим ҳам кидириб юрибман. Пенсиямни тўғирлашим керак. Билишимча, янги марказда. Хув анави ерга борсанг, автобус келади, ўшанга ўтирасан...

- Ўзингиз бормайсизми, бўлмасам? – Равшан бу одамни кўлдан чиқаргиси келмади.

- Мен ҳали нос оламан, болам. Кўзим юмилиб кетаяпти. Кейин излайман райсобесни. Билсанг, бизнинг Қизилчада Шукур чол казо қилгандан бери носга ёлчимай қолдик. Тамаки экадиган одам йўқ.

Равшан кўчанинг нариги бетига ўтди. Автобус кечикиб келди. Одамлар ур-сур билан эшикка ёпирилдилар. Равшан ҳам уларнинг орасига қисилиб-турганиб чиқиб олди. Тепасига «Райгаз» деб ёзилган бино олдидаги водопровод сувида оғзини чайди. Ҳали ғалла ортилган машинада чангга беланган уст-бошини қоқиб, атрофга аланглади. Янги марказ анча кўркем эди: Кўчалар кенг, равон, у ёқдан-бу ёққа енгил машиналар елади. Бинолар ҳайбатли, магазинларнинг ойналари кўзни камаштиради.

Кун пешинга қараб бормоқда – шошилиш керак, у ўйлаб ўтирмай, биринчи дуч келган одамдан райсобесни сўради.

– Ана-ку! Райгазнинг ёнидаги райсобес-да!..

Равшан икки табақали ойнабанд эшикдан ичкари кирди. Коридорга очилган эшиклардан бирига бош суқди. У ерда, қоғоз тўла шкаф олдидаги столда икки қиз ўтирарди. Юз-кўзлари бўялган, аммо каримсик, ҳорғин кўринишади. Равшан уларга мурожаат қилди:

– Райсобес шу ер бўладими?

– Ҳа. Ким керак эди? – деб сўради қизлардан бири эринчоклик билан.

– Менга каттаси керак. Нафақа тўғирлайдиган... Аммо қизларнинг шарақлаган кулгиси унинг капалагини учирди.

– Кичиги бўлмайдим, укажон?

– Бўлади, тўғирлаб берса бўлди менга. Шу бугун қайтишим керак.

– Нима ишинг бор эди?

– Тувилганлиги хақида докторнинг маълумотномаси борми?

– Йўқ.

– Нега келдинг бўлмаса?

– Мана, бошқа ҳаммамизнинг гувоҳномаларимиз бор, – у писанда қилгандай, рўмолчага тугилган хужжатларни столга қўйди.

– Бефойда, – уларга қайрилиб ҳам қарамади қизлар.

– Ахир, қоғоз нимага керак? Мана, менга ишонмай-сизми? Юқори овуллик Зулфин момони ўзим чақириб келганман. У доялик қилган...

Қизлар яна кулиб юборишди.

– Зулфин момо маълумотнома бермадим, укажон!

Кейин улар сал инсофга келиб, кенгаша бошладилар. Бошлик йўқ, курортга кетган. Ўринбосаридан илтимос қилиш керак. Барибир бундан бир иш чиқмайди-ю, шундай бўлса ҳам...

Равшан гўё иши битгандай қувониб кетди. Аммо ўринбосарга учрагач, тарвузи қўлтиғидан тушди. Қалтабақай, тепакал Мардаев қатъиян рад қилди. Афти-

дан, у қачонлардан бери бошлик ўрнига ўтириб, идорани мустақил бошқариш иштиёкида юрарди. Энди бўлса, каёқдаги бир зумраша маълумотномасиз келиб гувоҳнома сўраб ўтирибди! Равшан унга ҳам: «Мана, менга ишонмайсизми?» демокчи эди, бироқ ўринбосарнинг важохатини кўриб, вақтида тилини тийди. Тепакал бошини орқага ташлаб, хўроздай ўтириши ундан ёруғлик чикмаслигини кўрсатиб турарди. Лекин кетагуриб Равшан ғалати гап қилди:

– Сизга пора берсам-чи?

Ўринбосар тахта бўлиб қолди. Кейин хонани бошига кўтариб бақирди:

– Йўқол, тирранча!

Равшан йўлакка қочиб чикди. Тамом! Порага берадиган пули бўлганда ҳам майли эди! Ноумид шайтон, ўринбосар хом ваъдага учиб ишни тўғирлаб юборар, деб ўйлаганди-да! Энди бўлса... Ишнинг пачаваси чикди!

Офтоб аллақачон ботиб кетган эди. Кўчада одамлар сийраклашиб қолган, чойхона ва ошхоналарнинг эшигига тамба урилган. Равшаннинг эса қорни очиб, ичаклари сурнай чалмоқда. У кўчада тентираб юриб, пастгина мусофирхона эшигига келиб қолди. Узун, қоронғи йўлакка кирди. Биринчи хонанинг очиқ эшигидан мўралади. Чойшаб тўшалган диванда озми бир нўғой кампир телевизор кўриб ўтирар, қоксуяк қўллари тўқиётган пайпоғи устида йўрғалашдан бир зум ҳам тўхтамас эди. Ёнида қоп-қора, семиз мушук парёстикқа бошини кўйиб хурхур ухларди.

– Нейга келдиғиз? – сўради кампир.

– Менга жой берсанғиз. Кеч қолдим.

– Жай юк, не ғилармиз инди?

– Билмадим.

– Билмасоғиз, мин қойдан билай? Қордашларигиз бар?

– Ҳеч кимим йўк.

– Ий-йи, йитимчасинма?

– Йўғ-э, нима деяпсиз? Районда ҳеч кимим йўк, райсобесга келганман.

Шу чок ташқаридан қадам товушлари эшитилди. Келганлар кампирга бош ирғаб, коридорнинг тўрига ўтиб кетдилар. Бирови: «Қалайсиз, Марям момо?» дея сўрашиб ҳам кўйди. Равшан турган жойида бир сесканиб тушди. Овоз жуда таниш эди. Отасигина шундай ўқтамлик билан сўзлаши мумкин. Равшан ўгирилиб қаради, аммо келганлар аллақачон ичкарига кириб кетишган эди.

– Мана шу кейинги узун одам ким, танийсиэми? – деб сўради у кампирдан нечундир ховлиқиб.

– Танирмин. Не филарсиз?

– Ким?

– Норбўтаев, Заготоделдин бошлиғи була. Бошимни қотирмасангши, қойдан гилдинг, шулай бола булама! Кетигиз инди.

Равшаннинг юраги хапқирди. «Норбўтаев, Заготоделдиннинг бошлиғи!» Ҳа, Отаси шундоқ ёнгинасида! Анови хонага кирса бўлди, вассалом! Лекин... Бу тахлит оч, юпун, борар жойи йўқ холда унга кўрингиси келмади. У ота бўлса ҳам бегонадай, уларни маломату ғавғоларга қолдириб, ташлаб кетган одам! «Мен кетиб, хор бўлибсизлар, кўриб турибман. Қадримни билинглар-да», дейиши аниқ. Аммо уни кўздан қочириб ҳам бўлмасди. Бир кўриб кўйса, ишлари қалай, Элтўри қаерда, соғсаломатми – билиб кўйса зиён қилмасди. Уни соғиниб ҳам қолган. Эҳтимол таъна қилмас... Йўқ, бўлмайди. Бу ердан кетиш керак! Равшан энди ташқарига томон юрмоқчи бўлган эди, ҳалиги хонанинг эшиги тарақлаб очилди. Ундан чиққан одам гурс-гурс қадам ташлаб кела бошлади. Равшан яна нўғой кампирга ўгирилиб олди.

– Марям момо, меҳмонларга қарашинг. Эрталаб ўзим хабар оламан.

– Ховотир олмағиз, – деди кампир.

Шубҳасиз, Қулмат чавандознинг ўзи! Равшан тиззалари калтираб, ҳали замон гурсиллаб йиқилар алфозда турарди. Отасининг ташқарига йўналганини хис этиб, енгил тортди. Бироқ Қулмат чавандоз тўсатдан бир нима эсига тушиб қолгандай, изига қайтди:

– Марям момо, манови бола нега турибди? Жой беринг, мусофир йигитчага ўхшайди, – деди у. Кейин Равшаннинг ўзига мурожаат қилди: – Қани, менга қарачи, қаерликсан ўзи?

Энди қарамасликнинг иложи қолмаган эди. Равшан шунда ҳам ўтирилмади, юзини хиёл у томон бурди. Отаси унга тикилиб қарадию таниб, ўзгарган товушда хитоб қилди:

– Равшан? Сен!

– ...

– Ўзингмисан, Равшан? Сен қандай... Ўғлим!

У Равшанни кучоқлаб, юз-кўзларидан ўпди. Бола гангиди, нўғой кампирнинг тўқиётган пайпоғи ерга сирғалиб тушди. У ота-боллага ажабсиниб қараб қолган эди. Мушуги ҳам бу маҳал уйғониб, кўзларини катта очганча уларга тикиларди.

– Қачон келдинг?

– Бугун, туш пайти.

– Шу вақтгача қаерда юрибсан? Нега уйга боравермадинг? – деди отаси гўё Равшан уникига келиб-кетиб юргандай. – Уйлар тинчми? Абдумурод, Ҳалима, Жумамуродлар соғми? Қани, юр. Ҳа-а, Марям момо, ҳайрон бўлманг, бу менинг ўғлим. Қишлоқдан кепти, сал бўлмаса кўрмай кетаёзибман. Ҳали кирганда кўзимга иссиқ кўринувди-я!

Кампир, ҳечкиси йўқ дегандек тагин пайпоғини қўлига олди, қоқсуяк бармоқлари яна симлар билан рақс туша кетди. Мушуги ҳам томоша тутаганини билгандай, аста кўзларини юмиб хуриллай кетди...

Отасининг янги ҳовлиси бозор орқасидаги дўнглиқда экан. Ҳовли эмас, нақ саройнинг ўзгинаси! Дарвозадан кирганларида Равшаннинг димоғига атиргул хиди урилди. Гуллар ҳовли сахнини тўлдириб очилиб ётарди. Бу уйнинг эгаси бадавлат бир киши, хотини билан беш йилча яшаб, бола бўлмагач, уй-жойниям қолдириб бошқасига уйланиб кетган.

Ҳовли эгагидан от тезагининг хиди келарди. Равшан аланг-жалаңг ўша ёкка кўз югуртирди. Отаси буни пайқади:

– Ҳа, дарров Элтурини эсладинг-а! Сен кўпрок отингни кўргани келган чиқарсан?

Элтўри кишнаб юборди. У каттакон бостирмада улар томонга тикилганча қотиб турарди. Манглайидаги кашқаси нуқрадай яркирайди. Боланинг юраги жизиллаб кетди, югуриб унинг олдига боргиси келди.

– Ҳали улгурасан. Вакт кўп, дам олволайлик олдин, – деб отаси шаштини қайтарди.

У даҳлизга кириб, уйнинг эшигига қўл чўзган эди, эшикнинг ўзи очилиб кетди. Остонада елкасига ҳарир рўмол ташлаб олган гўзал бир жувон кўринди. Равшан тўсатдан пайдо бўлган бу аёлга тикилиб ҳайратдан лол қотди. Жувон Равшанга бошдан-оёқ назар солиб чиқди. Унинг сутга чайилгандай вуборсиз юзида майин табас-сум зоҳир эди.

– Ҳаммом ёқилганми? – деб сўради отаси. – Кир, Равшан, нега турибсан? Кўй, этигингни ичкарига ечасан.

Жувоннинг юзидаги табассум аста сўнди. Аммо у кутилмаганда Равшаннинг бошини оғушига олиб, юзидан ўпди. Боланинг димоғига гулсафсар хиди урилди...

– Келинг, Равшанжон, хуш келибсиз, – деди жувон, ёқимли товушда. Равшан илгари бундай нафис овозни сира эшитмаган эди.

– Ҳаммомга ҳозир ўт ёқаман, – деди жувон.

– Керакмас! – дея рад қилди отаси эгнидаги кийимларини ечиб, унинг биллагига ташларкан. – Равшанни ўзинг ювинтириб кел, сув совук бўлса ҳам.

Равшан жувоннинг кўмагида ювинишга ийманди. Ҳовлига ўзи чиқиб, водопровод тагида ювинаркан, бостирмада унга тикилиб турган Элтуридан кўзини узмасди, бироқ ҳозир унинг олдига боришнинг мавриди эмас. Жувон каттакон пахмоқ сочиқ тутиб даҳлизда турарди.

– Бахтиёр қаёқда? – деб сўради отаси хонага қайтиб кирганларида.

– Мехмонхонада. Кеча тўйда бўлиб, ухлолмаган экан, – дея жувон шундоқ ҳам саранжом-сарништа уйни йиғиштиришга киришди. «Демак, ўғиллари ҳам бор экан-да!» деб хаёлидан ўтказди Равшан, дастурхон ҳозирлаётган жувонга зимдан қараб. Аммо отаси:

«Уканга айтиб қўй, саёк болалар билан кўп юрмасин. Мен айтсам нокулай бўлади», деганидан кейин масала ойдинлашди.

Жувон бирпасда дастурхонга турли ноз-неъматларни уйиб ташлади. Ошхонага чиқиб овқат сузиб келди. Шўрва қайноқ, сергўшт, мазали, унга Равшан тоғда яшаб ҳам тотиб кўрмаган турли тоғ гиёхларидан солинган эди.

Овқатдан кейин отасининг бикинига жувон иккита пар ёстиқ келтириб қўйди. Равшанга ҳам бермоқчи эди, у кўнмади. Отаси болишга ёнбошлаб чой ҳўпларкан, унга тикиларди. Равшан ҳам отасини зимдан кузатарди. Улар икки кирғийдек бир-бирларини назардан ўтказишарди. Отаси анча тўлишиб, салобатли бўлиб қолибди.

– Қалайман, сенинча, тузукманми ҳали?

Қулмат чавандоз хамиша у билан эркин, тешпа-тенг сўзлашарди. Шу одати йўқолмабди.

– Аммо сен ўзгарибсан, елкаларинг бинойидек, бўйнинг ҳам икки яшар тананинг бўйнидай тўқмор тортибди. Сенга ҳализамон хотин олиб бериш керакми дейман-да! – дея ҳузур қилиб қулди отаси. Афтидан, соғинган, келганидан жуда хурсанд эди.

– Бизга шу ерга жой солиб бер, – деди у жувонга, чой ичиб бўлгандан кейин. – Ўзинг Бахтиёрнинг олдига чиқиб ёт.

\* \* \*

Равшан ховлига чиқди. Элтўрининг олдига борди. От гўё ҳаммасини тушунгандай, энди бемахалда киш-нашнинг хожати йўқ, шундоқ ҳам кўришаверамиз, дегандай у томон бош тўлғаб «хи-хи»лади. Равшан унинг бўйнидан қучиб кокилларида унди. Элтўри яна ўпгин деган каби манглайини тутарди:

– Ана, бўлли-ку, Элтўри! Ахволлар қалай энди? Соғиниб қолдингми? Кўп соғиндингми-я? Ҳа-ҳа, ёз бўйи сени шу зиндонда сақлашган кўринади. Тўлишибсан, аммо машқинг паст. Нима? Ҳа, бир нима егинг келаяптими? Шошма, мен сенга бўзадирнинг арпасидан ошкелганман. – У ҳар аҳтимолга қарши шимининг қис-

саларини арпага тўлдириб олган эди, сикимлаб отга егиза бошлади. – Ха, ха, Бўзадирнинг жайдари арпасидан! Сен уни шира маҳали ердинг, бу йил биз арпани Абдумурод билан ўриб-янчиб олдик. Олти улов чиқди ўзиям. Мана, кўрайсан-ку, бу йил айниқса мағзи тўк, шамол яхши бўлди-да ёзда... Равшан Элтўри билан хаёлан сўзлашар, куртиллатиб арпа чайнаётган отнинг сўлаклари кафтини ивитиб юборган эди...

«Нима дейсан? Ха-ха, Самани сўрайсанми? Оғанда, унутмабсан, эсинг бор... Саман ўтлаб юрибди, қариб қолган, Ўрол бобо ҳам қариган. Яқинда у Тўтигул опани узатди. Эсингдами, сенга ипакдан чивин кўригич тўкиб берган киз-чи? Носир акага тегди. Сен уни ҳам биласан, бир марта устинга яйдоқ минганида олиб қочгансан... Шунақа гаплар. Сен кетганингдан кейин у ёқда Каримнинг Қорақашкаси олди от бўлиб қолди. Каримнинг ўзи шу фикрда, унга қолса оти сендан ҳам зўр. Ў бешаросат-эй! Сенга етадиган от бормикин бу дунёда! Яна нима гаплар бор, дейсанми? Гап кўп, оғайни. Бизнинг ишларимиз чатоқ. Отамиз бу ёқда, биз бўлсак у ёқда қийналиб қолдик. Рўзгордан эмас, сен асло бу хаёлга борма. Биз маломатга қолдик, биродар! Хеч ким бизни одам сонига қўшмайди. Отамиз дўст деб кўп душман орттириб юрган экан. Фақат Жумабек ака... Лекин сен қайғурма, бу гапларни унут, йўлингдан қолма. Сен юлдузсан ахир, юлдузларни кўзлагин! Сенга насиҳат қилишнинг кераги йўқ, бир айтдим-қўйдим-да. Бу, отамизнинг ахволи қалай энди? Хотини, анови ой-пари йўлдан оздирганича бор экан. У сенга қарайдими? Бахтинг чопган экан, оғайни, Гўрўғлининг Фирқўқандай! Гўрўғли ҳам унга баног тўрвада кишмишдан ем берган, қирқин кизга боктирган, Қўхикофдан париларни эндирган. Фирқўқ афсонавий от, сенинг аждодинг. Сен эса Элтўрисан, афсонавий бедовларнинг зурриётисан! Армонда қолмагин. Сени олиб кетишим керакку-я, лекин отамиз берармикан? Агар олиб кет, деса тайёр тур! Айтмоқчи, Нурбибини ҳам биласан-а? У жуда сулув киз, эсли! Хирмонда Таппининг юзига сунурги билан тушурганини кўрсанг эди. У мени яхши кўраркан, яқинда ўзи

айтди. Йўғ-е, айтмади, ўзим билдим. У бунақа гапларни айтармиди! Абдумуродимиз ҳам катта бўб қолган. Хали борганда кўрасан. Бир қилиғи ёмонда, болалар билан кўп уришади, худди отамизнинг ўзи! Ана чикди, гурунгимизни ёмонликка йўйиб юрмасин тағин. Кетгунча хали сен билан тўйиб-тўйиб гаплашамиз...»

Равшан от олдида унга термилганча турарди. Оти билан унсиз сирлашди, хасратларини унга тўкиб солди, қушдай енгил сизди ўзини. Элтўри бошини эгиб гўё жимгина тингларди. Тонггача тинглаши, Равшан эса тонгга қадар хасрат қилиши мумкин. Лекин сарпойчан ховлига чиққан отаси уни чақириб қолди:

– Ҳа, отинг билан сирлашмаяпсанми? Мен ўйладимки... Кел энди ётамиз, шамоллаб қолмагин тағин...

Ўринга ётганларида отаси унга саволлар бера бошлади, бироқ у ҳамма гапни Элтўрига айтиб қўйган эканми, ҳа-йўқ, дея қисқа жавоб қила-қила охири ухлаб қолди.

Кечаги нозик меҳмонлар жўнаб кетгачгина отасининг қўли бўшаб, Равшаннинг иши билан машғул бўлди. Айтишича, улар вилоятдан келган комиссия, устидан тушган шикоятни текширгани келганмиш. Равшан буни эшитиб, Жумабек ака айтган гапларни эслади: отаси очофатлик важидан вазифасини суинистеъмоқ қиладиганлардан эмас! Ахир, тери топшириб юрган кезларида ҳам бу ишни қилмаган, шунинг учун бошлиқ билан келишолмай бу ёқларга келиб қолган. Директор эса тери йўқ бўлса ҳам ҳужжатлаштирасан, менга план керак, деб туриб олган. Одамларнинг бу билан нима иши бор? Аллакаёқдан тушган чўтал пулни бўлишолмай уришиб қолган, деб бичиб-тўқишади...

Отасининг ўзи бу гапларни унга айтолмайди, «ахволи бизникидан ҳам ночор экан», деб ўйлашидан кўрқади. Унинг руҳини туширгиси келмайди чоғи. Мард, дов-юрақ бўлиб ўссин, дейди-да. Дилини ёрмаган билан, ишонган тоғи улар эканини отаси билади.

У Равшанни ишхонасига бошлаб келди. Идора кўча томондан бинойидек кўринарди. Аммо орқасида – бозордаги каппонларга ўхшаган тимлар остида эса қорақўл терилар, жун тойлари қаланиб ётар, ачимсиқ хид димоқни

ёраб эди. Кабулхона анча шинам экан: полига рангдор қалин гиламлар тўшалган, деворларига сержило, сур терилар қия қилиб осилган, отаси бориб ўтирган креслонинг суянчиги баланд эди. Сочини ажабтовур жингалак қилиб тараган, кош-қўзлари обдан бўялган котиба қиз зархалланган оқ чойнакда чой олиб кирди. Қулмат чавандоз унга тайинлади:

– Келганлар кутиб турсин, кейинроқ ўзим чакираман.

Бироқ котиба чиқмасидан 2–3 киши кириб келишди. Отаси уларга бакирди:

– Ўв, бирпас сабр қиб туриглар, мусулмонлар!

Лекин кирганлар тап тортадиган хилидан эмасди – дарров гап бошлади:

– Норбўтаев ака, ўзингиз бир нима денг, бир машина теридан юзтасини қайтаришди. Илгари ҳам шундай қилишган, мана приёмшиқ, ўзи айтсин! – деди улардан бири семиз ҳамроҳини кўрсатиб.

У бўлса қўлларини орқага қилиб пишиллаганча хонада нари-бери юрарди. У бир оғиз ҳам гапирмас, гўё тумшуги шифт билан сўйлашади эди. Охири бошликка ўгирилди.

– Бунинг терисини ололмайман, ўртоқ Норбўтаев, қолганини ҳам қайтариб бераман. Билмадим, бунинг сойлардан териб келинган сичқон кемириб ташлаган терилари қачон тугайди?!

Қулмат чавандоз паншахадек қўлларини столга тап этиб қўйди:

– Сизлар терихонага бориб туриглар. Кейин хал қиламан.

– Йўқ, сиз бир ёққа кетиб коласиз. Хозир хал килинг ака!

Тери олиб келган йигит унинг олдига кела бошлаган эди, отаси бакириб берди...

– Нарини тур! Манови менинг ўвлим, қишлоқдан келган, сенлар ҳар куни шу ердасан. Унинг ишини битирай, ахир!

Йигит нари туришни хаёлига ҳам келтирмади. Унинг бундай тортишувларда обдан пишиб кетгани шундоққина кўришиб турарди.

– Мен ўзим жўнатаман ўглингизни! Бозорлик қилиши керакми? Юр, ошна, нима оласан?

Лекин Қулмат чавандоз: «Гап бор, ука», дея секин елкасига қоқиб чиқариб юборди ва ялтирок стол устидаги телефон гўшагини кўтарди.

– Алло, райсобесми? Исматилаевни чақиринг! – деди. – А? Курортга кетган? Ўрнида ким? Мардаев? Яхши, раҳмат! Ўзига қўнғироқ қиламан. – У бошқатдан рақам терди. – Алло, салом! Яхшимисиз, ўртоқ Мардаев? Бу мен, ха, Қулмат чавандоз, деяверинг! Менга қолса, шу лақабим зўр! Бу-у, бизнинг ўғил олдингизга борибди. Ҳа, кеча пешинда. Йўғ-е... Ҳа энди менга ўхшаган-да. Хў-ўш, шу ишни тўғирлаш керак. А? Ҳа энди, йигитчилик, ака! Шунака бўб қолди. Расмий ажрашмаганмиз, йўк... Хўп топиб бераман, зўридан! Хозир бунни жўнатайлик. Ҳа-ха, хўп! Омон бўлинг! – отаси кула-кула гўшакни қўйди.

Аммо шу захоти юзидаги табассумдан асар ҳам қолмади, ковоқлари уқлиб кетди, ҳатто, «падарингга минг лаънат!» дея сўкинди. Унинг нега бунчалик торикқанини Равшан тушунолмади.

– Сен хозир тагин ўша ерга боргин, тўғирлаб беради. Ўзим борсам ҳам бўлади-ку, лекин фарқи нима?

...Мардаев уни кўриб хайрон бўлмади, қимтинмади ҳам. Кечаги можарони кўзгаб ўтирмади. Фақат, отаси нега бошқа хотин олгани ҳақида бафуржа суриштирди.

– Нега судга бермадиларинг? – деб сўради у. Равшан индамади, акс холда яна гап чувалашиб кетарди. Бусиз ҳам Мардаев уни роса тергаган эди. У кечаги қизлардан бирига буюрди:

– Бунинг янги туғилган укасига гувоҳнома ёзиб, менга олиб келинглар, отаси-онасининг никоҳ қоғози асосида.

Тайёр бўлгач, ўринбосар гувоҳномага имзо чекди, думалок муҳр босди.

– Мана, дўстим Қулмат чавандознинг ўғли, энди кишлоққа қараб қамчи боссанг ҳам бўлади. Нафақа пулини почтачи олиб боради, тушундингми?

Равшан ян-янги, бўёк исн келиб турган гувоҳномани ҳужжатларига қўшиб рўмолчасига ўради-да, хайрлашиб эшикка йўналди.

– Отанга айт, сур терининг антикасидан иккита олиб кўйсин-а! – дея ортидан кичкириб қолди ўринбосар.

У ўша кунiek қишлоққа қайтмоқчи эди, аммо отаси бу ҳақда оғиз очирмади, уни кеча меҳмонхонада тунаган болага кўшди:

– Бахтиёр, укангни айлантир, шаҳрингни кўрсат. Магазинларга кириңлар, – киссасидан бир даста пулларни чиқариб Равшанга узатди. – Нима олсанг, ихтиёр ўзингда. Қолганини уйга олиб бор, ишлатасизлар.

Бунча пулни кўриб, хайратдан Бахтиёрнинг кўзлари аланг-жалаңг ўйнади. Унинг сочи худди Турсун Таппиникига ўхшаб бўйнига тушган, ўзи тор жинси, чарм камзул кийиб олган эди. Магазинларни бир-бир айланишаркан, у фақат урган, кўрkitган болаларидан гапирарди. Айтишича, қишлоқи болаларни бемалол кўрkitса бўлармиш.

– Чунки улар каратэни билмайди, бу янги чиққан! – дерди у мактаниб.

Равшан қойил қолишини ҳам, кулишини ҳам билмас, боланинг вajoҳатидан гаплари чинга ўхшар эди. Ўзига қарасанг қилтирик! Лекин дўконлар ажойиб экан, ранг-баранг моллар қалашиб ётибди. Пештахталариям ятиллайди. Каримнинг дўкони билан буларни тенглаштириш кулгили, албатта. Қишлоқда одамлар шунгаям зор. Ишқилиб, магазин-магазин-да!

Равшан энасига кремплиндан кўйлак олди, Ҳалимага зар рўмол, Абдумуродга худди Бахтиёрникидай камзул харид қилди, Жумамуродга эса – бешикка тақадиган ўйинчоқ... Ўзига катталарникидай бежирим тикилган костюм-шим олди, ўша магазинда илиелик турган пальтога ҳам кўнгли кетди-ю, бироқ инсоф қилиш керак эди. Ҳали Ўрол бобо билан кампирига ҳам бир нима олиш лозим – қайтиб борганида албатта ҳол сўрагани келишади...

Биронга ҳам магазинни қолдирмай айланишди. Бир пайт унинг кўзи «Китоблар» деган ёзувга тушиб ўша томонга юрган эди. Бахтиёр енгидан тортди:

- У ерда китоблар бор, ҳолос!
- Китобларни кўрамиз-да, – деди Равшан.

– Ундан кўра пиво ичайлик?..

Равшан ўз билганидан қолмади – дўконга киришди. Китобларнинг кўплигидан унинг кўзлари ўйнаб кетди. «Ўзбек бадний адабиёти» бўлимига ўтиб, зарҳал муковали китобларни кўздан кечири бошлади, аммо бу том-том китоблар орасида излаганлари йўқ эди. У эринмай ахтарди. Нихоят, нигоҳлари дoston китобларга тушиб, қувониб кетди, уларга кўшиб шеърини китоблар-у калин романлардан ҳам сотиб олди.

– Бунча китобни нима қиласан? – Хайратини яширолмади Бахтиёр. .

– Ўқийман.

– Бир ўзингми?

– Ҳа, нима бўпти! Абдумурод ҳам ўқийди, хатто Турсун таппиям!

У Тўти опаси ва Нурбибига ҳам биттадан шеърини китоб совға қилишни дилига туғиб қўйганди, аммо буни унга айтгиси келмади...

– Мен сенга «зарубежний»лардан қўйиб бераман, – деди Бахтиёр уйга келганларида.

У, каттакон радиоларнинг қулоғини буради, коққонини очиб, пластинка қўйди. Дераза тоқчасидаги жигаранг карнайдан мусиқа садолари янгради. Аллалакандай сершовқин қўшиқ: «та-та-та, та-та-та!» Бахтиёр деразани ланг очиб юборди. Қўшиқ тушуниксиз мусиқага қўшилиб, гуллар билан тўла ҳовли саҳнига ва ундан ҳам нарига таралди.

– Таниш қизлар уйда эканимни билишсин-да, – деди Бахтиёр бозор томонни кўрсатиб.

«Наҳотки, таниш қизлари шу бемаъни қўшиқни эшитса?!» – дея ичида хайрон бўлиб ўтирарди Равшан. Аммо меҳмонхона ажойиб эди. Унда гулсафсар исига ўхшаш ёқимли хид уфурарди. Ялтироқ мебеллардан, турли-туман ойналардан кўз камашар, деворга илинган гиламнинг нақшлари худди эртақлардаги каби сеҳрли! Равшан бу жиҳозларга тегиб кетишдан чўчиб, қисиниб-қимтинарди. Бахтиёр эса диванда талтайиб ўтириб олган, оёқларини мусиқа оҳангига ликиллатарди.

– Зўр кизларим бор-да! Истасанг тапиштириб қўяй, битта Олия дегани бор, во! – У бош бармоғини кўрсатиб кўзини қисди.

Хонага опаси кирди. Эғнида этаклари тўпигига тушадиган пуштиранг халат. У норози бўлгандек қошларини чимирди:

– Бахти, қўйсанг-чи шунингни, кулоқдан қолмади-ку! Чиқиб қўлларингни ювиб келинглар, овқат тайёр.

Жувон улар билан бирга овқатланди. Афтидан, у Равшан билан сўзлашгиси, уни-бунни суриштиргиси бор, аммо сир бермас маърур бола унчалик чоғига келмасди. Равшан миқ этмай ўтирарди. Аёлнинг нимасидир уни чўчитар, аммо уни ёмон кўриб ё ундан нафратланиб ҳам бўлмас эди. Айни чоғда, бу аёл ундан шу қадар йироқ эдики, у билан ҳатто бир хаводан нафас олиш ҳам азобдек.

...Равшан наҳорда босинқираб уйғонди. Жикқа терга ботиб тўшақда ётарди. Отасининг ўрни эса бўм-бўш! Эргалабга яқин кириб ўрнига чўзиларкан, Равшан унинг вужудидан келаётган совуқни ҳис этди. Отаси унинг сирғалиб кетган бошини авайлаб ёстикқа олди. Қўллари нам ва муздай эди...

Нонуштадан кейин нарсаларини тўрхалтага жойлаётганида отаси ҳайрон бўлди:

– Ҳа, Равшанбой, йиғиштиринаяпсизми?

– Йўлга чиқиш керак. Совхознинг машиналари кетиб қолади.

– Нима, кетмоқчимисан? Беш-олти кун турарсан, деб ўйлагандим. Ё бу ер сенга ёкмадими?

– Йўр-э, гап бундамас, бориш керак!

– Сен билан хали гурунғ ҳам қилолганимиз йўқ эди.

Жувон эшик олдида сочиқ ва офтоба ушлаб турар, ота-боланинғ суҳбатига жим, осойишта қулоқ тутарди. Афтидан, у ҳам Равшаннинг бунча тез отланганига рози эмасди.

– Мен отни олиб кетсам қандай бўлади? – дея Равшан тилининг учида турган гапини айтди.

– Элтўриними? Олиб кетсанг бўлади. Лекин у ҳозир бойловда, хомлаб қоладими... – деб минғирлади отаси. Кейин жувонга бир қараб қўйиб сўзида давом этди:

– Ўзим олиб бораман, ташвиш қилма. Сенга ташлаб келаман, кузгача ўзинг совутасан. Бу ерда минадиган одам ҳам йўқ.

Равшан кўнди. Чиндан ҳам шу ҳолича узоқ йўлга миниб бўладими? Отасининг «бораман» деганидан эса қувониб кетди. Ҳеч бўлмаса бир борсин! Уларни ташламаганини, эсидан чиқармаганини одамлар кўриб қўйсин! Аммо бирпасдан кейин ичида ўзини койиди. Ҳарҳолда, Элтўрини олиб кетиши керак эди. Нега бир гапда туриб олмади? Эҳ, каллаварам! Уни кузда яхшилаб совутарди, кейин отаси кўпқарида қанча чопса бўлаверарди. Лекин энди вақт ўтди! Равшан Элтўрининг ёнига бориб у билан хайрлашмоқчи эди, бироқ одамларнинг кўзи олдида бундай қилгиси келмади, отга шунчаки қараб қўйди, от ҳам тикилиб бир зум тек қотди...

Уни кузатиб қўйдилар. Жувон манглайдан ўпиб хайрлашди:

– Бизниқига яна келинг, Равшанжон, ўз уйингиз. Сизни яхши кўриб қолдик.

Отаси уни ғалла топшириб қайтаётган бир машинанинг кабинасига ўтказиб жўнатди.

– Энангга айт, ҳалигидай... Кўпам дардини дoston қила бермасин. Қисқаси, бардам бўлинглар! Бировга сир берманглар.

– Сиз айтмасангиз ҳам... Биз-ку... – гапиролмади Равшан, кўзидан бир дона ёш думалади.

– Пиқиллама! Сенга ярашмайди, қап-қатта бўб қолгансан. Бораман дедим-ку! Таалди етқизганларни онасини уч кўрғондан кўрсатаман. Менга алағда бўлманглар... Хўп, майли, кейин тушунарсан, омон бўлсанг бас!

Машина ўрнидан жилди. Қайрилишга етганда у кабинадан бошини чиқариб қаради: отаси ғалла қабул қиладиган пункт ёнида ортидан тикилиб турарди. Узун гавдаси йўл устида сўппайиб валаги кўринди...

Катта чилла яримлаб қолган, қишнинг қирчиллаган авж палласи эди. Изғирин қор ялаб, адирлар узра бўридай увиллайди. Белибойли йўлида икковлон от елдириб боришмоқда. Отларнинг думлари тугилган, жуллари қайтарилган. Олдинда, жийрон отдагиси Жумабек. У ортига қайрилиб қарамас, от сағриси узра камчин кўтариб, гўё ҳамрохига, «тез хайда!» дегандек ишора қилиб борар эди. Орқада хорғин йўртиб кетаётган Саманнинг устидаги йўловчи Равшан! Урол бобонинг тайинлашпича, ярим йўлда едирилган арпа ҳам фойда бермаган, қари от роса қолдан тойган эди. Асли, уни минишнинг кераги йўқ эди, бобоси қўймади-да! Азонлаб Равшанни уйғотди:

– Тур, Жумабек борар экан, ҳамрох бўласан! Белибойлида катта тўй, Бўри Шермаг деган машхур раиснинг тўйи, минг отли кўпқари чопилади. Элтўри келади у тўйга. Бориб, чопишини кўриб кел. Ўзим борардим-у, кўриб турибсан, узоқ йўлга ярамайман, бирор жойда ўлиб-нетиб қолсам нима бўлади?

Чол аллақачон Саманни эгарлаб қўйган эди. Равшанни қўярда-қўймай кийинтирди.

– Ойна келин, хуржунига нон тугиб сол, йўлда еб кетади.

Бироқ энаси бормайди, деб туриб олди:

– Эх-эй, Белибойли қайда, биров қайда! Йўлда музлаб қолиб ўғлимдан айрилайми? Эримдан айрилганим етмайдими?!

– Равшан бўзбола, қайтага суяги котади, келин. Жўнатиб юбор, фотиҳа бер! – чол туган еридан қўймасди-да!

Охири энаси кўниб, хуржунига бир жуфт қаймоқли патири солиб берди.

Равшан эгнига отасининг эски пўстинини кийиб, телпагининг кулоқларини тушириб олган эди. Лекин қирза этикда оёқлари музлаб қолаёзди. Қари Саман хансираб, азбаройн толиққанидан талпанглаб, тез-тез йўлдан чиқиб кетар, қорда қуртуқлар эди.

Нихоят, ок зовлар адоғида Белибойли кўринди. Каттагина кишлок – пешайвонли уйлар саёз дарё ёқалаб маржондай тизилган, атроф яланг, кўкка бўй чўзган мағрур тоғлару ям-яшил арчазорлар олисда.

– Тўйга от кўп йиғилган, кўшхона тегмаса керак, – деди Жумабек ака ўзича. – Қишлоқнинг бошида бир тегирмончи отахоним бор, шуниқига қўнамиз.

«Қани эди!» дея дилидан ўтказди от устида музлаб қолаётган Равшан.

Тегирмончиникига қўндилар.

– Отларни ўзим саришта қиламан. Сиз, Жумабек, бола билан исиниб олинг, – деди узун соколи кўксига тушган чол.

Унинг меҳмонхонаси қатлақдай кичкина, бурчаклари ҳам тўғри олинмаган, тўрға – темир сандик устига таҳланган гилам, кигизлар эскириб кетган, аммо печка жуда иссиқ, юлғунлар чарсиллаб ёнади. Тегирмончининг кампири 15–16 ёшлардаги қизи ёрдамида печ ёнига кигиз, устидан қалин пўстак тўшади. Жумабек ака чол билан бундан ўн йилча бурун Жарқўрғон бозорига мол хайдаб ўтганида танишган экан. Ўтган-кетгани эслашди. Кампир печ устида шақиллаб қайнаётган қумқонни олиб чой дамлади.

– Қизингиз тўйхонага бораман дейди. Ўйин бўлаётганмиш, – чолига арз қилди у.

Тўйхона бу ердан баралла кўриниб турарди. У ёқда тўс-тўполон авжида. Хотин-халаж, бола-бақра, узоқ-яқиндан келганлар босиб кетган. Отлар кишнайд, машина, мотоцикллар тариллайди, бариси аралаш-қуралаш – одатий манзара, деҳқонободликларнинг тўйи белгили-да!

– Ким? – деб сўради чол.

– Қизингиз.

– Меҳмонларга ким қарайди? Ким овқат пиширади?

– Билмасам... – кампир, «ўзингиз эпланг», дегандай писанда қилди. – Акалари уйда бўлмаса, каттасининг рўзғори бўлак.

Чол соқолини тутамлаганча ўйлаб туриб рухсат берди:

– Бора қолсин, тенгдошлари бораётгандир-да. Ке, кампир, шулар кўрсин энди, бизнинг давримиз ўтди.

Нариги уйдан эгнига шойи кўйлак кийган, сочи қирқта ўрилган қиз чиқиб, тўйхонага қараб чопкиллаб кетди. У ёқда, айвонга ўрнатилган қарнайдан Қодир бахшининг дўмбираси ва хирқирок овози янгради. Бахши чечанлик билан тўй эгасини таърифлаб қуйларди. Кейин у «Алпомиш»ни бошлади. Равшан сойлардан елиб ўтган Бойчиборнинг шамолини туйди, туёқларининг гусурини эшитди. Гўё Ҳакимбекдай қалмоқ элига ёрени излаб борарди!..

Унинг ҳам боргиси келди, бироқ катталар олдида тортинди.

– Бугун кўпқарида қандай отлар зот олди, ота? Биз етолмадик... ~ деди Жумабек ака.

Чол ким, қандай от билан, неча марта ва қандай зот айирганигача батафсил сўзлаб берди.

– Кўпқарининг ичидаминингиз?

– Йўқ, тепада эдим. Бизда от нима қилсин!

– Қойил! Тепада ўтириб ҳаммасини кўрдингизми? Қулмаг чавандоз келмаганми, билмадингизми?

– Келди, улоқнинг охирида келди. Тоза кийимлари билан майдонга кириб, тўриқ кашка отда Охири такани айирди. Бу, ўша, сизлар томондаги учқур тўриқма, Жумабек?

– Ҳа, ўша.

– Уккагардинг оти от эмас, юлдуз экан! Лекин қорнини тортмапти, ҳали совумаган.

Равшаннинг ичи қизиди, аммо чол Элтўридан бошқа гапирмади. У энди ўғилларнинг ноқобил чикқанидан сўзларди. Кампири ора-сира гапини маъқуллаб ўтирарди...

Эртасига тўйхонага боришди. Қурга ўтиб ош егач, адирга ўрлаётган отлиқлар кетидан эргапдилар. Икки томони кирга туташган текис – кўпқари майдони ҳали бўм-бўш. Отлиқлар, пиёда томошабинлар дўнгликда тўдалашган. Турли: қўнғир, ола барра телпак кийган, ранглари қув ўчган чавандозлар депсиниб туришарди. От эгалари отларини яланғочлаб, қор устига ағанатардилар. Отлар гоҳо оёқларини осмонга қилиб қирра орқалари билан туриб қолишар, кейин ағдарилиб тикланишар, баданларини дуриллатиб силкинишарди. Бунақа пайтда

эгалари хурсанд бўлишиб: «Қара, отимнинг шашти баланд, зот айиради чоғи», дейишарди.

Нихоят, юк машинасида баковуллар келишди. Машина усти гилам-кигиз ва тўнлар билан лик тўла. Кейин кўпқарига ташланадиган моллар кўринди. Уларни ҳайдаб келаётган йигит, устига гулдор бахмал ёпинчик ташланган ғунон тойни етаклаб олган. Мана шу ғунон бош зот эди. Уни ким олиши ҳақида от эгалари, томошабинлар ҳозирдан баҳс қилишарди. Ҳамма ҳам уни олгиси, тилга тушгиси келади. Ахир, бахтли тасодиф билан унинг оти айириб қолиши ҳам мумкин-да!

Улоқ майдонга ташланди, лекин ҳали бу шов (ушоқ) улоқ эди. У енгил, ёш чавандозлар ўрганиши учун ташланган. Бўзболалар отни камчилашди, Равшан ҳам Саманни улоққа солди. Қари жонивор бундай кичик тўдаларда улоқни бировга бермас, ҳали ҳам айириш иштиёқи билан ёнар, аммо катта тўдага киролмай довда юрар эди. Энди, ахир ушоқ бўлса ҳам, улоқ-да! Равшан камчини ташлаб энгашди ва улоқнинг пойчасидан кўтариб олди.

– Жиловни кўй, тақимингга бос! «Хув», десангчи! – дея ховлиқиб кичқирарди аллаким.

Равшан бу сабрсиз, ўктам овоз отасиники эканини билди. У текисликни ярим айлантириб, улоқни ташлади, улоқдан қаради: отаси қандайдир шапок қашка от миниб, бир тўда одамлар қуршовида турарди. Улар башанг кийинган, юзларидан қон томғудай қизаришган. Равшанга қараб қийқиришар, отасига алланима дея ҳахолаб кулишар эди. Равшан уларнинг ичиб олишганини, бариси амалдор, катта одамлар эканини билди. Негадир отасининг ҳам юзи кип-қизил, оғзини кулгидан йиғиштиролмас, худди ёнидагиларга ўхшаб қолгандай.

Равшан Элтўрини кейин пайқади. Уни қимматбаҳо телпак кийган савлатли киши – райком секретари миниб олган. От эски одатини тарк этмай, бошини ғоз кўтариб, қулоғини қайчи қилиб турар, одамлар донғи кетган бу учқурни томоша қилиш учун атрофида айланишарди.

Равшан отасининг олдига бормоқчи эмасди. Ахир ваъдасида турмади – кишлоққа келмади. Унинг ўзи бояғи ҳамроҳлари билан Равшаннинг олдига келди, от

устида кучоқлаб, ўпиб роса хол сўради. Ёнидаги кишига қараб шодон овозда деди:

– Қаранг, Пусрат Бокиевич, менинг ўғлим! Шунча йўлдан кепти! Улоқни опқочишини кўрдингизми? Бутун Дехқонободда бундай полвон бола йўк, қаранг!

– Яхши, яхши, – деб қўйди савлатдор киши.

Майдонга катта ола така ташланди. Беқасам тўн устидан оқ белбоғ боғлаган баковул Элтўрини миниб олган одамга тавозе билан сўз берди. Катта шундай маъруза қилди:

– Азиз меҳмонлар, чавандозлар! Бу йил Дехқонобод гўшт, тери ва жун топшириш планини ошиғи билан бажарди. Бунда мана ёнимда турган Қулмат чавандознинг ҳам хиссаси катта. Бугун районнинг илғор отахонларидан бири неварасига тўй қиляпти. Бўри Шермат йиққан-терганини ўртага қўяди, зот беҳисоб. Йиқилмай-суринмай, мураса қилиб чопинглар!

Кейин баковул зотни эълон қилди:

– Ол, бир гилам, бир этик, ўн сўм пули бор!

Тўда жуда қалин эди. Йиғилган улоқчи отнинг ҳадди-ҳисоби йўк, чеккада қанча той-тувлук! Бирласда тўс-гўполон бўлиб кетди. Узангилар қарсиллар, қамчинлар шатирлар, отлар кишнар эди. Отаси сағриси тасрайган катта шапоқ қашка от билан чопарди. Эгаси ҳар замонда: «Қулмат, маҳкам бўл!» деб қўярди. Аммо қашка ҳеч улоққа яқин бормасди. Бу орада талай зот айрилди. Отаси диққат бўлибми, от тисарилиб чиққанда ҳалиги савлатли одамга бир қараб қўйиб, тагин улоққа ҳайдарди. Ниҳоят, у бир амаллаб улоқни тақимлади. «Қўйма, четгирлар!» деган овозлар эшитилди. Шапоқ қашка тепага ўрлаётиб тўдага қисилиб қолди. Отаси уни аямай қамчилади, от жонҳолатда чўзилиб жўнади, бироқ тик нишабда ўзини тутолмай мункиб кетди. Отаси от бошидан учиб қорга йиқилди. Улоқни дархонлик четгир чавандоз айирди. Лекин зотни Қулмат чавандозга беришди. У шапоқ қашкага тагин миймоқчи бўлаётганида боя ваъз айтган одам:

– Мана буни менинг, Норбўтаев! – деб Элтўрига ишора қилди.

Қулмат Элтўрини миниб, сағрисиға зарб билан камчи урди. От осмонға тикка сапчиди, чавандознинг аччиги келдими, майдонға ўқдай кирди-ю ўша захоти улоқни айириб чикди. Олқишлар янгради. Четгирлар мўр-малахдай ёпирилар, Элтўри қайтиб-қайтиб улоқни айирарди. Уни икки марта тўдада қисиб қўйдилар, бироқ Элтўрини тутиб бўлармиди, нариги томондан худди қиличдай кесиб чиқарди! Оломон уни олқишлаб, яна тўдаға ундар эдилар. Жумабек лабларини маҳкам қимтиб, бош чайқади:

– Отнинг илгариги шашти йўқ. Чўзилиб, суст чопаётир. Баданидаги терни қара! У шундай терлармиди?! Бир жойда кўп ётган-да. Чин тулпор бўлгани учунгина минг бир хунар билан айираётир.

– Бош зот ташлангани йўқ... – деди Равшан.

– Шунинг учун айтаман-да. Унғача от чарчаб қолмас эди!

– Жума ака, сиз жайронни миндининг, мен Элтўрини бир совутиб келайин.

Жумабек ака ошнасининг олдига бориб отини кўндаланг қилди, бироқ халиги ҳамроҳлар эътироз билдиришди:

– Элтўрининг ўзи яхши! Яшасин Элтўри! Элтўри! Элтўри!..

Қийқириқлардан Равшаннинг қулоғи битиб қолди. Баковул чийилдоқ овозда бош зотни эълон қилди:

– От-отингди овуштир, бош зотни айтаман: Совринга Москов гилами, минг сўм пул, ғунон той, ёнида монғи саркасиям бор. От эгасининг айтгани бекор. Чавандозлар, эшитмадим деманглар, халоллаб оласан! Чала ташлаб олдимға келиб ўтирма! О-о-ол!

Ҳамма чавандозлар тўс-тўсдан отига қасира-қусур камчи босиб тўдаға хайдади. Тўполон, ола тасир қиёмат қойимнинг ўзгинаси! Қулмат ҳам Элтўрини бош зотга хайдади. Равшан отнинг қулоғини қайчи қилганини кўрди, аммо сағрисидан дувиллаб тер тўкилар, бадани дириллаб ичини урарди. У: «Отни беринг, бироз совутиб келай!» деб қичқирди, бироқ отаси эшитмади. Болани иссиғи чикди: нима бўларкин? Айирармикан?

Айирмасмикан? Элтўри бош зотни айирмаса, қишлоққа нима деб боради? Ўрол бобога нима дейди? Чол уни нимага жўнатган бу ёққа? Ҳозир бетоқат бўлиб йўлига қараб ўтиргандир, боёқиш!

Аввал окрабтоқлик машҳур Дўса чавандоз ўртага ташланган тўксон килолик панжи такани бўз от билан икки марта олиб жўнади, икковидаям қутулолмади. Шоди қозоқ Ўроқхон эшоннинг Оқбуруни била такани тақимлади, текисликни икки марта айлантирди, четгирлар қамаб-қувиб, айиргани қўймадилар. Қизилнаврлик Шотўра тоқчи ҳам калта ташлади. Қизилчалик Абраҳмат гунг тўдадан чиқавериб улоқни тушириб юборди. У, айирдим, деб баковулнинг олдига келди, лекин баковул унинг даъвосини рад қилди. Кўпқари эса қизигандан қизирди. Майдон денгиздай кўпирар, узаңгилар шарқиллар, отлар жон аччиғида тўдага яқинлашолмай қишпашар эди... Бир пайт атрофдан: «Улоқ Элтўрида кетди! Қўйма, четгирлар!» деган қичкириқлар янгради. Улоқ унга теккан эди. «Хушёр бўл энди, Элтўри!» деди ичида Равшан. От бир жўнаб тўданинг сал бўлсада сийрақлашишини пойлаб ҳаяллади, кейин шитоб билан олдинга интилди. Сурдовда чавандозларнинг қўллари улоқдан бирин-кетин ситилиб қола бошлади. Аммо Элтўри пастга қараб қуюндай учиш ўрнига, негадир тепага ўрлаб жўнади. Унинг шу йўсин амаллаб қутулиб кетмоқчи эканини сезди Равшан. Бирок олдинда совутилган, дам берилган, балки умуман улоққа қўшилмай асраб турилган отлар ҳали кўп эди. Қулмат сўнги кучини йиғиб, улоқни қўш қўллаб тутганча товуш берарди: «Ху-ув!» «Ху-ув!»

– Қайтариш керак! – дея қичкириб юборди Жумабек ака.

У шу ниятда олдинга ўтиб, Элтўрининг жиловини пастга буриб юбормоқчи бўлди, аммо чавандозлар уни бир зумда тўда ортига суриб ташлашди. «Қайтар жиловни, Қулмат!» дея жон аччиғида қичқирди у. Лекин дўсти қўлини бўшатоғмас, жилов отнинг ёлида эди. Энди от нимани ихтиёр этса шу бўлади! Элтўри худди шундай қилди: пойлаб туриб ораликдан шартта изига

қайтиб кетди. Чавандозлар доғда қолишди. У аллақачон сурдовни тиркиратиб текисликда якка ўзи юлдуздай учиб борарди.

– Ҳало-ол! Бўлди, ҳалол! Отанга раҳмат! – дея бор овози билан чийнлади баковул.

Равшан ўзи сезмаган ҳолда Саманга қамчи босди. Элтўри, одати бўйича, майдонда ярим доира ясаб изига қайтди, кокиллари хилпираб манглайдаги қашқаси яркираб кўринди... Аммо шунда кўз кўриб, кулоқ эшитмаган ходиса рўй берди! Элтўри тўдага яқинлашавериб гулдираб кишнади, оёқларини букиб ўзини бирдан ерга ташлаб юборди, отаси эгардан учиб анча нарига тушди. Оломон «ох!» деб юборди, Равшан даҳшатдан қотиб қолди: отнинг нега бундай йиқилганига ақли бовар қилмасди... Атрофдан: «Пичоқ!» деган овозлар янграганда ўзига келди. Элтўри қор устида тивирчилар, халқумини кўтариб ўрнидан туришга интилар, аммо боши яна тарсиллаб ерга тушиб кетар эди.

Ғала-ғовур кучайди.

– Пичоқ келтиринг! От жомонлаб қолди.

– Жомонлади! Жомонлади!

– Пичоқ беринглар деяпман! – деб чориллади сабри тугаган баковул. – Ахир, ҳаром ўлдирмоқчимисизлар?! Сўй, йиғит, мол топилади. – У аллақим узатган пичоқни Қулматга ирғитди.

Отасидан садо чиқмади. У топталган қорда типирчилаб ётган оти ёнида серрайиб турарди. Кейин у отнинг жиловидан, узангисидан жон-жаҳди билан торта бошлади. От ўмганини кўтарди, олдинги оёқларини ерга босди, бироқ қайтадан гурсиллаб кулади ва ерга чўзилди.

– Бўйнидан чалиб юбор! Ҳаром ўлмасин! – ҳайқирди баковул.

Шундан сўнггина Жумабек ака жийрондан ирғиб тушди. Ошнаси отни сўйолмаслигига, Элтўри ҳаром ўлишига кўзи етган эди. У бора солиб, оғзини каппа-каппа очаётган отнинг бўйнига пичоқ тортиб юборди. Шариллаб қон отилди. От кейинги оёқларини базўр кимирлатди – жони чиқаёзган эди. Жумабек аканинг

этиги кип-кизил қонга беланди. У қонга ботган пичоқни от ёлига артди...

Равшан чинкириб Самандан сакраб тушиб, қорда ўлиб ётган от устига ўзини ташлади. Элтўрининг тердан жикқа хул, илиқ қорнини кучоқлаб фарёд киларди бола.

– Элтўридан айрилдик, Равшанжон! Жуйрук бедовлар зурриётидан айрилдик! Лекин сен йиғлама, болам! Мана, мен борман, мен – отанг! Ўксима, кўзим, Элтўри қанотимни қайириб кетди, аммо сен менинг қанотимсан, ўғлим!..

Равшан отасининг овозини эшитди, бошини кўтариб қаради. У жуда йироқ-йироқларда, товуши элас-элас эшитилаётгандек туюлган эди, йўқ, ёнгинасида – ўлиб ётган Элтўрининг тепасида турган экан. «Ота!» дея унга талпинди, аммо кўзларига кип-кизил қондан бошқа ҳеч нарса кўринмади...

## 6

*Элтўри юлдузларга қўшилиб кетди!*

*...У қоронғи тунда барханлар узра тулпор отда учиб борармиш. Олдинда улуг, виқорли тоғлар бормиш, тепасида юлдузлар чарақлармиш, аммо улар шу қадар йироқ эмишки, қанча учган билан етиб бўлмасмиш... Кўз олди жимирлашиб кетди. Барханлар кўчди, қуюн ичра қолди. От энди ёлғиз, дол бўйинини чўзиб, олга интилармиш, туёғи остидан юлдузлар отилармиш, тўзон янглиг атрофга сочилармиш...*

*– Элтўри-и-и!*

*От унинг нидосини эшитмади, вужуди ўт бўлиб ёнди, юлдузлар аро чоғиб бораётган тулпорга тикилганча қотиб қолди: ана, у чиройли бошини буриб кишнади, овози еру кўкни тўлдирди, тоғларда акс садоси узоқ янгради, ҳилтираган кокиллари остидаги қашқаси сўнги бор ярқиради!..*

*От юлдузларга қўшилиб кетди!*

... Қор босган далада икковлон от йўрттириб боради. Улар тоғ тарафга йўл олганлар. Отларининг думлари

тугилган, жуллари қайтарилган. Улар йироқ йўл босиб келишади. Жийрон отли олдинда шитоб билан елади. Саман минган бола эса йўл-йўлакай йиғлаб келади, милдираган кўз ёшлари эски пўстин ёқасига думалайди. Бола уларни артмайди, чунки иккала кўли ҳам банд: бир кўлида жиров, совринга берилган, бахмал ёпилган тўри тўбал гунонни етаклаб олган. Бошқаси билан эса холдан тойган қари отга шифалиб қамчи босади...

1984 й.



## БОЛАЛИК ҚЎШИҒИ

### 1

*Такчанинг қори кетди, Енгоқли даштларига бойче-  
чаклар ёйилди.*

*Турналар Керагатовдан ошиб Бўзадирда давра қур-  
дилар.*

*– Баҳор кепти, эна! Отамга нон олиб борайлик.*

*Энаси сас бермади, унинг товушини, Керагатовдан  
ошган турналарнинг «қур-қур»лаган сасларини эшит-  
мади... Турналар Бўзадир тепасида айланиб-айланиб,  
ниҳоят аргимчоқдай тизилиб шимол ёқларга йўл ол-  
дилар.*

*Бола улар билан қалпогини силкитганча хайрлашиб  
қолди:*

*– Энажонимга салом айтинглар!*

Уйлари дарёнинг ёкасида бўлгани учун унинг шарқираган овози доим эшитилиб турарди. Атайлаб кулоқ солинмаса пайқамаслик ҳам мумкин. Ўрганиб кеттишган. Мўъжазгина деразадан муздай шамол тоғлар бўйини хонага олиб киради. Шамолдан яна Бўзадирнинг анкиллаган ислари ҳам келади...

Опа-ука окшом чори ўрғага дафтар-китобларини ёйиб дарс қилишга киришдилар. Сапия момо ўзининг қўп йиллик кадрдони – урчугини қўлига олди. Чаққон бармоқлари тагин римирай кетди. Ёдгор момонинг ишига қараб чалғимайин, дегандек дафтарига термилди, аммо урчукнинг айланиши барибир хаёлни олиб кочди.

*– Момо!*

*– Нима дейсан, қўзим!*

*– Йигирган ипингиз қанча бўлди?*

– Билмадим-ай, ўзимники бўлса экан ҳисобини олсам. Эгалари билади-да.

– Нега ҳадеб бошқаларнинг ипини йигирасиз? Сизга зарур кептими-а? Ана, қўлларингиз ёрилиб қопти.

– Ай, гўдаг-а, керақдир-да йигираман, керак бўлмаса сенгинанинг бошини силаб ўтирмасмидим. Тирикчилик, ойналайин. Катта бўлсанг ҳаммасига тушунасан, ҳозир айтган билан ниманиям билардинг.

– Катта бўлсам мен сизни верталўтимда узоқ юртларга олиб бораман. Зармасга, энамнинг олдига! Мен отамга ўхшаб учувчи бўламан-да! Отам афюнда «Қора акула»ни ҳайдаган!

– Ҳа, болажоним, Самалўтингда ҳамма ерга борамиз.

– Зармасга ҳамми?

– Ҳа жоним...

Кампир гапнинг адоғини айтмади, хўрсинди, қоқ суяк бармоқларида ошпоқ жунни чўзиб-чўзиб йигиришда давом этди. Ёдгор жуннинг ўралиб ипга айланишига ва урчуқнинг гир-гирлашига тикилиб ўйга толди. Ўйлари ҳам урчуқ каби чарх ура кетди.

Нукранинг гурунг билан иши йўқ, ўзини дарс тайёрлаганга солади, аслида қандайдир хатларни ўқийди. Ҳаммаси баҳона! Укам билиб қолмасин дейди-да. Лекин Ёдгор урчуқдан кўз узади-ю, опаси нима билан машғуллигини англайди. Ундан бир нарсани яшириб бўладими! Кўзлари жуда ўткир, бунақа ўткир кўз ҳеч кимда йўқ!

– Кўрдим! Кўрдим! Бекитма.

– Нимани кўрдинг?

– Нимани бўларди? Хатни-да! Китобнинг варағини яшириб ўқияпсан-ку. Билсам-билмасам апави Бўта берган.

– Қайси Бўта?

– Ўзинг билан бирга ўқийдиган-чи! Биз уни интернатда ётганимизда «Атаман» деймиз.

– Қўйсанг-чи! Хўш, «Атаман» бўлса нима кипти?

– Ўша сенга хат ёзган-да.

– Бекорларнинг бештасини айтибсан. Хат ёзсин-чи, нима қиларкинман!

– Жўртага аччиеланмай кўякол, опа!

– Ёзса сенга нима? – бакириб берди охири Нукра унга. Сенинг нима ишинг бор-а, Нўхатвой?

– Жон опа битта кўрсат, – дўки фойда бермагач, ялинишга ўтди. – Мен ўкимайман, шундай бир карайман-да.

– Хо-о, карайман эмиш! Сенга нима кераги бор?

– Кимлигини биламан-да.

– Сендан балога қоларман энди. «Атаманинг»ни адабини берганман, унга ким қўйилпти, найнов-ку!

Опа-ука бир-бирларига ўхшарди. Лекин ораларида фарқ кўп. Нукра эндигина ўн тўртга чикса ҳам чиройли, юзи сутга чайилгандай тиник, қошлари кийик, сочлари узун, аломат қиз. Юқори синфдаги болаларнинг ҳаммаси унга ошиқ, у бўлса киё ҳам боқмайди, гап огишса кулиб кетаверади.

Ёдгор эса... Унга бўйдан ҳам бермаган, синфдошларидан ҳам калта, бурнининг устини сепкил босган. Кўзлари... Кўзлари кишининг юрак бағрига тикилаётгандай жовдирайди. Ўзининг «Нўхатвой»лигига ичида ўкинади. Хатто пана-панада йиғлаб ҳам олади. Момосининг аввал пакана-ю, сўнгра полвон йигит бўлган бола ҳақидаги эртагини қайта-қайта эшитаверади. Бирдан бир орзуси ўсиш, узу-ун бўлиб кетиш.

Опаси лақабини айгач жим бўлиб қолди. Ранжиганидан хатто сепкил босган япаски бурнининг устигача терлаб кетди. Урчуқ йиғираётган момосига ялт этиб қаради.

– Момо!

– Нима дейсан, кўзим? – меҳрланиб сўради, неварасининг боядан бери нимагадир илҳақ бўлаётганини англаган Сапия момо.

– Чанговуз чалиб беринг!

– Ишдан қоламан-да, тойчоғим. Бўлмаса ўзимниям чалгим кеп турибди.

– Чалиб бериинг.

Момо бошлаган урчугини шу оқшом тўлдириш ниятида эди, аммо боланинг раўйини қайтаргиси келмади.

– Нукра, чанговузни ол, қизим.

Нукра: «Қошқийди шу билан қўнса», дегандек бирдан ўрнидан туриб тоқчадаги чанговузни момосига

олиб берди. Ўзи дафтар-китобини йиғиштириб жингала сочларини тараб қайтадан ўришга киришди. Сочлари тарок юрганда жилваланиб ялтиллайди, юзи янада окрок, тиникрок кўринади. Бунақа пайтда опасига қараб ўгиришни яхши кўрар эди. Аммо ҳозир қафтларини чўзинчоқ иягига тираб куйни тинглашга шайланди.

Чанговузнинг титроқ нодаларига кўшилиб хаёлидаги эртақ ҳам бошланди...

«Кунчиқарда, баланд тоғнинг энишида бир қишлоқ бор. Унда бир полвон бола яшайди – уйлари адоғида пишқириб оқиб ётган дарё билан ошно. Оппоқ кўпикларга миниб дунёнинг нариги чеккасига боради, элатларни кўради. Уни ҳамма танийди, ботир ўғлон-да. Кейин Бўзадирга қайтади. У ерларга энаси билан етаклашиб кўп борган. Отасига нон олиб...»

Тоғ шамолидан хазонлар исимас, Сувпурқардаги дўмбаю балдирғон ўтларининг муаттар бўйлари келгандай. Пастда ҳамон дарё беармон шарқирарди, чанговузнинг мунгли куйига кўшилиб йироқ-йироқларга таралиб кетарди. Нукра сочларини ўриб ўтирибди. Чанговузга қулоқ солмаётганга ўхшайди. Ким билсин у ҳам ўз эртакларини тўкиётгандир...

«...Орқовулдан ошиб тушганларида кенг текислик кўринади. Бўзадир! Қишда бу ерда одамлар кўпқари чопишади. Отаси шу ерда бош зотларни айирган. Ҳозир эса баҳор! Борлиқ ям-яшил. У энди сира тўхтамайди. Бўзадир эса бепоён! Йўллари ҳам бахмалдай! Қулф урган бедазор ўртасида кўйлакчан бўлиб ўт ўраётган отаси! Ўғлон уни кўргач энасидан ўзиб кетади. Отаси чалғи дастасига таяниб кучоқларини кенг ёзади. Бола ўша захотиёқ ўзини унинг оғушига отади. Лекин унинг вужудидан келаётган ховурдан димикиб кетади. Отаси мўйлови билан юзи ва бўйинини роса қитиқлагач, янги ўрилган беда устига ўтқазади. Бу орада энаси ҳам келиб, у билан «ҳорманг – бор бўлинг», қилишади, қўлидаги катини унга узатади, юзлари хапқириб лов-лов ёнади. Табассуми атрофдаги чечаклардан ҳам нафисроқ. Отаси катикни катиси билан кўтариб ичади, мўйловлари оппоқ бўлиб катикқа беланса-да бунга парво қилмайди...

Қайтишда энаси олислаб кетади. Ўғлон қапчалик югурса-да, етолмайди. «Отамнинг ёнида қолсам бўларкан», деб ўйлайди. Энаси тобора йироқлашиб боради. У пайпанглаб чопади, бироқ йўли сира унмайди. Орқовулнинг нарёқларида энасининг рўмоли элас-элас оқариб кўринади. У гўё оппоқ булутга айланиб номаълум ёқларга йўл олгандек...»

Чанговузнинг полон саслари тинди, тоғ шамоли ётгандай бўлди. Мунгли куйларни дарё олиб кетди...

\* \* \*

Бунинг бариси эртак! Болалик қўшиғи! Чини эса бошқа. Момоси айтган: У отаси афғонга кетган йили туғилган, отини Ёдгор қўйишган. Орадан ўн йил ўтса-да отаси бедарак. Одамлар у тўғрисида ҳар хил гапиради...

– Отанг афғоннинг урушида ҳоинлик қилиб бошқаларга қўшилиб кетган. Ҳеч қачон қайтиб келмайди.

– Ишонма, отанг Бўри деса бўридай йигит эди, – Райимберди оксоқол эринмай тушунтиради. – Олдин армияга кетди. Қайтиб келиб кўпқари чопиб элнинг орини олди. Энага уйланди, отанг туғилди. Кейин афғоннинг уруши бошланди. Отанг ҳарбийда самолётда ўқиган экан, командирлари яна олиб кетишди. У ёқда бир бало самолётни бошқарган.

– Самолёт эмас верталёт, – билагонлик қилади. Назаров домла. – «Қора акула!» Тўрт томонга уча олади, олти пулемёти бор.

– Ха, шуни ҳайдаган. Дарада қуршовда қолган аскарларни қутқараман деб бедарак йўқолган. Сиртидан «Қахрамон» медали берилган отангга. Бўтагинам отанг билан фахрлан.

Сапия момоси азиз-авлиёларга сивингани-сивинган.

– Барини ҳудойимга солдим. Азиз авлиёлар қўлласин, раҳбар бўлсин, илойим.

Бола эртагини эсидан чиқармайди. Назарида отаси хали ҳам Бўзадирда беда ўриб юргандай ёки Бўз отини миниб кўпқарига кетгандай. Энаси белини маҳкам боғлаб унинг ўрнига дашт юмушларини қилади. Орадан

ўн йил ўтгач, эгнидаги кўкни ташлаб, аввалгидек кизил кийинди. Хушрўй жувонга айланди. Эркаклар гап қотса кулиб қарайдиган бўлди.

Оқшом чоғи ўрнига ётганларида, энасининг бағрида бу гапларни унутар, арзларини унга айтарди:

– Эна, мени бугун Қосимлар чилик ўйинига кўшишмади.

– Нега ундай қилишди, тойчоғим?

– Ким билади. Улок-кўзимни ҳам сурувдан айириб ташлашди. Мен ҳеч кимга айтиб беролмас эмишман! Отам хон эмиш.

Энаси гапирмади, хўрсинди, кокилларини унсиз силади. Ёдгор ўйинга кўшмаган амакиваччаларини унутди. Кокилларини силаётган кўллар мурғак дилидаги барча губорларни ювиб кетгандай бўлди. Энасининг кўйнида маъсумгина ухлаб ётганида ширин-ширин тушлар кўрарди. Тушида болалар билан ярашар, маза қилиб чиллак ўйнар эди. Гоҳ уларни зувлатади, гоҳ ўзи зувлайди, Зу-у-у-ув!..

Кейинги пайтларда уйларига тез-тез келадиган Авжинлик амаки билан чиқиниб қолди. У отганда оғзидан олов чиқадиган тўппонча олиб келган эди.

– Бу билан душманни отса бўладими? – деб сўради у тепкини шақиллатиб босаркан.

– Ҳа, бемалол отса бўлади.

– Нечтасини?

– Ўнтасини қулатар дейман.

– Э-э, мен жуда кўпини отмоқчи эдим-да! Ўшанда отамга ўхшаб қахрамон бўлардим. Отам «Қора ақула»ни хайдаган.

Мехмон илдамди.

– Ҳа, майли ўнтага тегса ҳам майли. Қосимда шуям йўқ, у битгани ҳам отолмайди. Мен қахрамон бўламан! Мени чиллакка кўшмай кўришсин-чи! Айтмоқчи, нега сиз нукул кечаси келасиз? Қундузи келсангиз бўлмайdimи? Мен болаларга сизни амаким, десам ишонишмайди. Э бир келгинди одам-да дейишади.

У дастлаб уларникига Райимберди оқсоқол тўй қилганда келган эди. Ола бия минган чол билан уларникига кўшхонага тушди.

– Энди бир оғиб тўйлоб келдик-до-о, чечо! – деб мо-  
мосига гурунг берди чол. – Авжин кайдо, биров кайдо!  
От-уловдо уч кунлик йўл.

Ёшроғи норғил, чагир кўзли, ўркакбурун киши,  
эшикка чикиб отларга каради, уларга ўтин ёриб берди.  
Хожатбарор одам экан, оғилхонанинг ўйилган деворини  
хам тузатди. Энаси унга қарашиб турди. Гурунглари  
соз келди. Авжинлик йўғон овозда гунгиллаб гапирарди,  
энаси жилмаяр, юзлари қизариниб тинглар эди.

Ёдгор улок-қўзи боққани далага чиққанида, болалар-  
га мақтанди:

– Амаким келди. Уйимизда конфет кўп. Егиларинг  
келса боринглар, энам дўппиларингга солиб беради.

Далага ҳам киссаларини тўлатиб чикиб, талабгорлар-  
га улашиб берди. Болалар конфетнинг иззатини қилиб  
уни чиллакка қўшишди, фирромлик ҳам қилишмади.  
Лекин... Ўйинда Қосимга ютқизди. Шартга кўра,  
қалпоғини таёғи устига тикди. Энди ўйинда иштирок  
қилганларнинг ҳаммаси сафга туриб, ўн кадамдан таёк  
отиб уришлари керак. Таёклар тегмай колгунча қалпок  
нишон бўлади. Бирок болалар яна фирромлик қилишди.  
Ўн кадам эмас, олти кадамдан! Бунақада қалпоққа тег-  
май бўладими!

Болалар таёкларини отавердилар. Қалпок ҳар учиб  
кетганда, ичи куяди, аммо бориб нишонга тўғирлайди.  
Ўйиннинг шarti шунақа! Ниҳоят Қодирнинг отган таёғи  
қалпоғини йиртиб юборганда Ёдгор чидолмади, югу-  
риб бориб нишондан қалпоқни олиб йиғлаб юборди.  
Йивининг жанжалда нафи тегади, деб ўйлар эди.

– Энағарлар!

– Йиғлама, ўйинда йиғлаган кал бўлади.

– Ўйнамайман сенлар билан!

– Нега?

– Ҳамманг фирромчи! Хозир бориб амакимга айта-  
ман.

Болалар унинг дўқидан қўркиш у ёқда турсин, бат-  
тар хахолашди.

– Амакингга айтасанми? Айта қол, бор, бор! Чолиб  
бор-ей! Келгинди тоғчинга! Билсанг, у сени алдаб, энанг-

ни ошқочиб кетмоқчи. Қишлоқнинг одамлари маслахат қилишди. Бўз болалар отининг ёл-думини кесишмоқчи!

Ёдгор уларнинг гапига ишопмади, аммо «маслахат»дан амакини огоҳ қилиш учун уйга шошилди. У меҳмонхонада энаси билан ўтирган экан. Эшик ортида хаяллади, энасининг гаплари қулоғига чалинди: «Йўк, ака, болаларимни ташлаб кетолмайман. Отадан айрилганлари ҳам етар, уларни кимга сарғайтаман?» Авжинлик гунгиллади: «Ҳоли ёшсиз, ўн гулингиздон бир гулингиз очилмагон. Шундой ҳусн билан... Ман ҳам дардмон гўнғитмон, фарзонд бўлмоди, ажрашдук. Йукни айтмонг, энди...»

Ёдгор аста изига қайтди. Гурунгнинг маънисига унчалик бормаган бўлсада, кириб арз қилишни ўзига ор билди.

\* \* \*

Охирги сафар Авжинлик киши ёлғиз келди. Хуржунининг икки кўзи совға саломга тўла. Энаси алвон қўйлагини кийиб, оқ рўмолини ўради, юзи чўғдай қизариб гул-гул яшнаб совғаларни кўрди: адрасу шойилар, Нукрага рўмол, зирак ва мунчоқлар, Ёдгорга ялтироқ тугмали курткacha олиб келди. Ўз қўли билан эгнига кийдириб қўйди. Чап егини тирсагидан ўтказолмай анчагача овора бўлди. Атайлаб қўлини терс тутганини қаердан билсин, болажон одамдай тоқат билан кийдирар эди. Ниҳоят енг тирсақдан ўтди, куртка қуйиб қўйгандай лойиқ келди. Ёдгор унга қарамадиям, индамай меҳмонхонага йўл олди. Курткани ечиб энасининг шойилари устига отиб юборди. Нукра мунчоқларни бўйнига тақиб ойнага қараётган эди.

– Қара қани, ярашдимми, укабой? – деди у ялтироқ оқ маржонни шовдиратиб. – Энди кизларнинг роса ичи куяди, уларнинг биттасида ҳам мундайи йўқда.

Ёдгор индамади, сузадиган танадай опасига қаради, сўнгра тўсатдан бўйнидаги мунчоққа чанг солиб юлиб олди-да, тўрга улоқтирди.

– Ха, ха, нега бундай қиласан? – хайрон қолди Нукра. – Тентак бўлдингми, Нўхатвой?

Нукра қулоғидаги зиракни ойнага тутди, бироқ бола уни ҳам юлиб олди. Опасининг қулоғидан кон сизиб чиқди. Урмоқчи бўлган эди, укаси йиғи аралаш бакириб юборди:

– Ташла, ташла, она! Сенга нима кераги бор? Катта бўлсам ўзим бундан ҳам зўрини олиб бераман.

Гидамга ўтириб олиб, оёғи билан ер тимдалаганча, опасига дашном бераётганда энаси кирди. Нукра арз қилмоқчи бўлган эди, дарров энасига ёвқараш қилиб, эшикка чиқиб кетди. Бу қарашда қандайдир ғайирлик ҳам таҳдид бор эди...

Кечаси Авжинлик энаси билан айвонга чиқиб хилват гурунг қилди, неларнидир узоқ гунгиллади. «Эрталоб отланамиз, Ойтўлғон. Яно бундойин имкон бўлмос гулим!» деган гапи берирокда турган боланинг қулоғига келди, вужуди тошга айланди.

Тонг отганда энаси туриб хар кунги юмушлари билан машғул бўлди. Ҳеч кимга ҳеч нарса демади, аммо ҳаммалари ундаги ўзгаришни пайқадилар: сертаралдуд, алланечук хаёлчан эди. Эрталаб дарё бўйига энди, эри ясаган кўприкка узоқ тикилди, юзини чайиб, изига қайтди. Чой дамлади, пиёлаларни ярқиратиб ювди, узуги пиёла четига тегиб шиқирлаганда Ёдгорнинг кўнгли тўликиб кетди. Ойтўлғон Нукрага олам жаҳон ишларини тайинлади:

– Ола сигир елинини тўлдирган, эрта-индин бузоқлайди. Шунга кўз кулоқ бўлгин, қизим. Тағин чувини еб қўямасин. Илиққина ардоб қилиб бер. Кейин мен йўғимда укангни хафа қилмагин, унга қара. Мактабда ҳам бир-бирингдан айрилма, тағин уни болалар урмасин.

– Эна, нега бундай деяпсиз? Сиз ахир, бир ёкка кетаётганингиз йўқ-ку! – деди Нукра йиғламсираб.

– Ай гўдақларим-а, сизлар ниманиям тушунасилар. Отанг бўлса экан, баримизга бош бўлса! Тақдир бизларга шу кунни солди энди...

Понушта маҳали туз тотмадилар, дастурхондаги нонга тикилиб унсиз ўтиришарди. Дарёгина пастда беармон шовуллайди.

- Ёдгоржон, бориб Қосимнинг отасини айтиб кел, - деди энаси. - Бир маслаҳатли иш бор экан, энам сизни чакираяпти, дегин.

Ёдгор, бу гапни эшитиб юраги «шув» этди, Нукранинг кўзлари жикка ёшга тўлди. Сапия момо гап-сўзга аралашмади, тўрга қараб йўқлаб ўтирди:

*Кўкариб оққан кўк дарё,*

*Кўкимни сенга солайин!*

*Оқариб оққан оқ дарё*

*Оҳимни сенга айтайин.*

*Болам-ов, болам ов.*

Ёдгор оёғини қўлига олиб Райимберди оқсоқолникига югурди. Ёнларида дадилроқ одам бўлишини истарди...

Оқсоқолга эргашиб бир талай хотин-халаж ва овулнинг бўз болалари ҳам келишди. Аёллар уйга, бўҳчасини тугаётган энаси олдига кирдилар. Бўз болалар ташқарида қолди. Ниҳоят Сапия момо гардисининг учида кўзларини артиб, сўз бошлади:

- Оқсоқол, боболарингиз Бўрижонимнинг боболари билан бир онани эмишган. Мен келиннинг жавобини бердим. Ўйлаб-ўйлаб шуни лозим топдим. Тақдир экан. Шундай бўлар дебмидик. Тангрига солдим, не бўлса ундан кўрдим. Қирчинида кийилиб бева қолди. Майли, янги эр қилсин, пешонада борини кўрсин. Нима дейин, тилим тугун, ўғлимдан дарак бўлмади, жавобини бераман-да!

- Лекин бойбича, эл бунга розилик берадими, есирни бегонага бериш урф эмас. Ерда қолса элники. Овулдан бўлганда ҳам бўлак гап эди. Авжинлик: «Ў уккағарлар эл эмас экан, ичида эркаги йўқ экан» демайми?

- Орадан ўн йил ўтди, энди худога солдим.

- Бўри чавандоз бир куни келса, бизлардан гинадор бўмайми?

- Ай жоним, келиннинг раўйи шул экан, начора!

- Бу-у, болалар нима бўлади. Улар ҳам кетадими? - сўради Райимберди оқсоқол шаштидан анча тушиб.

- Худо кўрсатмасин! - деди момо - сағирларни кимга хўрлатаман. Ўзим бир амаллаб, одам қиларман-да.

Бу орада бахмал камзулини кийиб, оқ рўмолини ўраб энаси ҳам кирди, бир чеккага омонатгина чўккалади.

– Ойтўлғон, – деди Оксоқол унга юзланиб. – Бу-у кетадиган бўлдингми? Эринг қарчиғайдай йигит эди...

Хамма Ойтўлғонга юзланди, аммо ундан сас чиқмади, ерга қараб жимма-жимма ёш тўкди.

– Қайноға жамингдан бирови хотин устига олар, бўлмаса бир кунинг яхши-ёмон ўтар-да.

Энасининг бўҳчасини тугишиб, у билан хайр-хўшлашаётган аёллар безовталаниб қолдилар. Овсинларининг кетаётганидан қувонишган, негаки Ойтўлғон жуда сулув, бирортамизнинг эримиз олгиси келиб қоладими, деб кўрқишар эди.

Ниҳоят, Ойтўлғон бошини адл кўтарди:

– Мен эсиратеганимдан кетаётганим йўқ, оксоқол! Кўз очиб кўрганимдан қолган болаларни одам қилсам шунинг ўзи етар эди. Бировларга туртдириб нима қилардим. Лекин ночорман, нима қилай? Инингиздан хат-хабар йўқ. Эл ичида боши очиқ юришим қийин. Бетимга айтмаса, изимдан айтишади. Уйимда кунора совчи! Қаридан ҳам, ёшдан ҳам! Танаси бошқа дард билмас! Болаларим қолаяпти, десам юрагим лахта қонга тўлади. Олиб кетайин десам, кампирга қийин. Уйини ҳувиллатиб кетаманми? Майли, улар эш бўлсин, ўғлининг ўрнини билдирмасин...

Ташқарида ғовур-ғувур кўтарилди. Бўз болалар Авжинликни ўртага олишди.

– Ур келгиндини! – деб чийиллади бирови. – Чечамизни тоғчига бермаймиз!

– Кес! Кес! Кес! – дея қийқирди бошқаси.

Бўз болалар отини эгарлаб, айил-пуштанани тортаётган Авжинликнинг бошига калтак ёғдиришди, отининг ёлдумини кесишди. Райимберди оксоқол орача қилмаганда холи танг эди. У бўз болаларни тинчитди. Авжинлик отига минди, Ойтўлғон ортига мингашди, оломон икки ёкка ёрилиб йўл берди, Нуқра чинқириб йиғлади. Ёдгор Авжинликка мингашган энаси Шотидан ошиб кетгунча қотиб турди. Оқ рўмоли хилшираб ғойиб бўлгач, Бўзадирийнинг чангиб ётган йўлларига қараб чопди:

- Эна-а-а!

Бироқ бепоеън Бўзадир даштлари бу нидога жавоб бермади. Сапия момо уйда тўрға қараб, айтиб-айтиб йўқлар эди:

*Кўкариб оққан кўк дарё,  
Кўкимни сенга солайин!  
Оқариб оққан оқ дарё  
Оқимни сенга айтайин.  
Болам-ов, болам-ов*

## 2

*Баҳор ўтиб ёз келди. Керагатовнинг қорлари эриб битди. Лойланиб оқаётган Сувпурқарнинг суви тинди, сачратқилар гулини тўкди. Бўзадирнинг бедалари ўрилиб кетди.*

*Одамлар қўнишига кўчиб чиқиб оқ ўтовларини тикдилар. Аёллар қизил яшил кийиниб кўкаламга ўрмакларини қурдилар.*

- Қўнишимизга чиқиб оқ ўтовингизни тикмайсизми, эна?

*Энаси жавоб қилмади.*

- Бўзадирга, отажонимнинг олдига борайлик эна!

*Энаси яна сас бермади.*

*Чанговузнинг мунгли куйлари айланиб-айланиб, инграниб - инграниб нола қилди:*

*Ойлар ботди қулуним,  
Кунлар ботди қулуним.  
Бир кун отанг келар-да  
Сен кетмагин қулуним.*

Ёдгор кўзи-улоғини ўришдан қайтариб кўтонга қамади. Қоронғи ҳам тушиб қолган. Нон-чойдан сўнг Сапия момо яна урчуғини қўлига олиб дийдиёсини бошлади:

- Отанг уззукун ойнага қарайди. Тагин ўсмага бало борми ўн тўрт ёшда! Аввалгидай жон қолдими менда. Ишни ким қилади, молларга ким қарайди? Қора

бўладиган бир сенми? Хайф! Чиллак ўйиндан бери келмайсан. Отангди Бўз отини Райимберди оқсоқолга берганимиз ҳам яхши бўлган экан. Уни ким жилдирар эди. Хали уйда чой пули ҳам йўқ, халгада шакар адо бўлган. Урчукдан тушгани нимага ҳам етарди. Дадилрок бўлганингда олабел эчкини сотиб келардинг. Одамлар Бошчорбокка бозорга бораяпти.

– Мен сотиб келаман, момо, – деди Ёдгор уни юпатгандай.

– Қайда! Муштдай бошингга мол сотолармидинг, биронтасига эланаман-да энди.

– Жон момо, бора қолай. Ана Одина бораяпти-ку! Сизга чорчилик гарди ҳам обкеламан, чорчингиз адо бўпти.

Сапия момо балого қолган эди, охири рози бўлди. Бу зумрашанинг раўйини қайтаришга хол борми унда!

– Лекин эҳтиёт бўлгин-а, одамларнинг гапларига қулоқ сол, маҳмадоналик қилма! Бозорда адашиб-нетиб қолмагин тагин.

Бошчорбоғ оёқ-улов-да бир кунлик йўл. Биринчи кун борасан, эртасига молларни сотиб қайтаверасан. У олабел эчкини улоғи билан қувалаб сурувга қўшди. Ўзи кўк эшагини мишиб одамлар билан йўлга тушди. Хуржуни ҳам бор, ичига ёғли патир солинган, устида бекасам чопони, катта бозорчилардай оёғини ип узангига тираганча бораяпти, бошқалардан асло кам жойи йўқ. Катталар уни эшакдан тушириб, мол хайдатсалар ҳам қувончи чексиз! Гавазга етганда иш бироз қийинлашди. Йўл ўрли-қирли, арча ва заранглар айқаш-уйқаш. Моллар кўзни шамғалат қилиб шохлар тагига уриб кетар эди. Ана шунда тераклилик бармоқлар<sup>1</sup> бақириб қолишарди:

– Хай бола! Туш эшакдан! Молларни қайтар!

Хайрият, Фаффор бригадирнинг ўғли Парда ҳам бор, ундан дадилрок. Гоҳо муғамбирлик қилиб эшакдан тушгиси келмайди, молларни унга қайтартиради. Бармоқларнинг каттаси Абдимўмин бобо илгари кўп иш

---

<sup>1</sup> Уруғнинг номи.

кўрсатган. Даври ўтгану аммо гердайншини қўймайди. Кителининг кўкрак чўнтагида занжирли соат!

– Ўзбекнинг кичиги дастёр бўлади, бозорга боргунча биттасини ҳам йўқотманглар! – деб оёғини чил чўбирининг узангисига тирайди.

Айтмоқчи, унинг Рустам деган ўғли ҳам бор. Орқасига мингашиб олган. Ёдгорнинг шу болага ҳасади келар эди. Молларни қайтаришмагани устига, тагин отасига ўхшаб буйруқ ҳам қилади.

– Хў, бола! Сарик эчкини қайтар! Орқадаги кўзини хайда. Умрингда мол боккапмисан ўзинг. Бозорга ҳам биринчи келишингдир. Кўриниб турибди.

– Ха, Фаффор калнинг ўғли! – деди Абдимўмин бобо Пардага қараб. – Сен нимага эшакдан тушмайсан? Ха маҳмадона! Жуда пишиқсан-а, отанг ҳам болалигида сендай эди. Энди оғайни «йўл тўра»ни<sup>1</sup> катта қиласан. Отангни роса номи кетган. Ана бизнинг Рустам ҳам бо-  
раяпти, икковинг харажагни кўтарасан!

Ёдгорни негадир кисталанг қилмади. Гаваздан ўтиб Эшакмайдонда булок бошига етгач тўхтадилар, моллар арча тагига соялади.

– Йигитлар, энди бир тандир кабоб ясанглар! Бозорнинг кизиги шу-да, бир гашт қилайлик! – деди Абдимўмин бобо Чубирдан ерга қўниб. – Сарканинг семизини ушлаб сўйинглар! Кимники бўлса, бозор қайтиб, пулини йиғиб берамиз.

Икки йигит кўсам саркани сўйиб, гўштини мучалаб булок бошига олиб борди. Тандирга осиб арча билан дудлангач, устини сувадилар.

Тандир кабоб пишгунча муздай сувдан ичиб, хордиқ чиқаришди. Парда аста уни бир чеккага тортди:

– Анави бобо «йўл тўра» бер, деяпти, эшитдингми?

– Менга айтгани йўқ.

– Хали айтади, лекин бермаймиз. Гаши бир жойга қўйиб олайлик. Бозорга боргунча хўп, деймиз, кейин ҳаммадан олдин қочиб қоламиз.

– «Йўл тўра»ни берсак-чи?

---

<sup>1</sup> Бозорга илк марта борган хамроҳларига йўл хаки беради.

– Э-э, тентакмисан! Ўн беш сўмдан кам олишмайди.  
– Оз экан, мендан сўрашса берардим.  
– Каллаварам! Уйга борсанг момонг пул кани, де-майдами?

– «Йўл тўра»га бердим дейман.

– Мен, барибир бермайман – деди Парда.

Тандир кабоб пишди. Ўртага олиб тўградилар. Талашган ким, менга илик тегмади, деб аразлаган қайси! Гўштнинг ўзидан ҳам иси зўр! Ҳамманинг ҳам нафси қарор олди, сарка семиз эди. Гўшт ейилгач, суякларни итга ташлашди.

– Энди бир гап бор, йигитлар! – деди Абдимўмин бобо сарка ёғига маҳсисини ёғларкан. – Шу сарканинг пули 60 сўм бўлса, шунини икки тан қилсак. Яримини тўлайсизлар, қолган ярмини бизнинг улминан Гаффорнинг ули беради. «Йўл тўрага», қандай?! Бозорнинг урфида!

– Жуда соз! – дейишди ортиқча чиқимдан қутилган бозорчилар.

– Бўлмаса, шу болаларга бир дуо беринглар, улар ҳам униб-ўсиб биздай бозор-ўчар қилиб юрсин? Омин!

– Мен тўламайман! – чийиллади Парда.

– Ия, нега?

– Тўламайман, тамом. Қўймасанглар жилайман, отамга айтиб бераман.

– Отанга айтсанг қайтага хурсанд бўлади, нодон! Бизнинг ўвил элга қўшилипти дейди. «Йўл тўра» яхшилик, эзгулик. Бор ана, бермасанг берма! Барини мекинг ўғлим кўтаради!

Абдимўмин бобо Чил чўбирни мнииб, ранги қувдай ўчиб оёғини узангиги тираганда, бели зўрдан майишиб кетди...

Эргаси куни сахарлаб молларини Бошчорбоқ бозорига солишди. Ёдгор ҳам олабел эчкисини етаклаб бир чеккада харидор кутар эди. Бозор мисоли қовокарининг уяси, ит эгасини танимайди: сотувчилар ҳам, олувчилар ҳам, даллоллар ҳам баб-баравар кичқиришади. Ёдгорнинг эчкисига ҳа деганда харидор келавермас, Ёдгор бундан роса зикланар эди. Эчкиси бўйдор бўлсаям ориқ, улоғи

ҳам анча марра, кежа туғилган, шунинг учунми, олувдорлар жуда паст сўрашарди. Ёдгорга қолса шунгаям рози, тезроқ сотсам дейди. Лекин момоси ёрдамлашишни тайинлаган Ҳаққул чол оёқ тирайди, арзон сотгиси келмайди, Сапия момодан гап эшитишини биладида. Охири бир тожик харидор анча савдолашди:

– Мепуриши?

– Шу туриши, – деди Ҳаққул бобо.

Ҳамма кулиб юборди.

– Ҳа, нага куласизлар? Келаяпганда ариққа тушиб сал тиришди, ўзи соппа-сов.

Яна кулги кўтарилди. Харидор бўлса Ҳаққул бобонинг қўлини силталаб савдолашишда давом этарди:

– Бузғола кевай?

– Э нима деб тажикилаяпсан? Бузилмайди, улори ҳали ўсади.

– Чан пул?

– Чамбил эмас, олабел, кўрмаяпсама!

Ҳангоматалаблар кўпайди. Шунда бир тожикчани биладиган даллол топилди ва халиги олувдор билан роса қўл силкишиб охири эчкини унга сотди, пулни санаб олди, Ёдгорнинг кафтига қўйиб, наригининг қўлига ушлатганча:

– Баракасини беринг, – деди.

– Барока шавед, – деди у.

Ёдгорнинг қувончи ичига сиғмасди: Ниҳоят эчкисини сотди, катта одамлардай харидорнинг қўлидан тутиб баракасиниям олди. Энди асл бозорчиларга ўхшади-да! Мол бозордан чиқиб дўконларни айланди, уйдагиларга совғасалом олди, хуржунни қапшайтирди. Димоғи роса чоғ эди.

Қайтишда Абдимўмин бобо Пардани яна койиди:.

– Отанг учов оранинг бири! Сенинг эса тезагинг ичингда филдираган! Тоғанг, пастми, дейман-да. Бунинг тоғаси ким? Ў Ёнғоқликлар!

– Тоғаси Қорағасмоқлардан, – дейишди.

– Э-э, бўлди, бўлди. Бу қаёққа борарди, ўрил тоғага тортади, деганлари чин-да!

Парда бу гапларга пинак бузмай келарди. Ёдгор унинг бекорга гап эшитганига ҳайрон. Ўзи бўлса Абдимўмин

чолдан хафа. Унга бир оғиз: «йўл тўра» бер, Бўри чавандознинг боласи, демади-я! Охири чидамади:

– Мендан «йўл тўра» олинг, бобо, қанча бўлса бераман, пулим етади.

Оқсокол унга қараб сукут сақлади, ёшланган кўзларини енги билан артди.

– Момонгта бугун олиб бор пулни. Катта бўлсанг берарсан, хали. Ҳа, қарғанинг боласи қарға бўлади, бургутнинг боласи бургут! Шу боланинг отаси жўмард йигит эди, эрта кетди. Ҳай аттанг-а!

Шувоқлининг йўллари ортида қолди. Шувоқлининг йўллари! Ун минг уйли кўнғирот ўтган йўллар... Бозорчилар улардан қолган кўхна кўшиқни хиргойи қилиб боришарди:

*Кийик юрмас ерлардан  
Қийиб ўтиб боради.  
Йўлбарс юрмас ерлардан  
Йўртиб кетиб боради...*

\* \* \*

*Тонглар салқинлади, Оқсувнинг юзини «ойна» қоплади.*

*Бўзадирдан қовжираган ёвшонлар иси анқийди. Ҳавода мезонлар учади, Саид бобо шовдиратиб-шовдиратиб ёнғоқ қоқади, болалар дўпчиларига солиб қочишади.*

*– Ҳа, омон бўлгурлар-ей – дея Саид бобо койийди уларни. – Чумчуққа сув бермайман, десам ёнғогимни қурутдингларай!*

*Қурқурлаган турналар Керагатовдан Афгон томон ошиб кетдилар. Турналар бу йил Бўзадирда давра кўрмай баландлаб учдилар.*

*Бола изларидан қалтовини силкитиб, хайрлашиб қолди:*

*Турналар ҳой турналар!  
Тезроқ учинг турналар.  
Отажоним хабарин,  
Олиб қайтинг турналар!*

Момоси ўғит қилишдан толмас эди:

– Болам, кўзингга қараб юр, ҳар нарсага қизиқаверма. Куёв-келиндарга қарама, бетинг очилади.

У кулиб қўяди. Бир куни Азамат билан юкори овулга қалликқа бораман, деб Нукрадан роса балого қолди. Уни майна қилгани қилган. Ўзи ҳам гапдан қолмайди:

– Сен опа, хиринглайверма. Мактабда болаларга ҳам кўп нағма қиласан.

– Вой Нўхотвой-э, сенга нима? Ундан кўра Азамат ака билан қалликқа бор!

Ёдгор лавлагидай қизариб кетди. Ҳар сафар шу гап айтилса бас, тили тутилади. Момосига: «Менга ҳам қаллик олиб беринг», деб йиғлаган эди-да!

Қаллик можароси... Райимберди оқсоқолнинг катта ўғли Азамат шаҳарда ўқийди. Юкори овулда эса унаштирилган қаллини бор. Бир сафар таътилга келганда аёллар ўртага олишди.

– Сиз ҳам, кагга бола, мундоқ куёвга ўхшаб қалликқа борсангиз-чи!

– Қандай боради киши?

– Қандайи бўлганими, кўнғиротнинг улуми-да. Чучук бўлсинга бир рўмол қанд, бир жўра атлас, атир, мунчок, вассалом!

– Мен ўлсам ҳам уларни кўтармайман.

– Кўтарманг, кўтарманг! Сиздан олдин оборишади. Сиз жўрангиз билан кейин...

Азамат кўнди. Беқасам тўнни кийиб, бўйнига галстук тақди. Хотинлар кулишди.

– Менинг эрим биринчи оқшом қил чакмонда келган, – деди шаддот Қирмиз чеча.

Азамат барибир галстукни ечишга рози бўлмади. Нарсаларни олиб, янғаси олдин кетди. Кейин Азамат жўраси Суюн билан. Ёдгор эргашган-да, Суюн бақирди:

– Бу зумрашага нима бор?

– Қўй, майли бора қолсин, яқин-ку, – деди Азамат.

Ёдгор ичида уни яхши кўрди, Суюнни ёмон!

Лекин йўлда у ўзининг бултур қалликқа борганини ҳикоя қилганда, жош қулоғи билан тинглади. Суюннинг қўшиқчилиги ҳам бор экан.

*Эчкилар боқдим ча-чалаб,  
Каллиққа бордим кечалаб.  
Келиной қуруур гўр экан,  
Кичқира берди чечалаб!*

Кейин хикоясини бошлади:

– Салим билан икковимиз ўтов ортида турибмиз. Орковуддан муздай шамол эсади, тагин икки кўппак бизга қараб югуради, десанг! Куёвга ит хурмайди, деганлари жудаям бекор экан. Пешонам шўр бўлмаса, қайнатамникига шу окшом солиқчи Пардаев келадими! Янгам шумшайиб чиқиб: «Илож йўк, қайним», деса бўладими! Қаватимда келган Салим ҳам: «Эртага келарсан», дейди. Гапини қара! Пул бермас маърака бузар! Нима мен бекорми, эртага келиб! Бўзадирда ғалла ўрилаяпти. Комбайнчиман, механикдан элана юриб зўрға рухсат олганман. Ўнгиримни янгамнинг қўлидан ситиб, итлар устидан сакрадим. Ўтовга бош сукдим: Бибиҳолим йўк – қападалигини билмабман. Ўтовда эса, солиқчи дафтарларини олдига ёйиб, қават-қават кўрпача устида эшондай ўтирибди. Қайнотам бўлим ҳисобчиси эмасми, шақиллатиб чўт ташлаяпти. Мен ундан уялиб юз бурдим. Пардаев менга кўзларини ола-кула қилиб деди: «Қуланбой, бу бола нимага кепти, солиқни тўлаганими?» Бўсағада серрайиб турганимни кўрган қайнотам менга қараб қўлидаги чўтни сермаган эди, чўт қулоғимнинг тубидан шувиллаб ўтиб кетди. Ўтакам ёрилиб ура қочдим-да, ўзимни қапага уриб тўпша-тўври Бибиҳолимнинг қўйнига кирдим!

Суюн саргузаштини тугатди. Бироз ёлғон аралаштирган бўлса ҳам ҳеч ким индамади. Ахир, кизик бўлгандан кейин ёлғон ҳам зўр-да!

Кузнинг салқин еллари қарамларни еллийди. Букур толлар ёшлигини қўмсагандай хўрсинади. Осмонда янги ой кезади. Керагатовнинг яйдоқ тўшларига бош қўйиб хумор-хумор боқади, сўнгра кимлардандир уялгандай юзини ҳарир булутларга буркайди. Овулга етдилар. Ўтов олдида каттақон кўк ит чиқди. Азамат қўйнидан нон олиб ташлади: «Кўктой, ҳа кўктой, қалайсан?» Ит думини ликиллатиб нари кетди.

– Тилёвламалигини кара! Лекин омадинг келиши кийин, жўра, – деб қўйди Суюн.

Ўтовдан хотинларнинг узлуксиз бидирлаганлари эшитиларди. Ҳа деганда чиқаверишмади. Азамат сабрсизланиб кетма-кет тамаки тутатарди.

– Саситма, барака топгур, – деди Суюн. – Хотинларнинг бурни ўлардай сезгир бўлади. Асли кириб борганини тузукмиди... Қандайдир аёллар чоғи, тиззаларига шапатилаб чикиб кетаверишади.

Хулкар тепага келганда, Қирмиз чеча чиқди.

– Катга бола, сизга уятли бўлдим. Ҳамсоя хотинлар келишган экан. Гурунглари адо бўлгунча, сабр қиласизда энди.

– Капага чиқишин, капага! – пихиллаб кулди Суюн.

– Жон ука, оғзингизни юминг. Ҳали ҳам пайқаб ўтиришибди.

Ой ўтовнинг нарёғига ўтди. Хотинлар ҳали ҳам гурунгларини кизитиб ётишибди. Азамат чекиб тутатган тамакисини асабий ёғимлаб, чий тубига улоқтирди. Ёдгор у билан қўшилиб сабрсизланади, ҳаяжони униқидан зўр! У ҳам гурунғбоз аёллардан ёғинарди...

Хулкар йўлга равона бўлганда, аёллар эснашиб уй-уйларига таркалишди. Ичкаридан иштонсиз болакайлар чикиб, уларга қараб кикирлашади: «Поччам, поччам!»

Азамат Қирмиз чечанинг етагида ўтовга кирди...

Қайтишда Суюн яна қўшиқ хиргойи қилди:

*Эчкилар боқдим чечалаб,  
Қаллиққа бордим кечалаб,  
Аҳа-ай!*

У эртасига ҳам келмоқчи эди, аммо куёвлар унга билдирмай жўнаб қолишибди. Гиламга ўтириб олиб, оёғи билан роса ер тепиниб йиғлади. Момоси уни қарғади:

– Ҳа, муштдай бўлмай кетгур, Азамат қаллиққа борапти, сенга нима!

– Мен ҳам бораман.

– Ана холос. Сенинг қаллиғинг борми? – деб қақиллайди Нукра.

Сапия момо кулиб юборди, бошини оғушига олиб суйди.

– Хали катта бўлсанг сенга ҳам қаллик олиб берман. Азамат аканга ўхшаб қалликка бориб юрасан. Жонимдан-да, хали насиб бўлса суқсурдай куёв бўласан!

### 3

*– Ху-у-уйт! Ху-у-уйт! Ху у уйт!*  
Тоғнинг олис чўққисида ҳилол сайради. Болани ёнига чорлади.

*– Кел, мен сени олтин қанотларимда отангнинг олдига олиб бораман. Қушининг мунгли сайроги тун бўйи зшитилиб турди.*

*Ху-у-уйт! Ху-у-уйт! Ху-у-уйт!*  
Овози муз қайнаган Суепуркарнинг гулдирашига қўшилиб оқди. Болани овутдилар, қокилларини оҳиста-оҳиста силаб «хуйё» айтдилар:

*Хуйё болам, хуй қушим-а, хуйё-я хуйё!*  
*Бўтакўзим дилхушим-а хуйё-я-хуйё!*

Ёдгор мактабдан кеч қайтди. Уйларида меҳмон бор экан. Йўлда болалар билан чиллак ўйнаб вақтни бекор кеткизганига роса афсус чекди. Ахир шунчаки, жўн меҳмон эмас, туман марказида турадиган амакиси болалари билан келибди-я!

Райимберди оқсокол ховли буржида ҳозиргина сўйилган улоқнинг терисини шилмоқда эди. Момоси қорин-ичагини тозалаяпти.

– Қаёқларда юрибсан? Амакиси келган ҳам шундай юрадимми? – дашном берган бўлди у. – Овқатингни егинда, физиллаб бориб Шоир домлани айтиб кел, меҳмонга гурунг бериб ўтираркансиз, де!

Шоир домла дегани – юкори овулда турадиган адабиёт муаллими Назаров. Ёдгор овқат еб ўтирмасдан уникига чопди, негаки қувончи ичига сизмасди...

Меҳмонлар уй тўридан жой олишган, дастурхон тизза бўйи! Момоси топган-тутганини ўртага чиқарган, шифтга осилган хусайни узумларини ҳам бугун олиб дастурхонга тортганди. Амакисининг ўғилчаси ва қизчаси жажжи ботинкалари билан пўстакка чиқиб қаймоқ ейишмоқда. Пўстак янги, гулдор, серхашам – Ёдгорга момоси яланг оёқ ўтиргани ҳам рухсат бермасди. Амакиси гавдаси-

ни орқарокка олиб у билан кўришди, аммо бошини меҳр билан силаб қўйди. Ҳаммаси тушунарли: туманда катта бошлиқ, кийимларини кир қилиб қўйиши мумкин. Янга ҳам қўша-қўша узук тақилган ошпок қўллари билан чаккасидан тутиб, юзидан чўлп-чўлп ўпди, ширин-ширин эркалади. Ёдгор янганинг юзи оқлигига-ю, лабларининг қизиллигига беш кетди. Лекин меҳмон болаларга яқин ҳам йўлай олмади. Улар қандайдир ўзга сайёрадан келганга ўхшар эди. Тилларини чучук қилиб гапиришлари, овқатдан чўкилаб ейишлари шундан дарак берарди. Мана шуни енглар деса, ўлақолса ейишмас, аксинча, дастурхондаги егуликларни ўзларича талашиб-тортқилашарди.

Меҳмонлар билан кўришгани одамлар келишди. Ундан роса гап сўрашди. Амакиси шунақаям кўп нарса биларканки, ҳайратдан Ёдгорнинг оғзи очилиб қолди. «Тарих муаллими Шерназаров бу гапларнинг мингдан бирини ҳам билмайди, – дея фахр билан хаёлдан ўтказди у, – домла Галаба куни ҳам бунчалик кўп нарса айтолмаган эди-я». Одамлар ҳам роса мириқиб эшитишди, сўнгра унга битмай турган ишлари хақида арз қилишди.

– Шу-у, пендияга чиқолмай дудиппан. Кампид чикқан, бид эса дўқ. Қаданга хотиндад ўтиб кетаяпти биздан. Районга бодсам пендия идодани топодмайман, – деди Лўмми бобо.

– Оғзингиздаги носни туфлаб гапирсангиз бўлмай-дими? – унга дашном берди Назаров домла.

Лўмми бобо одобсизлик қилгани учун кечирим сўради, аммо носни «луп» эткизиб гиламнинг тагига ташлади.

– Бу-у, бизнинг ўғил дўхтирликка ўқийман, дейди, – узоқдан гап бошлади Қўна бобо. – Сиздан илтимос, Ўсаржон, шу болага тушунтириб қўйсангиз!» Менга дўхтир эмас, шопир керак. Тўрт мучам бут, сонпа-соғ бўлсам! Мошина ҳайдаса бир коримга ярармиди, дейман-да.

– Мен келин туширмоқчиман, шунга озрок мато... Сиз катта одам, магазинчилар гапингиздан чиқишмайди, – деди Қосимнинг тоғаси.

– Ана шунақасизлар-да! – Назаров яна уларга дашном берди. – Азза-базза йўқлаб келган меҳмонни безор

киласизлар. Сизларда маданият деган нарса йўк! Раҳбарларимиз нима деяпти, Ёзувчиларимиз қандай китоблар ёзаяпти, шулардан сўранглар.

Йиғилганлар мулзам бўлишди. Лекин амакиси чолларга ваъда берди:

– Бўлди, ҳаммаси бўлади. Мана яқинда отчётлар тугасин, мажлислар ўтсин, сизларнинг ишингиз билан бевосита шуғулланаман.

Ёдгор аёлларнинг гурунгига қулоқ солишга ҳам улгурар эди. Бу ерда янгадан ўтари йўк. Чой дамлаб қирган опаси Нукра тилини чиқариб масхара қилса ҳам янганинг олдидан кетгиси келмайди. Сепган атирларининг иси димоғига хуш келади. Уйлари гавжум, файзли бўлиб кетган. Ҳамсоялар ҳам шу ерда. Қоқбошовуллик Ойпахта момо қатлама пишириб келибди.

– Шугинани меҳмонларнинг олдига қўй, – дея Нукранинг кўлига ғутди.

– Э, овора бўпсиз-да, моможон, меҳмонлар қатлама ейишармикин?

– Ейишади, нимага ейишмасин. Сарик ёкка кизартирибгина пиширдим. Ичми дам қилмайди. Атаганим бор эди.

Ойпахта момо қатламани ўзи дастурхонга қўйди.

Ёдгор амакиси олиб келган денгизчилар шапқасини кийиб болаларнинг олдига чиқди.

– Мен ҳали улар билан районга ҳам бораман, – деб мақтанди.

– Ўх-у, маза қиладиган бўпсан-да! Менга қайчиси бор қаламтарош олиб келгин.

– Хўп, амакимга айтсам бас, дарров «есть» қилади. Ҳаммангга ҳам умрларингда кўрмаган совғалардан обкеламан.

Назаров меҳмонларни уйига зиёфатга айтиб кетди. Ёдгор ҳам эргашмоқчи эди, аммо момоси молларга қарайсан деб олиб қолди.

– Ана, амакингни болалари ҳам уйда қолаяпти-ку. Улар билан ўйнайсан, – деди.

Бугун улоқ-қўзиларини Кўкбетга хайдамади, гулбеда ташлаб, қурага қамаб келди. Меҳмон болаларга ҳамон

ёндошолмай, токчадаги тилла соатни томоша килди. Янга уни тушки овкат махали билагидан ечиб кўйган эди. Қизча билан болакай унинг соатга ишқивоз бўлиб қолганига кулишди, ўзаро пичирлашиб ниманингдир маслахатини қилишди. Ёдгор уларга аҳамият бермади. Соат жуда антиқа эди!

– Хохлайсанми, шуни сенга совға қиламиз, – деб қолди энасига ўхшаган оппоққина қизча.

– Бил... Билмасам.

– Ойим кўрмайдилар. Олавер!

– Йў-ўк, – деди Ёдгор ўйланиб туриб соатни жойига қўяркан. Лекин унга кўнгли жуда суст кетган эди.

– Ихтиёринг, – деди қизча ва укасининг қулоғига ниманидир шивирлади. Кулишди. Кейин ундан сўрашди.

– Нечанчида ўқийсан?

– Бир... Биринчида?

– Э-э, ош – ол демайсанми?

У қулоғигача кизариб кетди.

– Биз билан районга борасанми?

– Бор... Бораман.

Кечкурун молларга пичан бераётганида ҳам, болалар билан ўйнаётганида ҳам янганинг соати кўз олдидан нари кетмади. Назарида шу митти соат номаълум, тилсимли оламнинг бир парчаси эди. Кечаси ўрнига ётганда момосини ҳол-жонига қўймай амакисиникига юборишга кўндирди. Уйда момосининг айтгани-айтган, дегани-деган-да.

Аммо эртасига Сапия момо рўйхушлик бермади.

– Бора қолсин, войбў-ў! Болалақир бир яйраб келади-да, – деди бунга жавобан янга.

Ёдгор севиниб кетди. Бироқ! Жўнар чоғда бир «ишқал» чиқди. Янганинг соати йўқолибди! Уйдагиларнинг бари хижолатда қолишди. Ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилиб кидиришди, аммо соат топилмади. Янга ранжиган, оппоқ силлиқ юзидан энди захар томарди. Ёдгор унинг қиёфаси бунчалар тез ўзгарганига хайрон бўлиб қолди. Қизча билан бола эса «ишқал»дан хурсанддай, чапак чалиб қиқирлаб кулишади.

– Ойи, ойи, ўша олган. Анови бола! – деди тўсатдан қизча уни кўрсатиб.

– Рост, кеча сиз йўрингизда кўриб ўтирган эди, – деб униси ҳам тасдиқлади.

Ёдгор чиндан ҳам соатни олдимикиан, дея кўркиб кетди. Негаки, кечаси уни тушида кўрган эди. Тушида шаҳарга борганмиш. Атроф оппок қасрларга тўла эмиш. Улардан бирида амакисининг болалари билан ўйнаб ўтирганмиш. Ёнларида янга ҳам бор. У янганинг биллагадаги тилла соатни томоша қилиб тўймасмиш. Кейин соатлар бирдан кўпайиб, бутун қасрни босиб кетди...

Янга машинани ўт олдираётган эрига шанвиллади:

– Ўзимам шундай бўлар деб эдим-а, келишга оёғим тортмаган эди-я!

– Олдинги, ер юткур? – момоси унга ўдағайлади. Бечора кампирнинг ҳамма югуриб-елганлари бир пул бўлган эди-да.

Ёдгор култ этиб ютинди, кейин зўрға гўлдиради:

– Олганим йўқ.

– Алдаяпти, олган, чўнтагини кўринглар! – деди болакай ҳамон опаси билан қикирлашиб кулишаркан.

Нукра бориб укасининг киссаларига қўл суқди, момоси турткилади: «Тек тур, жувонмарггина!» Опаси шимнинг киссасидан тилла занжирчали соатни чиқарганда ранги бўздай оқариб кетди...

– Шунақа қариндошларингиз боракан, нега олиб келдингиз? – янга эрига захрини сочди.

Жувоннинг ранги энди буткул хунуклашиб кетган эди. Болалар эса ҳамон қикирлашарди. Ёдгор кеча мактабга киядиган кийимлари кўйилган тахмон олдида уларни кўрган эди. Ҳаммасига тушунди: Улар яширинча солиб кўйишган! Аммо буни айтиб ўзини оқлаб ўтиргиси келмади.

– Борсанг, чиқ машинага! – деди амакиси зарда билан. Айни чоғда хотинининг дашномларига индаёлмай, унга қараб илжаяр эди.

Ёдгор аzza-баzza одамнинг бу хил илжайганига ҳайрон қолди. Йиғилган хотин-халаж гап-сўз қилди: «Ҳа, овсинжон, айтгулиги йўқ, бола етим бўлмасин экан», «Айланай, энаси ҳам олғиргина хотин эди-да!»

У: «Мен олганим йўқ, олганим йўқ! Энамни ёмонламагизлар, анови болалар киссамга солиб кўйишган!» деб қичқиргиси келди, аммо овози чиқмади.

Мехмонлар машинага ўтириб, унинг чикишини кутишарди. Бироқ Ёдгор машинага қараб бир қадам ҳам босмади.

– Бораман, деб кечадан бери кулоқ-мияни единг, энди нега айниб колдинг, ергинага киргур! – деб уришди момоси.

У бурнини «шилқ» эткизиб тортди.

– Энди бор... бормайман!

Машина жўнаб кетди. Хайр-хўшлашганлар уй-уйларига тарқалдилар. Дарвоза олдида ёлғиз Ёдгоргина колганди...

\* \* \*

Мактабда мухтож болаларга кийим тарқатишди. Ҳар йилги одат. Кийимнинг нима ёмон ери бор? Тагин бепул бўлса. Тап-тайёр совға-ку! Ёдгорнинг эса ори келади, етимликларини пеш қилганлари учун! Опаси кийимларни хурсанд бўлиб олаверади. Ҳатто чиройлисини беринг, деб талашади, ҳадеб кулади, ўримдан қочган зулфларини тузатади. Завхоз Абдирайим ака одмигина, рангсиз пальтони Нукрага узатди.

– Йўк, йўк, менга анави мўйна ёкалигини беринг, – деди Нукра.

– Уни Гулнорага берамиз. У сендан мухтожрок, – деди директор Қўчқоров.

Нукра аразлагандай гунча лабларини бурди.

– Менга бери-инг? – Овозида эркаланиш бор эди.

Директорнинг қовоғи уюлди, аммо ўша пальтони Нукрага узатди.

– Раҳма-ат!

Қўчқоров фамилияларни ўқишда давом этди. Ёдгорга пахталик куртка ва телпак тегди.

– Менга бер, укажон, янги пальтомга қўшиб туғиб қўяман, – деб опаси қўлидан олди.

Ташқарига чиққанда опасига хурпайиб қаради. Жаҳлдан сепкел босган бурнининг усти терлаб кетди.

– Ол, олавер! Куртка билан телпакни ҳам ўзинг кий! Бунинг учун ҳам директорга раҳмат, де!

– Десам, дейман, нима кишти?

– Опа!

Боланинг овозида ёлвориш бор эди. Нукра энгашиб манглайдан ўпди-да, чопиб ўзларининг синф хонасига кириб кетди. Ёдгор опаси унга гўдак деб караганига баттар куюнди.

Кечкурун момоси пиширган ширгуручдан татиб ҳам кўрмади. Тиши оғриганини бахона килди. Ўринга кийими билан юз тубан чўзилди. Момоси тўнини ечмоқчи бўлганда, кўлини силтаб ташлади.

– Бу нимаси? Қайтадан ёш бола бўласан, шекилли. Сенларнинг юзинга қараб касал бўб кетдим. Дунёда сағирлар курсин. Катта бўб колдинг-ку, ё орқамга кўтарайинми?

Момо унинг аразчилигини биларди. Таъна-ю нолиш килсам тезроқ юпанади, деб ўйлар эди. Негаки невараси пиқ-пиқ йиғлашга тушди. Сандигини очиб, хар хил шириқликлар тутди, бола уларга қайрилиб ҳам карамади.

– Эртак айтиб бераман-эй, болажон. Мана кулок сол: бир бор экан, бир йўк экан...

Ёдгорнинг йиғиси зўрайди.

– Нима бўлди, айт! Қаеринг оғрияпти?

– Бунингизнинг ҳеч ери оғримаган. Хархашаси кўзиди, холос. Кулок-чаккасига уринг, ана шунда юпанади – деди Нукра.

– Сен бидирлама, шакшақа! Момо кизни уришиб яна неварасига юзланди.

– Чанговуз чалиб бераман-эй, тойчоқ! Бир гижинглаб ўйнаб кет! Нукра токчадан чанговузни ол!

Момо қоқшол қўллари титраб-титраб чанговуз чалди. Лекин неваранинг йиғиси мунгли куйга кўшилиб, авжга минди. Ҳаммаси юракни эзар эди...

Нихоят невараси тинчиб, опасининг ёнида хўрсина-хўрсина ухлаб қолди. Дам-бадам чўчиб уйғонар, сепкил босган маъсум юзи титрар эди. Момо алламаҳалгача ухламади. Чанговуз чалишни бас қилган, аммо ҳамон қўлидан қўймай, қучоқлашиб ухлаётган опа-укага термилиб ўтираверди...

Қиш кириб интернатда ётадиган дамлар ҳам келди. Мактабнинг ораси узок, Кўкбетли қор босган, Ёдгорга ўхшаган «бути калта»лар ўмганлаб қолади. Интер-

натда кизик хангомалар кўп, фақат момоси ёпиб берган сутли патирини катта болалар еб қўяди, шуниси чаток-да. Қочишга қоровул Барот бобо қўймайди. Кўхна қирғиндан қолган чол, уруш пайти командир бўлган эмиш.

Гоҳо болаларга бақириб қолади:

– Мен сенларга буйруқ бераман. Солдат нима дейиши керак?

– Хўп командир бобо!

– Йўк, бундай эмас. Солдат «смирно» туриши, қўлини чаккасига тараб, «Ест, ўртоқ командир!» дейиши шарт. Мен «волно» дейман, солдат қўлини тушириб, топшириқни бажаргани жўнайди.

Барот чол командирлиги тутмаганда мўмингина юриди. Шунинг учун болаларнинг қилғиликларини билмай қолади. «Буфетга ўғирлик»дан ҳам буткул беҳабар, Тарбиячи Жўраев бўлса бир ойлик ўқишга кетган. Буфетга ўғирлик! Халил қув ўйлаб топган. Йўк, ҳаммаси Ёдгорнинг эртагидан бошланди!..

Кундузи интернат боғ ичида оппоқ, чиройли қасрга ўхшайди. Аммо оқшом тушгач, «қаср»дан қўрқулик! У ҳақда афсоналар тўқилган. Қўрқинчи ва сирли бўлгандан кейин турли миш-мишлар чиқиши тайин-да. Тагин жуда ҳам рост ўхшайди! Алвастилар, ажиналар, олтин тожли хўроз, ёлдор така! Хўроз билан таканинг шуниси ёмон, одамга ўхшаб гапиреди. Хусан қўрқоқ уларни бир неча бор «кўрган!»

– Шундай эшикка чиқсам, ошхона олди-да каттақон ёлдор така турибди! – Хусан қўрқоқ болалар яхшироқ тасаввур қилсинлар, дегандек кўзларини катта очиб хикоя қиларди. – Ёли хурпайган, кўзлари ёнади. «Баба-а», дейди-ю, овози одамникидай. Жон-поним чиқиб кетди, Орқамга қарасам! Барот бобо турибди. Мен: «Ха, Барот бобо!» десам, «ба-ба-а!» дейди!

Болалар кўзларини ола-кула қилишиди. Ҳатто «атаман» Бўта ҳам ҳализамон така кириб келадигандай эшикка қўрқа-писа қараб қўйди.

– Мен нишонмайман, – деди қутилмаганда Аҳмад. – Бариси ёлғон! Келинлар ундан кўра эртак айтамыз!

– Ха, эртак айтамыз!

– Ўзинг бошла, Нўхатвой! Сенинг момонг эртакнинг кони-ку!

Ёдгор болалар хуш гапирганда эртакка хасислик килмас эди.

– Ялмоғиз кампирни айтийинми? – деди.

– Э йўқ, «Хасан-Хусан»ни айт.

– Бойнинг шарбатхонасидан ҳолва ўғирлаганларини айтаман!

– Бўпти!

... Эртак тугагач гурунғ авж олди.

– Хасан ҳолва ўғирлаганда Хусаннинг бойга айтиб кўйгани чатоқ бўпти-да – деди «атаман» Бўта.

– Мен бўлганимда ҳам айтар эдим, – деди Ёдгор.

– Нега?

– Чунки ўғирлик ҳаромда! Момом айтган.

– Буфет билан орада дарча бўлганда, биз ҳам маза килардик, – деб кўйди Қосим тамшаниб.

Ётоқлари ёнбошидаги хона мактабнинг буфети эди. Унда эса ҳамма нарса бор. Печенье, конфет, вафли, ўрик, майиз, писта, бодом!

– Дарча бор! – деди кутилмаганда Халил. – Бемалол кириб чикса бўлади. Болалар хайрон бўлишди. Тезда дарча-марча йўқ эди. Халил уларни хона бурчагига олиб борди, сим каравотини нарига сурди.

– Кўряпсанларми тешик ўрни бўлакча сувалган. Буфет тарафда эса бузук печка бор. Мен буфетчи Сариковга ёрдамлашганимда, каравотимнинг оёғини кўрганман. Сичкон ўйган тешикчадан. Сал ўйилса бинойидек тешик очилади.

– Ажойиб! – деди Бўта атаманлардек ўйга ботиб. – Лекин ундан одам сиғармикин?

– Билмадик.

Болалар алвасти-такани ҳам, олтин тожли хўрозни ҳам унутишди. Ҳамманинғ кўзи сувалган тешикда, уни тезроқ очгилари келарди.

– Билиб қолишадди, кераги йўқ, – деди «Атаман» уларнинг ҳафсаласини пир қилиб.

Халил ўзи толган янгилик яроқсиз бўлиб чиққанидан афсусланди. Лекин иш шу билан тугамаслиги апиқ эди.

– Кейин яна суваб кўямиз, билинмайди. Ихтиёр сизларда, – деди Халил.

«Атаман» болаларни жой-жойига ўтказди. Бу унинг «операция»га жиддий киришганидан дарак берарди.

– Аввал ҳеч кимга оғиз очмасликка қасам ичинглар!

– Қасам ичамиз.

– Тўқима пайтава ўраб кирилади. Из билинмаслиги керак. Нарсалардан оз-оздан олинади, бўлмаса хуш! Бирорга ипириски оғзидан гуллаб қўймасин.

«Атаман» коридорга қулоқ тутди, илгакни текширди. Эшик ва деразаларга қоровул қўйгач, тешикни очишга «буйрук» берди.

Халил оташкуракча билан сувалган жойни кўчиришга киришди. Ҳамма унинг гапи ростмикин, деб тош қотган. Бироздан кейин бурчақда тандирнинг оғзидек тешик очилди. «Атаман» бош суқиб кўрди ва Халилнинг гапини тасдиқлади.

– Қани ким киради? Буёғини келишиб олмабмиз-ку!

– Халилнинг ўзи!

– Йўқ, Аҳмад кирсин, у ориқрок.

– Йўқ, сен ориқсан.

– Сенинг белинг ингичкарок.

Халил кирадиган бўлди... Бироз урингач қайтиб чиқди.

– Сизмайман, елкаларим ўтмаяпти. Ҳамма Ёдгорга юзланди.

– Нўхатвой, ҳунарингни кўрсат! – хитоб қилди «Атаман».

Ёдгорнинг ранги бўздай оқарди.

– Қани бўл, Нўхатвой!

– Кирилмайман. Буфетда қолиб кетаман.

– Кирасан, гап тамом!

Буйрук пайсалга солинадиган буйруқлардан эмасди. Тешикка бошини суқди. Қоп-қоронғи! Орқадан далда беришди:

– Ха, Нўхатвой!

Тешикдан қисилиб зўрға ўтди, елкаларини деворнинг гадир-будирни шилиб юборди. Қора терга боғди. Бўш қоғоз қутиларни нарига суриб буфетга кирди. «Атаман»нинг орқадан шипшиган кўрсатмаларини бажар-

ди. Қўлидаги белбоғини сархил ширинликларга тўлатиб, тешикдан узатди. Лекин бунгача бўлари бўлди. Буфетчи Сариковнинг сал-сарик соқоли кўзларига кўринаверди, хали замон қўлидан шап унлайдигандай дириллади.

«Атаман» бошлиқ болалар белбоққа ташланиб, уни паккос эсларидан чиқаришди. Халил хазиллашиб каравотни тешикка сурди. У бўлса буфетда! Аламдан тишлари кисирлаб кетди...

– Ака де, чиқариб оламиз!

– Бакираман!

Коридорда Барот чолнинг паралли этигини дўқиллатиб юргани эшитилди. «Ўч» олишнинг пайти келган эди. Аммо у нафасини чиқаролмади. Ўзи айбдор!

Чол дўнриллай-дўнриллай ётоғига кириб кетди.

– Халил, ол каравотингни. Нўхатвойни чиқаринглар! – деди «Атаман». – У сотмади!

Ёдгор чикқач, тешикни сувадилар, ўзи олиб чикқан ширинликлардан беришди, аммо уларга карамади. Ҳаммадан кичиклигига алами келарди унинг. Кўзидан бир дона ёш думалаб, қўлидаги печенъега томди...

#### 4

*Осмон қоронғи, аммо йўллар ойдин!  
Бўзадирнинг қор тўшалган адирлари ойдин!*

*Орқовулнинг адоғида Бўз от кишнади.  
Улоқ айиргиси келгандай гулдираб-гулдираб кишнади!*

*Кимнинг оти экан!*

*– Сенинг отинг! Боравер, ўелим!  
Кўрқма, юлдузлар сенга эш бўлади.*

*Бола от кишнаган тарафга йўл солди.  
Уни юлдузлар қутладилар,  
улар шуъласида отасини кўрди,  
отаси унга ҳамроҳ бўлди!*

У интернат «операция»си ҳақида ҳеч кимга оғиз очмади. Нукрагаям, момосигаям! Лекин буфетга бошқа кирмасликка қасам ичган. Халил билан Бўта эса кейинги хафта интернатда ётганларида яна буфетнинг тешигини очмоқчи. Сархил ширинликларга мазахўрак бўлган болалар ҳам оқшом тушишини, «операция»нинг бошланшини сабрсизлик билан кутишарди.

Нихоят кеч кириб сирли «қаср»ни оқшом зулмати ўз оғушига олди. Печ ёнига тизилиб, нон қизитиб еб ўтиришганида, Хусан қўрқоқ одатича, кўрган алвастиларидан гап очди:

– Ташқарига чиқсам, буфетнинг эшиги олдида Ёлдор така турибди, кўзлари ёнади. Қўрққанимдан кўзларимни юмиб олдим, яна очиб қарасам! Сариков узун соқолини селкиллатиб турибди! «Ба-ба-ба, Хусанбой конфет ейсанми? Ба-ба-ба, ховучингни тут!» Мен қўрққанимдан ховучимни чўзган эдим, манглайдан катта шох ўсиб чиқса бўладими!» «Ба-ба-а, энди қўлга тушдингми? Буфетга кирган ўғри сен экансан-да!» дейди. Шу пайт Барот чол чиқиб қолди. Така ғойиб бўлди!

– Қўйсанг-чи, тиррик! Такани сендан бошқа кўрмайдими? – деб майна қилди «Атаман».

– Агар буфетга кирсак, така ҳам, Барот командирам ҳеч балони билмас эди, – деди Халил болаларни қизиқтириб. – Бирпаслик иш, қаердан кўриб ўтирибди!

– Рост, ҳозир роса уйқуни ураётгандир.

Бўта текшириб келгани икки болани жўнатди. Улар қайтиб келгач, эшик тирқишидан қулок тутганларини, «командир»нинг аллақачон хурракни «ванг» қўйиб ётганини айтишди.

– Демак, бошлаймиз!

– Бошласанглар, бошлайверинглар, барибир мен кирмайман! – деди қутилмаганда Ёдгор.

– Ия нега энди Нўхатвой?

– Кирмайман дедим кирмайман!

– Ана холос, ахир, сендан бошқа сизмайди-ку!

– Шунинг учунам кирмайман-да!

– Уй, Халил! Киради, кирмай кўрсинчи!

– Йўқ! – бақириб юборди у.

– «Командир»ни орқа қилаяпсанми? Чакиб берасанми?

Ёдгор миқ этмади. Бўта унинг тепасига келиб қўлларини белига тиради:

– Саваласам кирасанми?

– Йўқ!

– Қани жужуклар! Бунинг эсини киритинглар. Катталар аралашмасин, ҳа!

- «Жужуклар» пастки синфда ўқийдиганлар ва унинг синфдошлари эди. Пакана бўлса ҳам олишда Ёдгор ҳаммасини йиқитарди. Лекин кўпчилик бўлганда... Болалар синфига унга тегишга ботинишмади, сўнгра «Атаман»дан ёсканиб ўртага олдилар. Бошлаб Турғун елкасига бир турғиди. Ёкалашиш бошланди. У каршилик кўрсатар, гоҳ униси, гоҳ буниси билан олишарди. Турғун билан Аҳмадни йиқитди, яна иккитасини, бироқ Халилнинг муштидан гандираклаб кетди. Бурнидан тиркираб қон отилди. Гир-гирлаган кўзларини эшикка тикди. Эшикдан қоровул чолми, бошқа бировми кириб қолишини истарди. Бироқ эшик очилмади, ҳеч ким кириб: «Ху болалар, бу нима тўпалон?» демади. Катта болаларга қаради. Улар эса қийқиришар, четга чиққанларни қайтариб «жанг»га солишарди.

- Ҳа, ҳа, бўш келманглар. Сен ҳам Нўхатвой! Енгсанг ҳалолнинг бўлсин!

Энди кўзига эшик ҳам, болалар ҳам кўринмади: муштлар, тепар, олишар, йиқилар, яна туриб олишар эди... Бироздан кейин манглайига сурилиб кетган қашоқини тўғирлади. Атроф сув қуйгандек жимжит. Болалар четга чиққан, ўртада ёлғиз ўзи!

- Яшасин, Нўхатвой!

- Минг қилсаям чавандознинг боласи-да.

- Олтита жужукни эплади-я!

«Жанг» тамом бўлган эди. Ҳаммасининг уст-боши йиртилган, юзи тимдаланган, ёқавайрон. Ёдгор ғолиб чиққанидан қувонмади, хафа ҳам бўлмади, гўё болалардан, бутун оламдан ранжимагандек. У бурчақдаги пақирдан қуржжага сув олиб қонаган бурнини, тирналган юзи ва лаблунжини чайиб белборига артди. Қурткаси ва телпагини кийиб дафтархалтасини елкасига осганча эшикка йўналди. Болалар жой-жойларида тек қотганча кузатиб туришарди. Ниҳоят Бўтанинг дўриллаган овози эшитилди:

- Қаёққа борасан? Ярим кеча-ку!

Бироқ у жавоб қилмади...

Ташқари зим-зиё қоронғи, дарахтларнинг яланғоқ кўланкаларигина кўзга чалинади. У дафъатан нима қилишини билмай туриб қолди. Кетишга юраги дов бермасди, қайтишга ҳам. Болалардан қаттиқ аразлаган

эди-да! Барот «командир» ухлаётган тарбиячилар хона-  
си деразасидан қорачироқ ожизгина милтираб турибди.  
Лекин унга арз қилишни ўзига эп кўрмади.

Беихтиёр осмонга юзланди. Қоронғи фалакда юлдуз-  
лар дур каби сочилиб ётарди. У Сомон йўлида кезиб  
юрган ўзининг миттигина юлдузини ҳам кўрди. Илгари  
энаси кўрсатган: «Шу сенинг юлдузинг, унутма. У сенга  
хамиша ҳамроҳ бўлади, бало-казолардан асрайди», де-  
ган. Нариди Олтин қозик, Хулқар, Тарози, Қўтир эчки,  
Оқбўз от билан Кўкбўз от. Улар қайгадир ошиққандай,  
гўё Етти қароқчи митти юлдузни олиб қочмасин, деган-  
дек. Бирдан кўрқув уни тарк этди, гўё юлдузлардан  
далда олгандек момосини кўргиси, эртақ эшитгиси келиб  
кетди. Шу истак кўрқувни, кўнглидаги барча гиналарни  
бир зумда таркатди. Қорли йўлдан шахдам одимлай  
кетди... Бари эртакка ўхшайди! Ана у Бўзадирга етди.  
Қиш эмас, гўё баҳор! Йўлда ҳам қор эмас оппоқ чечак-  
лар ёйилган, фақат ёнида туғун кўтарган энаси йўқ.  
Ёлғиз ўзи бахмалдай далада чопиб борапти. Огаси  
ёнига!

У ҳали эртаги чинга айланишини билмас эди...

Бўзадирнинг киррасига етганида орқада ниманидир  
сезиб бурилиб қаради: Анча нарида бир қўланка қорни  
ғарчиллатиб келарди. Қаердадир бўриларнинг чўзиб-чўзиб  
увлагани эшитилди. Юраги шув этди. Бўзадир овлоқ,  
кечаси жондорлар кезиб юради, деб эшитган. Қўланка  
тобора унга яқинлашарди. Беихтиёр: «Моможо-он» деб  
ийғи аралаш нидо қилди, олдинга югурмоқчи бўлди,  
бирок оёқлари жонсизлангандек майишиб кетди. Шунда  
кимнингдир кучли қўллари елкасидан тутиб қолди.

– Қўркма болакай, – деди узун бўйли аскарча либос  
кийган киши. – Хеч нарсадан қўркма, мен ҳамроҳ бўламан.

У чиндан-да туш кўраяпман деб ўйлади. Лекин ҳозир  
тушми-ўнгми фарқи йўқ, жондор эмас одамга йўликқани  
муҳим. Шинелли киши қўлидан стаклаб олганди. Елка-  
сида брезент халта, бир қўлида жомадон. Ёдгор унинг  
кафтидан таралаётган илиқликни сезаркан бунинг туш  
ёки рўё эмаслигини тобора аниқроқ хис этарди.

– Ёнғоқлига борасанми? – сўради ҳамроҳи.

– Ҳм.

– Қаердан келаяпсан, нега мунча кеч йўлга чикдинг?

– ...

– Ёнгоқлида кимнинг ўғли бўласан?

– ...

– Хм, Райимберди оксоқолни танийсанми?

Ёдгор дарров «ха» дегиси келди-ю, тагин журъат қилолмади. Ҳамроҳи тўсатдан юришдан тўхтаб сўради:

– Сапия момо тирикми?

– Хм, у менинг...

– Нима менинг?

– Менинг... Момом.

– Момонг! Бўри чавандозчи? Униям эшитганмисан?

Ёдгор унинг овози алланечук қалтираб кетганини, юзига диққат билан тикилаётганини пайқаб «ялт» этиб қаради. Қаршисида қалди-қомати келишган мўйловли киши кўзлари ўтдай чакнаб турарди. Нечундир Нукранинг кўзларига ўхшаб кетди.

У ўйланиб туриб деди:

– Бўри чавандоз менинг отам бўлган.

– Ота-ам?! Ис... Исминг нима?

– Ёдгор.

– Ўғлим! – Ўқраб юборди шинелли киши, қўлидан жомадони тушиб кетди. – Мен... Мен сенинг отангман! Мен Бўри чавандозман!

Ёдгор унинг бағрига отилди... Орадан қанча вақт ўтгани номаълум. Отаси уни кўтариб олди, жомадонини ҳам.

– Кетдик болам, совуқ еб қоласан. Тезроқ бориб момонгдан суюнчи олишинг керак ҳали.

– Нима дейман?

– Отамни Афғондан олиб келдим дейсан-да.

– Мени қандай танидингиз, ахир қўрмагансиз-ку?

– Туғилганингда хат ёзиб суюнчи олишган.

– Шунча вақт Афғонда зиндонда ётдингизми?

– Борайлик айтиб бераман, ўғлим. Айтгандай, ўзинг нима қилиб юрибсан бемахалда?

– Менам кейин айтаман. Нукра буни эшитмасин, қочоқ, деб масҳара қилади, – деди кикирлаб куларкан.

Отаси ҳам кулиб юборди. Ота-бола дийдоридан тўлиқсинган Бўзадир даштлари эмраниб-эмраниб, гувраниб-гувраниб садо берарди!

Чиндан ҳам кейин ҳаммасини билиб олди. Отасининг қуршовда қолган аскарларни қутқариш учун «Қора акула»сини тоғ оралиғига қўндирганини, отишмада яраланиб қўлга тушганини, вертолётни ёрдамчиси бошқариб қутқарилган аскарлар билан учиб кетганини, 7 йил деганда тутқунликдан қутулиб, чегарадан ўтганини, пойтахтдан «Қаҳрамон» медалини олиб келганини қайта-қайта эшитди хали... Ўзи ҳам эртагини, қанча қизик гапларни отасига сўзлаб беради. Лекин... Энасининг Авжинга кетиб қолганиниям, интернатдан қочганиниям айтмайди. «Ёдгор ўша тунда отасига дуч келгани қизик бўпти-да», дейишади болалар. Катталарнинг ҳам хайрати чексиз. «Э, нимасига хайрон қоласизлар? Райимберди оксоқол уйларида қозон осдириб элга ош қўйдиради. Бутун қишлоқ йиғилади. Шаҳардан командирлари ҳам келишади, «Қаҳрамон» медалини тантана билан топишириб, аскарча камзули кўкрагига тақиб қўйишади. У отасининг тилла медали борлигини айтиб болаларга мактанади. Улар: «Бизгаям биргина кўрса-ат, энди сираям интернатда буфетнинг тешигидан кир демаймиз, улоқ-қўзингни тўлдан айирмаймиз, чиллак ўйинида фирромлик қилмаймиз, қалпоғингни таёқ билан 6 қадамдан урмаймиз», деб роса қасам ичишади...

Бариси кейин бўлади. Ҳозир қоқ ярим тун, ота-бола қор босган Қуқбетда боришмоқда. Атрофда Бўзадир даштлари оппоқ бўлиб ястанган. Ёдгорнинг қувончи ичичига сиғмай отасига гап котди:

– Бўз отга мениям миндирасиз-а?

– А, нима дединг? Бўзтарлон қишлоқдами?! – энгикиб сўради отаси.

– Ха. Ёзда олувдор келган эди, момом соттирмади. Ҳозир Райимберди оксоқолнинг сайисхонасида. Кўпкарида миндирасиз-а!

– Уйга борайлик ўғлим. Олдин момонгдан суюнчи олгин. -- Отаси уни қаттиқ кучоқлади, кўзидан думалаган бир томчи ёш Ёдгорнинг юзига томди... Шотидан олганларида Ёнгоқлининг яккам-дуккам миллираган чироқлари кўринди. Бўри чавандознинг юраги кўксидан гупириб, тошиб гурсуллатиб қадам ташларди.

1990 й.

# Хижоялар



## МАЪБУДА

Фаройиб ходиса юз беришидан аввал бирор белги ёки аломат сезилмаганди.

Тонги шабада ховлидаги анжир ва шафтолиларнинг гулга ўтирган шохларини оҳиста чайқатарди. Офтобнинг зарҳал нурлари япроқлар билан ўйнаша-ўйнаша ланг очик деразадан мўралаб хона деворида живир-живир аксланади.

Аваз хали уйғониб-уйғонмаган, аммо шабадани ҳам, офтоб нурларини ҳам равшан идрок этарди. Факат буларнинг бариси у олти йилдан бери танҳо ижарада турадиган ховли буржидаги чоккина хонада эмас, олисда содир бўлаётгандек. Ўзини одатдан ташқари енгил ва хушҳол сезар, нечундир тўшак ҳам пардай ёқимли аъзойи баданини ғалати аллалар эди. Мислсиз роҳат бутун борлигини чулғаб олгани устига жисмига аллақандай тўлқинли қувват оқарди. Йироқда қандайдир кумушранг чўккилар элас-элас оқариб кўринаётгандек, қулоқлари тагида қандайдир садолар, қадимий мусиқа таралаётгандек. Энг қизиги, ёнгинасида кимнингдир билинар-билимас ҳаракати, ҳатто нафас олиши эшитиларди...

«Туш кўраянман, шекилли», деб ўйлади ўзича. Бироз ҳадикланиб кўзларини очди. Хонада ҳеч ким йўқ, ўзи ҳар кунгидек ўринда чалқанча чўзилиб ётибди. Унинг нигоҳи беихтиёр тўрдаги тоқчада тўхтади. Ажабо! Тепаси қадимий услубда учбурчак қилиб ишланган баланд тоқчада ҳар хил буюмлар ортида турадиган сопол хайкалча нур билан ўйнашаётган япроқлар аксига монанд билинар-билимас тебранади...

Бўйи бир газча келадиган маъбуда-аёл сунратидagi кўхна сарғиш хайкалча қачонлардан бери шу ерда

кимир этмай турар, уни кайси халк, кандай замоннинг устаси ясагани, бу ерга ким, қачон қўйганини Аваз билмасди.

Маъбуда-хайкалча ҳаракатланишда давом этарди. Туш ёки алаҳсираш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Атрофдаги манзара рўй-рост кўриниб турибди – ҳовлининг нариги тарафидан одамлар овози, товукларнинг қоқолаши эшитилаётир. Балки ҳали уйқуси роса очилмаганлигидан офтоб нури билан ўйнашаётган япроқлар соясида хайкалча кимирлаётгандек кўринаяптимики?

Энди у хайратланиб эмас, сеҳрлангандек токчадан кўзини узоқламай қолди. Чунки маъбуда-хайкалча шунчаки тебранмасди, латиф қўлчасини кўксига босганча унга ним табассум-ла боқарди, яъни бўйи бир газдан ошмайдиган зарҳал қўғирчок эмас, росмана, тирик аёл, тўғироғи, адл қоматли гўзал киз эди. Эғнидаги либослари, тақинчоқлари нафис, қадимий, шакл ва бичими ажабтовур, аммо ўзига ниҳоятда ярашиқли. Маъбуда унинг хайратига заррача аҳамият бермади, дадил кадам ташлаб токчадан пастга тушди-да алланечук этни жимирлатадиган тиниқ овозда:

– Яхши ухлаб турдингизми, бегим, – деди.

«Ё танграм! – деди Аваз ёстиқдан бошини илкис кўтариб. – Тирик одамдай сўзлаяпти-я! Токчадан худди эшик остонасидан ҳатлаб ўтгандек бемалол тушгани кизик бўлди-ку. Наҳотки ҳаммаси ўнгимда юз бераётган бўлса?!»

– Сизни бевақт уйғотмадимми? – деди яна номаълум соҳибжамол.

Аваз кўзларини чирт юмиб қайтадан очди, рўё йўқолгандир, деб теваракка аланглади. Қайда! Бошдан-оёқ зарҳал либос кийган Маъбуда қаршисида кўлини кўксига босганча таъзим қилиб турарди. Чехраси ниҳоятда гўзал ва маъсум, нигоҳлари шу қадар сокин ва майин эдики, у энди хайратни ҳам унутиб яланғоч баданини бекитиш фикрига тушиб тараддулланди, ёнидаги кўрпани олиб устига тортди.

Маъбуда бундан завқлангандек қулимсиради ва:

– Кийимларингизни олиб берайинми? – деди.

Йў-ў... Йў-э, мен ўзим... – дея зўрға гулдиреди Аваз.

– Мен сувга чикиб келайин бўлмасам, – деди киз.

Аваз шоша-пиша «йўқ», ишорасини қилди. Негаки, у хонадан чикса, ғойиб бўлиб, шу билан мўъжиза тугайдигандек туюларди унга.

– Бироз шош... Шошилмай турунг, синглим. Айтинг, сиз кимсиз ўзи?

– Мен? – деди энди киз чинакам хайратланиб. – Нега бундай сўраясиз?

– ...

– Кимлигимни нахотки билмасангиз?

– Бил... билмайман. Ахир қаёқдан...

– Кеча ёмон ухладингиз, бегим. Ҳаммаси тушунарли, кундузи илмий ракибларингиз сизни хафа қилишган.

– Буни қаердан биласиз? – ҳовликиб сўради Аваз.

– Кечаси билан босинқираб чиқдингиз.

– Кечаси ҳам шу ердამидингиз ҳали?

– Бошқа қаерда бўлардим? Ҳамиша ёнингиздаман-ку.

Авазинг эсига лоп этиб ҳайкалча тушди, шоша-пиша токчага юзланди: ҳайкалча жойида йўқ эди. Кўз ўнгида настга хатлаб тушганини билса ҳам, саросималаниб кизга қаради. У одатдан ташқари ҳеч нима юз бермагандек ёнгинасида атиргулдай эгилиб турарди.

– Анови токчада бир ҳайкалча... – мингиллади Аваз ўзига-ўзи сўзлаётгандек.

– Қандай ҳайкалча? Мен ҳеч кўрмаган эканман уни.

Аваз кизга қараб: «Нега кўрмайсан? Ахир у сен эдинг, ҳозиргина жон битиб токчадан сакраб тушдинг-ку!» – дея бақиришига озгина қолди. Маъбуданинг мулоим боқаётган кийик кўзларига қараб ховуридан тушди, сал хотиржам тортиб сўради:

– Хўп, ҳайкалчани билмасангиз майли, синглим. Айтингчи, ўзингиз кимсиз? Ўзингизни биларсиз...

– Ўзимни? Нега билмайин? Биламан.

– Хўш?

– Мен сизнинг Маъбудангизман.

– Нахотки! Унда мен кимман?

– Сиз менинг бегимсиз.

Авазнинг кулгиси кистарди. Хаммаси қандайдир хазилга ё жинларнинг ўйинига ўхшаб кетарди. Бирок қиз ўзини ниҳоятда табиий тутиб сўзларни ҳеч иккиланмай ишонч билан айтирдики, у кулишга журъат этолмади.

– Яхши, синглим, – деди мўъжиза тобора амалий тус олаётганидан мамнун бўлиб, – ўзингиз ҳақингизда яна сўзлаб беринг. Мен бироз, халигидай... Тушунолмай турибман.

– Чиндан ёмон ухлабсиз, бегим. Майли, сизга зарур бўлса, сўранг, мен айтийин, – деди қиз.

– Бу ерда қачондан буён... Туғилган жойингиз, ота-онангиз қайда?

– Барчаси ўзингизга аён, бегим.

Ниҳоят Аваз сўраб-суриштиришлар фойдасизлигини тушунди. Фаройиб ҳодиса тушми, рўёми, ё ўнгиди юз бераяптими, аввал шунисини аниқлаш ниятида ўрнидан туриб апил-тапил кийинди, сочиқни елкасига ташлаб ховлига чикди.

Офтоб анча кўтарилган, аммо тигдор нури ҳали шабнамларни қуришиб улгурмаган, руҳга тетиклик бахш этувчи салқин шабада эсарди. Уй эгасининг болалари тасма боғичли дафтархалталарини елкасига осганча мактабга жўнашарди. Ўн олти ёшли дуркунгина қиз кўлида супурги, жаранглаган овозда уларга алланимани уқтирарди. Анжир шохлари орасидан Авазга кўзи тушиб сочларини тузатди. Атрофдаги нарсалар бугун нечундир ўзгача туюларди: офтоб нури, шабада фараҳбахш, япроқлар рангин, кизнинг жарангдор овози-ю дўмбок кўкраги ҳам дилида ажиб ҳисларни уйғотди. Демак хужрада юз берган сирли мўъжизанинг алаҳлашга дахли йўқ. Ҳар қалай тезда ҳаммаси равшан бўлади – уйчага қайтиб кирса бас. Лекин у шошилмади, кувур жўмрагидан оқаётган муздек сувда бафуржа ювинди, пахмоқ сочиқ билан бадани қизаргунча артинди. Батамом сергак тортмоқчи эди. Атайин вақт ўтказиш учун ишга отланаётган уй эгаси билан суҳбатлашди. Сувонкул ака одамохун киши, илгари тартиб-интизом кучли эди,

деб ўша замонларни макташини айтмаса, Аваз билан анча яқин.

У дарвозадан чикқач, Аваз ҳам хужрасига бурилди. Ўзини қагчалик беларво тутишга тиришмасин, эшикдан кираётганида юраги беихтиёр дупирлаб кетди. Гумонича, Маъбуда аллақачон тоқчага қайтиб сопол хайкалчага айланган бўлиши керак. Йўқ! Қай кўз билан кўрсинки, қиз ойдай тўлиб уйнинг тўрида ўтирибди. Ўрин-тўшакни йиғиштириб, уйчани бежиримгина тузабди ҳам. Ўртага дастурхон ёзиб нонуштани тайёрлаб қўйибди! Энди Авазнинг ўзи хайкалга айлангандек хайрону лол туриб қолди.

Маъбуда жойидан туриб унга йўл бўшатди.

– Ўрнингизга ўтмайсизми, бегим, – деди.

«Бегим!» Бу сеҳрли сўз яна унга бироз эриш туюлди, аммо энди қулоғига мойдай ёқди. Қиз эса сўзларни таманносиз, поз-карашмаларсиз, дилга малҳамдек йўғриладиган ғалати бир оҳангда талаффуз этарди. Овози ҳам ўзи каби сеҳрли! Унинг одатдан ташқари, кўзни қамаштирадиган жамоли Авазни лол қилиб қўйди. Ишқий китобларда тавсифланган ёки кўча-кўйда учраб қоладиган хурлиқоларнинг бирортасига ўхшамасди у. Лёл ҳусни, малоҳати тўғрисидаги инсоний тушунчалар бунда ожиз. Айни чоғда у эртақлардаги парилару самовий хурлардек мавҳум, хаёлий мавжудот эмас, жисмидан соғломлик, нафосат барқ уриб турган балоғат ёшидаги қиз – бошқалардан фарқи шуки, йиғит киши олдида нозланиб турли наъмалар кўрсатишни билмасди. Умуман, ички туйғуларини қилиқлар билан ифода этмасди, балки улар борлигидан кўзга кўринмас нур каби таралиб турарди.

Нонушта маҳали Аваз ундан ҳеч нимани сўраб-суриштиради. Кўз кўриб қулоқ эшитмаган сирли мўъжизага қизиқиши сўнгани учун эмас, асло. Аксинча, рўй берган ҳодисанинг чинлигига ҳамон ишонолмасди. Англагани шу бўлдики, қиз ўзига дахлдор гафсилотларнинг барисини унга маълум деб ўйлайди. Боя кимлигини сўраганида хайратга тушгани, «ёмон ухлабсиз-да бегим», дея овутгани шундан далолат бе-

рарди. Ноилож қолган Аваз ўзини баҳузуур тутиб коса-даги қаймоққа бир-икки бурда нон ботириб еган бўлди. Маъбуда чой қуйиб узатганида пиёлани «ғинг» демай олди, чойдан хўплади. Кейин соатига кўз ташлаб ўрнидан кўзгалди. Маъбуда ҳам дик этиб турди. Хар куни, ўрганиб қолган юмушини адо этаётгандек унга кийимларини олиб берди. Аваз папкасини қўлтиқлаб эшикка йўналаркан ҳар эхгимолга қарши қизга кўз кирини ташлади.

Маъбуда кишига ғалати таъсир этувчи қийик кўзларини унга қадаганча:

– Яхши бориб келинг, бегим, – деди.

\* \* \*

Кечкурун ишдан қайтар экан йўл усти бозорга кириб ширмой нон, мева-чева харид қилди, тўрдаги растага ўтиб майиз, писта-бодомлардан ҳам сотиб олди. Бугун нега мунча сертаралдуд бўлиб қолганига ўзи ҳам беихтиёр ажабланди.

Дарвозага кириб хужрасига элғадиган йўлакка буриларкан, ичкарида чироқ ёниқлигини кўриб ёкимли энтиқди. Дераза ва эшик ланг очик. Юрак ютиб остона хатлади. Маъбуда уйда эди! Тарин ёлғиз эмас, ёнида Сувонкул аканинг қизи Саодат ҳам бор. Уни кўриб иккиси ҳам ўринларидан туриб салом беришди.

– Сиз йўғингизда қаллиғингиз билан танишиб олдим, – деди Саодат инжудек тишларини кўрсатиб куларкан. – Шу пайтгача биздан яшириб юрган экансиз-а, Аваз ака.

«Қаллик» деган сўздан аъзойи бадани жимирлаб кетди, аммо сир бой бермаслик ниятида қўлидаги нарсаларни Маъбудуга узатиб қўшни қизга гап қотди.

– Зериктириб қўймадингми, ишкилиб, Саодат? Фақат, фақат у меннинг қаллиғим эмас.

– Бўлмаса ким? – қиз қошларини норози чимирди. – Алдаманг ўзлари шундай деди-ку.

– Нимани айтди?

– Сизни бегим бўлади, дедилар. Ана ўзи айтсин.

Маъбуда майингина кулимсираб қўйди. Ўзини чинданда янги тушган келиндай тутарди. Кулгисида, ибодатида ясамаликдан асар ҳам йўқ.

– Мен борай, энди, – дея кетишга чоғланди Саодат, – хали ойим нега йўқ бўлиб кетдинг, деб уришиб берар.

– Йўқ, йўқ, ўтиринг она киз. Хозир овқат сузаман, – деди Маъбуда.

Бирок киз унамади, узр айтиб чикди. Маъбуда уни эшиккача кузатиб қайтди. Аваз уст кийимларини ечиб кўрпачага чордана қурди – ўзини аллакандай самовий манзилда ўтиргандай вазнсиз, аммо хушхол сезарди. Кўз олдида қандайдир рангин ва шукухли манзара намоён...

Овқатдан сўнг столга ўтиб илмий иши билан машғул бўлди. Олдинига янги ҳолатга қўниколмасам керак, деб ўйлаганди. Йўқ, фикри одатдагидан ҳам тиник, гўё Маъбуда юз йиллардан бери у билан ҳамдаму – ҳамхона яшаётгандек сира нокулайлик сезмасди.

Эртасига ва ундан кейинги кунлар ҳам ўзгаришсиз кечди. Аваз институтга бориб келар, кечки овқатдан сўнг китоб ёки илмий ишини қўлга оларди. Маъбуда эса уй юмушлари билан бақд – овқат пиширар, унинг кийимларини ювиб дазмолларди. Бўш қолган пайтларида қўлларини тиззасига жуфтлаштирганча кўрпача устида хаёлчан табассум қилиб ўтирарди. Чехрасидаги сокин ва нафис ифода, мутлақ ишонч кишига чексиз қувват бахш этарди.

Маъбуданинг тилсими ўз ҳамжинсларига тескари таъсир этарди. Саодат ва дугоналари анча синашта бўлиб қолганларига карамай ундан ётсирашар, хузурида бўлмағур қилиқлар ва лузумсиз гаплар билан жигига тегишга уринишарди. Дам олиш кунлари кинога ёки хийбонларни айланишга борганларида ҳам аҳвол шу. Қизлар Маъбудани кўришлари билан унга жонсарак тикилиб қолишар, қошларини чимириганча ҳужумга ёки ҳимояга шайлангандек хурпайишарди.

Бемаврид хираликлардан сакланиш учун киз бечора бирор чора топишдан ожиз эди. Чунки барчага

баробар муомала йўсини, калтис пайтларда бошқалар кўллайдиган химоя воситалари унга сира наф бермасди. Ниҳоят унда бардошсизлик аломатлари сезила бошлади. Чехрасидаги тамкинлик ва сокинлик ўрнини асабий бетоқатлик эгаллайдиган бўлди.

Авазнинг боши котиб қолди. Фаройиб эврилиш билан боғлиқ ҳар бало юз беришини кутганди-ю, аммо йўқ ердан бунақа кўнгилсиз муаммо туғилишини хаёлига келтирмаганди. Қизни овутиш, унга балогардон бўлишга ҳам ўрин йўқ – у беъмани тирғилишлардан қанчалар азият чекмасин, бу ҳақда шикоят қилиш туғул, ранжу изтиробларини изҳор ҳам этмасди. Уларни баайни кийимга ўрнашган чанг – қурумни қокқан каби ўзидан сидириб ташларди-да яна хушвақт, гўзал холатига қайтарди.

Қулар ўтиши билан Маъбуданинг табиатида сезиларли ўзгариш рўй берди. Унда ерлик қизларга хос хулқ-атвор, жўн хис-туйғулар пайдо бўла бошлади. Энди Саодатга ва унинг дугоналарига ўхшаб бўлар-бўлмасга кулар, шанғиллаб гапирар, Авазга ноз-фироқ қилиб турли нағмалар кўрсатарди. Нигоҳларидаги туйғунлик қайгадир ғойиб бўлди, аммо бундан тилсимли жозибасига заррача нутур етмади.

Аваз эса бутунлай янги, сирли оламга тушгандек сезарди ўзини. Энди хужраси тор зиндондек зимистон туюлмас, машиналар ва йўловчилар билан тирбанд шаҳар кўчалари, турки совуқ иморатларнинг тутун ва захдан қорайган деворлари, турфа ранг одамларнинг ёқимсиз киёфалари, ифодасиз бир хиллик юрагини сикмасди. Кейинги пайтларда негадир суҳбату йиғинларда зерикмайдиган, лузумсиз гап-сўзлардан асаблари қакшамайдиган бўлиб қолди. Ёқлайдиган илмий иши, ҳали ўзи равшан тасаввур этмаса-да, Маъбуда билан кечиражак фаройиб ҳаёти ҳақида ширин хаёллар суриб, адоқсиз режалар тузарди. Иккаласини бирга кўрган ганишлар ҳавасланиб қарашса, ёки: «Тўй яқинми, Авазбек?», дея гап ташлашса, ўнғайсизланмас эди. Худди никоҳ тўйи олдидан совға қилаётгандек қизга атир-упалар, либослар олиб берарди. Маъбуда буларга бирор монелик билдирмас,

аксинча иштиёқ ва мамнунлик билан нарсаларни танлашда иштирақ этарди.

Дам олиш кунни ҳам иккиси дўконларни айланганини чиқишди. Тижорат дўконига кириб бир кўйлаклик хонаглас, олтинранг туфли харид қилишди. Сўнгра зеб-зийнатлар бўлмасига ўтишди. Бу ер хийла гавжум, табиийки, мижозларнинг кўпчилиги аёллар эди. Улар орасида никоҳ либосидаги ёш келин-куён ҳам бўлиб атрофидаги дугона-ю жўралари шовқин-сурон билан келинга тақинчоклар танлашарди. Маъбуда ҳар хил хужумлардан юрак олдириб кўйгани учун одамлар тўдалашган жойларда, айниқса киз-жувонлар орасида ўзини четга оларди, аммо бу ерда эҳтиёткорликни унутиб пештахта ойнаси тагига терилган ранг-баранг тақинчокларни берилиб кўздан кечириб бошлади. Унда пайдо бўлган оддий аёлларга хос сезгилардан энг кучлиси ҳам ялтироқ нарсаларга ўчлик эди. Аваз дўкондагилар харид қилаётган нарсалар билан овора бўлиб Маъбудага эътибор қилишмас, дея умид қилганди. Минг афсус! Бундай бўлмади. Маъбуда кириши билан ҳамма унга ўгирилиб қарашди. Тўй-тантана шавқидан шоду масрур киз-жувонлар кулги, ҳазил-мазахларини дарҳол тўхтатиб Маъбудага анг-танг бўлиб термилиб қолишди. Пўрим кийинган, жиккак мўйловли сотувчи йигитгина ўзини йўқотмади. Қизга тилла тишларини кўрсатиб илжайганча: «Нима оласиз, опагон? Манави сирға жуда яхши, тақиб кўринг, сизга жуда ярашади», дея гапга тутарди. Бечора келин-куёвни ҳамма унутган, улар билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Бирок Аваз хавфсирагандек Маъбудага беозор ошифталик узоққа чўзилмади. Қизларнинг юзидаги ҳайрат ифодаси тезгина исёнкор адоват билан алмашинди. Маъбуда эса яқинлашиб келаётган хатарни пайқамай олифта сотувчи йигит узатган безакларни танлашда давом этарди.

Шунда келиннинг ёнида турган лўливан дугонаси бирдан шанғиллаб колди:

– Ким экан бу ойларни? Мунча ўзига бини кўйган!

Бошқаси сотувчига кичқирди:

– Ҳой ака, намунача опажонлаб қолдингиз? Кўзингиз ўша хитойбашарадан бошқани кўрмайдими? Бизни жўнатсангиз-чи, аввал. Биз ЗАГСга боришимиз керак.

– Бунака суюқоёқ ойимчаларни биламиз. Куппа-кундузи ҳам эркакларни йўлдан уришдан тоймайди булар.

Қизлар энди дўконни бошларига кўтариб шовкин солишарди. Бирови тўсиндан Маъбудага ташланиб қўлидаги билагузукни юлиб олди, бошқаси, ҳе йўқ, бе йўқ сочига чанг солди... Аваз бир амаллаб Маъбудани разабланган хурликолардан ажратиб ташқарига олиб чиқди. Юз кўзи тирналган, сочлари тўзғитан шўрлик қиз унинг оғушида даф-даф титраганча ўпкасини бо-солмай йиғларди. Харид қилган нарсаларидан фақат қуловига тақиб олган сирғаси омон қолибди...

\* \* \*

Аваз туни билан ҳаракат қилиб уни овута олмади. Эркалашлари ҳам, ўпичлари ҳам фойда бермади. Қизнинг вужудини қамраган титроқ одатдаги, ранжу аламга ўхшамасди. Унинг руҳида аллақандай тузатиб бўлмас, даҳшатли ўзгариш рўй берганди. Аваз унинг худди овчи таъқибига йўликкан охудек ночор тарзига қараб юраги ачишиб кетди. Гўзал хилқат кўз ўнгида сўлиб, илохий жозибасини, йўқотиб борарди. Ўйлаб ўйига етолмади: нима қилиш керак? Нахотки уни илгариги ҳолатига қайтариб бўлмаса?!

Бир сафар ишдан қайтаётиб хаёлига келган ажойиб фикрдан қувониб кетди. Қишлоққа бориб келишади. Маъбуда қаршилиқ қилмаса, у ёқда бирор ой туриши ҳам мумкин. Уйдагилар, айниқса, сингиллари севинишади. Қолаверса, у ердаги одамлар анча вазмин, ҳафсаласиз, ҳар хил синоатларга ўч бўлишса-да, ҳаммасига табиий нарсдек қарашади. Қишлоқда ҳеч ким сабабсиз бировга тирғилмайди. Маъбуданинг одатдан ташқари чиройи ҳам уларнинг капалагини учирмаса керак – шаҳарда ким кўп, бир қошиқ сув билан ютгудек қиз кўп. Маъбуда эса... эҳтимол у ердаги тўпори хаёт, тоза ҳаво, самимий мулоқотлар хуш таъсир кўрсатиб шаҳарда йўликкан кўргиликлари асоратидан фориг бўлар...

У қароридан шодланиб илмий раҳбари Бойназаровдан икки кунга жавоб олди, уйдагиларга совға-салом харид қилди. Маъбула ҳам янги сафардан мамнундек рўйхушлик кўрсатди. Аваз йўл бўйи унга дахлдор «тафсилотлар»ни дилида пишитиб кетди. Бир тасодиф билан юртимизга келиб қолган, институтга кирмоқчи бўлган-у, аммо синовлардан ўтолмаган. Ахир, ҳозирги қизларнинг билими ўзига ярашада... Синовлар пайтида иккаласи танишиб қолиб турмуш қуришга аҳд қилишди. Тўйгача қиз қишлоқда яшаб туради. Кейин ота-онасига ётиғи билан тушунтириш мумкин. Улар ҳам қаршилик қилишмас. Муҳими, бу ердагиларга қиз маъқул тушса бўлгани.

Қишлоқда ҳаммаси у ўйлагандек кечди, ортиқча тушунмовчиликлар туғилмади ҳисоб. Маъбудани уйда қолдириб қайтаркан, сингилларидан унга кўз-қулоқ бўлишни ўтинди. «Унинг сал бошқачароқлигига аҳамият берманглар, яхши муомала қилиб билганларингни ўргатинглар, бирор қори ҳол бўлса менга хабар қилинглар», деб тайинлади.

У икки ҳафталарда уйга бориб Маъбудадан хабар олишни чамалаган эди. Аммо бунга имкони бўлмади. Машғулотлар битгач синовлар бошланди. Кейин илмий ишини тугаллаш билан банд бўлди. Шубҳасиз, Маъбудаси бир зум ҳам хаёлидан кўтарилмаганди. Ниҳоят, ишлари бир ёқли бўлгач, ҳаяллаб ўтирмай қишлоққа жўнади. Назарида орадан ой эмас йиллар ўтгандек. Қизни қай ҳолатда, қандай таразу аснода кўришни ўйлаб ҳаддан зиёд ошиқарди.

Қишлоққа кираверишдаги пахтазор ёнида автобусдан тушди. Кун номозгарга яқинлашган, эгат бошидаги хирмон қиз-жувонлар билан гавжум бўлиб улар терган пахталарини топширишаётганди. Мўлжали тўғри чиқди: сингиллари шу ерда эди. Маъбула ҳам улар орасида. У тарозибонга салом берди, сўнгра ёнига ийманибгина яқинлашган сингиллари билан сўрашди. Уни ҳайрон қилган нарса шу бўлдики, Маъбула у билан худди нотаниш одамдек парвосиз, бироз ётсираб кўришди. Рўмол ҳам эмас, қандайдир оқ мато

билан юз-кўзини танғиб олганидан уни бошқа теримчи кизлардан ажратиш мушкул – олдингидек издиҳом ичра кўзга ярк этиб ташланмасди. Юзи қорайган, кўримсиз, момик билаклари ингичкалашгандай, адл комати эгик, атрофга алланечук мунғайиб маъносиз боқарди. Унга қараб туриб недандир айрилгандек, Авазнинг юраги шув этди.

Йўлда уни гапиртиришга уринди, аммо бундан ҳеч садо чиқмади. Маъбуда: «Мени шаҳарга олиб кетинг», деган калимадан бошқа бир оғиз ҳам сўз айтмади.

Кечкурун энаси ва сингиллари билан ёлғиз қолиб у тўғрисида суриштирди.

– Ўзи ёмон қиз эмасу, сал мероврокми-я, – деди энаси. – Бошда анча хушфёъл, хушчақчақ кўрунувди.

– Ҳозирчи?

– Ҳозир ундай эмас, – деди тўнғич синглиси.

– Гап сўрасангиз, эшитмагандек жим тураверади. Қаёққадир тикилиб хаёл сургани-сурган. Жудаям ичимдан топ экан бу қизингиз, акажон.

– Олдин яхши эди, – деб қўйди кичик синглиси хўрсиниб.

– Унда бошқа ўзгаришларни пайқамадингларми? – сўради ўйга ботган Аваз. – Мисол учун илгари жуда чиройли эди, қараса, кишини сеҳрлаб қўярди.

– Бунисини билмадик, – деди кизлар. – Рост кўзида бир бало бор эди. Ўзини худди эртақлардаги парилардек тутарди. Кейин бу одатлари йўқолди.

– Балки унга бирор нарса бўлгандир, сезмадингларми? Ё ўзи нимадандир нолимадимми?

– Йўқ, ҳеч нарсадан нолимасди. Ёз бўйи биз қатори ишлаб юрди. Терим бошлангандан бери далага чикиб бинойидек пахта тераяпти. Бошқасини билмадик.

Эртасига нонуштадан сўнг Маъбуда ўзига нечундир ярашмай қолган кийимларини кийиб унинг ёнига келди, йиғлаётгандек ўзгарган, мунгли, зардали овозда: «Мени шаҳарга олиб кетинг», деди. Аваз унга надомат билан тикилди – қараганида кишини ақл ҳушидан айирадиган кийик кўзларида энди ҳеч қандай тилсим ҳам, ифода ҳам йўқ эди.

– Майли, болам, олиб бора қол. Бечора ота-онасини қаттиқ соғинибди, шекилли, – деди энаси ёшланган кўзларини доқа рўмоли учида артиб. – Тагин олиб келарсан. Кейинам тўйга сойибларининг розилигини олгин-а, болам. Ота-она рози, худо рози, деганлар.

Йўлда ҳам, шаҳарга етганларида ҳам деярли сўзлашишмади. Маъбуда унинг ҳамма саволларига «ха», «йўқ», дея қисқа, раббатсиз жавоб қиларди холос.

Оқшом чоғи қиз бурчакка тикилганча мунғайиб ўтирарди. Энди Авазга, хужрадаги буюмларга, ёруғ оламдаги жамики нарсаларга тамоман бефарқ бўлиб қолганди. Аваз уни ўзига келтириш ниятида елкасидан қучди, юз-кўзларидан эҳтиросла ўпди, аммо қиз жонсизлангандек эркалашларига ҳеч бир жавоб қилмади. Аъзойи бадани тош қотган, муздек совуқ эди...

У наҳорда алоқ-чалоқ туш кўриб ўз кичкириғидан уйғониб кетди. Тушида ғира-шира бўшлиқ ичида муаллақ сузаётганмиш. Хона деворларида сарғиш кўйлакли Маъбуда аллақайга чекиниб борармиш. У ҳарчанд қўлини узатиб тутиб олишга уринмасин, девор ҳам, қиз ҳам тубсиз қоронғилик қаърига ғойиб бўлди...

Жон ҳолатда устидан кўрпани иткитиб ёнига қаради – ўрин бўм-бўш, унда жикқа терга ботганча ёлғиз ўзи ётарди! Маъбуда ташқарига чиққандир дея эшикка ялт этиб қаради. Илгак ҳалқага илинганича турибди. Шоша-пиша хужра ичига кўз югуртирди. Беихтиёр нигоҳи тўрдаги тоқчага тушиб хайратдан донг қотиб қолди – сопол хайкалча чойнак пиёлалар ортида олдин қандай бўлса, худди шундай қимир этмай турарди.

Фақат энди олдинги нафислигини йўқотган, юзи кўримсиз, гавдаси, оёқ-қўллари қинғир-қийшиқ туюларди. Аваз унга ўкинч билан тикиларкан, қуловидаги тақинчоғига кўзи тушиб хайратдан кичкириб юбораёзди. Бу ўша келин-куёвлар дўконидан тўс-тўполонда харид қилинган сирғалар эди...

## ШАФФОФ ОДАМ

Унинг ишдан бўшаб кетганига анча бўлди. Қарийб уч йил ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам тинчлик бермаган бу банда хизмат жойини фавқулодда осойишта, баҳсу мунозарасиз тарк этди. Хатто янги ишга келган пайти жанжаллашиб, гаплашмай қўйган хизматдошлари билан ҳам кадронлардек хайрлашди, етказган озори учун уэр сўради.

Хизматдошлар ўзларининг одатича парво ҳам қилишмади бунга. Аксинча, уни бу маҳқамага чархнинг қайси кажрафтори етаклаб келганию маъмурият қайси юрак билан ишга қабул қилгани хусусидаги баҳсларини янада авж олдиришди. Ўз ихтиёри билан ишдан кетган ҳамкасбимни «элакдан ўтказувчи» бу мунозараларга фақатгина мен қўшилмас эдим. Уни яхши билганим, ишдан бўшатишларини сўраб ариза ёзишига нима мажбур қилганидан воқиф бўлганим учунгина эмас, албатта. Хаёлим айни дам ундаги ўзга синоатлар билан банд бўлганидан бу шивир-шивирларга қўшилмайман.

Айрим кишилар болаликда булутни девларга менгзаш, дарахтлару тошлар тимсолида арвоҳларни тасаввур этиш сингари одатларидан улрайиб ҳам халос бўла олишмайди. Ким билсин, собик ҳамкасбимнинг кўзимга шаффоф бўлиб кўриниши балки ана шундай хаёллар маҳсули бўлса?.. Шунини ўйласам туйқусдан ўзимдан ўзим хайратланаман. Нега бошқалар учун бор-йўри: «Э, уми? Ҳа, ўша-да!» саналган бу кимса қутилмаганда менга шаффоф бўлиб туюлади? Нимада бунинг сири? Учинданам шаффофми? Нега?

Бўлак ходимлар биринчи ҳафтадаёқ унинг таржимай холини ипидан игнасигача билиб олишди.

Ғалати, ковушмаган гаплари, антиқа фесьл-атворини ўзларича жўнгина: «Э, уми? Ҳа, ўша-да!», деган тагдор ибора билан изохлашни одат қилишган. Худди шу изохларидан келиб чиққан ҳолда у билан муомала қилишар, баҳслашишар, жанжаллашишар эди. Мен ҳам пуқул, мунозара қандай тугашидан қатъи назар: «Ҳа, у «Шаффоф-ку!» деган «кашфиёт»им билан ҳақ бўлиб чиқаверардим. Иқроор бўлиш керак, бу «кашфиёт» мени кўн ҳам қаноатлангирмас, хаёлимга келтирган захотим ичимни нимадир тирнай бошлар эди. Ахир болаликдан мерос тасаввурлар ҳеч нарсани белгиламайди, булут ҳеч қачон дев, дарахт – одам бўлиб қолмайди-ку?! Мўъжиза юз бериб, шундай бўлганида ҳам ким бунга ишонарди дейсиз? Умуман, мен мулоҳазаларимни барча тушунади-гандек қилиб қолишга сола олиш иқтидорига эга эмасман. Шу боис уларни қуйида ўзим ҳис қилгандек баён этишга интилиб кўраман.

Шаффоф – ғайритабиий, мавҳум одам. Ундан эҳтиёт бўлган маъқулроқ. «Ўзингга маҳкам бўл, қўшпингни ўғри тутма» деб бежиз айтишмаган, ахир. Фойда келтирса-ку хўп-хўп, лекин зарари тегса... худо кўрсатмасин! Тўғри, турли хил одам бор дунёда. Табиат уларни бино этган, уларга қўниқиб кетган. Даҳолар, ақли ноқислар, доною телбалар, совлару касаллар, зўрлару кучсиёлар, пихини ёрганлару соддалар, гўзалу хунуқлар истаганча топилади ер юзида. Лекин бу фазилат ҳамда қусур соҳиблари ҳеч қачон ҳеч кимни ҳайратга солишмайди, гаплари ҳам, хатти-ҳаракатлари ҳам эриш туюлмайди кишига. Шаффоф эса... Эҳтимол, мен хаёлпарастлигимга бориб сал ошираётгандирман-у, лекин барибир у ажабтовур, ҳеч кимга ўхшамайдиган одам. Акс ҳолда, у тўғрида: «Э, уми? Ҳа, ўша-да!» ёки «ШАФФОФ» деб номлашнинг ҳеч бир маъноси йўқ. Ҳар қалай, Шаффофни биз «ОДАМ» дедик. Демак, шу маънода у ўз атрофидагилардан бир туки билан ҳам фарқ қилмайдиган жонзот, лекин унга иши тушмаган, у билан бевосита мулоқот қилмаган кишигагина шундай туюлиши мумкин. Боз устига, у турланиб, қиёфасинигина эмас, ички оламини, муомала йўсинларини ўзгартириб турадики, маъмурлар-

нинг уни ишга силлиққина қабул қилишгани шу билан изоҳланса ажаб эмас.

Шаффофнинг ёши паспорти бўйича нечадалиги маҳкама бошқарувчиси Қаршиевдан тортиб қоровулгача маълум эди-ю, лекин ўзига қараб буни билиб бўлмасди. Унинг ташқи қиёфаси ҳақида аниқ бир нима дейиш мушкул. Гоҳо кишида навқиронлик сарҳадидан аллақачон ошган, анча-мунча ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган одамдек таассурот қолдирар, гоҳо эса навжувон, Алпомишдай баҳодир, лекин иродасиз, қуёнжорак йигитчага ўхшаб кетар, яна бир қарасангиз фириб беришга уринаётган зийрак ўспирин, ҳатто маъсум болакай тусига кирар эди. Гарчи роятда хушсурат эса-да, баъзан кишида ачиниш ҳиссини кўзгатадиган даражада нотавон кўринарди. Келбати, бўлиқ жуссаси, ўйнаб чиққан мушаклари уни бирор худонинг бандаси енга олиши мумкинлигига умид ҳам қолдирмасди, аммо бу жусса ва мушаклар худди шишадан ясалгандек мўрт кўринардикки, у гўё синиб кетмаслик учун тўқнашувлардан қочар, одамлардан ўзини нари тутишга интилар, ранги, юз ифодаси, нигоҳлари ҳам шунга монанд, шаффофлик таъсирида – бепарда сўз, сурбет нигоҳ, қўланса нафасдан худди аъзоларига доғ тушиб қоладигандек, доимо ҳадиксираб, атрофга шубҳали аланглаб юрарди. Қизиги шундаки, гоҳо у энг оддий нарсаларни пайқамагани ҳолда, одамларнинг ҳеч тушига кирмаган гапларни айтиб қолар, дуч келган масалада таваккалига, томдан тараша тушгандек хулоса чиқараверади. Масалан, у бир гал: Лондонда ўтаётган «Осиё маликаси» кўригида вакиламизга ҳеч бир ўрин насиб этмайди, чунки вакиламиз ҳамда уни тайёрлаганларда гўзаллик хусусидаги асрий тушунча ва тажриба йўқ», деган эди. Ҳамма Шаффофни қанчалик аҳмоққа чиқармасин, натижа барибир у айтгандек бўлди. Бошқа сафар казо-казолар тан олган ёзувчининг асарларини «бўлмайди»га чиқарди. Нега десангиз, нуқул номаълум ҳақиқатларни эмас, маълум ҳақиқатларни ёзармиш. Қизик! Дарвоқе, унда антиқа фазилатлар ҳам гоҳида мана-ман деб кўзга ташланарди-ю, аммо бу ҳақда ҳеч ким миқ этмасди. Гўёки уни тан олиш, ютуқларини эъ-

тироф этиш, кўнглини кўтариш мумкин эмасдек, аксинча уни хамиша пастга уриш кераклиги ички эҳтиёжимизга айланган.

Шаффоф жон деб барисига қўл силтаган бўларди-ю, аммо ходимлар у билан баҳслашишнинг роса ҳадисини олганларидан бунга имкон беришмасди. Улар Шаффоф билан жанжаллашиб, ҳеч нарса ютқазмасликларини яхши билишарди. Одамларни бағритошликда айблашнинг ҳожати йўқ. Зеро, улар азбаройи Шаффофга ичлари ачиганидан, унинг сал-пал «одам»га ўхшашини истаганларидан жон куйдиришарди. Афсуски, бу уринишлар Шаффофга қор қилмасди... Эсимда, бир сафар хангома учунгина ўзини унга яқин тутиб юрадиган ходимлардан бири қизларнинг унга қилган «қилғилиғини» айтиб устидан кулмоқчи бўлганида у: «Кечирасиз-у, сиз тўнкасиз!», деган эди. Ходим келиб-келиб Шаффофдан изза бўлганига алами келиб: «Бекорларни айтибсан!» деди ва у билан роса жанжаллашди, лекин «тўнка» эмаслигини изоҳлаб беролмади. «Қилғиликлар»га келсак... Гўзал жинс вакилаларига унинг нимасидир ёқарди. Шилқимлик қилмаслиги, аксинча, ўзини олиб қочиб юриши шаштларини қайтариш ўрнига қизиқишларини баттар авж олдирарди. Жўнгина таърифлаганда, ҳаммаси чироққа интилган парвонадай хамиша атрофида гирдиқапалак бўлишарди. Қизияи шуки, севгилари чинми-ҳазилми, лекин Шаффоф тайин уларни қулоғигача севиб қолишини исташар эди. Бу йўлдан уларни ҳеч нарса: на унинг лаззатбахш гўзалликлари қаршисида сокинлиги, на шубҳали борлиги ва на бошқаларнинг у ҳақдаги «халис» таъриф – тавсифлари қайтаришга қодир эмасдек туюларди. У билан недир ишқий мулоқот қилишнинг турли усулларини ишга солишарди. Қайсидир офат-жонни хонасида у билан ёлғиз қолдириб сиртларидан эшикни қулфлаб қўйиш энг беозор нағмаларидан эди. Қандайдир Шаффофга бунчалик эътибор, дил изҳорлари, умуман унинг сабабсиз машҳурлиги маҳкама эркакларининг жонини чиқариши табиий, албатта.

Ўрни келганда айтиб ўтишим лозимки, Қаршиев ҳам уни ўлгудек ёмон кўрарди. Турган гапки, маҳкаманида

бунга ҳам турли ривоятлар тўқилган: Юкоридагиларнинг киши билмас имдоди (негалиги маълум эмас), ирсий жихатдан чиқиштирмаслик, накти келиб ўрнини эгалла-маслиги учун попугини пасайтириш... Тўғри, ишониш қийинрок бўлган бошқа таъбир ҳам бор эди. Эмишки, бошлиқнинг амалиёт ўтагани бу ерга келган мохитобон кизи Шаффофни кўриб, халигидай... У бўлса йили балиқ эмасми, дили тугул тилининг ҳам қулфини оч-мабди. Оқибат, севги «илоҳа»лари уни Шаффофдан сабоқ олиш баҳонасида кабинетида қолдириб сиртлари-дан қулфлашган-у тушликка чиқиб кетишган. Қайтиб келиб эшикни очишса... Не қўз билан кўришсинки, Шаффоф костюм-шимининг барча тугмаларини қадаган ҳолда столнинг нариги чеккасида туриб сув хўжалиги бошқармасига йўлланадиган тавсияни айтиб турар, киз бўлса қимматбаҳо пардозини, не-не орзулар билан туг-малари ечилган кўкрагини ҳайф қилиб матни машинка-да кўчириш билан машғул экан. Қизга:

– Янаги сафар зараркундаларга қарши химикат-ларни қандай қўллаш мавзуида тавсия ёзиш амалиётини ўрганамиз, хурматли талаба, – деган у пинагини бузмай.

Ҳазилкаш қизларку садкаи сар, отасининг эр-каси, дами пўлатни эритадиган ўн тўққиз ёшли Соҳибжамолнинг чинакамига жаҳли чиққанини тасав-вур этинг! Ҳатто маҳаллий газетчи Эргаш Расул бу ҳақда, яъниким Шаффофнинг «шаффофлиги» ҳақида яхшигина ҳажвия ҳам қоралаган дейишади. Очиғи, бун-га кўпчилик ишонқирамаган бўлсаям Қаршиевнинг унга қаршилиги ҳазилакам эмасди... Бир сафар Шаффоф-нинг аллақандай қорозни бошлиқнинг тумшугига тек-кизгудек силкитиб, у билан баҳслашиб тургани устидан чиқдим. Қизиги шундаки, унинг қўли ва қороз нечундир полиэтилинга ўхшаш рангсиз, харфлари хавода муаллақ осилиб турар, бемалол ўқиш мумкин эди. Дарҳол ту-шундим: чорак йиллик иш якуни бўйича мукофотлан-ган ва танқид қилинган ходимлар рўйхати. Табиийки, Шаффофнинг исм-шарифи қуйида, ёмон ишлаганлар каторида турарди.

Қаршиев унга босиқлик билан тушунтира кетди:

– Айтдим-ку сизга, бизда англашилмовчилик бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир ходимнинг иши кафтдагидек кўриниб тургач... Мана, Қобилжонов кварталда 12 та қўлланма тайёрлаган. Унинг 9 таси пахтачиликни ривожлантириш ҳақида. Сиз эса атиги 5 та тавсия ёзгансиз. Сизни қандай мукофотлаймиз? Ахир бу кўзбўямачилик, кўшиб ёзиш бўлади-ку!

– Лекин атиги 2 та қўлланма тайёрлаган Акрамхоновга алоҳида мукофот берилибди-ку! – дея эътироз билдирди Шаффоф.

– Унда сиз ҳам долзарб мавзуда тайёрланг! – киприк қоқмай маслаҳат берди бошлик.

Шаффоф кўнмади:

– Нимага асосланиб бундай деяпсиз? Нима, меники долзарб эмасми?

– Сизники ҳам долзарб, лекин тумтароқ. Акрамхоновникичалик эмас-да. Нукул шахсий фикрларингизни тикиштиргансиз, қолаверса, сизнинг тавсияларингиз пахта камроқ экишга қаратилган. Кўпроқ ишланг, изланинг, оласиз шунда мукофот.

Шаффофнинг юзи аввалига қордай оқарди, кейин аста-секин рангсизлана бошлади, жамики аъзоси кийимларигача илғаш қийин бўлган шаффоф тусга кирди.

– Хўп, майли, – деди у. Қаршиев эса кабинетни тарк этаётган оқини шарпани кинояли кузатиб қолди.

Шу воқеадан сўнг Шаффоф уч ой тинимсиз қаттиқ ишлади. Ҳамкасбларнинг қаршилигини гоҳ синдириб, гоҳо уларга ён бериб, қийинчиликларни мардонавор бартараф этди. Бўлимдагиларга келганда, улар ҳасаддан эмас, Шаффофнинг имкониятлари амалий тус олишидан, натижада ишнинг суръати ва даражаси ошиб кетишидан чўчиганлари учун унинг ишини олға силжитмаслик пайдан бўлишарди. Шаффоф тавсияларини тасдиқламагани, ўзи кашфиёт деб ҳисоблаган бандларини олиб ташлагани учун масъул котиб билан ҳам жанг олиб борарди.

– Нега бундай қиласиз? – дерди у одатича кизишаркан.

Масъул котиб унинг тавсиялари маҳкама фаолиятини издан чиқариши мумкинлигини тушунтириб ўтирмасди.

– Буларингиз бўлмайди, оғайни, – дерди жўнгина килиб.

– Нега?

– Бўлмайди-да. Бошқа ёзинг.

– Бу нима деганингиз?

– Бошқаларга қаранг, ўрганинг...

– Биладан ўша бошқаларингизникини. Бир пулга қиммат, бариси эски гаплар, ҳеч бир соҳада қўллашга ярамайди!

– Э, оғайни, қўйсангизчи. Ташкилотлар «ғинг» демай қабул қилишаяптими, демак ярар экан. Боринг, ишланг, вақтимни олманг.

Шаффоф уни ҳақорат қилмаса ҳам, кишининг нафсониятига озор етказадиган гапларни айтиб чиқиб кетди. Аслида булар кўпчиликнинг дилидаги гаплар эди-да. Мабодо биров: «Сиз билимсиз, замондан орқада қолган одамсиз!», деб ёқасига ёпиштирса масъул котиб кек сақламаган бўларди. Аммо бу гапларни Шаффофнинг оғзидан эшитиш! Ҳа, унинг салгина қочириғи ҳам кишининг суяк-суягидан ўтиб кетар эди...

\* \* \*

У илк марта менга Шаффоф бўлиб туюлган кун аниқ эсимда. Бунга қадар у аллақачон «Э уми? Ҳа, ўша-да!» бўлиб улгурган эди. Болалик одатларидан бошқаларга қараганда кам халос бўлганим туфайлими, у ҳақда бир тўхтамга келишим учун менга роппа-роса уч ой керак бўлди.

Ҳаммасига унинг бошлиғимиз Қаршиев билан олиб борган туганмас бахслари сабабчи эди, чамамда. Ўша кун одатдагидек мажлисга йиғилгандик. Шаффоф сал кечикиброқ кирди. Бошлиқ янги ходимнинг эшиқдан кирмасдан тешиқдан маҳкама тартибига ҳурматсизлик қилаётганидан жаҳли чиқиб, унга қаттиқ танбех берди. Шаффоф мажлис ўтаётган хонага худди бир айб иш қилиб қўйгандек ранги рўйи бўзариб кириб келган эди. У ўзига ярашмаган хокисорлик билан кечиккани учун узр сўради ва пойгакдаги бўш курсини охиста ўзига сурди. Бирок ғазабланган дамларида ҳам ҳаяжонлан-

майдиған Қаршиев худди биров арпасини хом ўргандек, томоғини йиртиб қичқирди:

– Тўхта-анг!!!

Шаффоф чўчиб орқасига ўгирилди. Унинг юзидаги изтироб аломатини сезган бошлиқ баттар зуғум қилди:

– Нега интизомни бузасиз?

Шаффоф дарахт баргидай титраб кетди.

– Мен, мен... барвақт келган эдим. Хонамда ушланиб... Иш билан... – дея гуддиради.

Бошлиқ қўли билан эшикни кўрсатди:

– Чикиб кетинг!

Шаффоф бўйсунди, эшик тарафга мажолсиз кадам ташлади. Аммо ҳукмининг таъсир кучидан қоникқан бошлиқ жахлидан тушди.

– Қайтинг, ўтиринг жойингизга, бошқа кечикманг.

Шаффоф бу иноятдан мамнун бўлиши, бошлиқнинг хоҳиш-иродасига дарҳол бўйсунishi керак эди. Шундай қилди, фақат худди биров бўйнига занжир солиб судрагандек. Хатто «қайтинг!» деб буюрилгач, аксинча йўл тутмоқчидек бир зум эшик олдида туриб ҳам қолди.

Мажлис давом этди. Гўё ҳеч қандай диққатни жалб этадиган фавқулудда ҳодиса юз бермагандек. Қаршиев нутқини қайтадан бошлади. Ходимлар: «Шуям можароми, ҳамманинг бошидан ўтган-ку бу», дегандек унинг оғзига тикилишди. Фақат менгина бундан мустасно эдим. Сабаби, Шаффоф хонага ҳадиксираб кириб келган, аланглаб ўтиришга жой қидираётган, «Қайтинг!» дейилгач, эшик олдида ўйланиб туриб қолганидаёқ унинг гавдасини билинар-билинмас оқиш ёғду қоплаганини сезгандим. Хайрон бўлиб қандилга, деразаларга қарадим. Ҳали вақт эрта, чироклар ёқилмаган. Деразалар кунботарга қарагани учун офтоб ҳам тушаётгани йўқ хонага. Тушганида ҳам нур Шаффофни чулғармиди фақат? Хайратим ошиб, буни бошқалар ҳам пайқадимикин, дея атрофимдагиларга зимдан кўз югуртирдим. Шундагина барчанинг эътибори унда эканини англадим. Бошлиқ гўё воҳа пахтачилигини ривожлантириш учун қандай тавсия ва қўлланмалар тайёрлаш зарурлиги хусусида сўзлар, аслида эса нигоҳи столдаги нутқ ёзилган қоғозда эмас.

Шаффоф ўтирган тарафда эди. Ходимлар худди уни берилиб тинглашаётгандек тек қотишган, аслида ер тагидан зўр бериб Шаффофни кузатишарди. Кузатишарди дейиш кам, нигоҳлари саҳт-сумбатинигина эмас, ичак-чавоғию миясини ҳам титкилаётгандек эди.

Ҳаммаси равшан. Мен ҳам ҳеч бир истихоласиз нигоҳимни Шаффофга қададим ва... хайратдан донг қотдим! У Қаршиевнинг галстугидаги тўғнағичдан сал чапрокқа киприк қокмай тикилиб турар, кенг елкалари асабий титрар, худди ўлжасига ташланишга ҳозирлик кўраётган шер тусига кирган эди. Лекин қаёқдан тушаётгани номаълум нур оғушида бўлгани туфайли бутунлай хавфсиз эди. Мен уни кузатишда давом этдим ва ногоҳ уни чуллаган нарса ташки томондан тушмаётганини пайкадим. Негаки, унинг бутун аъзоси худди рангсиз шилдирок қоғозга ўралгандек элас-элас кўринарди. Бу эса унинг вужудини бир қарашда пайқаш маҳол бўлган шарпага ўхшатарди. Хиёл орқага ташланган боши, келишган жуссаси, ички аъзолари, ҳатто ичак-чавоқ, уят аъзолари... Фақат у шарпа ҳам, хайкал ҳам эмас, жонли, қўл билан ушлаб кўрса бўладиган одам – ШАФФОФ ОДАМ эди! Ажабланарлиси шундаки, бошқалар унинг шаффофлигидан буткул беҳабар эди, мен ҳам бунини фақат бугун пайкадим. Йўқса, деярли ҳар куни кўришиб турамиз, маҳкама ошхонасида бир столда рўбарў ўтириб тушлик қилганмиз, ёзда Қарши магистрал каналида бирга чўмилганмиз, ҳатто сузишни ҳам унга ўзим ўргатганман.

Мажлис сўнгида у яна асл холига қайтди, бутун аъзоси – кийимлари остида кўздан йўқолди. Бу ҳеч сезилмасдан, сирли равишда рўй бердики, киприк қокмай тикилиб турганим билан барибир пайқамабман. Одамлар энди унга қарашмас, бошлиқ ҳам маърузасини тугатаётган эди. У одатдагидек: «Бошқа ҳеч кимда гап йўқми?» деб сўраши билан Шаффоф қўлини кўтардию яна барчанинг эътибори унга қадалди.

Шовқин-суровни унчалик хушламайдиган бошлиқ худди ярашишга даъват этгандек «мехрли» жилмайди:

-- Марҳамат, гапиринг.

Шаффоф ўрнидан туриб, одоб билан деди:

– Хурматли Мукум Хайбатович, менга тушунтириб берсангиз, бу ўзи қандай идора?

Бошлиқ унга валати қаради.

– Менимча, бу сизга маълум, ишга кириш учун ёзган аризангизда кўрсатилган шекилли...

– Аризада идора номи кўрсатилгани рост, лекин мен бугун тамоман бошқа жойга ишга кирганимни билиб қолдим-да.

– А? Қандай қилиб?

– Қандайлигини билмаганим учун сиздан сўраяпман-да. Эҳтимол, қушхонанинг орқа ховлисиدير, негаки чириган суякларнинг ҳиди келаяпти бу ердан.

Бошлиқнинг капалаги учди, қахрланиб сўради:

– Нима демоқчисиз бу билан?

– ...

– Чик бу ердан, муттаҳам! – дея жон талвасасида хайқирди бошлиқ.

Овози дераза ойналарию қандилларни ҳам титратиб юборди.

Одамлар даҳшатдан қотиб қолишди, Қаршиев эса ўзини буткул йўқотгани учун тили калимага келмасди.

Воқеа нима билан тугатанини айтиб ўтиришнинг хожати бўлмаса керак. Зеро, бу кундай равшан. Ҳаммага бўлмаса ҳам менга. Чунки мен бошлиқнинг Шаффофни ишдан ҳайдаш тугул, хайфсан ҳам беролмаслигини билардим. Махсус кенгаш чакириб, Шаффофнинг хулқини муҳокама қилганларидан сўнг аён бўлди бу бошқаларга ҳам. Кенгаш аъзолари олдиниға уни ҳақорату айбномаларга кўмиб таллашди, касаба уюшмаси раиси Бозор Эрқор унинг интизомсизлиги хусусида бир папка далилларни стол устиға қўйди. «Ҳозирок аризангни ёз, туркингни кўрмайлик!», дейишди. Бирок унга чора кўришнинг бефойдалигини, бу нафақат ишхона, балки ўзларининг обрўсига ҳам путур етказиши мумкинлигини англашгач, дўқ-пўписа, одоблироқ бўлишға чорлаш билан кифояланишди.

Шунга қарамай, Шаффофнинг кейинги қисмати осон кечмади. Кузатишларининг бир ерида қайд этганим-

дек, у одамлар билан тортишавериб тинкаси қуриган эди. Шунинг учунми, кейинги пайтларда ҳеч зор билан баҳслашмай кўйди, мукофотни деб бошликлар билан жанжаллашишини ҳам бас қилди. Анча-мунча одобга кириб, бинойидек қўйилиб қолди.

Бунинг сабабини мен анча кейин англадим.

Воқеа яна бошлиқнинг хонасида юз берди. Иш юзасидан қабулига киргандим, у ерда Шаффоф Қаршиев билан нимадир тўғрисида гаплашиб турарди, аниқроғи бир илтимоси борлигини айтар, чамамда, уй сўрарди.

– Қанақасига сизга уй берамиз? – дея фигони фалакка кўтарилди Қаршиевнинг. – Навбатнинг охиридасизку?!

Шаффоф дона-дона қилиб деди:

– Жамиятга фойдали ишни бажараётганимни ҳисобга олиб ижрокўм менга бир хонали уй ажратди. Фақат сизнинг розилигингиз қолди, холос.

Бошлиқ аччиғланди.

– Қандай «жамиятга фойдали иш»? Қанака бир хонали уй? Бу хом ҳаёлни миянғиздан чиқариб ташланг, йигит! Сизга уй-пуй йўқ, боринг, вақтимни олманг!

– Жуда қийналиб кетдим, илтимос, манави қозоғга муҳр босиб беринг.

Шаффофнинг жисмида яна ақл бовар қилмас ўзгариш юз берган эди. Энди унинг жамики аъзоси шаффоф туста кирган бўлиб, ичида нима кечаётганлиги яққол кўринар, жигари бетўхтов қора қон ишлаб чиқарар, қон томирлари ёрилгудай кенгайиб кетган, пайлари, мушаклари худди қандайдир ваҳший ҳайвон исқанжасида эзилгандек қонталаш, юраги лахта-лахта қон ичида кўксидан отилиб чиққудек потирларди. Бу – фақат ўта таъсирчанлик ёки фел-атворидаги беқарорлик оқибати эмаслиги кундай равшан. Хайриятки, унинг ҳалокатли ҳолати узок давом этмади – Шаффоф ўзини тез тиклаб олишда Терминатордан ўтса ўтардики, асло қолишмасди.

– Хўш, энди ишга ўтайлик, – деди Қаршиев уни сал чалғитиш, шу йўл билан талабини биратўла рад этиш ниятида. – Нимани қойил қилгансиз, қани кўрсатинг!

Шаффоф қўлтиғидаги калингина папкасини унинг столи устига қўйди. Тан олиш жоиз, у ғайритабиий онг ва қобилият соҳиби – ишлари ҳаминча ярақлаб турар, уларни оддий тавсиялар эмас, бутун бошли илмий асар, дейиш мумкин эди. Аммо Қаршиев одатига кўра у тайёрлаган навбатдаги ишни кўриб чиқди-да, қайтариб берди.

– Тавсияларингиз ҳануз тумтарок, – деди у. – Бўлмайди, олинг, қайтадан ёзинг.

Шаффоф ўзини тутишга харчанд уринмасин, барибир ранги хиёл бўзарди. Қаршиев оғир тин олиб афсус билан бош чайқадида, тортмасидан зарҳал жилдга солинган бир даста қоғоз чиқарди:

– Марҳамат, танишиб чиқинг. Тавсия қандай ёзилишига балки шунда ақлингиз етар.

Мен ҳаммасига тушундим. Бошлиғимизнинг йилда бир хўжақўрсинга ёстиқдай тавсия ёзадиган одати бор эди. Шаффофнинг қўлидаги ҳам шулардан бири бўлиб, унинг мазмунини мен ёддан билардим. Шунинг учун Шаффофнинг: «Бу қўлланма эмас, Афандининг жулдур чопони-ку», дейишини кутдим. Лекин... у кўз югуртириб чиқди-да, юзи ёришиб, хитоб қилди:

– Зўр қўлланма экан! Савод ва теран ҳофиза билан ёзилган. Бунинг тагига ҳарқандай академик жон деб имзо чеккан бўларди. Буни ўқиб, ўзимнинг ғариб тавсиячаларимдан уялиб қолдим.

Хайҳот! бир умр қўл остидагиларининг эътирофига таяниб яшаган бу шахснинг ғазабдан лаблари гезариб кетди. Дафъатан хайрон қолдим: ахир Шаффофдай одам унинг маза-матрасиз, увода тавсияномасини мақтади-ку! Нега бошлиқ мунча кўзларининг пахтасини чиқариб худди қаршисида Шаффоф эмас, ажина ёки арвоҳ тургандай, афтини бужмайтиради? Шаффофга бокдим ва... масала аён бўлди. У заҳарханда табассум билан Қаршиевнинг тепакал бошига умидсиз тикилар, вужуди яна асл рангини йўқотиб, шаффофланган, бу сарфаргиси олдингиларидан ўзгача – сира ақлга сивадиган эмасди. Энди танаси, ички аъзоларигина эмас, мияси, безлари, қилдан нозик асаб толалари яққол кўзга таш-

ланиб турарди! Яна ҳам кизиғи, мияси тинимсиз фикрлар ишлаб чиқарар, уларни кўзга кўринмас, кулоққа эшитилмас аснода киши онгига йўналтирарди. Бариси рўй-рост, аниқ-тиник ва тўша-тўғри мияга пешма-пеш жойланарди!..

Мен бу антиқа «телепатия»нинг қанча вақт давом этганини билмайман. Шаффофнинг миясидан таралаётган фикрлар қатъийлиги, рад этиб бўлмаслиги важдан кишини дахшатга соларди. Назаримда хушимни йўқотдим шекилли, ё бирор нарсани илғагудек аҳволда эмасмидим, фикрларини равшан ҳис этдим-у, эслаб қололмадим. Фақат биргина жумласи онгимда қолди, холос. Унинг ҳам мавзуга асло дахли йўқ: «Қўланса ҳид ертўладан эмас, сизнинг хонангиздан анқияпти!» Ҳа, ҳа, тўп-тўғри Каршиевга юзланиб худди шундай дегани аниқ эсимда.

Кутилмаганда бошлиқ жаҳлдан тушди, папкасини қайтиб олиб афсус-надомат билан бош чайкаганча тортмасига ташлади.

– Боринг, ука, ипилинг. Ҳали ёшсиз, тушунаман, ҳаммамиз ҳам ёшлиқда ўт-олов бўлганмиз, кўзимизга фил чумолича кўринмаган. Маслаҳатим, камтарроқ бўлинг, ҳеч шошилманг, ўзингизни ишда кўрсатинг, шунда уй ҳам, бошқаси ҳам бўлади. Лекин билиб қўйинг, бунақа бетга чопарлик билан ҳеч қачон қосангиз оқармайди. Кўзимга иложи борича камроқ кўрининг, сизга маслаҳатим шу, – деди алланечук титроқ овозда.

Назаримда суяклари бир-бирига ишқаланиб қисирлагандай, шу баробар хонани аллақандай куйкимчил бадбўй ҳид тутгандек бўлди...

\* \* \*

Мартнинг охирлари сувқўноқлар юз кўрсатиб қолган эди. Этни жунжиктирувчи, лекин руҳга аллақандай тетиклик бахш этувчи муздай шабада эсар, бу шабада маҳкаманинг ҳамшиша ёпик, ошиқ-мошиқларини занг босган ойнабанд эшиклари тиркишидан дим хоналарга ҳам йўл топиб кириб, стол ҳамда жавонлардаги қоғозларни тўзғитарди.

– Уф, хаво бунча қўланса, – деб колди кимдир.

Бошқа бири деразадан ташқарига имо қилди:

– Қандай кунларга колдик ўзи? Бир ёқда бутифос дорисининг хиди, бир ёқда Оролнинг қуриши! Табиатнинг табиатлигиям колмади-ку! Анавилардан ўрлаётган ўлимни кўраяпсизларми?

Нохуш хид эртасига янада кучлироқ сезилди. Ажабланарлиси шундаки, у ҳамкасбимиз тахмин қилгандек, рўпарадаги заводнинг мўриларида эмас, айни маҳкаманинг ўзидан анқимоқда эди. Синчков ходимлар ҳар эҳтимолга қарши Шаффофнинг каталакдек хонасига бош сукиб ҳидлаб кўришди. Ўзини ва ҳатто кийимларини ҳам кишибилмас текширувдан ўтказишди. Шаффофнинг ўзи ҳам, хонаси ҳам ҳар доимгидек тоза, бағартиб эди. Шундан сўнг хоналардаги печкаларни, омборхонани, ертўлани қараб чиқишди. Аммо у ердан қачон ўлганлиги номаълум бир мушукнинг скелети, қоғоз куюклари, қўнғиз мўйловли кишининг турли алфозда ишланган ҳажмдор расмлари, ўрок ва болга, чириган чарм тиркиш, йиртиқ галифе шим, пошнаси ейилиб кетган темир нағалли этик, шиша синиқларидан бўлак ҳеч вако топилмади.

– Эллигинчи йиллар чурвақаларининг шўхлиги! – деди Шаффоф ишлайдиган бўлимнинг мудирини Шавқи Суннатович болалик хотираларини завқланиб эсларкан. – Ўзимиз ҳам бўш келмаганмиз, роса чангитганмиз еру кўк демай!..

Ертўладан бўлак ҳеч вако топилмади. Маҳкаманинг қайси бир бурчагида нимадир ўлиб қолган, эртами кечми бу хид, тугайди деган қарорга келишдию кидирувни тўхтатишди. Хид эса маҳкамани икки ҳафтадан кейин ҳам тарк этмади. Аксинча, чидаб бўлмас бир даражага етди. Факат ходимларгина эмас, маъмурият ҳам ташвишга тушиб колди энди. Шошилишч мажлис чақириб, махсус ҳайъат тузилди. Бу ҳайъатга хид манбаини аниқлаш ва уни тезда бартараф этиш вазифаси юкланди. Атиги уч кун муҳлат берилган эса-да, ҳайъат аъзолари қарийб икки ҳафта югур-югур қилиб ҳам топширикни улдамай олишмади. Хид эса кишини хушидан айирар да-

ражага етган эди. Мунозаралар, мухокамаю таклифлар авжга минди, кўшимча тадбирлар белгиланди, фаоллик кўрсатмаган ходимларга ҳайфсан эълон қилинди, ҳатто фаррошлардан бири ўз вазифасига совуққонлик билан карагани учун ишдан бўшатилади. Лекин барибир фойдаси бўлмади. Шунда кимнингдир миясига туйқус Шаффофга мурожаат қилиш керак, деган фикр келиб қолди.

Одатда, гап сўрашса, сўрашмаса дарҳол қизишиб фикрини дўлдай тўкиб ташлайдиган Шаффоф бу сафар гапни қисқа қилди:

– Шаҳар тозаликни назорат қилиш маҳкамасига мурожаат этиш даркор.

Бу таклиф раҳбарларнинг капалагини учириб юборди:

– Нима деяётганингни биласанми ўзи? Бир ками барча ташкилотларга йўл-йўриқ кўрсатувчи идора хидланиб кетибди, деган гап тарқалиши қолувди!

– Унда ўзларинг биласизлар, – деди Шаффоф бепарво.

Бу гапдан маҳкама аҳлининг фирони фалакка ўрлади:

– Айтувдик-ку, бу нусхани умум манфаати зигирча қизиқтирмайди, деб!

– Маълум эди-ку турқ-тароватидан. Нега ишга олишди экан – ҳайронман.

– Мисқоллаб йиғилган обрўмизни оёқ ости қилаяпти бу маҳмадона!..

Бу бидир-бидирларнинг чеки кўринмас эди. Кимдир зудлик билан касаба уюшмаси мажлисини чақириб, уни ишдан ҳайдашни талаб қилди. Бу орада шабада кучайиб, маҳкамани қоплаган ҳидни ташқарига ҳайдай бошлаган эди. Шу боисдан Шаффофни ишдан бўшатишга юраклари бетламади. Нохуш хид ҳақидаги гап-сўз бутун шаҳарга тарқалиб кетишидан чўчишди. Шу хавотир туфайли аввал ишдан ҳайдалган фаррошни ҳам зудлик билан ўз жойига қайтаришди. Кираверишга яна битта қоровул кўйилди, маҳкамага фақат руҳсат қовози билан кириш жорий этилди. Ходимларга эса хоналарни берухсат тарқ этиш ва деразаларни очиш ман қилинди. Деразаларга қалин парда ва қора қовозлар тутилди.

Кўрилган чора-тадбирлар ҳиднинг маҳкамадан нарига тарқалиши ҳамда хунук миш-мишларнинг олдини олди. Лекин кутилгандек, хавонинг қўлансалигидан ичкарида ишлаб бўлмай қолди. Ходимлар барқарорликни сақлаш, ожизликларини фош қилмаслик учунгина ўзларини кувноқ ва бардам кўрсатишар, бир-бирларининг кўнглини кўтариш мақсадида ҳар хил уят латифалар айтишар, хатто (буни айтмаслигим лозим эди-я асли) қизларни бурчакка тортиш... ҳоллари ҳам бўлиб турарди. Бора-бора уларнинг ақллари заха еб, ранглари заҳил тортиб, кўзларидаги нур сўнди. Аёлларнинг чехралари сўлиб, гамзали нигоҳлари бетаъсир бўлиб қолди.

Яна, хуфия бўлса-да, Шаффофга мурожаат қилишга мажбур бўлишди. Ялиниб-ёлворишди, уй ваъда қилишди. Бошлиқ муовини Тавбаев шошганидан: «Яқинда Қаршиевни пенсияга кузатамиз. Тайинки ўрнига мен бошлиқ бўламан ва сени ўзимга ўринбосар қилиб оламан», деб ваъда бериб юборди. Бўлак ходимлар бу гапдан сапчиб тушган бўлсалар-да, аҳволнинг жиддийлигини ҳис этиб, исёнларини ичларига ютишди.

Шаффоф маъносиз сўлгин чехраларга тикилиб, узок сукутга толди, сўнг худди бир қарорга келгандай, ўзligидан воз кечгандай бошини адл кўтарди ва дона-дона қилиб:

– Муҳтарам бошлиғимизни хафа қилиш ниятим йўқ. Шунга қарамай, чиринди ва қўланса ҳид айнан у кишининг хоналаридан анқиётганини айтишга мажбурман. Бу хид шахсан мени ишга келган кунимдан буён безовта қилади, – деди.

Ходимлар бошлиқ номи тилга олинishi билан сесканиб, бу гапни эътирозсиз эшитганимизни бориб чақишмасмикин, деган хавотирда атрофларига олазarak аланглашди ва хурпайиб Шаффофга ташланишга хозирланишди. Лекин кўндан бери ширин орзулар оғушида тунларни бедор ўтказаётган Тавбаев уларни кайтарди. Сўнг шидлат билан Шаффофга ўгирилишди:

– Нима қилиш керак, дейсан?

Шаффоф бу сафар узок куттирмади, унинг бошлиқ котибасига ҳам тушунарли жўнгина жавоби васиятдек янгради:

– Бошлиқни пенсияга чиқариб ертўлани киртишланглар, барча эшик ромларни очиб қўйинглар! Китоб ўқиб мияларингниям тозаланглар. Озод ва хур жамият куринглар.

– Китобларни тинч қўй, эшик-ромларни очишни ўзимиз ҳам биламиз. Гапнинг дангалини айт-қўй, – дейишди унга.

Лекин Шаффоф бошқа гапирмади.

Шундай қилиб, маҳкамани чуллаган қўланса хидни бартараф этиш йўллари сирлигича қолди. Кейинчалик бу хид худди Шаффоф кўрсатган ўша йўллар воситасида бартараф этилган эса-да, ҳеч ким бунинг сабабини шўрлик қахрамонимизнинг телба-тесқари «тавсия»сидан кўрмади.

Чунки Қаршиев шу баҳор аллақачон пенсия ёшига тўлганди. Кўп ўтмай, маҳкама аҳли уни тантана билан фахрли дам олишга кузатди. Тавбаев биринчи ўринбосар бўлгани боис унинг ўрнини эгаллади ва бошлиқлик курсисига чўкиб айтган биринчи гапи шу бўлди:

– Ўртоқлар, мана, баҳор ҳам келди. Хоналар жуда дим, ҳаммаёқни тозаланглар, эшик деразаларни очиб қўйинглар, китоб ўқиб билимларингни оширинглар, компьютерни ўрганинглар. Хадемай ХХI аср бошланади.

Турган гапки, буни айтиш учун албатта Шаффофнинг ўғитига амал қилиш, китобларни ҳижжалаш, интернет хабарларини ёдлаш шарт эмасди. Шу боис ҳеч ким ҳеч нарсага ажабланмади. Тўғри, бошда ҳаво қандайдир енгил, шамол тез ва муздай эсаяпти, вужудимиз ҳам пахтадек енгил тортиб, турли ҳаёлларга сушт бўлиб қолдик, вазнсизлик ҳолатига тушиб қолмасайдик бунақада, дея хавфсирашарди. Сўнг секин-аста кўникиб, ўтган ходисалар ҳақида мунозара ҳам қиладиган бўлишди. Кимдир ҳатто собиқ бошлиқнинг суяк чиришими ё мия қуришими-ей касали бўлганини, бир гал шуни деб Москвада даволаниб ҳам келганини, кейинги пайтлар дарди кучайиб, хид чиқариш даражасига бориб етганини эслади.

Ертўла, Қаршиевнинг ҳайхотдек кабинети обдан киртишланиб, дезинфекцияланиб, деразалар ланг очилгач,

Ўз-ўзидан даҳлиз ва хоналардаги хид ҳам йўқолди. Одамларнинг кўксига баҳор нафаси урилиб, рангларига қайта қон югурди. Эркаклар аввалгидек шўх, кувнок, хотин-қизлар юз-кўзларини бўяб уларга сузилиб қарайдиган бўлиб қолишди. Баҳор шавқларига андармон, Шаффофни эса буткул унутишди. Тавбаев албатта, унга берган ваъдасининг устидан чиқмади, лекин кўзи кўзига тушганда хижолатли жилмайиб кўярди.

Кўп ўтмай Шаффоф ишдан бўшатишларини сўраб, ариза ёзди...

Уни бепарво, кишининг нафсониятига тегадиган даражада сукут билан кузатишди. Шаффофнинг ўзи эса ҳамма билан худди кадрдонлардек хайрлашди. Бу дам у «Э, уми? Ҳа, ўша-да!» ёки «Шаффоф» эмас, биродарларини тарк этаётганидан ғуссага ботган оддий мардум кифасида эди. Мен уни бу қадар хотиржам, улугсифат холда сира кўрмаганман.

Шаффоф эшикдан чиқиб, икки ёнида ўт-ўланлар бўй берган йўлқадан охишта одимлаб кетаркан, маҳкаманинг очик деразаларидан одамлар бошларини чиқариб, унга маъюс тикилиб қолишганини ҳам сезмади. Мен эса бу дам, тобора йироқлашиб бораётган собиқ ҳамкасбимга сўнгсиз хайрат билан тикилиб қолгандим. Чунки унинг вужуди яна шаффоф тусга кирган, худди кўройдинда оқариб кўринган ҳайкал мисол, номаълум олам бағрига сингиб борарди...

Бу манзарада эрк ҳамда жудолик ранглари омухта эди.

1988 й.



## МАФЛУКЛАР

### **(«ШАФФОФ»нинг иш столи тортмасида қолган ёзувлардан)**

Бир вақтлар Помирдами, Химолайдами саёхат қилиб юриб, осмонўпар зовлар билан қуршалган дара ораливидаги одам топмас қишлоқда бир неча йил қолиб кетганман. Осмон узок, ер қаттиқ тупканнинг тагида ташландиқ кулбада яшадим. Қизиқувчанлигим, ғаройиб саргузаштларга ўчлигим менга роса панд берди. Бу – қаер эканлиги номаълум, қандай келиб қолганимни билмайман, чиқиб кетишга ҳам имкон тополмадим. Ажиналар маконига тушиб қолдимми, деб кўркаман. Ташки оламга элтадиган йўл, сўқмоқ тугул бирор-та из ҳам йўқ, ҳамма ёқ зов, чакалакзор, осмоннинг бир парчасигина кўринади, холос. Қишлоқ аҳли билан мулоқотим овир кечди. Уларнинг нечук бандалар экани менга қоронғи. Ярим ертўла кулбаларда яшашарди. Аллақандай лахжада гудранишади, сўзларини чала-чулпа илғайман. Лекин ўзим уларга бирор нарсани тушунтиришим амримахол. Улар росмана одам эди-ю, балки асрлар бўйи қатта, маданий ҳаётдан йироқликлари туфайлими ё табиатини одатдан ташқари қолоқ, тўпори ва бадфеъл эдилар. Уларга «МАФЛУКЛАР», яъни кейинроқ фахмлашимча, «афтодахол», дея ном беришган. Ўзлари эса, аксинча кўркам, аъло, тўқис сифатлари билан мағрур эдилар. Кексалари уводага ўралган воят жирқанч, ёшлари қимматбаҳо, сўнги модада кийинишган, аммо жулдурвоки кўринишарди. Аёллари ҳам ялтироқ либосларга бурканишган, юз-кўзларини роса бўяб-бежашган, аммо жуда ирқит эдилар. Мафлуқлар алвастилар, ажиналар, гномлар, троглодитлар, нехулар ва бошқа ҳаёлий жонзотлардан анча афзал ва рўй-рост инсонбашара бўлсалар-да, уларга яқинликлари яққол сезилар, руҳан ва маънан уларданда аянчли эдилар.

Мафлуклар ҳамон атрофдан териб-термачлаб тирикчилик кечирешар, ўт-ўлан, илдиш теришар, илвасин излашар, хуллас, нимаики учраса кулбаларига ташир эдилар. Шундан бошқа нарсани билишмасди. Доимо ниманидир талашинарди. Эҳтимолки, айни ҳолат яъни очкўзлик уларни шу кўйга солгандир... Хуллас, хулк-хусусиятлари ўта тубанлиги кишини ўйлатиб кўядиган ралати жонзотлар эди. Бекорчиликдан феъл-атворларини дафтаримга бандма-банд кайд этиб борганман.

\* \* \*

Француз сайёҳи Мишел Пессел «Чумолилар олтини» номли китобида анча маданий ҳимодаликларни тас-вирлаган. Ўхшаш жиҳатларини билмадим, лекин мафлуклар уларга сира қариндон эмас. Қолаверса, нечук бандалар экани, умуман воқеа қайси замон ва маконда кечаётгани менга қоронғи эди. Мафлукларда ақл-идрок, онг мавжуд, лекин ниҳоятда паст даражада. Шу сабабли кўпроқ табиий сезгилари (инстинкт) орқали фикрлайдилар. Улар худди дастурлаштирилган роботлар каби-дир, аниқроғи биороботлар... Ҳаётлари фақат чекланган эҳтиёжлари асосига қурилган: овқат ейиш, жуфтлашиш, бадбинликдан ҳузурланиш, тинимсиз нимадир йиғиш, вассалом! Лекин шу саноқли эҳтиёжлари ниҳоятда кучли бўлиб уларни қондириш йўлида жонларини жабборга бериб уринадилар. Қолган барча инсоний хислатлару тушунчалар масалан: ҳақиқат, эзгулик, раҳмдиллик, гўзаллик, санъатдан завқланиш уларга мутлақо бегона. Булардан гап кетганида миялари ўз-ўзидан тўхтаб қолар, аксинча ўз эҳтиёжларига дахлдор нимаики бўлса, беҳато илғаб олишарди. Севган машғулотлари – кимши-дир алдаш, нимадир ундириш, зарар бериш, кучлиларга ялтоқланиш бўлиб буни қаҳрамонлик санардилар.

\* \* \*

Мафлук ҳеч қачон нега яшаётганини билмайди. Сўрасангиз хайрон қолади, бу саволни ёқтирмайди. Айримлари болаларимни ўстириш, тарбиялаш учун дейди.

Нима мақсадда десангиз, яна жим бўлиб қолади. Улар ўтмишни ҳам келажакни ҳам ўйлашмайди, ота-боболари кимлигини ҳам билишмайди, улар ўлгач буткул унутиб ўз чурвақаларига андармон бўлиб яшашга берилишади. Шу боисдан қариялар ва марҳумларга ҳеч ким ачинмайди, аксинча ўлимдан шодланишади. Балки бу одатдан ташқари серпуштликларидандир. Улар ҳаётини ўсимликларга қиёслаш мумкин: баҳорда униб чиққан ўт-ўлан гуллаб, чангланиб, мева тугиб, ёзда етилиб пишиб кузда ҳосил бергач, сарғайиб хазонга айланиб қишда эса қор остида чириб битганидек.

Бу тўхтовсиз жараёнда ҳеч ким ҳеч кимга бокмайди. Бунга вақтлари ҳам йўқ – қазолари сари елишади, ўзаро кир-пичоқ бўлишади. Ҳаётдан ҳеч қандай маъно изламай, ҳеч нарса яратмай нафсларини кондиришга ружу кўйишади. Бу жихатдан энди ўсимликларга эмас, хашаротларга кўнроқ ўхшайдилар. Мабодо ўзлари ҳақиқатдаги ҳақиқатларни айтсангиз, бу сизнинг айбингиз билан бўлгандек дарғазаб бўлишади.

Хуллас, бунда ибтидо ҳам, интиҳо ҳам йўқ эди.

\* \* \*

Дастлаб ҳаммалари менга ҳарифона шубҳа билан қарашиди, роса ўрганишиди, сўраб-суриштиришиди ва мени тарк этишиди. Орадан бирор ҳафта ўтгач тўсатдан яна атрофимда гирдиқапалак бўлиб недир гамхўрликлар, мурувватлар кўрсата бошлашди. Тўғри, сўздан нарига ўтишигани йўқ. Аксинча, қотган нон, ачиган сут, маза-матрасиз ёвғон шўрва келтириб отнинг калласидай нарсаларни сўрашарди: пул, кийим-кечак, егулик (менда консерва ва конфетлар мўл эди), дори, қоғозу ручкагача. Суллоҳликларининг чеки йўқ эди. Бундан ташқари жанжалларда воситачи бўлиш, арзини тинглаш, йўл ўргатиш, омад келтириш, турли фалокатларни даф қилишимни исташарди. Энг ёмони, уларни бажаришимни илтимос қилибмас, қандайдир мажбурийдек дўқ-пўписа ёки алдов билан талаб этишарди. Мабодо бажармасам чинакамига жаҳллари чиқиб мени ҳар балоларда айблашарди. Аввалида мен бунақа баттолликдан роса дарғазаб

бўлдим. Кейин бўлгани шу эканликларини кўргач, қўл  
силтаб қўя қолдим.

\* \* \*

Ўзга муҳит ва маданият вакили бўлишимга қарамасдан  
мафлуқларнинг хотин-қизлари мен билан яқинроқ му-  
носабатда бўлишга жон-жаҳдлари билан интилишарди.  
Қизлари атрофимда айланишар, турли нағмалар, нозу  
истигнолар қилишарди. Жувонлари йўлимни пойлашар,  
гап ташлашар, гоҳида тўппа-тўғри кулбамга бостириб  
келишар эди. Қизиги шуки, севгиларини изҳор этиш-  
мас, ширин сўзлар билан дилимни овлашмас, аксинча  
жанжаллашишар, қарғашар, бошимга маломат ёғдириб  
неларнидир рўқач қилишар эди. Мендан эса севги, эъ-  
тибор, вафо, садоқат талаб этишарди. Бу худди эр-  
какларининг пул ёки ичимлик сўраганидек гап эди.  
Охир-окибат мени уйлантирмоқчи бўлишди, бўй етган  
қизларини таклиф қилишди. Турган гапки мен ҳамма-  
сини рад этдим. Шундан кейин мени кўрарга кўзлари  
бўлмай қолди. Айниқса, мафлукалар дарғазаб эди. Улар  
бошимга не балоларини ёғдиришмади, дейсиз.

\* \* \*

Яхшиларга нисбатан ғанимлик, ёмонлик қилиб яхши-  
лик кутиш қонларида бор экан. Агар шундай бўлмаса  
қаттиқ ранжийдилар, ҳатто ўпка-гина қиладилар. Вазият  
тақозо этишига қараб зуғум ўтказишлари ҳам мумкин.  
Ўзининг ёмонлигини батамом унутиб сизни айблайди.  
Ўзларида яхшилик ва эзгулик бўлмасда тасарруф этиш,  
уларга эришиш туйғуси кучли. Кўнгиллари хамиша ос-  
монда, аҳмоғи ақлини лол қолдиришни истайди. Уму-  
ман, бирор фазилатни ўзидан эмас, ўзгадан қидириш,  
талаб этиш уларнинг энг жумбоқли жиҳатларидир.

\* \* \*

Мафлуқлар турмуш тарзи, одатлари, хоҳиш истак,  
хулқи, гап-сўзи, хатти-ҳаракатлари, ташқи ва ички ола-  
ми бир хил эди. Баъзан уларни фарқлаб таниб олишнинг  
иложи йўқ, бир-бирларига қуйиб қўйгандек ўхшардилар.  
Жонзотлар орасида эса итларга кўпроқ мижоздош. Чағир

кўзларида ҳамиша тиланчилик ва талончилик, таъма ва олғирлик, кўркув ва йиртқиқчилик, мутелик ва очкўзлик аралаш ҳолда намоён. Бу боёқишлар ҳеч қанақа ёруғ дунёни, илмни, худони, тараққиётни, санъатни, шонушавкатни, саодатни кўрмай-билмай ўтадилар. Шунга қарамай мақсадсиз, бесамар ҳаётларини қаттиқ севадилар. Кечаю кундуз ўлиб тирилиб, азоб чекиб меҳнат қилишар ва бундан ақлга сирмас завқ-шавқ олишарди. Гўё дунёда улардан бахтиёрроқ жонзот йўқдек эди.

\* \* \*

Мафлуклар уят-андиша, хижолат чекиш, виждон азоби нималигини билишмайди. Доймо бадбинлик қилиб уларни бекитиш, пардалаш билан шуғулланади. Гўё шу йўл билан ўз бадбинликларидан халос бўлишгандек, оламда улардан кўра покизароқ жонзот йўқдек тутишади ўзларини. Зеро уларда пушаймонлик, айбига икром бўлиш туйғуси йўқ. Ўлса ўладики, асло ёмон қилмишини тан олмайди, кўзини лўқ қилиб ҳаммасини инкор этаверади.

\* \* \*

Улар қилвирликда маданий кишилардан кўра омилкорроқдир. Масалап, у кимнингдир устидан шикоят қилади. Билингки, у сиздан ёрдам ёки ҳамдардлик кутмаяпти, балки рақибига ёнбосишингизни олдини олмоқчи. Энг муҳими, сизни унга рўпара қилиб сувдан қурук чикмоқчи. Бу орада нариги билан бирлашиб олишнинг кўзлайди. Ҳатто шу йўл билан бошингизни айлантириб сиздан нимадир ўмаришни, ишингизни пачава қилишнинг кўзлашади. Хуллас, жуда хушёр бўлмасангиз қийин.

\* \* \*

Ҳаммаларида тақлид, кўрган нарсасига қизиқиш қучли. Бироқ ҳеч қачон, ҳеч нарсани ўрганмайдилар. Бу йўлдаги барча ҳаракатлари маймуннинг одамга монанд қилиқларидек ўхшовсиз, қулгили чиқаверади. Энг қизиғи, уларнинг бу билан иши йўқ. Дейлик, бир хоним-

ни ва ошиқларининг унга парвона бўлишини кўришди. Шунда ҳамма бадбашара мафлукалар юз-кўзларини бўяб, ўшандай либослар кийиб ноз-карашмаларини, қилиқларини такрорлашга киришадилар ва эркаклардан ошиқу беқарорликни кутишади. Ўзларини чинакамига ҳалиги хонимдай тутишади. Ҳатто бепарво «ошиқлар»га турли йўллар билан зугум ўтказишади. Бу ғалати «севги» саргузаштларидан олам-олам завқ олишади. Бу худди биздаги кишлоқда яшовчи дехқон ва чўпон аёллари телевизордан шаҳарлик ойимчаларнинг туғанмас ишқий машмашалари ҳақидаги телесериалларни берилиб томоша қилишларига ўхшаб кетарди.

\* \* \*

Ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, илону чаёнлар, ўзидан кўланса ҳид ёки суюқлик чиқарувчи қўнғизлар каби мафлуклар ҳам зараркунандаликни ҳимоя воситаси ва тирикчилик йўсини, деб билишар, айтиш чоғда бошқанинг инсофли, беозор, яхши бўлишини исташарди. Агар шундай бўлмаса қаттиқ ранжишади, нолишади, албатта, бирор нуқсон топиб юзинингизга солишга интилишади. Энг муҳим қуроллари – тухмат ва игводир.

\* \* \*

Онги анча паст бўлишига қарамасдан уларга тан бермай илож йўқ. Мафлук буқаламун сингаридир. Вазиятга қараб бир варақайига хушмуомала ва дарғазаб, тубан ва ҳиммагли, хийлагар ва гўл, меҳрибон ва ёвуз, дўст ва душман, сахий ва бахил «бўла» олади. Турли нағмалар қилишда ҳар қандай артистни доғда қолдиришади. Бирданига 2–3, ҳатто бундан ҳам кўп нафни кўзлайди. Ҳолатингизни, унга муносабатингизни кузатади, аврайди, чалғитади, имкон кидиради, хушёр ёки гўллингизни текширади. Муваффақиятга ишонч йўқлиги ҳам интилишларига монелик қилмайди. Ҳеч бўлмаса бошингизни қотиришдан, у билан мулоқот қилиб азият чекканингиздан хурсанд. Уни пашшани ҳайдагандек ҳайдасангиз ҳам пинагини бузмайди, кекини ичида сақлайди, ўрни келганда илондай чақиши ҳам ҳеч гап эмас. Бошқа пайт

яна ҳеч гап бўлмагандек сизга маймундай нағма қила бошлашади.

\* \* \*

Мафлук учун мутелик, хорлик, топталиш одатий хол, бундан у зиғирча азият чекмайди, қайтага мамнун бўлади. Унинг саботига қойил қолса арзийди. Лекин кучли истаги – кимгадир ялтоқланиб, кимнидир кўрқитиш, шунда у ўзини арши аълога кўтарилгандек сезади. Бу унинг учун ўлжадек гап, эришса қахрамон! Ёмонлиги учун уни мақташса ҳаёти қандайдир мазмун касб этгандек бўлади.

\* \* \*

Олатлари жуда ғалати. Эридан эрта бева қолган бир кампир кенжа ўғлини яхши кўрарди. Бошқалари уйли-жойли бўлиб кетишган. Кенжа ўғлини уйлантиргач, у билан яшарди. Келини бўлмиш, ғайратли, аммо соддароқ эди. Кампир ўғлини рашк қилиб келинига кун бермасди. У ҳам ўчакишарди. Ўғли эса адоватга аралашмас, қанча уришишса, шунча гердаярди. Ахир уни талашшиялти! Аслида у бир пакирга киммат мафлуклардан эди. Охири қайнона-келин бир-бирларини адои тамом қилишди. Мафлук эса шунда ҳам пинагини бузмади. Жудоликдан кўра худбинлик афзалроқ эди-да унга.

\* \* \*

Мафлуклар яхши фазилатларни – одоб-ахлоқ, инсоф, виждон, ҳалоллик ва одабийликни ўлгудек ёмон кўриб буларнинг аксини воятда кадрлашади. Яхшилик қилсангиз, албатта ёмонлик билан жавоб қайтаришади. Агар адабини берсангиз сизни эъозлашади. Ҳамиша бировга ноҳақ жабр етказиб кечиришини, кек сақламаслигини, олдингидан ҳам хушмуомала, ҳатто меҳрибон бўлишини исташади.

\* \* \*

Уларга ўзимни кучли, кўлимдан кўп иш келадигандек кўрсатсам, пул беришни шама қилсам соямга кўрпача солишга тайёр эдилар. Мисли кўрилмаган сипо-

лик, хушхулклик, мулойимлик, меҳрибонлик хислатларини намоён этишарди. Бироқ таъмагирлик чорида асл башараларини унутишмайди, яъни сиздан манфаат олиб бўлгач, дарров тўнларини тескари кийиб олишарди.

\* \* \*

Улар ойнага камдан-кам қарашади. Ўз киёфаларини кўришни исташмайди. Бу фақат ташки ирқитликдан эмас, балки ички ноқисликдан эди. Шу боис барча хўрлик ва ҳақоратларни кўтаради-ю, аммо ўзининг кимлигини билишни, айниқса эшитишни ўлса ҳам хоҳламас эдилар. Умуман, ўзлари ҳақида эмас, ўзгалар ҳақида ўйлаш, бош котириш, тинимсиз гапириш энг севган машғулотларидир. Қачонки, бошқа олам, росмана инсонлар билан онда-сонда мулоқот қилишса дарҳол ўзларини йўқотиб қўйишади, талвасага тушиб бесаранжом бўлишади. Худди ўз аксларини ойнада кўргандек борлиқларини кўрқув ва умидсизлик камрайди.

\* \* \*

Бошқаларда неки таомил бўлса, уларда тескарисини кузатдим. Кишилар бировни кўпчилик орасида мулзам қилмасдан, овлоқда қойишади, мафлуқлар эса бир-бирларини жамоа орасида ҳақоратлаб, хилватда гамгузорлик қиладилар. Бахтли, қувончли дамларда музтар, аламноқ, азада эса мамнун, хушхол, асъасаю дабдабаси зўр. Олдинроқ таъкидлаганимдек, уларда марҳумларга ачиниш, жудоликдан таъсирланиш туйғуси йўқ. Кимдир вафот этса кулишиб маросимни байрамон руҳда бўкгунича еб-ичиб ўтказишади. Аксинча, тўй-базмларда ёвлашиб, ўтган адоватларни қўзғаб азадагидек оҳ-воҳ чекишади. Шунда айниқса аянчли кўринишади. Чунки уларнинг хурсандчиликлари, бахт-саодатлари ҳам аянчли эди.

\* \* \*

Мафлуқда андиша, субут, лафз, орият деган тунунчалар йўқ. Улар ҳатто ўз аёлларини ҳам химоя қилмайдилар. Аксинча аёллар эрларини кимдир ураётган бўлса бориб ажратиб оладилар. Улар жуда садоқатлидир,

айникса рўзгор бобида. Бирок ахлокий масалаларда ғайритабиий ҳолат ва муносабатнинг гувоҳи бўласиз. Чунки мафлукларда рашк туйғуси йўқ.

\* \* \*

Баъзан кундай равшан нарсани кутилганида улар мутлақо мантиққа эид, лузумсиз палидликни намоеън этишарди. Бу ҳам майлия! Ўзини бу қилмишидан мутлақо беҳабардай тутиши, айтган сўзи, қилган иши тўғрисида бирор тасаввурга эга эмаслигини тушунтириш мушкул эди. Мафлукнинг хотираси ўзига керакли вақт ва соҳадагина жонланади, холос. Худди мияси овқат ейиш, алдаш, ўмариш, кимгадир зарар етказиш пайтида жуда тез, аниқ беҳато ишлагани каби. Қолган ҳолатларда худди «ўчириб» қўйилгандек ҳеч нарсани илғамайди. Агар сиз зарурат туфайли ниманидир қайта-қайта тушунтиравсангиз калласида бўшлиқ ҳосил бўлади ёки ўз «соҳаси» бўйича жавоб қайтаради, баҳслашади, жуда бўлмаса яна «ўчиб» қолади.

\* \* \*

Маданий инсонларда, айникса анъаналарга содик илғор қатламли жамиятда ёлғончилик, ўғрилиқ, ноҳақлик ва пасткашлиқ каби иллатларни юқтирмаслик, ҳимоя қобиғи ишлайди, уларга қарши кураш олиб борилади. Мафлуклар эса аксинча уларни «сўриб» олади ва тўйинади. Шунда яшовчанликлари ортади. Иллату чиркинликда ўзларини худди сувдаги баликдек сезишади. Қул эгасига итдан-да содик, озод бўлгач эса заҳарли илондан-да душман бўлишини эшитганман. Мафлуклар эса табиий ва абадий қул эдилар. Улар очликларида ҳам, тўйганларида ҳам таъма ва ҳасадларини тарқатмайдилар. Одатда ўз яқинларини ожиз, нотавон ҳолда кўришдан қаноат топишарди. Негаки шундагина уларни эзиш, оғзиларидаги ошини тортиб олиши мумкин-да. Барча салбий ҳолатлар: телбалик, аянччилик, хунукликни ҳуш кўришлари, аксинча соғломлик, гўзаллик, ақллилик ва яратувчиликдан нафратланишлари ҳам ана шу қизранчиқлик хиссидан келиб чиққандир.

\* \* \*

Хонада тамаки чекаётган кишидан кўра ўтирганлар кўпроқ никотиндан зарар кўрар экан. Яна ароқхўрлар даврасидаги ичмайдиган одам улардан-да номатлуб харакаатлар қила бошлар эмиш. Мен эса ақлан чеклапганлар орасида яшаб улар билан мулоқот қилиш жараёнида онг ва идроким анча сусайганини, воқеликни баҳолай билиш қобилиятим пасайиб, тасаввур ва фикрларим жўнлашиб бекорчи ишлар билан шуғулланишда баъзан улардан ҳам ошиб туша бошлаганимни пайқаганман. Қайдларимда олдин таъкидлаганимдек, шундай ҳолларда мафлукларга жуда манзур бўлардим. Мендан айнан шунки, яъни ақли эмас, беъманирок бўлишимни ис-ташарди. Шу боисдан ўзимни атай оvsарликка солган пайтларим кўп бўлган.

\* \* \*

Мафлукар одатда ўзларида йўқ нарсаларни сўрашиб ҳоли жонимга қўйишмас эди. Ақл, маънавият, билим, маъно, олийжаноблик ва хоказо. Бирок улардан сўз очсам дарров безиб гапни ўзларининг мафлукча гиш-гишаларига буришарди. Гоҳида: «Бизга тушунтир, кўп нарсалардан хабардор қил, қизик гаплардан айт», дейишарди. Лекин буларга қулоқ солишмасди. «Ха», десам: «Асл ҳақиқатларни яшираяпсан, билимингни биздан дариг тутаяпсан», дейишарди. Умуман, менинг сидқидил эмаслигимдан нолишгани-нолишган. Бу ҳол бир-бирининг тилини билмайдиган тожик билан ўзбекнинг эчки сотишидан ҳам тушунарсиэрок эди. Моҳиятлари менга батамом аён бўлгач, уларга ҳам, ўзимга ҳам муносабатим ўзгарган эди. Энди мен яхшилик, эзгулик, бирор ишни қойил қилишни орзуламас эдим. Ким учун фидойилик қилиб, кимни ҳайратлантираман? Уларнинг аянчлилигига ачиниш ҳам беҳуда. Ҳатто мана шу сатрларни битиб ўтирганим ҳам. Уларнинг борлигида «ийлт» этган шуъла кўринмасди. Худди менинг бу ердан чиқиб кетишга умидим каби...

\* \* \*

Менга тинимсиз насихат қилишарди. Фойдамни кўзлаб эмас, албатта. Мабодо бир марта амал қилсам

ўша ишим барбод бўларди. Назаримда ўғитлари вақтимни олиш, асабимга тегиш, чалғитишга йўналган эди. Улар менинг недир мазмунга молик ишларим ёки моҳиятимни ёмон кўришарди. Шунинг учун улардан тезроқ халос бўлишимни истаб, турли йўриқ ва мафлукча таомилларни ўргатишарди. Табиийки мен бирорта ўғитларига амал қилмасдим. Шу боисдан баъзида балога ҳам қолиб турардим. Кўпинча ўзимни ақлсиз, меров, пасткаш қилиб кўрсатишимга тўғри келарди. Акс ҳолда ишим чатоқ: насихати ўзи каби икки пулга қимматлигини англатсам «доно»нинг кўзидан нахтаси чиқиб менга ташланиши ҳеч гап эмас-да. Лекин ўзимни овсар кўрсатиш роса жонимга тегди.

\* \* \*

Кейинги пайтда нимани маъқуллашса тескарисини қилганим яхши натижа бера бошлади. Мақташса ранжийман, ёмонлашса қувонаман, насихат қилишса унутаман, ардоқлашса хушёр тортаман, қойишса хотиржам, ёмонлик қилишса мамнун бўламан, яхшилик қилишса... Бунисини эслолмайман.

\* \* \*

Мафлуклар билан яхши муносабатда бўлишнинг ҳамма имкониятларини сарфлаб бўлдим. Ҳеч бири наф бермади. Уларни элатий нуқтаи назардан ўзига хос, муҳим, қизиқарли, деб ўйлаб хато қилганимни англадим. Мулоқотларим зарар келтирди, холос. Уларга ўралашиб ўзимни анча уриштирдим ва азият чекдим, вақтим ҳам бекор кетди, сочимга анчагина оқ тушди. Улардан узоқлашдим, қарийб сўзлашмайман. Бироқ чучварани хом санаган эканман. Қабилавий сезги билан адоватла менга қарши отланишди. Бу қандайдир ирсий ва ирқий адоват эди. Талаблари жуда қизик: «Биз билан бир хаводан нафас олаяпсанми биздай бўл, бизни эъзозла, ёмонлигимиз учун юз ўғирма, сенга жабр-зулм ўтказишимизга имкон бер!» Мен бу дарди бедаволарга нима дейишимни ҳам билмас эдим.

\* \* \*

Ниҳоят мени тинч қўйишди. Шарқироқ сувлар ва сайроқи кушларнинг овозига кулоқ тутаман, тоғларга боқаман, юрагим хапкиради, қалбим соғинчлар-ла тўлиб тошади. Бу нима? Хотиралар пайғомими ё келажакка умид? Нима бўлганда ҳам атрофимдагилар суҳбатидан яхшироқ эди. Чинакам сўфийлик шу бўлса керак.

\* \* \*

Худога минг қатла шукур! Ноламни эшитди. Чикмаган жондан умид — бир куни тоғларда йўл излаб юрганимда булутлар орасида зўрға кўринаётган қоядаги одамни илғаб қолдим. Бу қоя ва у ердами кўкдами экапи номаълум. Лекин унинг рисоладагидек инсонлигини дарҳол англадим. Қувончдан юрагим хапкириб хайкиргим, у томон қанот боғлаб учгим келарди. Чиндан учдимми ё тубсиз жаҳаннам узра тош қатовлардан тирмашиб чиқдимми, ёнига боришга муваффақ бўлдим. У мени гоят хурсандлик билан қаршилади. Ажабланирлиси, менга икки томчи сувдек ўхшаш эди. Фақат менидан кўра замонавийроқ, кўркамроқ ва олийжаноброқ! Бошдан-оёқ қордай оқ либосга бурканган, борлигидан аллақандай ёғду таралиб тургандек. Айни дамда ўта табиий, куч-қудратга тўла... Биргаллашиб адоқда ястанган поёнсиз, нотаниш маскан томон йўл олдик. Атроф-борлиқ жуда ёрқин ва тароватли эди. Осмон гоят тиниқ, ранглар ўткир, ҳидлар соф ва атрин, зилол сувлар шарқираб оқиб ётарди. Йироқда гаройиб боғлар, гўзал шаҳар ва қишлоқлар, ҳашаматли уйлар оқариб кўринади. Уларда башанг кийинган эркаклар, париваш хонимлар-у ажойиб болалар сайр этиб юришарди.

Ҳаммаси аллақандай сирли, афсонавий! Назаримда мен *мафлуклар* маконининг тескариси бўлган янги гаройиб оламга етишдим, шекилли. Унда мени нелар ва кимлар қутаётганлиги ҳозирча номаълум. Ҳамроҳимдан сўраганимда...

(Муаллиф изоҳи: Шаффофнинг ёзувлари шу жойда узилиб қолган. Унинг сирли манзилларга саёҳати, янги саргузаштлари ҳақидаги битиклари топилишига умид қиламиз.)

1990 й.

## АЁЛ ВА ИЛОН

Рассомнинг тоққа келганига бир хафта бўлди. Аммо расм чизишни бошлашга хали киришганича йўқ. Ускунаси олдида бўёқлар терилганича, илк тасвир қоғози — эскиз эса оппоқлигича турибди.

Гап унинг кўп йиллардан бери яратишни ўйлаб кўйган, дурдона бўлмаса ҳамки, бош асари ғоясини чизишни дилида пишитиб, сўнгги чизгиларигача тасаввурига жойламаганида эмас, балки келиб қолган тоғ ўнгири, атроф манзара мўлжалидаги сурат учун ярашига кўзи етмаётганида эди. Икки тарафда учлари найзадек кўкка санчилган тик зовлар, тарам-тарам сойликлару қияликлар, адоқда эса қишлоқ, дов-дарахтлар томорқалар, уларао илонизи тош йўл чўзилган. Ўртада тошлоқни ювиб човроқ дарё оқарди. Йўлдан отликлар, эшак минган хотинлар, қорамол ва кўй эчкиларни ҳайдаган болалар ўтишарди. Ахён-ахёнда трактор, машина, мотоцикллар варанглаганча уларни хуркитиб, йўлни куюк чанга белаганча зинриллашади. Лойсувоқ томли уйлар олдида болаларнинг қий-чуви, рўзғор ишлари билан банд аёлларнинг шанвиллаганлари эшитилади.

Айни манзарада техника асрига хос нишонлар сезилсада ибтидоий, ҳатто ундан ҳам қадимийроқ асоратлар сақлангандек. Балки насрий асар учун теша тегмаган тафсилотлар анчагина топилар, аммо мусаввирга нон йўқ, чамаси. Ҳа омади юришмаганга ўхшайди. Бунда замин нафосату гўзалликни эмас асрий ҳодисотлар аксадосини қуйлаётгандек. Борлиқ гўё илк яралиш чоғида қандай бўлса шундайлигича потраб ётарди. Тупроқ ва тошлар қип-қизил, кулранг ёки бўрта-буталару калтакесаклар, ҳатто одамларнинг туси ҳам шунга монанд.

Унинг кўналғаси – терскай бетдаги чоғроқ томорқа анча баҳаво, сўлим кўринарди-ю, аслида нобопроқ жой чиқди. Шохлари тарвақайлаган заранг тагига ускунасини жойлаштирди. Ётадиган темир каравоти эса олисрокда. Негаки турли хашароғу жониворлар ташрифидан безор. Шундоғам, ёнверилаги харсанглар, зирklar орасидан илонлар биланглаб ўтакасини ёрарди. Бу жойни: «Сенга жуда мос, шох асарингни айнан шу ерда яратасан», деб роса мақтаган, ўрнаштириб, нон чойига қарайдиган одам топиб берган курсдошидан дарғазаб эди. Унга Швейцария тоғларидаги биллур кўллар, Венесуэланинг Анхел шаршараси, Япония сакуразорлари бўлмаса ҳамки ўзимизнинг яшил арчали жайдари тоғларимиз бағридан жой топмасдан нақ Мезазой эрасида вулқонларнинг осмону фалакка кўтарилишидан ҳосил бўлган шу тупганнынг тагига йўллагани таъбини тирриқ қиларди.

Кўлига хали бўёк чўп тутмаган болалик дамларидан қалбнда ардоқлаган: оқ қорли тоғлар этагида яшнаган воҳа, шаркираган дарё, боғ-роғлар, ложувард осмон, чарақлаган қуёш, ниҳоят улар бағрида висол қурган йиғит ва қиз суратини чизиш учун нафис рангларни қаердан олади энди? У санъатни ташлаб ўзини корчалонликка урган қовоқбош дўстини буралаб сўккиси келарди-ю, ёнида йўклиги учун ноилж вижинарди холос. Тўғри, хаёлий тимсоллар, фалсафий рамзлар орқали ишлаши мумкин, аммо унинг асари мавзуси Пикассонинг кабутари ёки Сальвадор Далининг шаффоф баданли хонимлари эмас, шарқона манзара – Бехзод, Хокусай (Япон расоми), Ўрол Таисикбоев анъаналари... Яна воқеликни ўзича – ҳали илганмаган чизгилар, янги шакл ва топилмалар орқали ифодалашни зарур.

Ўтган йили Дрездендаги кўрғазмасида бир немис санъатшуноси унинг «Жамраш» номли суратига тикилиб туриб бошини чайкагани:

– Она-бола топишуви шоирона тасвирланган.

Оддий этюдда кўзиларнинг соғим арафасида кўгандан бўшалиб совлиқни эмиши акс этгани. Рассом бироз тушунолмай ундан нимани назарда тутаетганини сўраганида:

– Мехрни – деди немис хозиржавоблик билан – ўзбекларда асл ҳис-туйғулар яхши сақланганидан далолат бу. Қўйни каранг, оч қолган боласини баврига олиб қўйруқчасини хидлаганча эмизмюқда. Кўэларидаги муҳаббат ва эзгуликни етказиб тасвирлабсиз, офарин!

Демак мажознинг янги йўли, ҳаётийликни ёндош тимсоллар орқали ифодалаш! Касбдошлари унга: «Бу усул гордаги деворга тош билан ўйиб расм чизиш даврларидан бери бор-ку!» дейишганида: «Ҳали кўрасизлар, янги суратим қутилмаган янгилик бўлади», деб жавоб қилганди. Нималигини эса ҳали ўзи ҳам аниқ билмас эди.

Унга қарайдиган хонадон соҳиби 30 ёшли давангирдай эркак, хотини эса ёшроқ, ҳали фарзанд кўрмаганлари учунми келин-куёвга ўхшайдилар. У дастлаб хашароту таъандалар кўплигидан ва зовларнинг ваҳмидан қочиб уларнинг меҳмонхонасида тунаб юрди. Жувон чой дамлаб, дастурхон ва егулик олиб ёнига киритиб турарди. У ҳам қуруқ қўймасди, мева-чева, гуруч-мой дегандай... Аёлнинг бироз тўпорилиги, ўзини тақалдуфсиз тутиши, керагидан ортиқроқ эътибор қилишини демаса қарийб муаммо йўқ ҳисоби.

Нихоят ишга киришди. Орқада саф тортган тик қояларни, улар юзидан жимирлаб тўкилаётган зилол сувларни, зирқлар, мох ва лишайникларни, зангори япроқли зарангларни, хомаки нусхага туширди. Расм анча маҳобатли, табиий унсурларга бой, аммо унда ҳаёт асари кўринмасди. Шунда у бургага аччиқ қилгандек эскизни йиртиб ташлаб қайтадан кулранг чағилларни менг тупроқли оловранг ёнбағирларда битган қип-қизил қонуларни, оппоқ окчайир ва ковракларни, қирғийлару плонларни тасвирлаган эди, сурат бирдан жонланди. Энди куёшнинг заррин нурларига беланган борлик ибидоний ранглар оғушида ловуларди. Кўзга ярқ этиб ташланадиган бу манзаралда чиндан-да нотаниш олам намоеи бўлди-қолди. Энди олд кўриниш – висол тасвирига илҳом билан киришса ҳам бўлаверади. Номини ҳам олдингидек, «Ҳаёт қўшиғи», эмас фалсафийроқ – «Илк араланиш», деб қўяди.

Рассомнинг шашти баланд эди. Бирок ахамиятсиздек туюлган икир-чикирлар ишнинг унумини пасайтирди. Бири бевосита ижод жараёни билан боғлиқ. Эскизда энди динозаврларни бутунлай кириб юборган каттол юра даври – вулконлар, магма ва қайноқ лавалардан сўнг миллион йиллар ўтиб совиган, мўътадиллашган борлиқда тирикликнинг қайта яралиши манаман деб турарди. Бунақа кескин фонга гулдай нозик қизча билан маъсумгина ўспирин мос келармикан? Хатто Тоҳир-Зухралар ҳам анча жасоратли бўлишган.

Бошқа муаммо – бировга айтса кулгили, аммо жиддий бўлиб уй соҳибасининг ғалати табиати, тушуниксиз муомаласидан келиб чиқди. Жувон унинг ишлашига мутлақо халақит бермасди, чизаётган расмига қиё ҳам бокмасди, балки ўзига... Қисқаси ортиқча диккат-эътибори билан хаёлини бўлар эди. Атрофида айланишиб у билан сўзлашишни, энг ёмони гап уқтиришни хуш кўрар, нон келтирса, чой дамлаб кирса кўзларини жовдиратиб доимо ниманидир урғулагандек унга каттик тикиларди. Ҳаракатлари, овози, нигоҳларида номаълум имдод, аниқроғи тажовузкорлик зоҳирдек. Қаерда, қай ҳолатда бўлмасин харислик билан боқар, унга дахлдор нимаики бўлса барига қизиқар эди. Йўқлигида жомадонини, нарсаларини қовлашни хуш кўрар, ишлатишни унча билмасада радио, фофокамера, лазмол, фен, қўл телефони, совун, шампун, атирларини олар, айниқса консервалар, конфету печеньеелар жону дили эди. Қизик томони, ўрнига нуқул қотган нон, ачиган катик ва маза-матрасиз ёвон овқатларини тутқазарди.

Кейинги пайтда уни-буни баҳона қилиб у тунайдиган хонага тез-тез кирадиган бўлиб қолди. Хатто кечалари, ўринда ётганида ҳам бостириб келаверарди. Рассом унинг одатларини тўпориликка йўйди. Яхшиямки, келинчак нарсаларигагина ўч, кўнглида бошқа гап йўқ. Хизматга шайлиги, манзиратлари унга малол келаётганини қаёқдан билсин. Балки уй бекасилиги, аёллик сезгиси уни меҳмонга ғамхўрлик қилишга ундаётгандир... Бирок тез орада чучварани хом санаганини тушунди. Жувон майда-чуйдага андармон бўлиш билан бирга атрофида

худа-беҳуда айланишини ҳам канда қилмасди. Эрталаб-лари ўринда ётганида, ечиниб ариқда ювинаётса, ёхуд бадантарбия қилаётган найтларида...

Табиийки, рассом у билан иложи борича камрок мулоқот қилишга, кўп бақамти келмасликка тиришарди. аммо жувон ҳамиша, ҳамма ерда рўпарасидан чиқиб, чағир кўзларини жовдиратганича нимадир дер эди: «манавини енг», «қатикни симиринг», «шўрвага пон тўрранг», «пиёлани олинг» ва ҳоказо. Гапларининг меҳрибончилиқми, танбехми эканини билиш қийин. Гоҳида илкис ҳаракатланиб тўсатдан унга яқинлашар, бирор нарса узатаётиб қўлига ёки ёнбошига тегиб кетарди. Одатлари, хоҳиш-истаклари аслида нимадан иборатлиги рассомга буткул қоронғи эди. Гўё шунчаки, нечук бандалигига қизиқсинганидан кўпроқ мулоқот қилиб синашга бўлгиси келаётганга ўхшарди.

Ҳа албатта, қизиқсиниш, заифаларга хос хусусият. «Аёллар баъзан нимани иташларини ўзлари ҳам билишмайди», дегак ибора ҳам бежизга тўқилмаган. Яна айтишларича, нозик жинс соҳибаларида бошқа жонзотларга миждозшлиқ кўпроқ кузатиларкан. Масалан кушларга, мушукларга, яна алланималарга... Рассомимиз эса ҳар сафар келиннинг табиатида, ташки кўринишида ва ҳаракатларида нечундир илонга хос аломатларни кўрарди. Уни аёл гўзаллиги ҳақидаги таърифларнинг бирортасига менгзаш ўринсиз – чиройли ҳам, жозибали ҳам, хуш қилиқли ҳам эмасди. Лекин! Борлигидан вулкондай толиб келаётган енгиб бўлмас шиддатли куч ёғиларди. Бўлик қадди-қомати, товатошдай ялпоқ юзи атрофдаги харсангларга монанд бўрта, кўкраги, билаклари лорсиллаган, кишига худди ўлжасига таъшиланганга ҳозирланган илондай ваҳшат билан боқарди. Бошқа аёлларга хос безаниш, бўяниш, ноз-карашма, латофат унга ёт эди. Рассом анча кўркам, ижод аҳлига хос тамкин ва мутаассир инсон. Бироқ келинчак унга асло ҳавасланиб, ишқ-муҳаббат билан қарамас, аксинча зардаю дашномларини бошига ёвдириб, сертангларди. Рассом эса бунда не маъно ва мақсад борлигини билолмай юраги така-пука. Тўғри унинг аёллардан безорлиги йўқ, гоҳида натурачи

кизларга ишқибозлик килиб турарди. Бирок буниси... Бир куни ўрин йиғаётиб ундан кўмак сўради. Рассом бажонидил кўрпани баланд тахмонга жойлашга ёрдамлашди. Шунда жувон кўтаришаман деб чалкайганча, кутилмаганда унинг овушига ўзини ташлади...

Дунёда курт-кумурсқалардан тортиб йўлбарсларгача одамдан хайиқиши азалдан маълум. Бу тушунча хамиша ҳам тўғри бўлавермайди албатта. Жониворлар насл қолдириш ва қорин тўйдириш учун муттасил бир-бирларини қарадилар. Уларнинг асосий диққат этиборлари ўлжага қаратилиб химоя тўғрисида кам бош қотирадилар. Кучсизмисан, қочишга улгурмадинми, тўппа-тўғри ролибнинг жиғилдонига бориб тушасан. Инсон эса ўз ақли билан омон қолишнинг жуда кўп усулларини билади. Энг таъсирчани – қарши хужум! Жониворлар шунинг учун одамдан чўчиса керак. Бирок ҳозир қорин гамида эҳтиёткорликни унутиб рассомнинг атрофида бемалол изғишарди.

Заранг таги бахаво, шинам, гилам тўшалгандай калин барра ўтлар, қокигуллар гурқираб ўсиб ётарди. У бўяшдан эринган паллаларда кўкаламда роса ағанаб хордиқ чиқарар, тушликниям шу ерда қиларди. Кейинги пайтда «хамсоялар» ташрифи кўцайганини пайқади. Тез орада бунийг сабаби аён бўлди. Қарангики, бу хол у билан боғлиқ экан. Чумолилар, қуртлар, кўнғизлар, сичқонлар унинг дастурхонидан тўкилган мазали увокларни, меваю ширинликлар бўлақларини иштиёқ билан териб ейишар, уяларига ташишар, калтакесаклар эса уни безорижон қилувчи чивин ва сўналарни «хап» этиб ютишар, илонлар заранг шоҳига илинган овқат, нон ва бошқа егуликларни қитирлатаётган сичқонларга ва чигирткаларни тумшуғига қистирган чумчуқларга ҳамла қилишарди. Гоҳида осмонда тек қотган қирғий шувиллаб пастга шўнғирда-да ҳозиргина ютган кўрсичқонни ҳазм қилиш учун шоҳга ўралиб ётган қўлвор илонни кўтариб қочарди. Хуллас, уни ўраб турган маконда ғунғиллаш, чириллаш, вижирлаш, вишиллаш бир зум ҳам тинмас эди. Безор бўлган рассом уларни хишчин билан қувлар, ўлдирар, ўзини ва егуликларини улардан

асраш учун жопини жабборга берарди, аммо газандалар кўпайса кўпайишардики, асло камаймасди. Жониворлар факатгина жинилдон гамида эмас, бу ерда ўзлари учун ўнгай ва роҳатжон муҳитни – ўзига хос жаннатни яратиб олишган, эмин-эркин ирғишлалар, турли-туман овоз чиқариб завқланишар, ора-сира «севги»га мубтало бўлиб гашт қилишарди. У тўшагини бошқа жойга, шийдам ўрик тагига кўчирган эди, ажабки, шўхшадлод кўшилари у ерга ҳам «гурунга» борадиган одат чиқаришди. Гоҳо калтакесак туфлисининг ичига кириб олса, илоной бутокка илинган жинси шимининг пойчасидан бошини чиқариб коп-кора айри тилини кимирлатарди.

Ўша сафарги «вокеа» дан кейин меҳмонхонага киришга юраги бетламай қолди. Уй эгаси кўйдай ювош йигит, дала юмушлари билан банд бўлиб уйда кам кўринади. Баъзан картошка чопгани томорқага келганида у ёқ-бу ёқдан гурунглашишади. Меҳмонга яхшироқ қарашни хотинига тайинлайди.

Рассомнинг эса ҳам кулгуси кистар, ҳам хижолат чекарди. Негаки, келин галаги қилиқларини ҳамон қанда этмасди. Охири даррандалардан нечоғли хавфсирамасин томорқада тунайдиган бўлди. Тунги симфония эса...

Бир оқшом тўлин ойнинг ёруғида ажриқ устида чирмашган «ошиқ-маъшук» илонларни кўриб хайратдан донг қотди. Бунданга мароқлироқ, шавқлироқ манзарани умрида кўрмаган эди. Илонларнинг баданлари рангдор, баайни жоҳари гиламнинг накшларидай гўзал, кўзлари одатдан ташқари ялтирар, оризларини очиб бир-бирларини ялаб юлқашар, гўё ражишаётгандек қаттиқ вишиллашарди. Кейин ҳар иккиси ўлиб қолгандек ажриққа чўзилишди.

Рассом кимирламай ётаркан, нима қилишни ўйларди. Қўл узатса етарли жойдаги газандаларга дахл бермасликнинг иложи йўқ эди. Ниҳоят ўриндан аста туриб ёнидаги заранг таёкни олдида мўлжаллаб урди. Бири дарҳол қочиб шувуллаганча ёғум зиркнинг тагига кириб кетди, иккинчиси тўлғониб-тўлғониб кимирламай қолди. Боши мажакланиб кетган экан, таёкка илди-

риб баланд харсанг устига ташлади. Ўша тунда алла-маҳалгача мижджа қоқмади. Болалигида бобоси: «Илонни ўлдирсанг лошини ёкиб юбор, бўлмаса шериги келиб сени чақади», деган эди. Хайриятки, ҳеч бири уни ортиқ безовта қилмади.

У кўрганларини унутиб боши билан ижодга шўнғиди. Янги тасвири янада мукамаллантирди, шакллар ва рангларни бўрттирди, севгилисини оғушлаётган ранглар ўспиринни Фарҳоддек баҳодирга айлантирди. Юзидаги тарам-тарам мускуллари, чўяндек оғир билаклари ёри учун тоғу тошларни кул қилиб юборишга қодирдек. Асар жуда ёркин, мутлако янги, экспрессионистлару авангардчиларнинг тушларига ҳам кирмаган йўналиш касб этган эди. Тасавуридаги илк яралиш, ҳаёт учун курашаётган тимсоллар энди тамомила ўзгача, ҳатто аждаҳо, динозаврлар қиёфасида намоён бўларди.

Тунларнинг бирида босинқираб уйғонди ва даҳшатдан қотиб қолди. Тушида уй соҳибаси: «Э бу ерда экансизда. Мен сизни кидириб юрибман. Мендан қочиб кутулиб бўбсиз!» дея кўрпани кўтариб шувуллаганча кўйнига кирганмиш. Жувон гоҳо пари, гоҳо илон қиёфасига кириб гул-гул яшнаганча уни суярмиш. Шу қадар меҳрли, латофатли, ширин сўзлар билан эркалар эмишки, оловли нафасидан умрида кўрмаган эхтирос ва лаззатни ҳис этармиш. Бир пайт у бўйнини нимадир охиста бўғаётганини, танасида валати қайноқ тўлқинни рўй-рост ҳис этди. Кўзларини ярк очиб устидаги кўрпани итқитди. Тоғдан мўралаган ўн беш кунлик ойнинг ёғдусида танасига ўралиб ётган илоннинг нақшинкор териси минг алвонда товланар, узун айри тили билан эса лабларини ялар эди. Дафъатан, у кўрқув ҳиссини туймади, аксинча дарранда танасининг тўлғаниши, баданидаги ранглар ва нақшлар жилоси, бошини саранглатиши, кўзларининг ялтираши ҳаёлини олиб оҳанрабодек ўзига тортарди... Ниҳоят! Даҳшатли кўрқув борлигини қамради, ёнаётган одамдек каравотдан сакраб туриб қишлоқ томон қоча бошлади. Таниш уйга етиб жон ҳолатда эшикни қоқди. Уй эгаси чиқиб унинг ярим яланғоч тарзига, энка-тенкаси чиққан бўздай рангига қараб ваҳм билан сўради:

– Ҳа, рассом ака нима бўлди, бемахалда бундай юрибсиз?

Унинг факат тишлари такилларди:

– И... И ... Илон! Менга тармашди.

– Илон кўрдингизми?

– Ҳеч нарса йўқ-ку. Қўрқибсиз-да, уста, сув ичинг. Хой сув келтир! – дея ёнига келган хотинига буюрди.

Рассом сув ичгач, сал ўзига келиб бўйинини ва бошка жойларини сийпалади: Илон-пилон йўқ эди. Хамон қалтираркан фуддираб узр айтди:

– Маъзур тутасизлар, безовталиқ учун... Ёмон туш кўрибман шекилли... Жуда кўрқинчли.

– Ҳа илонми? Бўлиб туради. Ундан озгина ҳадик олгансизда, деб хотиржам қилди йигит – томорқа овлоқ, ўрганмаган одамсиз. Хотин тез меҳмонхонага жой сол. Уста уйга киринг, манави чопонни кийинг.

Рассом у узатган чопонни кийгач, кетмоқчилигини айтди.

– Э кўйинг-э. Уйқунгиз яхши бўлмайди энди. Шу ерда қолинг ака.

Лекин меҳмон кўнмади, атрофга олазарақ термилганча яна томорқага чиқиб кетди. Ажабо, жисмида ва руҳида сирли илҳом тугёни валаён қиларди. Онги одатдан ташқари тиниклашиб, мияси миллион йилларни қамрайдиган тезликда янги тимсоллар яратиш билан банд эди...

Эрталаб қуёш заранг япроқлари орасидан эндигина зарҳал нурларини сочган чоғда у мольберт олди-га ўтирди. Этюддаги киз тасвирини ҳеч иккиланмай ўчириб ташлади-да ўрнига тушида кўрганларини тасвирлади: Илон тимсолидаги аёл! Боши, юз ва кўзларида, бутун борлигида аёллик олами, моҳияти барк урган. Қадди-комати бўлиқ, қўш кабутардай кўкка талпинган кўкраклари узра соч ўримлари белига чулронган, илон нусха каштали бадани шиддаткор эҳтирос билан алпкомат йигитга чирмашган. Нигоҳлари бутун борлиқни ёндиргудек оташин!..

Рассом суратни чизиб бўлгач, унга боқиб хайратдан лол қолди. Ҳеч қачон ўзи ўйламаган, тасаввур қилмаган

манзарани яратган эди. Эртақ китобларга ишланадиган расмлардан кескин фарқи – ундан мисли кўрилмаган ҳаётийлик барқ урарди. Айниқса ошиқларнинг ташқи ва ички оламида ақл бовар қилмас куч-қудрат, шижоат зоҳир, рассомга ғоятда таниш, гўё қачонлардир айни маконда улар билан илк ҳаёт яралишида бирга жавлон ургандек, номаълум, кадрдон кечмишларини намоён этаётгандек.

...Рассом суратни асил нусхага кўчириб сўнгги бўёқларни юргизаётганида ғалати ходисанинг шоҳиди бўлди. Орқасида кўлида дастурхон ва чойнак тутган барваста келинчак худди сеҳрлангандек расмга тикилиб турарди. Нарироқда эса... харсанг тош устида белидан юқориси бир газ кўтарилган илон ҳам тошдек қотганча суратни томоша қиларди. Ҳар иккиси гўё миллион йиллар илгари унут бўлган асл оламлари ичра ҳозир бўлган каби сўнгсиз хайрат ва хаяжон оғушида эдилар...

2006 й.



---

## ПАРИЛАР ТИЛСИМИ

Ранг-баранг майда мунчоклардан ўтовнинг кўр ва тизмаларига ўхшаш гул ва нақшлар солиб тўқилган каштали тақинчок ХАПАМАТ, деб аталарди. Қасаба, сетира, латиба, баллок каби ўзбек аёлларининг қадимий безакларидан бири. Жанубий вилоятларда яшовчи кўнғирот момолари уни хали-ҳамон селпиллатиб кўкракларига тақиб юришади. Лекин мен «хапамат» атамаси ўтмишдаги сувдийлар маъбудаси Онахитага уйқаш бўлгани учунми, айнан унинг кўксини безаб тургандек тасаввур этардим. Ана, қадим Мароканда! Сувдийнанинг гуллаган боғлари, узумзорлари, олмаю анорлари фарқ пишган хосилдор замини узра саҳоват илоҳасининг порлоқ чехраси, бўйнида тилларанг шокилали хапамат живир-живир мавжланиб турибди!

Бу антиқа тақинчокнинг алоҳида хосияти борлигини билмадим-у, аммо уни таққан аёллар чехрасига ўзгача фаришталилик, зийнат ва тамкилик бахш этарди. Бола эмизаётган чоғда ёш онанинг ошноқ кўксини хапамат ярим тўсиб турар, гўдаги жажжи қўлчалари билан шокилаларини силкитиб ўйнаганда ажиб манзара зоҳир бўларди. Унинг гаройиб нусхасини илк бор энамда кўрган эдим. Илгарилари мен туғилиб ўсган тоғли овулларда анча урф бўлган, янгаларим рангдор сувмунчоклардан турли хилларини тўқишар эди. Эски хапамат ҳам уларга ўхшардию, аммо зеҳн солиб қаралса осмон билан ерча фарқи борлигини пайқаш қийин эмасди. Мунчокларининг ранги у қадар ёрқин эмас, балки унда олмос, аметист, феруза, Бадахшон лаълиси йўқдир, айни чоғда, уларданда ноёброқ тошлардан тизилгандек ғоятда жозибадор. Энг қизиғи, алмисоқдан қолганига

карамай нафис иллари хануз пишик, бирор чоки ҳам ситилмаган.

Албатта, фетишийлик – нарсаларга топиниш зардуштийликдан ҳам олдин яралган илк эътиқодлардан. Қадимда кинилар осмон ёриткичларига, рангдор тошларга ва бошқа ноёб буюмларга сиғинишган. Қоҳинлар улар ёрдамида фол очиб турли маросимлар ўтказишган. Тангридан ёмғир, ризқ-рўз тилаш, дарддан фориғ бўлиш, бало-қазоларни даф этиш воситаси саналган. Бу каби ирим-сиримларнинг айримлари, буюмларни муқаддаслаштириш, тувдона, тумор, кўзмунчоқлар тақиб одатлари ҳозир ҳам сақланиб қолган. Менга келсак, уларда ҳеч қандай илоҳийлик кўрмасдим. Хапамат ҳақидаги хотираларимнинг ҳам фетишийликка сира алоқаси йўқ, фақат доимо онгимда неларнидир акслантиргандек туюларди, холос. Болалигимда анчагина ҳаёлчан, муттаасир бўлганимданми, ҳар сафар энамнинг бўйнидаги зарҳал хапаматга қарасам қандайдир жимирлаган тўлқинни ҳис этардим. Гўёки сирли оламларни, кечмишларни кўраётгандек жимжимадор нақшларига узок тикилиб қолардим. Кўхна битикларга ўхшаш кашталари, рангдор шокилалари неларнидир сўйлаб фаройиб манзараларни намоён этаётгандек: Маҳобатли тоғлар, совут кийган жангчилар, даралар ичра базм қурган деу парилар...

\* \* \*

Бир неча йил бурун тарихий ёдномалардан бирида македониялик Александрнинг Осиёга юришлари ва сирли вафоти ҳақидаги қизиқарли тафсилотларга нигоҳим тушди. Китобда айни ўлимнинг бир талай изоҳлари, тахминий сабаблари баён этилган: Безгакка чалиниш, форсийлар ёки ўз хотини Равшанак суиқасди, Ватанга қайтишни истаган саркардалар фитниси, Говгамилла жангида ҳаётини сақлаб қолган иниси Клитни ўлдирганидан норози аъёнлар қасоси, саройда уюштирилган базмда ҳаддан зиёд кўп шароб ичиб бўкиб ўлгани ва ҳоказо...

Қизиғи шундаки, тарихчининг ўзи айни тахминларнинг қайси бириси рост ёки ёлғон эканини аниқ кўрсатишмаган. Искандар Зулқарнайн ўлимида буткул номаълум сабаб ҳам мавжудлигини ва айнан шуниси ҳақиқат бўлиши мумкинлигини қайд этишган. Хусусан, Страбон, Клитарх ва бошқа тарихчиларнинг тасвирларидан аёнки, у Ҳиндистон юришидан қайтгач, Бобилдаги шаробхўрлик базмидан сўнг роппа-роса 10 кун ўтгач вафот этган. Шуниси бор, сафарда у билан бирга бўлган, безгакка чалинган жангчиларидан бирортаси Бобилга етиб келмаган, у эса соппа-соғ бўлган. Форсийлар эса Доро III нинг қотили, Суғд ҳокими Бесни ўлдиргани учун Александрдан миннатдор эдилар. Клитнинг дўстлари, ватанга қайтишни истаган лашкарбошилар (Аминта, Қайнос ва бошқалар) Марокандада олдиларини тўсмагани, мўл-кўл ўлжалар тортиқ қилгани боис жаҳонгирга садоқат билдиришган. Хотини Равшанак эрига шу қадар вафодор эдики, унинг вафотидан сўнг ҳам Суғдиёнага қайтмаган, Неллага кетиб ўша ёқларда руҳини ёдлаб ўтган. Шаробдан захарланиб ёки бўкиб ўлганлиги тўғрисидаги тахминлар ҳам ҳақиқатдан йироқлиги аён эди. Негаки, базмдан кейин роппа-роса 10 кун яшаган, табиблар унинг касалини аниқлай олишмаган. Алалхусус, Ер юзининг ярмини зир титратган ёш жаҳонгир ўлимнинг асл сабаби орадан қарийб икки ярим минг йил ўтса ҳамки, пинҳонлигича қолган.

Очиғи, аввалига тарих қатларида бу каби мубҳамликлар кўплиги боис Искандар Зулқарнайннинг вафоти сирлари ҳаёлимни у қадар банд этмаганди. Тасвирламоқчи бўлганим хапаматга ҳам алоқаси йўқдек эди. Бироқ кейинчалик, негалир бевақт ўлимнинг асл сабаби нима эканлиги миямдан нари кетмай қолди. Бу кечмишда мени тамоман бошқа жумбоқли ҳолатлар қизиқтириб қўйганди. Масалан, навкирон жаҳонгир нима учун Бобил, Мароканда, Усрушанада гўзал маликалардан бирортасига кўнгили қўймасдан баланд тоғлар орасида саклар ҳокими Оксартнинг 16 ёшли кизи Равшанакни ёр қилган? Уни бу қадар ақлдан оздирган қандайин хилқат эди у? Ва ниҳоят, нима сабабдан туғмас бўлган у? На-

заримда булар замирида қандайдир афсун, пинҳоний боғлиқлик бордек эди. Гўёки ўша кўхна тақинчок – ХА-ПАМАТнинг сирли мунчоқлари каби!

У асли амирлик замонида бобокалоним Шермерган олис тоғлар ортидан олиб келган Парихотунга тегишли бўлган. Узун бўйли, чўзинчок юзли, кўзлари порлаб тургувчи тоғ кийигидай ўйноқлаган келиннинг асл исми-ни билмаганлари ё бошқа аёлларга ўхшамаган паривашлиги учунми шундай номлашган. Зеро элда у яшаган мовий қирлар ортида ростакам парилар хали ҳам бор деган узунқулоқ гаплар юрарди.

Болалигимизда парилар хақида эртагу дostonлар ўқиб таъриф-тавсифлари, сеҳрларидан роса хайратланганмиз. Бироқ қандай жонзотлиги, мақолилари қайдалигини рўй-рост тасаввур этмасдик. Кўхикоф, Боғи Эрам, Гўрўғли қирган девлар, Юнус-Мисқол парилар ким эди, бунини ҳам билмасдик. Катталар ҳам: «Э нимасини сўрайсизлар? ҳаммаси ўтирик», деб кўя қолишган. Фаройиб жихати шуки, дostonларда эмас, ҳаётда. Одам топмас манзилларда кўним топган париларни кўрган-билганлар уларни афсонавий эмас, гўёки ҳар ким сўзлашса, ушлаб кўрса бўладиган зохирий тарзда ишонарли таърифлашган. Фақат айнан қай ердаликлари тўғрисида яқдил фикр йўқ эди. Баъзи кишилар Сангардак, Қизилнаҳр, Кенгтола (Сурхондарёга қарашли) даралари оралиғида, деса бошқа бировлар Ҳисорнинг Помирга чегарадош Қирққиз, Искандарқўл, Гўрдара деган кишлоқлари атрофида, дея уқдиришган. Ўша жойларда яшовчилар улар билан азалдан мулоқот қилиб келган, сеҳрларни билладиган охун (қоҳин)лари бормиш, дуо ўқиб хизматларига ҳозир у нозир қилармиш, деган эртақнамо гаплар ҳам йўқ эмасди.

Булар асли қадимий сакларнинг авлоди бўлиб ота-боболари сувд тилида сўзлашишган, вақт ўтиши билан турклашганлар. Катта ўрадаги қўнғирот-ўзбеклар билан азалдан борди-кедди қилиб кўпқари чопишган синашта одамлар. Илгарилари тўйлаб келишганда уйимизга кўшхонага тушган бўйдор, ўрқачбурун, чағир кўзли чаптаст чавандозларини кўрганмиз. Ёнғоклининг

Бўзадиридаги катта кўпкарида бирови бош зотни айирган. Ушанда кўнғиротларнинг четкирлари сурдовлашиб қамаб қувишди. Қарангқўллик Менглибой Эшмат: «Кўйма уккаварни!» дея маланг берса ҳам фойдаси бўлмади – Чавандоз қора қашқа отда текисликни икки марта айланиб охири улоқни яққалади. Баковул: «Яша ҳалолнинг бўлсин!» дея уни олқишлаб зотга қўйилган жийрон тойни етаклатди.

Бурунги замонлардан қолган ҳикоялар булардан-да қизиқроқ. Нақл қилишларича, бобокалоним Шермерганнинг 3 хислати бор экан: бириси – машхур ёғочйўнар усталиги, иккинчиси – осмонда учиб кетаётган қирғийнинг кўзидан урадиган мерганлиги. Бу хунарлар қонида бўлган. Ривоят шулки, кўнғиротларнинг бош бобоси Журлук мерган бир қуни иниси Қобой Широдан аччиқланиб унга ўқ узади ва қулоғидаги халқадан ўтказиб юборади, лекин ўзига ҳеч қандай зиён етказмайди...

Шермерганнинг сўнги хислати – валийлиги бўлган. Бир сафар бутун амирликда донг таратган Яшин лақабли улоқчи отини бойловдан ўғирлаб кетишади. Қанчалик излашмасин олис-яқин ерлардан дарағи чикмайди. Ордан 6 ойча вақт ўтганда унинг қаердалиги ўзига аён бўлган. Биринчидан ясалган камонини елкасига осиб кунчиқар томон йўл олган. У ёқдан эса... Тулпори бир пари қизни мингаштириб қайтиб келган. Табиатан камгаплигиданми ё бошқа сир борми, ҳар қалай бошидан кечганларни батафсил айтмаган. «Шермерган ўша томонларда парига зарангдан қовуш йўниб берибди, хунарига қойил қолган соҳибжамол отига мингашиб келибди», деган гап-сўзлар қолган, холос.

\* \* \*

Само бағридаги тоғлар гоҳо кишини сеҳрлаб қўяди. Кўз ўнгингизда номаълум оламлар, ўтмиш манзаралари жонланади, гўёки туш кўраётгандексиз. Шунга ўхшаш ҳолатни какликлар армонсиз сайрашган Керағатов юзида Шермерган икки аср бурун йўнган ёғоч новларга тикилиб ўй сураётган чоғимда бошдан кечирганман. Гўёки,

кимсасиз тоғда ғаройиб оламлару уларда қайнаётган ҳаётни кўрардим. Энг кизиги, буларнинг бари менга тағнишдай, олдин қаердадир кўргандайман. Ҳа, эсладим: қадимий хапаматда! Ҳозир яна ундаги ғаройиб манзаралар, живир-живир мавжланган ранг-баранг мунчоқлар, нақшлар аро пинҳоний олам ва кечмишлар худди ойнада акс этаётгандек эди. Аввалига сокин туманли борликда аллақандай кўланкалар, олисларда эса овулга ўхшаш манзиллар, болахонали уйлар, шаршаралар, ҳашаматли айвонлар, оқ либосли париваш аёллар кўзга элас-элас чалингандек... Бироз вақт ўтиб ҳаммаси аниқ-тиниқ кўрина бошлади. Ана, зовлар орасидан оёқларига чорик кийган қил чакмонли йигитлар – елкасига камон осган алп қоматли Шермерган, йўл бошлаб бораётган қатарлик ош-наси! Сирли хапамат уларнинг саргузаштлари, парилар ва бошқаларни рўй-рост ва батафсил тасвирлар эди...

Улар узок йўл тортишди, Ҳазрати Султон қадам жойини зиёрат қилгач, атрофга назар солишди. Олисда қалин арчазор орасидаги текисликдан қуюқ чанг кўтариларди. Йўловчилар халталаридаги талқондан еб, булоқ сувидан ичиб бироз тин олгач, мўлжал олиб яна йўлга тушдилар. Пешин чоғи Искандаркўлнинг этаги-гида чопилаётган қатта кўпкарининг устидан чиқишди. Шермерган ёйини чакмони ичига яшириб газадан туриб тўдага разм солди. Кўзлари қирғийнинг кўзидай ўткир эмасми, минг отли сурдовнинг ичида зар қокиллари ярқираб, у ёқдан-бу ёққа ағдарилиб улоқ айираётган Яшинни дарров таниди.

– Кўпқари тарқалишини кутамиз, – деди ҳамроҳига. – Кўзингни айирма, от қимда, қайси қўшхонага боради, шуни кузат.

– Ошнам, мени десанг, отинг Гўрдара Оропининг қўлида.

– Оропинг қим?

– Қишлоқлар бошлиғи, охун ҳам дейишади.

– Менинг Яшинимни ҳам афсун билан ўғирлаган дерсан.

– Қиноя қилма. Бойловда Яшиннинг пўлат кишани ўз-ўзидан ечилган, дейсанми?

Катари адашмаган эди. Улоқ тарқаб баковул: «Хуш кўрдик!» дегач Яшиннинг жиловини Оропнинг кўшхонасига буришди. Кундуз ёқали оқ босма чакмон кийган сур телпакли бурни ўроқдай киши отнинг бўйнига шанатилаб урганча, мактаб кўйди. Яшин эса бошини тўлғаганча олд оёғини хавога кўтариб кишнард эди. Давангир йигитлардан бири устига ғожари дигилни солиб устидан тарақи хуржунни ташладида абжирлик билан белига минди. Йўлга тушдилар. Яшин бугун зотларнинг тенг ярмини айирган бўлса-да, чарчоқ нималигини билмай ўйноқлаганча аянишлар борарди. Шермерган билан катари арча шоҳларини паналаб қорама-қора изларидан тушдилар. 3-4 чақирим йўл босишгач отликлар икки ёққа айрилишди. Ороп бошчилигидаги катта тўда унга, кенг дарада айқириб оқайтган дарёнинг кунгай бетидagi кишлокқа қараб равона бўлишди. Яшинни минган қизилкўз барзанги эса 5-6 нафар ҳамроҳи қуршовида сўл томондаги қуюқ чангалзор билан қопланган зовлар томон от солишди. Ороп уларга камчин ўқталиб кўрсатмалар берарди.

Шермерган ошнасига юзланди. У «жим», дегандай бармоғини лабига босиб пичирлади:

— Отнинг оёғига кишан солинлар, деяпти. Яна аллақандай сим қопларни оғизга олаяпти.

— Бу нимаси яна?

— Қузғун Ороп исингни олганми, деб кўркаман.

— Йўғ-э, нафасингни иссиқ қил. Бу ёғини гапир, энди нима қиламиз?

— Энди гап Қилқоядан эсон-омон тушишда. Хотиржам бўл, бунинг уддасидан чиқамиз, — деди катари хид олган тозидай у ёқ-бу ёққа аланларкан.

Шермерган эса қулогини қайчи қилганча Қилқоядан ҳақкалаб-ҳақкалаб энаётган тулпоридан кўз узмас эди. Бирок тезда чақалакзор орасида кўздан ғойиб бўлишди. Улар ҳам лабиринтга ўхшаш айлана тик қатовлардан амал-тақал эниб заранларнинг синган шоҳлари ва тўкилган учқат барғларидан нишона олиб бораверишди. Отликлар тезоқар дарёни кечиб ўтишгач йўлни чап солиб кунчиқарга бурилишди. Улар борган жой чина-

кам Боғи Эрам – осмоннинг парчаси кўринадиган тоғ ўнгири, ботаётган офтобнинг қон тусли шафағи урган баланд зовлар билан қуршалган ям-яшил сайхонлик, гуллар, кумрилару булбулларнинг чах-чахи, нақшинкор айвонли сўрилар, атрофда сайр этиб юрган, шаршараларда чўмилаётган парилар... Хаммаси эртаққа ўхшар эди!

Давангирлар зовнинг адоғидаги камарга етиб тўхташди. Яшинни ўртадаги гулмихга боғлаб оёғига кишан уришди. Белини бўшатиб қалта қантариб кўйдилар. Шундан сўнг бир тўда қизларга отга қарашни буюриб айвонлар томон йўл олишди. У ерда уларни бошқа парилар қаршилаб, ювиб-тараб шоҳи кўрначалар тўшалган сўриларга олиб бордилар. Қизилкўз барзангилар шу тахлит паркув болишларга ёнбошлаб қизлар узатган гулоби шароблардан ичиб хордик чиқаришга киришдилар. Бошқа сўриларда ҳам баэм, қўшиқ, мусика, ракс, кайфу-сафо авжида эди.

Яшинни сайис қизлар парваришларди. Бироз вақт ўтгач сувлиғини чиқариб айил-пуштанини ечишди. Эгаржабдугини олиб яланғочладилар, баланидаги тер ва чангни обдан артишгач, устига қалин жулни ёпиб бахмал беллик устидан тўшайилини тортишди. Топдан йўнилган баланд охурига кўм-кўк беда ва олқорўтлардан солишди. От бедани қасир-қусир чайнарган, ҳамон у ёқ-бу ёққа анғишлаб пишқирар эди.

– У сенинг хидингни олди – дея ошнасини туртди катар.

– Ҳа, сезганга ўхшайди, лекин анавилар билмаса бўлгани.

Улар қоя орқасидан барисини кузатиб туришарди.

– Бу қандай жой, печук жонзотлар, сен биласанми? – сўради хайрати ошган Шермерган.

Катар шоп мўйловларини силаганча ўйга толди, сўнгра паришонҳол сўзланди:

– Буларни Сулаймон пайғамбар давридан қолган дейишади. Тоғларнинг энг овлоқ гўшаларини макон қилишган. Биров кўради, биров кўрмайди. Сеҳр билан эркакларни ром этиб кайфу-сафо қилишади, лекин бола

туғишмайди. Гўзалликда уларга тенг келадиган аёл зоти Ер юзида йўқ эмиш. Бир ёмон томони, улар билан яқинлик қилган одам бедаво дардга чалиниб вақти соати етгач тайин ўлар экан. Бу сирни қадимий саклар билишган, охунлари афсун билан ёғийларни ўзларига оёдириб, париларнинг қўйнига солиб, шу тариха даф қилишган. Бу гапларни афсона дегувчилар ҳам бор. Яна баъзилар: Булар ҳур ҳам, пари ҳам эмас бир кишлоқнинг «уффори» деган кўҳна жамоасидан, дуо билан пари киёфасига солинган кизлар, қонлари эскирганидан рангсиз, пуштсиз туғилишади, бадаллари ўта нозик, қувватга ташналигидан хирслари баланд, кучли эркакларга зулукдек ёпишармиш, ҳатто қон сўрувчилари ҳам бўлади, дейишади. Яна ким билсин, ўзим ҳам биринчи бор кўриб туришим.

– Анави кизилкўз давангирлар ким?

– Эркаклари бўлса керак. Уларга касаллари доримас эмиш. Эҳ қани энди мен ҳам шу кеча улар билан би-ир айш қилсам, ўлсам армоним йўқ эди, ошна.

– Э ҳозиргина ўзинг тарифладинг-ку. Нима, ажалингдан бурун...

– Мени ёмон ўзларига чорлашяпти, бир қучгим келяпти, ошна.

– Э валдирама! Сен отни қандай опқочишни ўйла, – дея танбех берди Шермерган кўзлари аланг-жаланг ўйнаётган ошнасига. Катари гапни бошқа ёққа бурди:

– Яшиннинг оёғидаги кишан залворлига ўхшайди.

– Бундан ташвиш қилма, қулфни кўз очиб юмгунча кесаман. – Шермерган қўйнидаги пўлат кескирга ишора қилди.

– Ороп ҳам анойи эмас. У сим қопларми-ей, бир балоларни айтганди. Яна анави «девлар»...

– Уларни ўзим саранжомлайман, факат кўзим илинса сахар пайти уйғотсанг бас. Тавин худо уриб париларга дохиллашиб қолма.

– Йўғ-э ўлибманми.

– Айтдим қўйдимда.

Улар ҳалтачаларидаги талқонни капалаганча тамадди қилишди. Ухлаб қолмаслик учун Катари ханжари дастасини, Шермерган ёй ўқини пешоналарига тираганча

ўтираверишди. Сахарга яқин Яшин гулдираб кишнади. Шермерганнинг кўзи ярк этиб очилди. Ёнида Катари йўқ! Тонг юлдузи шуъласида кўрдик, ошнаси яқинроқдаги сўрида тўрт нафар парининг кучоғида ётибди. Ундан умидини узиб дов-дарахларни паналаб камарга томон юрди. Атроф зим-зиё сукунат, гўёки зоғ йўқдай. Орқа тарафдан отга яқинлашди. Яшин уни сезиб енгилгина ихраб қўйди. У қўйнидан пўлат кескирни чиқариб отнинг олд оёқларига энгашиган эди ҳамки, тўсатдан «шарт» этган товушни эшитиб бошини илжис кўтарди, ва... Ўзини йўғон симлардан тўкилган тўр қоп ичида кўрди. Атрофида эса ҳалиги қизилкўз барзангилар сўйлоқ тишларини илжайтиб туришибди. Ётган жойидан Катарини ҳам тургазиб келишди-да, икковини оёқ-қўлларини занжирбанд қилиб кўзларини боғлаганча камар ичкарасига хайдаб жўнашди. Зулмат юр ичра қанча юрганлари номаълум, ниҳоят бир жойдан чиқариб кўзларидан боғичларини ечишди. Тонг ёришгач, этакда қадимий қишлоқнинг қораси яққол кўринди. Кунгай бетда бир-бирига мингашиган синчқори уйларнинг сон-санови йўқ. Уларни жин кўчалар орала-тиб ўртадаги баланд пешайвонли уй олдига келтиришди. Пода хайдаб юрган чағир кўзли болалар, ҳовли супураётган оқ чорси ёпинган сувилондай хотинлар уларни томоша қилишарди. Улкан ўймакор дарвозадан ичкарига олиб киришди. Баланд ҳашаматли айвонда қават-қават шоҳи кўрпачалар устида ястанган ўрқачбурун, кўзлари илоннинг кўзидай чақчайган ўрта ёшли киши қаддини кўтариб тутқунларга гап қотди:

– Ҳа мерган, кепсанда. Буёқларда итинг адашдимми-а?

– Итим эмас отим, – дея жавоб қилди Шермерган заррача тап тортмай.

– Бир тойни деб шунча йўл босиб ҳалак бўпсанда.

Ана уюримдан хоҳлаганингни олиб кетавер.

– Уюрингдаги беҳисоб чўбирларинг Яшиннинг бир килига арзиганида уни ўғирлаб келармидинг, Ороп?

Охун сукут сақлади. Ҳақиқат баъзан ҳар қандай раддорни ҳам гунг қилиб қўяди деганларича бор.

– Ўтган ишга салавот. – Ниҳоят тилга кирди у – ўзинг кўрдинг, отинг соғ-саломат, ардоқда, айқириб

улоқ чошайпти. Сенинг кўнғиротларинг кўпкарини ёрром чопади. Сенга уюримдаги энг сара Дўнанны бераман, галадан ўзинг танлайсан.

Шермерган лом-мим демади. У ҳамон доғда қолгани, ошнаси париларга илакишиб панд берганидан алами зиёда эди.

– Отни бер! – деди Оропга қаттиқ тикилиб. – Яшин сендай жодугар тулкига ҳайф, уни мендай лочин минади.

– Мақтанма гов кўнғирот! Ҳали меҳмоним бўласан, кўхна урфимизни адо этаман.

Ороп болахона томонга ияк қоққан эди, у ердан икки нозанин чиқиб айвон панжарасига суянганча уларга кўриниш бердилар. Каштали оқ кўйлак кийган узун бўйли қирмизи сочлари нозик белига чулганган соҳибжамол киз тим қора кўзларини сузиб унга қаради. Бўйнига таккан, қўш каптардай кўкка талпинган кўкракларига шалоладай эниб турган хапамати тоғдан ярқираб чикқан қуёшнинг заррин шуласида живир-живир товланар эди. Шермерган унга анг-танг бўлиб тикилиб қолди.

– Мерган, – дея унга юзланди Ороп. – Эшитганман унча-мунча қизларни назаринга илмай уйланмай юрибсан. Айвонда турган оқ кўйлаклиси ёлғиз қизим. Ёнидаги канизи ҳуснда ундан қолишмайди. Шу қизни сенга бераман. Дўнанга кўндириб ол-да кет. Яшин унинг калини бўлсин.

Чиндан Ороп кўрсатган қизнинг ҳусндан ками йўқ эди. Аммо Шермергандан тағин ун чикмади. У ҳамон хапамат такқан оқ кўйлакли соҳибжамолга махлиё тикилиб турарди. Қиз ҳам чўғдай нигоҳини унда узолмас эди.

– Сендан сўраяпман, розимисан? – деди Ороп.

– Йўқ – деди Шермерган ҳушини йиғиб олиб. – Яшин қалинга берилмайди. Кўнғиротлар ҳеч қачон отни хотинга алишмаган.

– Энди ўзингдан кўр. Олиб бориб қамаб кўйинглар. Кунжара ва сувдан бўлак овқат берманглар, – буюрди Ороп.

Уларни ховли адоғидаги ўрадай коп-коронги кулбага камаб оркасидан тўнкадан йўнилган эшикни танбашди. Орадан уч кун ўтгач чақиртириб яна сўрокка тутди:

– Қани мерган ўйлаб бўлдингми? – тутқундан садо чиқмагач, давом этди. – Бўлмаса эшит, биринчи шартимга кўнсанг қизни сепи билан отинга миндираман. Элинга эсон-омон бор. Агар кўнмасанг ота-боболаримиздан қолган удумни адо этаман. Ўзинг кўрган жойдаги парилар маликаси билан бир кеча ишрат қиласан. Сўнгра тўрт томонинг қибла, паймонанг тўлиб ўласан. Жавобингни айтишинг учун сенга 10 кун мухлат бераман. Олиб бориңлар.

Уларни яна ертўлага камаб кўйишди. Катари парилар билан тунаган окшомдан бери ўзини мажолсиз сезарди. Ранги захил тортиб кун сайин сўлиб борар, орасира иситмалаб тишларини такиллатганча қилмишидан афсусланиб нола қиларди:

– Биринчи шартга рози бўл ошнам. Мен ҳам болачақамни кўриб ўлайин. Ахволим оғир, одам бўлмайман шекилли. Бу дарднинг муддати йўқ, эртами кечми олиб кетади.

Шермерган не дейишини билмай унга хайрону лол бокарди. Мухлат битишига бир кун қолганда Катари тиришиб жон таслим қилди. Барзангилар уни елкаларига кўтариб олиб чиқиб кетдилар. Шермерган дўстининг жасадини қаерга дафн этишганини билмасада, руҳига қуръон тиловат қилди.

Эртаси куни уни Оропнинг ҳузурига олиб боришди.

– Сўнги қарорингни айт мерган, – деди уруф бошлиғи унга қахр билан тикилиб. – Ана, парилар билан айш қилган Катари опшангни ҳолини кўрдинг.

Шермерган олисда кўринган Гўбалайнинг оқ қорли чўққиларига боқди, аммо тоғлар сас бермади. Сўнгра айвонда солланиб турган сарвиноз қизларга қаради. Хапаматли қиз унга ним табассум қилди-да, икки бармоғини хиёл кўтариб сўнгра гунчадек лабига босди. Шермерган бу ишорада не сир борлигини билмасада

қизнинг кўзларига синовчан тикилиб туриб таваккал жавоб қилди:

– Иккинчисини таялайман.

Одамлар бир гувлаб тинишди. Ороп бошини волибона кўтарди:

– Қисматингни ўзинг белгиладинг, мерган. Энди мендан гина қилма. Азалий удумимизни адо этаман. Парилар билан кайфу-сафо қил, армонинг қолмасин. Омин!

Тумонат гувлаб «омин», дея такрорлашди. Оропнинг оқ кўйлакли эрка қизи далда бермоқчидек кўлидаги шоҳи рўмољчасини у томон силкитиб мийиғида кулиб кўйди...

Оқшом чўкиб тоғларни шом қоронғиси қоплагач уни ертўладан олиб чиқишди-да, кўзларини боғлаб зим-зиё ёр ичидан олиб жўнадилар. Нариги томонга чиққанларида боғични ечишди. Дастлаб у ҳеч нарсани кўрмади, кейинроқ атрофини қуршаган париларнинг оқаришган вужудларини илғади. Уни Гулҳовузда чўмилтиришгач, оппоқ либосларга ўраб бардор-бардор кўтарганча гулзор ичидаги энг баҳаво, тўрт томони ҳарир пардалар билан тўсилган сўрига олиб боришди. Ўртадаги хонтахта устига ёзилган дастурхон устида етти ухлаб тушига қирмаган ноз-неъматлар, анвойи майлар тўлатилган кўзалар турарди. Парилар унга ва ёнидаги маликага навозини ила хизмат қилишар, турли лаззатли таомлар келтириб майлардан узатишарди, уд ёки арфага ўхшаш ажабтовур созларда мусиқа чалиб гўзал кўшиқлар қуйлашар, нозик ҳаракат-ла рақсга тушишарди. Ҳавода майнинг шаббода ила жаннатий муаттар хидлар уфураб эди.

У роҳату фароғатдан, ёнидаги ҳуриғилмоннинг табассумидан мутаассир бўлиб жонбахш туйғулар оғушида мумдай эриган кўйи ўтираркан, эл-юртинни, севимли отини, ёрув оламдаги жамики нарсаларни унутгандай эди. Майхўрлик ва тановул тугагач, малика кўлидаги шоҳи рўмољини силкитган эди, парилар баэмни ниҳоялаб иккисини гуллар билан безалган хобгоҳга олиб киришди-да масту-мастона Шермергани малика билан холи

қолдирдилар. Шунда улар илохий ишқ бўстонида бир-бирларини оғушлаб танларини ва рухларини бўсалар ила бағишладилар, самовий висол минг асрлар давом этгандай туганмас мухаббат ва лаззатдан масрур бўлдилар. Баданларидан оққан тер етти қават кўрпадан ўтиб тагидаги гулдор гиламни ҳам шалаббо қилган экан. Сахар-сахар маст уйқуда ётганида Шермерганни кимдир уйғотди.

– Туринг бегим, вақт бўлди, кетайлик.

– Қай ... Қаёққа кетамиз, Кўхикофгами? – гулдиради уйқуси роса очилмаган Шермерган.

– Керагатовга, – деди малика жаранглаган овозда аниқ-тиниқ қилиб.

У кўзларини катта очиб қаради: ажабки, тепасида парилар маликаси эмас, сафар кийимини кийиб белига фута боғлаган бўйнига хапамат таққан Оропнинг оқ кўйлакли соҳибжамол кизи чарос кўзларини чакнатиб турарди.

– Сен?!

– Ҳа менман. Кўрган пайтимдаёқ сизга ошиқу беқарор бўлдим. Ўшанда сиз билан қочиб кетсам бўларди, аммо отингизни кўзингиз киймаслигини билардим. Шу боис, бошқа режа туздим, иккинчи шартни танланг, деб ишора бердим. Отамдан париларни хизматга шайлайдиган дуоларни озроқ ўрганган эдим... Сизни бу ерга келтиришларидан олдин келиб, парилар маликаси киёфасига кириб сиз билан висол қурдим. Олдиндан хаммасини ўйлаб қўйгандим. Парилар ва қизилкўз давангирлар хизматимда ҳозир у нозир. Энди мени юртингизга олиб кетасиз, сизга вафодор хотин бўламан, отингиз ҳам тайёр. Тезроқ йўлга отланайлик, тонг ёришса афсун ечилиб бўйсунмай қўйишади. У ёқда отамнинг айроқчилари...

– Хаммасига тушундим. Мени отимнинг ёнига бошла, – дея Шермерган ётган жойидан қоплондай сакраб турди.

Парилар аллақачон отнинг кишанини ечиб, эгарлаб қўйишган экан. Давангирлар содиқ мулозимлардек бошларини эгиб таъзим қилиб туришарди. Шер-

мерган Яшиннинг манглайдан ўпдида, айил-пуштанини қайтадан тортиб узангига оёқ қўйди. Оропнинг қизини билагидан тутиб отнинг сағрисига кўндирди, «Хайт!» дея Қилқоя томон елдириб кетди...

\* \* \*

Этак шамоли тоғ бошини чалган булутларни, дараларда чўкиб ётган туманни тарқатиб юборди. Мен ҳамон ғаройиб манзаралар асири бўлиб ўтирибман. Қадим Навтаканинг тож янглиғ чўққилари этакка оққан офтобнинг ёркин нурларида кумушдай яркирарди. Хапамат энди бутунлай ўзга тарих, ўзга одамлар кечмишини сўйлар эди... Тевараги йўнилгандек тик зовлардан иборат маҳобатли қоя устида қўрғон, шинаклардан ўк узишга шай камончилар, пастда эса тоғу тошни тўлдирган найза тутган беҳисоб лашкарлар, бошлари узра Искандар Зулқарнайннинг оловранг ялови!

Унинг ўзи қўшиннинг олдида қора тулпори устида осмон ила сўйлашган қояга шахт билан тикилганча турибди. Соқолига оқ оралаган йўғон гавдали саркарда Парфенон унга гап котди:

– Нима Бусефалинг қанот борлаб сакларнинг тилсимли қалъасига учиб чиқади, деб ўйлайсанми?

Жаҳонгир нигоҳидаги шиддатни сўндирмай жавоб қилди:

– Бусефал қанот чиқармаса аскарларим учиб боради. Ахир келиб, кўриб, олмай қайтган қалъам борлигини кўрганмисан, эй қария?!

– Нега оқилаликда ва гўзалликда тенгсиз Усрушона маликасини олмай изинга қайтдинг? – бўш келмади кекса саркарда.

Жаҳонгир сукут сақлади. Юсуф талантли навкирон Гефестион дўсти учун жавоб қилди:

– Енгилмас Александрнинг хотини самовий парилардек гўзал бўлмоғи керак-да.

– Ҳа, саклар хони Оксартнинг афсонавий ҳуруғилмонлари бор, деб эшитганман, – деди Птоламей Лаг гапга аралашиб. – Илоҳа Онахитанинг дуосини билади-

ган кохинлари уларни афсун билан хизматга шайлашар экан. Ёғийларни эса...

– Бўлди, бас! – дея ўқирди Александр. – Биз сакларнинг сўнги қўрғонини олгани келганмиз. Унга чиқишни ўйланглар. Антикатр! – У Парфеноннинг ёнида найза тутган панжалари бургутникидай, кўзлари ёниб турган жангчига мурожаат қилди:

– Қоядаги қалъага чиқа оласанми?

Антикатр саросимага тушмади, бир муддат тик зовларга ўтқир кўзларини қадагач, жавоб қилди:

– Иложини тонаман саркардам.

Птоламей Лаг: Қанотли қуш уча олмайдиган жойга қандай чиқасан? демокчи бўлди-ю, аммо Александрнинг қахрли нигоҳини кўриб фикридан қайтди. Антикатр эса тунда, етти кунлик ярим ойнинг ёғдусида 100 чоғли аскар билан зовлар ёриғига ўтқир учли найзаларини қадаб, пишиқ арқонларга осилиб қўрғон тепасига чиқишга муваффақ бўлди. Уларни кўрган камончилар ўтакалари ёрилиб қалъа ичкарасига, Оксартнинг қароргоҳига қочишди.

– Ёғий босди, ёғий!

Оксарт тошдан йўнилган тахтида ўтирганча уларга бақирди:

– Қанақа ёғий? Нима Македонияликлар махфий йўлни топишибдимиз?

– Йўк камарнинг қотларидан учиб чиқишди.

Оксарт ёнида ўтирган, бўйни ва белига денларнинг тишлари осилган коҳинга юзланди:

– Юнонларнинг коҳинлари аскарларни учира оладиган дуони билишадими?

Коҳин қоқ суяк қўлини силтади:

– Йўк, Арасту уларга афсун эмас, фақат ҳарбу зарбдан илм-хунар ўргатган.

– Сиз биласиз-ку, афсун билан уларни қайтаринг, мухтарам коҳин. – Ёлворди Оксарт чағир кўзларини ёшлаб.

– Энди фойдаси йўк.

– Таслим бўл, демокчимисиз?

– Ҳа!

– Ахир бутун Новтака қўлдан кетади-ку.

– Уларга саховат кўргазиб Илоха Онахитанинг удмини адо эт! Қадим Суғдиёнани махв этган, оламдан ному нишонини ўчирган Александрга ўлим! Сакларнинг ўчи шу! Парилардан энг гўзалини қизинг Равшанак гимсолида унга тортиқ қил. Унга ҳам ёр, ҳам «ажал париси» бўлсин. Омин!

Кохин дуоларини ўқиш учун тоғ ўнгуридаги оловхонага кириб кетди. Бу орада ташқаридаги камончиларни саранжомлаган Антикатр ҳам саройга кирди. У тўрдаги тошдан ясалган тахтада ўтирган Оксартнинг қаршисига бориб найзасини ўқталган эди, у қўлидаги оқ тифини унинг оёқлари тагига ташлади. Ўрнидан туриб таъзим қилганча кироат қилди:

– Биз буюк жаҳонгир Искандар Зулқарнайнга тобе бўлғаймиз. Унга айт: Барча аъёнларим, аскарларим билан таслим бўлиб ҳузурига бораман. – Сўнгра ёрдамчиларига ўгирилиб буюрди. – Кохинга айтинглар, махфий йўлни очадиган дуони ўқисин.

Ҳаммалари гадир-будир деворларига машғалалар ёқилган лабиринтга ўхшаш ғордан пастга туша бошладилар. Дуонинг кучи билан икки ёкка сурилган улкан қоя ёриғидан ташқарига чиқишди. Антикатр мағлуб сакларни баланд хавозада Гефестион билан шароб ичиб ўтирган Александрнинг ҳузурига олиб борди. Оксарт аёну ақибирлари, аскарлари, хотинлари, ҳисобсиз ўғил-қизлари билан ёш жаҳонгир қаршисида таъзим қилди, сўнгра оксоч бошини адл кўтарганча ғолибни қутлади. Бирок Юнон арслони уни кўрмас, сўзларини эшитмас эди. У энг олдинда қуёпдай порлаб турган 16 ёшли Равшанакдан кўзларини узоқмай тикилиб қолган, қизнинг кўзни камаштиргудек жамолига асир бўлиб бамисли яшин ургандек ишқида ёниб руҳи кўкларга равона бўлган эди.

– Гефестион – дея зўрға нулдиради, сўнгра кўзлари чакнаганча хитоб қилди. – Ана менинг хотиним. Бошига гулчамбар тақиб ёнимга келтир. Йўқ шошма, ўзим бораман!

У хавозадан ўлжасига ташланган йўлбарсдай отилиб тушди-да кўзларидан шашкатор ёш тўкилаётган дўстининг кўлидаги гулчамбарни олиб париваш Равшанакнинг бошига кўндирди. Қилқоя устида ёлғиз кўнқайиб ўтирган кохин қах-қах уриб кулди, кулгуси тоғу-тошлар аро акс-садо бериб кўхна Бобилнинг фусункор Семирамида боғларини эпкинлагандай олисларга таралиб кетди...

Офтоб аллақачон ботган эди. Этак шамол тўхтагач, тоғларни яна туман қоплаб олди. Энди барчаси линхон бўлган: кўхна манзаралар, Шермерган, парилар, Равшанак, илоҳа Онахитанинг ўчи ила қазосини топган Искандар Зулқарнайн, найза тутган жангчилар ва уларни рўй-рост жонлантирган мўъжизакор хапамат ҳам!

Дарвоқе, ривоят қилишганидек, бобоқалоним Шермерганининг тутқинлик чоғи ёғочдан антиқа ковуш ясаб Гўрдаралик гўзални ўзига ром этгани чинми-ўтирикми билмадиму, Ёноқлига олиб келгач, у билан кўп фарзандлар кўриб, бахтли ҳаёт кечирганини эшитганман. Парихотуннинг сирли тақинчоғи эса момомга, ундан знамга мерос қолган. У ҳам вафот этгач, содда сингилларим қишлоққа келган дўлиларнинг ялтирок сунъий маржонларига алмашиб юборишган. Ҳозир ўша кўхна буюмни ҳам, парилар ҳақидаги гурунгларни ҳам буткул унутиб юборишган. Яна қачонлардир, Керагатовда баҳор чоғи чакамик ва учқатлар гулга кириб, какликлар маст бўб сайрашганда бошқа хотиралар каби ХАПАМАТни ва уни такқан париларни қайта эслашар, балки...

2008 й.



## ШАМФАЛАТ

Бу фаройиб ҳикояни бир вақтлар Сангардак тоғларида саёҳат қилиб юрганымда эшитганман.

Буюк Помир билан Ҳисор тизмалари туташган энг баланд чўккида турибман. Атрофни қуршаган маҳобатли зовлар, оппоқ шаршаралар, ям-яшил кўриқлар, зангори зарангзорлар орасидаги кўҳна қишлоқлар, ҳўкиз билан қўш ҳайдаётган кишилар, ўроқ ўраётган қиз-жувонлар. Улоқ-кўзи боқаётган болаларнинг қий-чуви... Нақадар ибтидодий ва сирли! Гўё бунда биз илғай олмайдиган недир оламлар яшириндек. Аниқроғи, айни бокира манзил, инсонлар, биллур шаршаралар, наботату жониворлар ерда эмас, қайлардадир олисларда, само қатларида зохирдек. Мен дахлсиз борлиққа махлиё бўлиб қуёш аллақачон ботганини сезмай ҳам қолибман.

Пастга тушишда йўлдан адашиб «Шарғун» кўмири кони яқинидаги кончилар қароргоҳи устидан чиқдим. Шу жойда тунаб қолишимга тўғри келди. Ажабки, менга ўз чодиридан жой берган муҳандис афсонавий таассуротларимга янада тизгинсизлик бахш этди. Бир қарашда унда ҳеч қандай гойибийлик асари йўқдек, аксинча, содда, тиниқ фикрлайдиган замонавий, ўқимишли одам. Фақат... Зоҳирида ва ботинида бошқаларда учрамайдиган интиҳосиз жозибалилик бор эди. Ёши элликни қоралаган бўлса-да, қадди расо, навқирон, хушсурат, ба-айни қадимий Хитой кўлёмалари саҳифаларига чизилган Лаоцининг суратига қуйиб қўйгандек ўхшарди. Айни чоғда, болаларча берубор, воят ифодали чехраси, бутун борлиғи етти ухлаб тушга кирмаган ҳикмату маъноларни намоеён этарди гўё! Тарзини бир кўрган киши яна кўришни, сўзларини бир марта эшитган яна эшитишни орзулашига аминман. Айтишларича, бир умр гўзал

аёллар уни севишган, ёш қизлар висолига етишни орзулашган. Энг хайратланарлиси, ноёб хислатли бу одам жуда фаол, қизгин ҳаёт кечирганига карамай, шу дамгача онла қуриб хотин, бола-чақа орттирмаган экан. Бонсини ўзгалар тугул, ўзи ҳам англаб етмаган чоғи, сўраганларга: «Кўнглимдаги аёлли хануз учратмадим, шекилли» дея гапни қисқа қиларкан.

Мен унга ўз таассуротларимни гапириб бердим. Нақ булутлар орасидаги тоғ овуллари афсонавий туюлганини, очиги, сирли ҳаётларнинг чинакам намунасини қўриб кечиргандек бўлганимни, уларнинг китобларда тасвирлаган ёндош оламларни эслатишини тўлқинланиб сўзладим.

У менга бироз хайратланиб каради-да, сўнгра зулмат борлиқ қаърига тикилиб узоқ сукут сақлади. Анчадан кейин менга ўгирилиб бироз ўзгарган овозда сўради:

– Сиз уларга ишонасизми?

Назаримда саволининг асл маъноси сал бошқачароқдай, яъни: «Тушуна оласизми?» демоқчидек эди. Шу боис бироз тараддудланиб, аммо қатъий жавоб қилдим:

– Ҳа, яралиши сирли бўлган борлиқда нечун сирли дунёлару жонзотлар, биз илламайдиган ҳодисотлар мавжуд бўлмасин: Ўзга оламларга рухий ё моддий тарада кўчиб ўтиш, ёки аксинча, уларнинг бизга, бизнинг англаш доирамизга киришлари каби ҳолатлар...

Сўзларим унга бошқача таъсир қилди. У худди узоқ давом этган летаргия уйқусидан уйғонгандек менга тикилди. Мутаассир чехраси, кўзлари ёлқинланар, бутун борлиғи янги воқелик ила юзлашгандек хайрат ва ҳаяжон оғушида эди. Унинг ҳолати баайни тушдаги шодликка ўхшаб кетарди. Шундагина мен юраги тубида чўкиб ётган, сўзларимдан қўзғалиб, сиртига тошиб чиққан сўнгсиз армон ва соғинчни илғадим.

Узоқ сукутдан сўнг хитоб қилди:

– Ғойибий маконларга моддий кўчиб ўтиш! Қачонлардир айнан шунга ўхшаш синоатлар бошимдан ўтган. Салкам йиғирма йиллик жумбоқ, сўзлаб берсам ишонармикансиз...

– Бажонидил эшитардим, – дедим мен тинглашга шайланар эканман.

- Асли Боботоғликман, - дея хикоясини бошлади у. - Отам машхур полвон, дўмбирачи, бироз бахшилиги ҳам бор эди. Отам диндор оиладан чиққан такводор аёл бўлган. Отамнинг кизиқиши туфайли уйимиз дostonу термалар, ривоятлару қадимий кўшиқлар ихлосмандлари билан гавжум бўларди. Улар орасида энг ашаддий мухлис мен - беш ёшли болакай эдим. Кейинчалик мактабга борганимда дoston китобларни шариллатиб ўкиб берганимни кўрган биринчи муаллимим жойида қотиб қолган ва бирданига икки синф сакратиб 3-синф ўқувчиларига кўшиб кўйган. Қахрамонларнинг деву-аждаҳоларни кириб, париларни қутқариши ва бошқа саргузаштлари мени буткул ром этган, кечаю-кундуз мард баҳодирларга ҳамроҳ бўлиб золимларни, ялмоғиз кампирлару жодугарларни маҳв этиб адолатни қарор топтириш йўлида жавлон урардим. Ҳусни жамоли қоронғу кечани ёруғ қиладиган парилар хотирамда ўчмас из қолдирган. Ўсмирлик чоғимда улар хақидаги хаёллару кечинмаларимнинг чеки йўқ эди. Ўз «парим» ҳам бор! Хония! У ҳали ёшгина, тим қора сочларини селпиллатиб зилол булоқ суви каби тошдан-тошга сакраб юрарди. У билан гоҳ уришиб, гоҳ ярашиб капалаклар мисоли қувлашиб ўйнардик. Бу - армонсиз, таърифга сиғдириб бўлмас масрурлик эди. Шу қадар шуурумга жойланган эканки, ўша ўйинқароқ қизнинг шабнамдек тиниқ юзини, шалола сочларини, шўх кулгусини бир умр унута олмадим. «Парим» нинг мухаббатига эришиш учун не кўйларга тушмадим, дейсиз. Ҳамиша, ҳамма ерда биринчи бўлиш туйғуси ўшанда қонимга синган бўлса не ажаб!

Бироқ омад мендан юз ўгирди. Рақибларимдан ўзаман деб чиранганларим асар қилдими ё бошқа бўлдими, ҳар нечук бўйим ўсмай пақанагина бўлиб қолдим. Аллақачон бўйлари чўзилиб, юзларига ҳуснбузар тошган тенгдошларим овозларини дўриллатиб устимдан қулишарди. «Парим»нинг кўзига кўриниш эса ўлимдан-да оғир. У бўлса паналаб юрганимдан ажабланиб йироқдан галати қараш қилади, баъзан учрашиб қолганимизда олдин-

гидек очилиб-сочилив гаплашгиси келар, аммо менинг караёлмай нукул тундланишимдан хайратланиб жил-майиб кўярди.

Шу орада кишлоқда туман марказидаги олти ойлик курсларда ўқиб келган муаллимчалар кўпайди. Уларнинг ихчам камзул-шимлари, бўйнидаги гулдор галстуклари, билагига таққан ялтирок боғичли соатлари, тилларини бураб адабийча гапиришлари, барчанинг ҳавасини келтирар эди. Шунда мен ҳам ўқишга бориш, пўрим кийиниш, барчани қойил қилиш истаги билан ёна бошладим. Мен ҳатто Хониянинг ишқиниям, паканалигиминиям унутган эдим. Мактабни битириб кўм-кўк жилдидан бўёқ хиди келиб турган яп-янги аттестатимни қўйнимга солиб юрган орзуманд кезларимда омад куши бошимга қўнгандек бўлди. Отам қўшни кишлоқдаги бир тўйда институтда домлалик қиладиган укахонини учратиб қолибди...

Алалхусус, орадан бир йил ўтиб мен ҳақимда кишлоқда: «Райимберди полвоннинг ўғли Азамат ўқишдан таътилга келти, жуда кетворган, билгир йигит, билагида тилла соати бор эмиш», деган овоза тарқалди. Бунда муболаға талай, аммо менинг ҳавойим, саҳту-сумбатим булардан-да баландроқ эди. Рост-да, қандайдир туман марказидаги курс эмас, нақ пойтахту азимдаги институт талабаси! Энг қувонарлиси, бўйим ҳам анча чўзилган, қалди расо, заранг химчадай йигитга айланганман.

Илгари қизларнинг ҳозиргидек юз-кўзларига бўёқлар, ўсмаю сурмаларни обдан суриб кўкраги очик, енгсиз кўйлақлар кийиб йигитчалар олдига зинғиллаши одат тусига кирмаган. Никоҳ кечаси «вакил сўратар»га йиғилган қизлар куёв жўраларнинг қорасини кўрипмаган. Ҳатто келин боёқиш ҳам куёвни чимилдиқда таниган, холос. Лекин менинг таърифимни эшитган бўй қизларнинг па-тагига қурғ тушди. Узун енгли адрас кўйлақ кийиб, сочларини қирқта ўриб уйимиз олдидан тинмай гузарга сувга қатнашар, далага ёки мактабга боришда атайин бизнинг кўчадан гурра-гурра ўтишарди. Овулларга борсам ўтовларининг жалсаридан қарашар, мен эса худди ойпарастдек уларни пайқамасдим. Аёнки, бирги-

на ўзимнинг «парим»ни кўришни истайман. Уйи анча узоқда, атайлаб боришга истиҳола қиламан. Хония ҳам аразлаган шекилли, сира кўриниш бермайди. Ёзган хатларим, синглимдан тайинлаган гапларим жавобсиз қолди. Йироқдан алвон кўйлагини, қуёш нури тушган лахзада ярқираган юзини кўрардим, холос. Шунинг ўзиданок қувончдан юрагим тошар, ўзимни ердами – кўкдами эканимни билолмасдим. Гўё олам лозазорга айлангандек, Хония улар ичра ловуллаб ёниб тургандек. Ажабки, қанчалик тоқатим тоқ бўлмасин, пинхоний муштоқлик, сирли хижрону бўлғуси висол хаёли, шодланиш ва изтироб, бариси менга бениҳоя масрурлик бағишлар эди.

Шу аснода табиатимда ва феъл-атворимда анчайин ўзгариш юз берди. Энди мен олдингидек ботир ўғлон бўлиб «парим»нинг ёнига чопиб боришдан, жамалагидан тортқилаб ўйнашдан истиҳола қилар эдим. Учрашганда қизариб-бўзариб базўр саломлашардим. У шунчалар афиф, андишали эди-ки, мен ҳам ўзимни унга муносиб, мард, олийжаноб йигитдек тутишим, Авазхондек қахрамонликлар кўрсатишим лозим, шунда у мени чинакам сева олади, дея ўйлардим. Бироқ шоирона хаёлларим мени заминдан ҳам севгимдан ҳам аста-секин йироқлаштириб тақдир азалим – мангу хижрон ва хаёлий ошиқлик сари ҳаволантирди. Мен олам мўъжизаларини кашф этиш, ҳаёт сирларини очиш ва зафарлар кучиш сари ошиқардим. Ўзимни илмга урдим. Самовий севгим ўша-ўша қалбимда-ю, севгимни буткул унутдим. У аллақачон эрга тегиб кетган бўлса керак, деб ўйлардим. Адашган эканман, охири курсда ўқиётганимда синглимдан хат келди: Менга Хонияни унаштиришибди! Ҳеч ишонгим келмасди. Отам дostonлар айтишнинг пири бўлса-да, ҳардамхиёл одам эди. То у қизга бошқа қишлоқдан совчи келиб фотиҳа тўйи белгилангунича бепарво юрган, кейин эшитиб ҳеч қимдан сўраб-нетиб ўтирмай тўйлик молларни ва бўҳчани олиб борган. «Ҳа», дейишса: «Ўғлим шу қизга болаликдан кўнгли кўйган, уни мен келин қиламан. Наригиларни яхшилиқча қайтариб юборинглар», дея гапни чўрт кесган. Қизнинг отаси ноилож, айтганини қипти.

Олдинги қудалар бу гапдан роса дарғазаб бўлишса ҳам отамнинг номини эшитгач, шаштларидан тушиб, ашқол-дашқолларини кўтариб изларига қайтиб кетишибди.

Менинг қувончим чексиз эди. Ахир энди «нарим» билан бирга бўламан, интизорликларим, изтиробларим поёнига етади, севгим, севгилим ва мен мангу бахтиёрликда яшайман!

Тўйга хали икки йил бор эди: Мен ўқишимни тугатишим, Хония гиламу бўғжомаларини, ўтовининг боғичу кашталарини, зебу зийнатини тайёрлаши зарур. Ниҳоят тўй бўлди. Тоғли қишлоқларда кўхна удумлар, хар хил ирим-сиримлар хали-ҳамон сақланиб қолган. Бир қарашда жўн, эскирган, кераксиздек туюлган айни урф-одаглар аслида теран маъноларни англатади. Болалигимда уларни томоша қилиш жону дилим эди. Буви билган қудағайлар тўй кечаси ўша иримларни бекаму кўст адо этишди. «Вакил сўратар» чоғи икки ўспирин келин ва дугоналари ўтирган ўтовга катнаб қизнинг инон-ихтиёрини тинглаб Вакил отага етказишди. У ҳам ризолигини айтгач, мулла никоҳ ўқиди. Шундан кейин мени жўраларим билан ўтов остонасида таъзим қилдиришди, олдимга дастурхон ёзиб беҳисоб қатламалар тузашди, янгалару аммаларга сарупо тарқатдилар. Шу дамгача тўй рисоладагидек, воят тантанали ва қизиқарли ўтаётган эди. Хамма шод-хуррам, бир ёнда қўшиқ, бир ёнда ўйин-кулги! Дўмбира садолари остида ўтовга қадам қўйдим. Турли-туман рангдор боғичлар, нақшли қурлар, тизмалар, сон-саноксиз попуклар тақилган ўтов ичи қора чироқнинг хира ёғдусида афсонавий қасрга ўхшарди. Айни таассурот онгимда неларнидир акслантиргандек, бошим айланиб оз-моз замон ва макон ҳиссини йўқотгандек бўлдим. Бу ҳолат кутилмаган синоатларни бошлаб келишини хаёлимга ҳам келтирмагандим, албатта. Жўраларим қуршовида шоду масрур эдим. Ичқари аёлларга лиқ тўла, ёнларида болақайлар ва қизалоқлар тизилишган. Аммаларим бошимдан танга ва ширинликлар сочишди. Шунда хаммалари қий-чув билан уймаланиб уларни теришга тушдилар. Завк-шавқларининг чеки йўқ. Шу пайт бўсағада ўтирган алвастига ўхшаш

кекса момо беўхшов оғзини катта очганича яккам-дуккам суйлоқ тишларини кўрсатиб менга қараб хура кетди. Мен сесканиб орқага тисланган эдим орқамдан итаришди:

– Киравер, кўркма, «ит ириллатар», иримини бажаришаяпти, – дейишди жўраларим.

Улар кампирга пул беришди. У дарҳол ириллашни бас қилиб ортга чекинди. Шунда унинг пайтавадек патак сочлари орасиданми, вордай оғзиданми жимитгина қора парса учиб чиқдида, чанғорок атрофида айланиб-айланиб чимилдик томонга ўтиб кўздан ғойиб бўлди. Унинг кўршаналаклигиниям, капалаклигиниям, недир шарпалигиниям билолмадим. Мени яна олға бошлашди, аммо кампирнинг жирканч башараси ва ўша қора шарпа қорачивимда ўрнашиб қолган, аъзойи баданимда номаълум титроқ сезардим. Чиндан ҳам ғалати: ҳеч нарсадан тал тортмайдиган бўз бола бўлсамда юрагимни аллақандай ваҳима эгаллаган.

– Кўркма, – дея жўраларим яна далда беришди – ҳали маросим тугагани йўқ, дадил бўлавер, куёв тўра!

Чимилдикқа яқинлашдик. Энди бизни ёш, шўх-шаддод жувонлар ўртага олишди. «Ипак тикиш», «ойна кўрсатар», «соч сийпатар», «қўл ушлатар» каби бир талай удумларни адо этишди. Жўрабоши уларга пул ва рўмолчалар улашиб турди. Аёллар: Кам бераяпсизлар, дея галаниб тортишишарди. Мен бу иримларнинг тугашини сабрсизлик билан кутардим. Орадан гўё минг йиллар ўтгандай эди...

Ниҳоят қий-чув тинди, ўтовни тарк этишди. Чимилдикда ўтирибман, рўларамда оқ чиммагга бурканган келин... Бирок ўтовда биздан бўлак яна кимдир бордек. Печундир юрагим шувиллаб кетди: Ўша кампир бўлмасин тагин, деган хавотирли ўй кечди хаёлимдан. Назаримда қора шарпаси мени таъкиб этишдан бир зум ҳам тўхтамагандек. Айни дамда ўзимни қўлга олишим лозимлигини ҳис этардим, сабр-косам тўлган эди. Келиннинг юзидаги чимматни олиб улоқтирдим. Димоғимга гупиллаб ўтқир мушки анбар ҳиди урилди. Қора чирок шуъласи хира бўлишига қарамай «Парим»нинг кўзни

камаштиргудек жамолини кўрдим. Илгари охудай тошдан-тошга сакраб юрган шўх кизчалигида ҳам ниҳоятда гўзал эди. Энди! Рухсорида барк урган чиройни таърифлашга сўз ҳам, хаёл ҳам ожиз. Порлаган кўзларида инсон онги, тасавури камрай олмайдиган хусн-малоҳат, интизорлик ва шодлик, абадий ишқ ва бахтиёрлик зоҳир. Мен унинг оқ билагига момомдан қолган кумуш билагузукни тақдим. У оҳиста оғушимга кирди. Бўйнимдан қучиб юзимдан сўнгсиз соғинч ва муҳаббат билан ўпдики, азойи баданим жимирлаб кетди. Балки менга шундай туюлгандиру, эркалашлари, меҳр ва ардоғи буткул шахвонийликдан холи, гўё қачонлардир, қайлардадир ошиқ-маъшуқ бўлганмизу узок айрилиқдан юрак бағримиз хун бўлиб минг йиллардан кейин япа топишганмиз. Кўзларидан шашқатор ёш қуйиларди. Мен баҳор ёмғири ювган лола янглиғ тозарган юзидан бўса олардим. Иккимиз ҳам илоҳий бахтдан сархуш эдик. Бора-бора ёввойи, телбавор эҳтирос бизни ўз забтига олди...

Орадан канча вақт ўтгани номаълум, қаердалигим ҳам... Босинқираётганимни, ёнимдаги зил-замбил гавдани ва хириллаган овозни илғадим. Димоғим кучли бадбўй хиддан ёриларди. Уйғониб кетдим: чимилдик узра қора шарпа чарх урарди. Қўрқиб кетиб кўзимни катта очдим ва даҳшатдан қичқириб юбордим: Қучоғимда қокпол қўллари билан менга маҳкам ёпишганча алвасти ётарди. Не кўз билан кўрайки, у ўша «ит ириллатар» иримини бажарган камшир эди! Умримда бунақа жирканч башарани учратмаганман. Ярим-яланғоч бадани шалвираган, патак сочлари қат-қат бўйни ва бўртилган тарам-тарам чаккасига ёйилган. Қўланса хид юрдай оғзидан, мўйи оқарган қўлтиғидан анқир эди. Менинг қичқиригимдан уйғониб чағир кўзларини хайратла очди-да: «Ҳа, сизга нима бўлди бегим», дея хириллади. Ақли хушимни йиғиб олгунимча канча муддат ўтгани менга қоронғу. Ниҳоят юрак ютиб сўрадим: «Сиз?! Ўтовда эдингизми? Ҳа, бўлмасачи», деди у менга қаттикроқ ёпишиб. Мен унинг косовдай билагини бўйнимдан олиб ташлаб ўшқирдим: «Бу ерга нега кирдингиз?» У кўзларини

чақчайтирганча менга дашном берди: «Нега бақирасиз бегим, сизга бир бало бўлдим? Чимилдиққа кирмай қора ерга қирайинми? Никоҳ кечамиз-ку... Келин қани?», дея гапини шарт кесдим. Сабрим тугаган эди. У чинакам ҳайратланиб сўради: «Яна қандай келин?!» «Хония!» – дея қичқирдим мен. «Ха менман, шу ерданман. Кўзингизни очиб қаранг бегим», дея мен томон интилди. Охири, бу аҳмоқона савол-жавобдан фойда йўқлигини англаб етдимда, алвастини нари итқитиб ўрнимдан сакраб турдим, чимилдиқни кўтариб ўтов ичига қарадим: Ҳеч зот йўқ. Ташқарига чиқиб атрофга раам солдим. Жимжитлик. Хония ҳеч қаерда йўқ. Ўтовга қайтиб кирдим. Ярим кўтарилган чимилдиқ ортида искирт кампир ҳамон ялпайиб ётарди. Шу аснода саросар тураверсам ақлдан озишим мумкинлигини фаҳмлаб тезгина кийимларимни эгнимга илдимда ташқарига чиқиб нариги ўтовга йўл олдим. Укаларим энамнинг атрофида тизилишиб ухларди. Отам меҳмонлар билан катта ўтовда. Олдинига жигаргўшаларим ёнига чўзилишни, тонг отгач не синоат юз берганини аниқлашни мўлжалладим.

Назаримда бу қандайдир ҳазил ёки англашилмовчилик, тез орада ҳаммаси ойдинлашади, деган ўйдан хотиржам эдим. Шунда орқамдан паст, мунгли чорлашга ўхшаш овоз келгандай туюлди. Ўгирилиб қарадим. Чимилдиқли ўтов остонасида эндигина тоғ айирисидан мўралаган ярим ойнинг сўник ёрдуси ичра оқ либосли келинчак турарди. «Хониям!» – қувониб шивирладим мен. «Ха», – дегандай заифгина сас келди. Қайтибдида! Юрагим дукурлаганча у томон чоңдим. Лекин... Ўн қадамча қолганда ҳафсалам пир бўлиб таққа тўхтадим. Не кўз билан кўрайки, искирт кампир сўйлоқ тишларини иржайтганча менга гаъномуз бакрайиб турарди. «Сизга нима бўлди бегим? Қаёққа кетдингиз, мен кўрқаяпман», деди у гина аралаш ноз билан. Сўзлари ва беўхшов қарашмаси Хониямнинг абадий ғойиб бўлганига ишорадек юрагим орқамга тортиб кетди. Қора шарпа тинмай бошимда ғужғон ўйнарди. Ақлу хушимни йўқотгандайман, миямда биргина ўй: тонг ёришгунча бу ердан кетиш керак, йўқса ақлдан озишим ҳеч гап эмас, мени асло

шу жирканч таъвия билан бирга кўришмасин! У билан бу ерда бир зум ҳам қололмаслигини ҳис этардим...

Чорак соатлардан сўнг туман марказига элтадиган тош йўлда кетиб борардим. Ортимга бир марта бўлсин кайрилиб қарамадим – оқариб келаётган тонг ҳам қалбимга далда беролмасди. Қора ШАРПА тоғлар узра гулжон ўйнаб мени тинмай тақиб этарди...

\* \* \*

Ўқишни тугатиб иш фаолиятимни бошлаганимга ҳам кўп йиллар бўлди. Ҳаёт бамисоли тегирмон чархи, тинимсиз айланаверади, айланаверади. У элақдан ўтказмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Ҳатто самовий жисмлар ҳам ўзгаради, вақт уларни тўздиради, рангларни ўнгдиради, садоларни сукунатга айлантиради, борлиқни йўқликка маҳкум этади, янги мавжудлигу моҳиятларни яратади. Мен ҳам шу тахлит ҳаёт тегирмонида тинмай чарх урардим – улкан режалар, орзулару курашлар, ташвишу қувончлар билан андармон бўлиб. Заррадан зар излаб, замин-у само катларидан мўъжизалар кашф этиш шавқи билан масрур эдим. Ҳаётим бамисоли лўртана денгизни эслатарди. Гўё мен забт этолмайдиган чўққининг ўзи йўқдек. Аммо ҳамиша, ҳамма ерда ўша қора ШАРПА – азалий ҳамроҳим. У бир умр мени таъқиб этишдан тўхтамайди. Мен эса ҳамон нурларга йўврилган номаълум олашим сари талпиниб, чимилдикда йўқотган «парим»ни – бахт қушимни излаб-излаб, соғиниб-соғиниб яшайман...

Қачонлардир бошимдан кечган сирли воқеани дахшатли туш ё шунчаки бўлмағур саргузаштдек ҳаёлимдан чиқариб юборган эдим. Бироқ инсон бошқаю, қисмати бошқа, деганлари рост экан. Ўша никоҳ кечасидаги ҳодисот хотирамдан кўтарилиб мендан нари бўлдию, аммо қолдирган асорати йўқолмаган, тақдир азалимга айланган эди. Мен бир умр хотин зотидан ирганадиган бўлиб қолгандим. Ҳар сафар уларда гўзаллик ўрнига ирқитликни, севги ўрнига нафратни кўрардим. Йигитлик чоғим, чимилдикқа илк қадам қўйганимда йўлиққан

ҳар икки тимсол: соҳибжамол пари ва жирканч алвасти борлигимда мудом ҳозиру-нозир. Мен унутсамда, улар мени унутмасдилар. Йўлимда учраган гўзал жононларга неча бор шайдо бўлиб уйланишга жазм қилсам-да, сўнгги паллада кўз ўнгимни қора шарпа зулмат каби тўсарди...

Орадан кўп йиллар ўтди. Боботокқа қайтиб қадам босмадим. Киндик қони тўкилган ота маконимни, сув ичган булоқларимни, бирга ўйнаган жўраларимни, жигаргўшаларимни тарк этиб кетдим. Анча улғайдим шекилли, хаёлот ва ошуфталикларим, олис болалик хотираларим ҳам энди мендан йироклашди. Йлк мухаббатим, Хония, тўй оқшоми ўтовда юз берган ҳодиса, чеккан изтиробларимга қайтадан дохил бўлишга менда хоҳиш ҳам, бирор сабабу аломат ҳам йўқ эди. Кунларнинг бирида хизмат сафари билан Ҳисорнинг қўйи тизмаси – Кўйтанга боришимга тўғри келди. Ишдан бўш пайтларимда тоғ манзараларини томоша қилишни ҳуш кўрардим. Болалигимдан бир ривоят элас-элас эсимда қолган. Эмишки, қароқчилар бир чўпонни тутиб ўзлари макон қилган ғорга келтиришибди. Қароқчи боши ундан: «Кўйтантовда нечта дара бор? деб сўрабди. – Айтсанг қўйиб юбораман, қўйларинг ҳам ўзинга сийлов. Айтолмасанг бошинг кетади». Чўпон не дейишини билолмай таваккалига: «360 та» деб жавоб қилибди. «Буни қандай исботлайсан», деганда: «Юринг мен билан, ўзингиз биласиз-қўясиз, қизил тулки айтади», дебди. Бу гапдан хайрон қолган қароқчи: «Қани ўрмонга бошла, гапинг ёлғон бўлса ўлдим деявер», деб қиличини қўлига олганича уни хайдаб йўлга тушибди. Ўрмонга боргач чўпон ўзининг ва қароқчининг салла чопонини ечиб икки айри тўнкага яхшилаб кийдирибди. «Бу нима қилганинг?» деса: «Бош иккита кўринса тулки тилга киради. Сиз тўнка ортига яшириниб гапларини эшитасиз» дебди-да, тулкини буёққа жўнатиб учун тоққа йўл олибди. Орадан бир ош пиширим вақт ўтгач, қип-қизил тулки терисини ёпинганча эмаклаб келибди-да «панг-панг»лаб қичқира бошлабди: «Кўйтантовда кўриб эдим 360 дарани, ҳеч кўрганим йўқ эди икки бошли балони!»

Қарокчи ўтақаси ёрилиб ура қочибди. Шу-шу буёқларга яқин йўламабди. Мен нечундир кўнглимда ўша тилга кирган тулкини учратиб қоладигандай қизиксиниб дараларни кезардим.

Бу ерда маҳобатли зовлар ҳам, шарқирок дарёлар ҳам йўқ, аммо қизил ва қўқ тупрокли қирлар, қуюқ чакалакзорлар билан қуршалган дараларнинг адоғи йўқ. Атроф қимсасиз, мени боқира табиатнинг дахлсиз олами сеҳрлаб қўйганди. Қуёш терак бўйи кўтарилгач, заррин нурга чўмилган борлиқ афсонавий рангинлик қасб этган. Шуълалар зарангларнинг зангори япроқларию кўм-кўк учқат гулларида аксланиб шудринглардан кўтарилган енгил ховурни камалакдек товлантирарди.

Бир пайт шуълалар ва ранглараро ястанган бўм-бўш даранинг кунгай бетида бир-бирига мингашган пешайвонли уйлар туман пардаси ортидан ғирашира кўрингандек туюлди. Кўзларимни уқалаб яна қарадим. Ҳа чиндан ҳам ғаройиб! Дарада овул бор эди. Ховлилар адоғида пастак молхоналар, томорқалар, уларда ишлаётган одамлар, айвонда дўмбира чалиб ўтирган чоллар, ўрмак тўқиётган аёллар урчуқ йигираётган момолар, эшак минган ўтинчи болалар, улоқ-қўзи боқиб юрган жамалак сочли қизалоқлар, сочи белида тўлронган дўмбоққина бўй етган опалари... Ахён-ахёнда кишлоқнинг ўртасидаги чанг йўлдан барзанги чавандозлар от миниб ўтиб қолишар, қизлар ошпоқ билақларини дўмбиллатиб уларга қарашарди. Йўловчилар: Нимага қарайсизлар, одам кўрганларинг йўқ-ми? дея ёлвондакам қамчин ўкталишарди. Қизлар нозланиб: «Боринг-э, сизга қараяпмиз-ми?» дея лаб буришарди.

Бу ибтидоий турмуш, осойишу оройишга боқиб эсим оғиб қолди. Негадир исмсиз ҳаяжон, олис ва қадрдон туйғу ич-ичимдан тошиб келарди. Юрагимни ўртаб юборган бу туйғуни таърифлашга сўз йўқ. Мен олис Боботоғда туғилиб ўсганман. Жонажон қишлоғимни, яқинларимни соғинганим рост, аммо ҳозиргидек жонбахш ҳисларни сира бошдан кечирмаганман. Кўрган нарсаларим ақлимни шошириб вужудимни ларзага солди. Гўё бу замин қачонлардир яшаган жойларим, одам-

лар эса менинг кадрдонларим. Юрагим узилиб-узилиб, увишиб-увишиб атрофга боқаман, ҳозир ёнларига чопиб бораману улар билан дийдорлашаман. Энам кенг кўйлагининг узун ени билан кўзларини арга-арга келиб мени бағрига босади. Кейин отам, укаларим, жажжи сингилчаларим, аммаю-холаларим...

Ажабо! Чиндан ҳам ҳаммаси шу тахлит кечди. Мен кирдан эниб улар билан топишдим. Тўдалашиб мени эски пешайвонли уйимизга олиб боришди. Сингилларим сочпопукларини пириллатиб уйма-уй чопкиллаб «акам келди!» дея ҳаммадан суюнчи олишди. Одамлар келиб мен билан кучоклашиб кўришдилар. Кўзларидан севинч ёшлари оқар эди. Шунда ақлга сизмас, кизик бир ҳолатнинг шоҳиди бўлдим: Бу қишлоқ, одамлар, қариндошларим икки томчи сувдек ўхшасаларда Боботоғдагидан сал бошқалигини ҳис этиб турардим. Албатта, мен тамоман ўзга макон ва замон, ўзга инсонлар издиҳоми ичра ҳозир эдим. Айни чоғда менга минг қарра яқинроқ, аслроқ ва азизроқ! Бошқача айтганда, айнан шулар менинг чин туғишганларимдай эди. Гўё улар билан қачонлардир Боботоғдан олдин ҳаёт кечирганману кейин тарк этганман. Севинчимни, ҳисларимни таърифлашга сўз йўқ. Улар ҳам чинакамига қувонишар, мени яхши кўришар, астойдил ҳол-аҳвол сўрашар эди. Ҳеч қандай нотабинийлик, англашилмовчилик ёки хатолик сезилмасди. Ховлида мол сўйилди, қозон осилди. Янгаларим мен яхши кўрадиган юпқа, филминди, патирлардан пишириб беришди. Зиёфат авжга минди. Умримда бу қадар шод ва масрур бўлган эмасдим.

Эртасига ўйнаб ўсган жойларимни кўриш учун қирга йўл олдим. Баландликда қулайроқ ўрнашиб олганча атрофни завқ билан томоша қилдим: номаълум ҳаёт, ғаройиб тафсилотлару манзаралардан иборат кечмишларим худди кинолентасидай кўз олдимдан ўтарди. Очиғи бунинг нималигини изоҳлай олмасдим. Наҳотки ҳаммаси Боботоғда кечмаётган бўлса?! Бу қандайин олам, қачон ва қайларда зоҳир: ердами кўкдами, ўтмишдами, ҳозирми, келажакдами?!

Сайхонликдагилар беихтиёр эътиборимни тортди. Атрофи шох-шабба билан қуршалган томорка гулдўзи қалпоқ кийган думалок юзли, қисик кўзли паканароқ бола картошка чолиқ қиларди. Кетмони ўзидан катта бўлса ҳам пуштага чаптастлик билан урарди. Ён томондаги чаканикзорда бир қизча улоқ-қўзи боқарди. Ҳали ўн олтига тўлмаган бўлсада жуда гўзал, шўх-беғубор, бинафша япроғига қўнган шабнамнинг ўзгинаси. У атрофда чаман бўлиб очилган уюртмакларни териб қушбоши ясардида, қол-қора сочларига тақарди, кулиб-кулиб боланинг ёнига борарди. Иккиси беғам-беармон ўйинларига андармон бўлардилар. Шодликларининг, завқ-шавқларининг чек-чегараси йўқ эди. Улардан нарироқда эса бир бўйчан йигит сайр қилиб юрарди. У жуда келишган, эғнида қимматбаҳо кийим, бўйнида тилла занжир, билагида антика соат, оёғида оқ оёқ кийими! Беғубор чехрасидан шижоат, тийрак нигоҳларидан орзумандлик ёғилади. Йигит долазорда кезаркан, нигоҳини сочлари шалолалардек дўмбоқ қизчадан узолмас эди. Гоҳида қўқаламга чўзилиб китоб ўқир, қўл телефонида мусиқа тинглар, гоҳида тўғарак ойначасига тикилиб сочларини тарарди. Кейин ҳаммасидан безор бўлгандек хомуза тортарди-да мушакларини шишириб машқ бажаришга киришарди. Қизча билан бола эса унга сира нарво қилишмас, ўз ўйинларига берилиб дунёни унутишган.

Бу манзара мени янада сеҳрлар оламига гарқ этгандек, улар ёнига югуриб боргим, армонсиз ўйнагим, қачонлардир бошимдан кечган завқ-шавқларга тўлгим келарди. Назаримда, мен ҳам уларга эврилгандайман. Гўё булар қишлоқ болалари эмас, менман!

\* \* \*

Қанча хаёл сурганимни билмайман. Бир пайт тиник осмонда осуда сузиб юрган оқ булутларга адоқдан қора булутлар ҳамла қилгач, бирдан чакмоқ чакди ва момақалдироқ гумбурлади. Ёмғир шаррос қуйиб юборди. Мен паналаш учун ён томондаги камарга шошилдим. Унинг ичи мен ўйлаганчалик юза ва ёрув эмас экан. Бамисли тошдан ясалган улкан ўтов, дейсиз. Оғзи бўсаға

янглиғ кун чиқарга очилган, гирди керагадек гир айлана, усти хам увуқлар қадалган чанфорокка ўхшайди. Мен тўрроққа ўтдим, чунки ташкари вахимали гурумотга айланган, тинимсиз чақаётган чакмоқ қора булутларни ялт-юлт тилимларди. Гўё эртақларда тасвирланган ер ости қасрида ўтиргандайман... Камарга бир талай улоқ-қўзи тапир-тупир ёпирилиб ёндаги бурчакка тўпланди. Кўп вақт ўтмай уларнинг эгаси – халиги қизча оқ каштали нимчасини бошига соябон қилганча чошиб кирди. Юзини аниқроқ кўролганим йўқ, нозиккина коматидан, сочига тақилган жамалагидан танидим. Қарийб у билан изма-из, йигит билан бола ҳам келиб камардан жой олишди. Момақалдирик янада кучлироқ гумбурлади...

Назаримда, хушимни йўқотгандайман, бир лаҳза кўз олдим қоронғулашиб яна ёришгунича орадан минг йиллар ўтгандек туюлди. Фор ичи унчалик қоронғу бўлмасада, кўзларим фақатгина қизчани илғарди, ўспирин билан бола чиқиб кетишганими, кўринмасди. Ажабо! Қиз ҳам энди тамомила бошқача: анча ёшроқ, хусндоргина жувонга ўхшайди, лекин ҳамон қизлардек нозикниҳол, ҳаракатлари енгил ва нафосатли. Ундан мушк-анбар аралаш қандайдир таниш ҳид таралар эди. Шунда... Аллақайдан пайдо бўлган кўршапалакка ўхшаш қора шарла тепамизда чарх ура кетди. Навбатдаги яшин чақнаб фор ичини бир лаҳза ёритганда жувоннинг юзини аниқ-тиник кўриб хайратдан қичқириб юбораёздим. Ё алҳазар! Бу – ўша қушноч камшир эди! Никоҳ кечамда «парим»дан жудо этиб ҳаётимни ағдар-тўнтар қилган. Нахотки ҳаммаси қайтадан такрорланса! Ажабланарлиси шуки, энди у қари ҳам, жирканч ҳам, хунук ҳам эмас, аксинча қора зулфлари тол-тол эшилган, оқ юзди нозанин. Чехраси бироз сўлғин, аммо тенгсиз ҳусн-малоҳат излари яққол сезиларди...

У бир сўз демай, қувончдан порлаган кўзларини менадан узмас эди. Мен эса айни мавриди келгани учун ундан ўша тундаги қилиғи боисини, Хонияни қаерга яширганини сўрашни истардим. Бироқ энди мена унга нисбатан нафрат эмас, недир ғамгусорлик туйғуси қарор топган, гўё яна сеҳру жодуси билан ақлу хушимни олиб

қўйгандай нафасимни чиқара олмасдим. Охири ўзи сўз қотди:

- Мени танияпсизми?
- Йў-ў... Ха, сал-пал. Сиз ўша...
- Йўқ, яна адашдингиз. Мен Хонияман.

- ...

- Ишонмасангиз, мана кўринг, - дея у билагидаги такинчокни кўрсатди.

Мен уни дарҳол танидим: Илон тасвири туширилган кумуш билагузук! Қачонлардир, ким томонидан ишлангани номаълум. Уни менга ҳаётлигида момом берганди: «Никоҳ кечаси ёрингнинг билагига тақасан», деб. Мен унинг васиятини бажарган эдим. Энди эса... Билагузук «алвасти»нинг кўлида! Балки у чинданам... Ҳайратдан тилим калимага келмасди. Наҳотки, мен бир умр йўқотган, излаб-излаб орзулаган хилкат рўнарамда бўлса! Ха, у Хония эди.

- Сен? Паривашим!

- Орадан йиллар ўтди, унутгандирсиз... Мен эса унутмадим. Бир лаҳза ҳам сизсиз ўтган куним йўқ.

- Ахир сен... Ўша тунда мен сени йўқотиб қўйдим. Чимилдикда бошқа биров... Сен эса ғойиб бўлдинг.

- Мен ҳеч қаёққа кетганим йўқ, ёнингизда эдим. Туйқусдан сизга бир нима бўлди. Мени тарк этдингиз... Бир умрга!

- Ҳалиги кўрқинчли кампир?! Чимилдикдаги...

- Биладан, ҳаммаси ўша қушпочнинг иши. У тўйи қайтган йигитнинг коласи эди. У сизни сеҳрлаган. Кўзингизни шамғалат тутди. Қушпochлар азалдан шу тахлит сеҳрлаш сирини билишади. Ўша тунда мени ўз қиёфасида сизга кўрсатди. Мақсади - сизни мендан бездириш эди, ниятига етди. Сиз уни енгилга куч тополмадингиз. Шу боис, бахтингиздан жудо бўлдингиз.

- «ШАМҒАЛАТ» дегани нима?

- Ола-қоронғуда кўзнинг тутилиши. Тумонат йиғилганда, кучли ҳаяжон чоғи у кишининг бутун борлигини эгаллайди.

- Ха, демак шамғалат! Буни даволаса бўладими?

– Ха, фақат ўша кампирнинг ўзи очади. У эса аллақачон нариги дунёда!

– Сен унга ҳозир ҳам ўхшайсан...

– Ха. Сизга шундай кўриняпти, чунки ҳамон қарахт-сиз. Мен Хониянгиэман.

– Шу дамгача... Бошқа эр қилмадингми?

– Йўқ. Бир кун қайтиб келишингизни билардим.

– Анави йигит билан бола...

– Уларни танимадингизми? Иккаласи ҳам ўзингиз-ку!

– Уюртмақзордаги кизча? Бу ерга кирган...

– Менман! Хония! Мана олинг. – У уюртмақли қушбошисини менга узатди. Хайратдан донг қотиб қолдим: Баҳор чоғи Боботоғ даштларига чечаклар ёйилганда армонсиз ўйнаб юрган кезларимизда терган уюртмақларидан худди шундай чиройли қушбоши тизиб менга берарди. Мен чечаклардан гулчамбар ясаб бошига тақардим.

– Наҳотки, сенсан?! Хония!

У бағримга худди осмонда чакнаган яшин шуъласидай учиб кирдида бўйнимдан қучиб мислсиз соғинч ва эҳтирос-ла ўпа кетди, кўзларидан оқаётган қайноқ ёшлари юзимни қуйдирарди. Форни мушк анбар ҳиди тутиб кетди. Таърифлаб бўлмас интихосиз, мангу висолдан сармаст эдим. Қайси дам, қай манзилда, самодами, ердами эканимиз номаълум...

Шу аснода қанча вақт ўтганини билолмадим. Балки бир неча лаҳза, балки минг йиллар... Кучли момақалди-роқ гумбирлашидан ўзимга келдим. Кўзларим ярқ этиб очилиб кетди. Камар ичи бўм-бўш эди! Ҳамроҳларим аллақачон чиқиб кетишибди, кўзилар ҳам. Камарни тарк этдим. Ёмғир тинган, атроф чароғон, ён бағирлар офтобнинг заррин ёғдуларига чўмилиб минг алвонда товланарди. Момақалди-роқ эса тоғнинг нарёғида гумбирлаб, бу ерга акс-садоларигина келарди, холос. Дарани пуштиранг туман пардаси қоплаган, ортида қандайдир шаффоф манзил тунжираб элас-элас кўзга чалинарди...

\* \* \*

Тонгга яқин кон кидирувчи ҳикоясини тугатди. Туни билан мижжа қокмай унинг ғаройиб саргузаштларини тингладим, бироқ минг афсуски, давомини била олмадим. Тўғрироғи, ниҳоясига келганда мени қаттиқ уйқу босди...

У сахар туриб ишига кетган экан. Мен ҳам шу куни шошилишча шаҳарга қайтишимга тўғри келди. Яна кўришмадик. Орадан жуда кўп йиллар ўтди. Балки у ҳамон ҳаётдир, Боботокқа қайтиб узоқ айрилиқдан кейин Хониясини учратгандир, яқинлари билан дийдор кўришгандир. Яна... Кўйтаңда кўрганлари! Очиғи, мени бу инсоннинг бошидан аслида не сиру-синоатлар кечгани, буларнинг бариси борлиқнинг қай замон ва маконида, қай йўсинларига кўра содир бўлгани кўпроқ қизиқтирарди. Нечундир уларни уйдирма, «шамғалат» ёки ҳаёлий нарсалар дейишга ишончим комил эмасди. Балки ғойиб оламлар чиндан-да мавжуддир, сирли воқеликлар бизнинг англаш доирамиздан ташқарида кечиб, биздагидан-да реалроқ бўлсачи, деган ўй ҳаёлимда тинмай айланишарди. Бундан ташқари муҳандиснинг ҳикоясидаги ғайри табиий ҳодисотлар ичра унинг ўзи, ажиб севги қиссаси янада сирлироқ ва ғаройиброқ эди...



## ТОҒ ЭЛИНИНГ ТАБОБАТИ

### Воқеавий хикоялар

Бугунги кунда мўъжизали технология билан ку-ролланган замонавий тиббиёт илми юксак даражада ривожланганлиги, ташхис қўйиш, жарроҳлик ва бошқа даволаш соҳасида ақл бовар қилмас ютуқларга эришилганлиги бор гап. Шундай бўлса-да, анъанавий усуллар – руҳий таъсир, биомалҳам, игнатерапия, шифобахш гиёҳлар билан даволашга ҳам эътибор кучли. Айрим пайтларда тиббиёт масканида тажрибали шифокорлардан, қимматбаҳо дорилардан эмас, оддий халқ табобатидан шифо топган кишиларни қўплаб учратиш мумкин. Шарқ эса азалдан ривоятларда нақд этилган Луқмони Ҳакимлари, Абу Али ибн Сино каби замонасининг буюк алломалари билан донг таратган.

Тоғларда ноёб доривор гиёҳлар ўсишини барча билади. Маҳаллий кишилар уларнинг турлари, шифобахшлик хусусиятларини азалдан билишган. Гиёҳлар билимдони Махсум бобо Чўхмозор кишлоғида туғилиб ўсган. Ҳаётлигида ундан шифо топиш учун Қашқадарё вилоятининг турли жойларидан қўплаб дардмандлар келиб туришади. Энаси ҳам машҳур кушноч бўлган, тоғ гиёҳларини қайнатиб улар ёрдамида болаларини, қўниқўшнилларини даволаб юрган. Махсум бобо ҳам халқ табиблари, Ибн Сино ва замонавий гиёҳшунослар тажрибасига таяниб иш тутган. Ҳар йили ёзда Оқсувга бориб керакли ўтларни излаб топиб, уларни қайнатиб дори тайёрларди, қайсиси қандай дардга малҳамлигини аниқларди.

– Оқсувда фанга номаълум шифобахш гиёҳлар бор, – деб айтарди у киши. – Фақат улар мол-ҳол оёғи етмайдиган хилват гўшаларда битади. Қалъа, Қасамдара,

Керагатов дараларида сунбул, меҳригиё, мингтомир, занжабил, иқрож, канкавул, газанда, бўйимадорон, бирсе-пар, арпабодиён, олқор, дўмбой, айиққулок, ўлмас ўт, кизилмия, тоғ райҳони, коврак, ковул, зоваза ва бошқа кўплаб доривор буталар ўсади.

Махсум бобонинг айгишича, уларнинг таркиби ҳар хил бўлиб муайян хасталикларга қарши ишлатилади. Шунингдек, бир қанчаси қўшиб қайнатилиб кучли, таъсирчан дорилар тайёрлаш мумкин экан. Табиб улар ёрдамида тузалиши қийин бўлган жигар церрози, ўт, буйрак тоши, қандли диабет, окқон (қон раки) хасталикларини даволаган.

Тоғларда гиёҳлар ва буталардан ташқари яна бир тенгсиз малҳам – мумиёйи асил ҳам бор. Унинг ши-фобахшлик хусусиятини буюк ҳақимлар ва оддий ки-шилар азалдан билишган. Бир қанча турлари қадимги Арабистон, Эрон, Ҳиндистон, Хитой олимларининг қўлёзмаларида қайд этилган. Ривоят қилишларича, Фа-риддун деган шох тоғда ов қилиб юрганида мумиёга илк марта дуч келган. Табибларидан бири бениҳоя чиroyли кийикни учратиб уни тириклайин тутишга қарор қилади. Бироқ кийик асло туткич бермайди. Ниҳоят шох унга камондан ўқ узишга мажбур бўлади. Оёғидан яраланган оху оксоқланганича тоққа қочиб дара ичига кириб ке-тади. Орадан икки кун ўтгач Фариддун яна овга чиқиб ҳалиги кийикни учратади. Қизиғи шундаки, у сопла-соғ эди. Хайратда қолган шох бунинг сирини билишга кизиқиб қолади. Қарасаки, кийикнинг яраланган оёғи қорамтир нарсага беланган. Дарҳол сипоҳиларига ғорни кўздан кечиришини буюради. Бориб қарашса, ғор ичи-га тош ёриқларидан қандайдир мой силқиб тушаяпти. Кийикнинг оёғига айнан шу нарса теккани аён эди. Шох ғордаги мойни текшириб нималигини аниқлашни ҳақимларига топширади. Унинг амри тезда адо этила-ди. Маълум бўлишича, тошлар орасидан чиқаётган мой яра-чақани, айниқса синган, чиққан суякларни бутлашда тенги йўқ малҳам экан. Шу-шу даройи мумиё – ғор мойи деб атай бошлашган. Ҳозирга қадар унинг 3 хили маълум: мумиё, мумиёйи асил, мумиёйи қуён. Марка-

зий Осиё тоғларида, жумладан Оқсувдаги Қасамдара, Темирсандик, Ёнғокли дараларида унинг барча турлари учрайди. Яқинда унинг тоғларда сумалаксимон қотган жолдаги поввот рангли янги тури Яқкабоғ тоғларидан топилган. Мумиёнинг мўъжизакорлигини қўйидаги мисолдан ҳам яққол билиб олиш мумкин. Табиблар асил ёки сунъийлигини билиш мақсадида товуқларнинг оёғини синдириб, мумиё суркаб борлаб қўйишган. Агар бир кеча-кундузда синик битиб товуқ оёғини ерга босса ҳақиқийлиги аён бўлган.

Атрофлича ўрганилганига қарамадан сирли малҳамнинг келиб чиқиши, нимадан ҳосил бўлиши ҳанузгача аниқланмаган. Айрим мутахассислар уни нефть ва смоладан, бошқалар эса кийиклар, кемирувчилар, асалари мумиёдан ҳосил бўлган дейишади. Лекин мумиё нефть ва смоладан фарқли равишда сувда, спиртда, ацетонда жуда яхши эрийди, қўлда эзғилаганда тез юмшайди. Ўзига хос ранги, хиди, таъми бор. Кўпчилиги қорамтир, жигарранг тусда товланиб туради. Таъми бироз тахир, тоғ ялпизи, арча ва бошқа ўсимликлар хиди келади. Тўғри, айримлари хайвонлар, жумладан мирмушал (қаламушсимои жонивор), кийик тезаги ёки сийдиги аралашмасидан иборат. Мирмушал қаерда яшаса, мумиё ҳам ўша ерда бўлади дейишади. Демак, ўша кемирувчи мумиёсиз яшай олмайди. Бироқ ҳамма ўрмон ва тоғларда эмас, балки муайян жойлардагина учраши, метин тошлар орасидан силқиб чиқиши юқоридаги таҳминларнинг тўғрилигига монелик қилади.

Мумиёнинг келиб чиқишини ўсимликлар билан боғлаш кенг тарқалган ва ҳақиқатга яқин деб ҳисобланади. Айни мулоҳаза эгалари мумиёни қоя тошлар орасида ўсадиган моҳлар, лищайниклар ва бошқа номаълум ўсимликлар ширасининг минерал эритмалар, сув билан аралашмасидан ҳосил бўлади деб уқтиришади. Бу соҳада кўплаб тажрибалар, илмий изланишлар олиб борган ўзбек олимлари ва мутахассислари ҳам айни фикрни тасдиқлашади. Шунга қарамай мумиёни асилнинг нимадан ҳосил бўлишини масаласи узил-кесил ҳал бўлган дейиш кийин.

Мумиё кимёвий, биологик моддаларга, фаол микро-элементларга, фермент ва эфир мойларига ниҳоятда бой бўлиб халқ табобатида замонавий тиббиётда кенг қўлланилади. Синган, лат еган суякларни, яраларни тузатишдан ташқари ички аъзоларни мустаҳкамлашда, илон, чаён, қора қурт чакканда захарни кесувчи малҳам сифатида ҳам фойдаланилган. Шунингдек, на-фас йўллари, астма, қон туфлаш, ошқозон, ичак яра-си, ўт, буйрак, сийдик йўллари, таносил хасталиклар-ри ҳамда асаб, фалаж, безгак, қокшол, эпилепсияга йўлиққан беморларни, карларни, дудуқларни у билан даволашган.

Халқ орасида қадимда бўлганидек, инсон онги қамраб ололмайдиган сеҳр-жоду, рухий таъсир, туш кўриш, фол очиш, чирок ёқиш, оловдан хатлатиш, боқиш ва бошқа ирим-сиримлар ёрдамида шифобахш одатлари сакланиб қолган. Қарангқўл қишлоғи яқинида Дўлта де-ган жой бор. Одамларнинг айтишига қараганда, илгари бу ердаги қамишзор ичида ертўлага ўхшаш кулба бўлиб унда Дўлта момо деган табиб кампир яшаган. Кийим-лари ғалати, тери ва қуш патларидан иборат бўлгани учун уни Дўлта, яъни дев-парилар номи билан аташган. Эмишки, бу жой чиндан ҳам девлар ва парилар макони бўлиб кейинчалик улар қаёққадир ғойиб бўлишган. Шу ерлик довюрақ киши парилардан биринчи эликтириб хотинликка олади. Улардан эса Дўлта момо туғилган. Ғаройиб кийимлари одамларнинг лабига учук тоширсада кампирнинг иззатини жойига қўйишган. Чунки у одат-дан ташқари ҳалол, қалби очиқ, меҳрибон аёл бўлган, дардмандларни даволаган, антика дорилар, таомлар тай-ёрлаш сирини билган.

Дўлта момонинг деву париларга қариндошлиги афсо-нага яқинроқ, аммо ҳаётий заминни бор. Кишилар Шо-монийлик динига сиғинган пайтларда руҳонийлари қуш патларидан ажабтовур либослар кийиб ўт ҳалослатиб ирим-сиримлар адо этишгани маълум. Қурангқўллик Дўлта момо ҳам аслида аёллардан чиққан шомон, яъни қушноч эди. Турмуш қуриб бола-чақа орттирган. Рўзи бахши деган ўғли ҳам табиблик билан шуғулланган.

Илгарилари узоқ ётган касалларни боқиб даволаганлари маълум. Рўзи бахши айни ҳунар соҳиби бўлган.

Ёнғоклик машҳур табиб Уста Баширнинг номи Катта Ўрадагина эмас, бутун амирликда машҳур бўлган. Ўтган асрнинг қатағонлик йилларида кўплаб маърифатли кишилар қатори уста Баширни ҳам шўро ҳукумати таъқиб этиб Сибирга жўнатади. Неча йиллар у ерда қарағай кесгач, тўрт нафар ҳамроҳи билан бир амаллаб қочишга муваффақ бўлади. Чўлма-чўл, тоғма-тоғ кезиб ниҳоят бир йилу тўрт ой деганда Хисорга етиб олишади. Овулларда одамларнинг кўзига кўриниш хавfli бўлгани учун қадамжолардан паноҳ топишади. Хўжайпирлир отада тунаганларидан сўнг эрталаб бомдод намозини ўқигач бир-бирларидан қандай сир-синоат кўрганларини сўрашади. Ушбу қадамжони зиёрат қилиб кечани ўтказган киши недир кароматга ноил бўлади деган ақида мавжуд бўлган.

Қочқинлар шу ерда хайрлашишади, ҳаммалари туғилиб ўсган кишлоқларига кетишади. Уста Башир Керагатов устидаги Эгизакотани ҳам зиёрат қилгач, овулига қайтади. Заргарлик қилиб тирикчилик кечиради, уйланиб бола-чақалик бўлади. Кейинчалик атрофини ям-яшил арчазор қуришган, шаффоф сувли Сувпуркар шарқираб оқайтган Эгизакотада вафот этади ва шу ерга дафн этишларини васият қилган.

Уста Баширнинг табиблик ҳунари хақида шундай нақл қилишади. Ўтган аср бошларида Шахрисабз бегининг суюкли хотини зинадан кўтарилаётиб йиқилиб тушади ва урчуғи – сон суяги чиқиб кетади. Шахрисабз атрофидагина эмас, бутун амирликдан Ҳакимлар келиб қанча ҳаракат қилишмасин, аёлни даволай олишмайди. Охири Уста Баширнинг дарагини эшитиб унга одам юборишади. Уста келиб аёлни кўргач жароҳатига кўлини ҳам теккизмай бир бақувват новвосни келтиришларини сўраган. Новвосни уч кеча-кундуз сув бермасдан кунжара билан боқтиради. Шундан сўнг бекнинг хотинини тахтиравонда кўтартириб келиб хўкизнинг устига миндиради, оёқларини пастдан илак арқон билан боғлайди-да новвосни тоза сувли ҳовузга бошқаради. Жонивор уч

кун сувсиз ем еган эмасми, узок муддат ховуздан бош кўтармайди, қорни эса аста-секин шишиб катталашиб борарди. Бир пайт одамлар «қарс» этган овозни эшитишади, офрикнинг зўридан додлаётган аёл эса жимиб қолади. Уста Башир дархол ҳўкизнинг тагига энгашиб арконни кесиб юборади ва аёлни кўтариб ерга туширади. Уч йил оёксиз ётган бемор ҳамманинг кўзи ўнгида шаҳдам юриб кетади.

Шарқ табобатида, жумладан ҳинд йогаларининг транс ҳолатида рухни чиниктириши, тибетликларда учар одамлар (гелуглалар)нинг марҳумларни тирилтириши, чинликларда кўричакни сканелсиз ташқи томондан узиб олиш, шимол халқларида беморни янги сўйилган бугунинг ичак-чавоғига ўраб даволаш одатлари қадимдан мавжуд. Айни усулларда, албатта мўъжизакорлик сирлари бўлиши мумкин. Номанум, сирли муолажалар илдизини ўша халқларнинг анъанавий тажрибаларидан, ўзларигагина хос бўлган тафаккурларидан кидириш лозим.

### **Дўмбирам сўйлар тор билан**

*Ботирлар ҳайдади майдонда отди,  
Элга – эл қўшилса билинг давлатди.  
Ўн икки ёшимда дўмбира бериб,  
Кўшиқ, айт, деб устозларим ўргатди.*

(Кодир бахши Раҳим ўғли)

Ўзбек халқининг авлоддан-авлодга, асрлардан-асрларга ўтиб келаётган улкан мероси – бахшичиликдир. Қадимийлиги, ғоявий бадий юксаклиги, ҳозиржавоблиги ва таъсирчанлиги жиҳатида ҳеч бир санъат унга тенглаша олмайди. Халқ оғзаки ижоди ўтмишнинг акс-садоси бўлибгина қолмасдан инсонга рухий озиқ бериб адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларга ҳаётийлик бахш этувчи туганмас маънавият чашмасидир. Куйланаётган дoston ва термалар бир томондан инсоннинг кечмишини, орзу-армонларини, эзгу тилакларини ифода этса, иккинчи-

дан куй кўшиқларда қалбнинг асл суврати, инсонийлик қирралари рўй-рост намоён бўлади.

Бахшичилик онгли ҳаётнинг илк тонгида ҳали кишилар ҳаёт шавқларини, қалб нидоларини қоғозга туширишни билмаган даврларда пайдо бўлган. Тирикчилик машаққатлари, шодлигу қайғуда бахшиларнинг сеҳрли сози ва сўзи киши қалбини ёритади. Шу боисдан азалдан ардоқланган, ҳозирги замонда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Бу – санъат созлар пайдо бўлмасдан бурун касбкор билан бовлиқ удумлар пайтида айтиладиган «хўп майда», «тўрай-тўрай», «чирий-чирий», «ҳарвана», «сўзил хотин», «алла», «йиғи-йўқловчилар», ўланлар, айтишувлар, тарзда намоён бўлиб махсус гўянда, ўланчи, киссаҳон, жирчиларнинг эл орасида байрамлар ва тантанали маросимларда куйлаши расм бўлган. Кейинчалик, ибтидоий, матриархал кадриятлар ўрнига қабила бирлиги, давлат, ватан, сеvimли ёр учун кураш, қаҳрамонлик тушунчалари қарор топгач, мохир бахшилар, оқинлар томонидан ғоявий-бадиий жихатдан юксак, ҳажман кўламли дostonлар, кўп туркумли эпослар яратилган. Олдинги даврларда улар бир йўла тарих, адабиёт, санъат, фалсафа ўрнини босиб улкан маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик бўлган. Кишиларнинг маънавий оламларини, эстетик қарашларини, орзу-ҳавасларини ифода этган. Дostonлар тарихига назар ташласак, уларнинг фақатгина қаҳрамонлар кечмиши бўлибгина қолмай, маънавий, диний, сиёсий маданият инъикоси ҳам эканлигини кўраимиз. Ҳиндларнинг «Махабхарата», «Рамаяна» дostonлари, зардуштийларнинг «Авесто» асари ҳам оғзаки ижод махсули эди. Шунингдек, грекларнинг «Одиссея» ва «Илиада»си, хитойларнинг «Уч хоинлик», японларнинг «Тайрлар уйи», ирландларнинг сағлари, инглизларнинг «Тристан ва Изолда», «Робин Гуд» балладалари, русларнинг блиналари, ўғизларнинг «Бамси Байрак», «Дада Қурғут», қирғизларнинг «Манас», қорақалпоқларнинг «Шуманой» дostonлари халқ бахшилари томонидан яратилган.

Бахши – мўғулча «бхикши» (битикчи) сўзидан ҳосил бўлиб дастлаб руҳонийлар, кейинроқ ҳузуридаги

йилномачилар унвони бўлган, айрим халқ табиблари ҳам шундай номланган. Японлар ва хитойларда халқ аytувчилари, инглизларда менестереллар, козоқларда окинлар, киргизларда ва қорақалпоқларда жирчилар, озарбайжонларда ошиқлар, бизда эса бахшилар деб аталиши маълум. Бахшичилик оқимлари, йўллари, ижро усуллари ранг-баранг, шакллари серкирра. Ўзбеклар элида қадимдан бир қанча дostonчилик мактаблари мавжуд бўлган. Нурота, Булунғур, Нарпай, Хоразм, Қамай, Дехқонобод – Шеробод мактабларининг Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислom шоир Назар ўғли, Пўлкан шоир, Шерна бахши, Мардонақул юзбоши, Умир бахши Сафар ўғли, Абдулла шоир, Холиёр юзбоши, Онабиби отажон кизи, Бола бахши, Очил Жуманазар ўғли, Ҳайдар бойча ўғли, Раҳматилла Юсуф ўғли, Раззоқ Қозоқбой ўғли, Абдиқарим жуйрук, Ойназар бахши, Чори Хўжамберди ўғли, Ғойим бахши, Шабо бахши (Туркменистонлик), Аҳмад бахши (Тожикистонлик), Ражаб бахши, Қилич Шукур ўғли, Файзулла шоир ва бошқа кўплаб бахшилар етишиб чиққан. Улар ўтган улуғ бахшилар анъанасини давом эттириб Гўрўғли туркумига кирувчи «Гўрўғлининг тугилиши», «Райхон араб», «Ғойибнома», «Шаҳиднома», «Холдорхон», «Хиламон», «Сокибулбул», «Ҳасанхон», «Хондалли», «Авазхон», «Кундуз ва Юлдуз», «Интизор», «Зулфизар», «Маликаи айёр», «Гулихиромон», «Равшанхон», «Нурали», ўзбек халқ эпоси «Алпомиш», «Рустамхон», «Жаҳонгир», «Муродхон», «Ширин ва Шакар», «Кунтуғмиш» ва бошқа кўплаб дostonларни яратганлар.

Рус фольклоршуноси, профессор С.П. Толстов айни меросни шундай баҳолаган: «Қадимги Ўрта Осиё халқларининг ёрқин дostonлари мазмуни ва шакл жиҳатдан грекларнинг «Илиада», «Одиссея» номли қаҳрамонлик эпосидан озгина қолишади, балки сира қолишмайди ҳам». Лекин бадий жиҳатдан-чи? Шубҳасиз, ўзбек халқ эпослари «Гўрўғли», «Алпомиш» бадийлиги, эстетик кўлами жиҳатидан анча юксақда туради. Уларда икки хусусият яққол кўзга ташлана-

ди. Биринчидан, ёркин бўёқларда ифодаланган миллий ўзига хослик, қаҳрамонлар кураши, умуминсоний ғоялар билан уйғунлашиб кетган. Иккинчидан дoston ва термаларимиз тўқималиги, муболаға (дев, аждаҳо, парилар, қанотли отлар) га бойлигидан қатъи назар, ҳаётийлиги, тафсилотларнинг ёркинлиги билан ажралиб туради.

Бу жиҳатдан «Алпомиш» дostonи айниқса таҳсинга лойиқдир. Инсон шаъни, ор-номуси, кадр-қиммати, бошқа неки инсоний яхши фазилатлар бўлса унда муҳассам. Азалий ва илоҳий сағрларда рўй-рост, безалмаган ҳаёт нафаси уфуради. Айни чоғда ҳаммаси табиий ва улуғвордир. Ҳар бир айтилган сўз, кечмишлар ва қаҳрамонлар олами кишини руҳлантиради, ҳаётга маънадорлик бахш этади. Ундаги воқеалар Ғарб дostonларига хос тантанаворлик, илоҳийлик (мистика), сахнабоп ясамаликлардан мутлақо холи. Дostonли давр ва халқ кечмиши, қаҳрамонлар қиёфаси шу қадар ёркин акс этганки, эшитган кишининг беихтиёр кўз ўнгидан бирма-бир ҳаммаси ўтаётганини ҳис этади. «Алпомиш»нинг яратилиши, унда тасвирланган воқеаларнинг қайси даврга дахлдорлиги тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Айрим олимлар (Ҳодӣ Зариф, С.П. Толстов) дostonининг мўғуллар истилосигача бўлган даврларда яратилганлигини таъкидлашса, бошқа тадқиқотчилар (А. Боровков, В. Жирмунский) XVI асрлар ўртасида қирғизларнинг «Манас», қозоқларнинг «Алпомиш», ўғузларнинг «Бомси-Байрак», татарча «Аппамша», бошқирдча «Барсин Хилуу», уйғурча «Алиш Манаш» вариантлари таъсирида юзага келган деган бирмунча хато фикрни илгарӣ суришадди. Аслида ўзбек халқининг буюк эпоси «Алпомиш» юқоридаги дostonлардан кўра қадимийроқдир. Чунки уларнинг ҳеч қайсисида кўчманчи туркий халқлар ҳаёти «Алпомиш»дагидек яхлит ва тўлақонли акс этмаган. Шунга қарамай муштарак жиҳатлари уларнинг ўқ томири ягона эканлигини кўрсатади. Бунга ажабланиш керак эмас. Негаки, эпосларни яратган халқлар қардош бўлиб, келиб чиқиши, маънавий олами қарийб бир хил эди.

Хозирга қадар достоннинг 30 га яқин варианты маълум бўлиб 1928 йилда Фозил Йўлдош ўғлидан Ҳамид Олимжон томонидан ёзиб олингани энг мукамал саналади. Шу ўринда халқ орасида юриб бахшилардан кўплаб достон ва термаларни ёзиб олган, ўрганган, китоб ҳолида чоп этиб кишиларнинг маънавий мулкига айланишига муносиб улуш қўшган фидойиларни эслаш жоиздир. Бахшичилик текис ривожланмаган. Бу биринчидан, давр руҳи ва муносабатлари таъсири бўлса, бошқа томондан таллантларнинг халқ орасида аҳён-аҳёндагина пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Ўз вақтида атоқли шоир Ҳамид Олимжон, фольклоршунослар Ҳоди Зариф, Мансур Афзалов, Музайяна Алавия, Сарвар Азимов, Тўра Мирзо, Чори Ҳамро, Малик Муродов, Абдимўмин Қаҳҳоров каби миллий меросимиз жонкуярлари бу соҳанинг ривожланишига катта ҳисса қўшганлар. Кейинги даврда юртимиздан чечан бахшилар – деҳқонободлик Қодир бахши Раҳим ўғли, Абдиқаҳҳор бахши, қамайлик Ҳазратқул бахши, сурхондарёлик Шоберди бахши, Абдиназар Ноён ўғли, туркменистонлик Ҳожимурод бахши, хоразмлик Қаландар бахши, чироқчилик Азим шоир ва Шомурод бахшилар етишиб чиқиб айни соҳага кўрк бағишладилар.

Халқ бахшилари томонидан айтиладиган қўшиқларни одатда тиниқ булок сувига ўхшатишади. Оғиздан-оғизга ўтиб келган сатрлар мазмунан бой, теран ва жозибали, худди ўтовга тугилган қурнинг нақшларидек сирли, самовий жисмлар каби ярқираб туради:

*Тор зиндонда ётиб доим хув дедим,  
Ким ўтса бошимдан ош ҳам, сув дедим.  
Омонат ёр йўлай кўрма қошима,  
Ажалнинг отини миндим, чу дедим.*

(Эргаш Жуманбулбул ўғли. «Равшанхон»)

*Хулкар бориб тарозига таялди,  
Хизмат қилган хон олдидан жой олди.  
Дуо қилиб йиғлаган энанг аёлди,  
Йиғла болам тор сийнангни доғига.*

(Фозил Йўлдош ўғли. «Алпомиш»)

*Булутлар келгин айланиб,  
Олчинбек айтар шайланиб,  
Булут юрмагин ростланиб,  
Ёзма булут ёр устига.*

(Шерна бахши. «Олтин Кабоқ»)

*Бахшили эл ботир дейди бошидан,  
Чин куйласа одам кетмас қошидан.  
Ҳамма ҳунар ўрганилар ёшликдан,  
Элу халққа мадад бўлган бахшилар.  
Бахши одам жуўруқ булар ҳаммадан,  
Бош кўтарса сўз топади самодан.  
Бул чечанлик қолган ота бободан,  
Элу юртга машҳур бўлган бахшилар.*

(Мардонқул юзбоши, терма)

*Тарвуз тикдим тошбулоқнинг тошига,  
Кўкартирдим кўзгинамнинг ёшига.  
Бориб айтинг Ойзебомдай кишига,  
Келиб қўнсин палагининг бошига.*

(Умир бахши Сафар ўғли «Ёзи билан Зебо»)

*Тўда-тўда қизларга-я оҳува,  
Бир тувдона тол кераг-а оҳува.  
Заҳари бор замбургая оҳува,  
Ширин-шакар бол кераг-а оҳува.  
Бол-болгина болгина, оҳува,  
Сой бўйида толгина оҳува.  
Қизни сулув кўрсатар оҳува,  
Ўнг юзида холгина оҳува.*

(Кодир Раҳим ўғли. «Оҳува» терма)

*Олтинчоқли, солинчоқли,  
Ўрта бўйли, кенг қучоқли.  
Бўйнида садаф мунчоқли,  
Бир ёр керакдир йигитга.*

(Азим шоир. «Йигитга»)

*Бойбўри Бойсари бой қилиб,  
Осмонда сузган ой қолиб.  
Кунтуғмиш энажон келдингма,  
Эмчакда сутинг – эт чайқалиб.*

*Отасин кўриблар юрмагин,  
Элида даврини сурмаган.  
Бўтадай бўзлабам келдингма,  
Етимлар қолган-и Ёдигор.*

(Шоберди бахши Болта ўғли.)

Шуни айтиш керакки Дехқонобод – Шеробод мактабига мансуб бахшилар дoston ва термаларни ички овозда ижро этишади. Бу жиҳатдан улар санъати мўғуллар, олтойликлар, қалмиқлар, кўмиқлар, ёкутлар ва айрим шимол халқларида сақланиб қолган чанговуз ва кўбиз билан айтиладиган пайтнинг ўзида тўқилади. Бахши воқеалар ривожига, қахрамонларнинг рухий ҳолатига қараб товушни ва дўмбира куйларини ўзгартириб туради. Ҳар банднинг, гўртликларнинг охирини чўзиб, тантанавор, хазин ёки ўйноқи тарзда ниҳоялашади. Бунинг учун ижрочидан катта маҳорат билан биргаликда туғма чечанлик, топқирлик, бой маънавий олам ва ҳаётни чуқур билиш талаб этилади. Шунингдек, устоз кўрганлик, ёшлиқдан таниқли бахшидан сабоқ олиш ҳам муҳимдир. Чунки бахшичилик санъат, авлоддан-авлодга, устоздан шогирдга мерос бўлиб ўтади.

Халқ ижодиётида ёрқин из қолдирган дехқонободлик Қодир бахши Раҳим ўғлининг алоҳида ўрни бор. «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Авазхон», «Гўрўғли» туркумидаги анъанавий дostonларни ижро этиш билан бирга кўплаб дoston вариантларини ҳам яратган. «Ёзи билан Зебо», «Гулчирок», «Қорақум», «Кўксайғоқ», «Гулихиромон», «Шойдилбек», «Ойчинор», «Сулувхон», «Олланазар Олчивбек», «Олтинқобок», «Зойиткул», «Жаҳонгир», «Қирққиз», «Жарқин мастон», «Санам Гавҳар», «Ойпарча», «Маржондара», «Малла савдогар», «Гулшан боғ» дostonлари, «Онажон», «Келиной», «Гулдона», «Кўйтаннинг келини», «Қизилча», «Гулойим», «Айрил-

ма», «Хилолой», «Йигитга», «Устозим», «Дехқонобод», «Ўзбекистоним» каби халқ термалари ўзбек бахшичилик санъатининг гултожи саналади. Шубҳасиз, ижодининг кўлами, барқамоллиги, ижрочилик маҳорати ва салоҳиятига кўра бахшичилик оламида алоҳида ажралиб туради. У 1937 йилда Чалка қишлоғида таваллуд топган. Отаси Раҳим Жабборов 1941 йилда урушга кетиб қайтиб келмаган. Қодир ака ўша пайтда саккиз ёшда эди. Оилала ёлғиз ўғил, она-сингиллари ҳам анча ёш, энаси Норҳол момо уларни катта қилгунча не-не заҳматлар чекмаган дейсиз. Манаққатли йиллар ортда қолди. Қодир ака қоматига кўз тўядиган йигит бўлди. Рўзғор юмушларини энаси қўлидан олди. Бухоро давлат педагогика институтини тугатиб кишлоқ мактабида ўқитувчилик кила бошлади. Айни чоғда устозларидан бахшичилик санъатини, дўмбира чертиш сирларини ўрганиб элнинг тўйларида дoston ва термалар айтарди.

Шу термалар ичида энасига бағишлангани ҳам бор:

*Онажон, қуй, садқа бўлсин бошингдан,  
Оптоқ қордай оқарган сочингдан.  
Гуллар йиғласаям сен йиғламагин.  
Посбон бўлай доим кўзу қошингдан,  
Чўллар йиғласаям сен йиғламагин.  
Сен йиғласанг банди бўгиним бўшайди,  
Тош юраклар сувдай бўлиб шовшайди.  
Сен йиғласанг қора тошлар қақшайди,  
Тошлар йиғласа ҳам сен йиғламагин.*

Қодир бахши юртни ҳам созга солди:

*Ораласам бўстоним,  
Айтаверсам дostonим.  
Қуёшдайин порлайвер,  
Менинг Ўзбекистоним.*

«Нимадан айтайин» деб енг шимариб эл хизматида бўлди:

*Ботир билмас юрса тоғдинг ўрини,  
Қўнғиротнинг Алпомишдай зўрини.*

*Барчин бека ўзи катта дostonдир,  
Ё айтайми Ёдгоржондай шеърини.  
Дostonлар сафида «Зайдиной».  
Ундан қолишмайди асли «Хилолой».  
Барчасидан гўзалликда беназир,  
Нафосатли, назокатли «Келиной».*

Қодир аканинг бахши бўлиб етипиш жараёни ҳақида энаси Норхол момо тўлкинланиб хикоя қилган:

– Отаси гирмоннинг урушига кетди. Келар деб йўлига кўз тутдим, келмади. Уч бола егим бўлиб кўлимда қолди. Қодирим тўккиз ёшда улоқ-қўзини бокиб келадиган бўлди. Мен сигирни соғиб қатик уютаман-да чаккисини эримдан қолган бўзбияга ортиб Деҳқонободга сотиб келаман. Кўзимдан ёшим тийилмайди. Бир куни Қодиржон келдида «Эна менга дўмбира созлатиб беринг, улоқ-қўзининг ортида чертиб юраман» деди. «Ота зотингда йўк, қўйгин болам, нима қиласан?» десам ҳам кўнмади.

Тўдачорбоқда турадиган акам Режаб бобога айтдим: «Дўмбира чертаман деб қулоқ миямни еди. Шу сағирга бир нима ясаб беринг». «Ундай дема, Норхол... Болангни бўладиган чоғи бор. Ота уруғида бўлмаса, мана товраларида не бир бахшилар ўтган» дедида, бир қўловочдай дўмбирани суроблаб қўзининг ичагидан тор тақиб қўлимга берди. Қодиржоним шуни тўбалаб юриб эди, бир куни олдимга мунрайиб келди-да: «Эна, дўмбирам синиб қолди. Яна биров қилдириб бермасангиз бўлмайди», деди «Хай бола бўлгур-а, бева ҳолимга гаранг ҳам қилдингку», деб яна Тўдачорбоққа бордим. Бу сафар бўзбуянинг ортига ўзини ҳам мингаштирдим. Режаб бобо бир хитакни<sup>1</sup> олдида, Қодирга узатди: «Боталоқ бобонгдан қолган. Узоқ йили у киши Кўйтаанда Ғўччи бахшини шу дўмбира билан мот қилган. Ол, сен ҳам зўр бахши бўлгин. Боболарингни руҳи қўлласин, омин», деди.

Қодиржоним хаёлчанроқ бола эди, лекин товасининг гапи таъсир қилдими дўмбирани жуда авайлаб қўйинга

<sup>1</sup> Кичик демокчи.

солиб юрди. Хитаги қурғур овози булбулдай, кўп кайтагон дўмбира экан. Тезда Қодирим дурустгина чаладиган бўлди. Режаб бахшига қатнаб оғзидан термапермаям ўрганди. У пайтларда Умир бахши ҳам тиррик эди. Тўйларда, байрамларда дoston куйлаб юрарди. Жуда хаддили, чечан одам эди. Қодиржон бир марта кўшиғини эшитди-ю ундан айрилмай қолди. Лекин сағирчилик ёнига бормаи узокдан эшитади. Бир сафар кечаси ўтовда катталар дoston айттираётган экан, чий тубидан қулоқ солибди. Тирамоннинг куни, дашт изғиринли бўлсаям, совукни сезмабди. Катталардан бири эшикка чиқиб кўнишиб ўтирган Қодирни кўрадида: «Ҳа лодон, нима қип турибсан? Кет уйга, совукка қаришасан» деганда ичкаридан бахши: «Ким у? Бу ёққа чакиринглар-чи» дебди. Болани етаклаб киришгач ёнига ўтказиб отини сўрабди. Кейин: «Ҳа, Раҳимбойнинг ўғлимисан. Отанг ҳам азамат йигит эди. Қайғурма насиба шул экан. Қизиқининг зўрга ўхшайди, лекин сенам бахши бўлгин», деб оғзига тупурибди.

Бўласи Исмоил бахши Режаб ўғли сўзи:

– Қодир бахшининг ота авлодида ҳам илгари бўлгандир, лекин кўпроқ эна авлодидан бу хунар ўтган. Тўдачорбоғлик Ўрозмамат, Келдиёр, Оллоёр, Эшкелди, Сафар, Боталок, Аллаберди, Нормўмин, Турди, Режаб боболаримиз бахши ўтган. Қодирнинг отаси урушдан қайтмади. Иккимиз кўзи боқиб бирга ўсдик. Кечкурунлари ўчоққа ўтин калаб гурунг қилар эдик. Турди бобом дўмбира чертиб дostonу ривоятлардан айттар эди:

*Подшоликни кетди ташлаб,  
Гадо бўлиб бир йўл бошлаб,  
Кўзларни келдим мен ёшлаб,  
Адо бўлган қаландарман.  
Куйган бағри ёнади,  
Мадад берган Оллодир.  
Остида отлар ўйнайди,  
Душман кўрса қайнайди.  
Гўрўғли бекнинг оқ туғи,*

*Душман кўрса сўлқиллайди...  
Кумлоқ ердан из олган Гўрўғели бўламан,  
Жесир бериб, қиз олган Гўрўғели бўламан.  
Чамбил элдан от қочирган,  
Қирқ йигитга мой ичирган Гўрўғели бўламан.*

Авазхон Эдилнинг дарёсига Гиркўкни солганда,  
ўтмайсан деб сўз айтди:

*Жомонлагир жайрагир,  
Қозонда гўшине қайнагир.  
Парилар бир гап айтдими,  
Ё Гўрўғелидан давлат қайтдими?  
Жоним Фирот, молим Фирот,  
Сени минган топар мурод.  
Еминг кишмиш, тўрванг банот,  
«Чу» дейман, иргигин отамнинг оти!*

...Арпалининг чўлида Добонбийдан қолган 14 ботмон биринчи бўлган Алпомишнинг ёйи бор эди. Шуни Ёд-горга кўтартириб қуллар ҳайдаб жўнади:

*Қамчи тайлар бошига,  
Қарамас кўзда ёшига.  
Чўлғониб қамчи ўрими,  
Ошиб тушади тушига.*

Шуйтиб Режаб тоғасиям кўшиқлар айтар эди. Қодир билан икковимиз кулоққа жойлар эдик. Қодир ҳукм айтаётган бўп чиқди. Элу юртни қойил қилди. Менам айтаман, мана энди ўғлим Маҳматмурод айтапти. Қодиржон бсмаҳал ажалдинг домига кетди. Қодирни йўқлаб, бўзлаб айтдим:

*Отадан тўртни ярат,  
Ёлғизни яратгунча тошни ярат.  
Тўрттов бўлса бири келар қошига,  
Ёлғиз шўрнинг кими йиғлар бошида.*

Қодиржондан тўрт ул қолди, тўрттовиям мен деган жигит. Отасининг сози ерда колмади».

Шогирди Рўза бахши Қултўра ўғли сўзи:

– Устозим ва қиёматли дўстим мархум Қодир баҳши ўғлини улуғ инсондек жуда ҳурматлар эдим. Эскидан қолган гап бор. Устоз – шогирд, пир – мурид, деган. Бунда қанча маъно ётишини ҳаммаям билавермайди. Бахшиларда бирор нарсани ўқитиб-ўргатиб устоз бўлиш одат эмас. Фақат оқ йўл тиласа у ёғига ўзини-ўзи эплаб кетади, дейишади. Бизнинг устоз-шогирд бўлишимизга бир тўй сабаб бўлган.

1972 йили Дехқонобод ўқитувчилар август кенгашида қатнашдик. Катта залда концерт бўляпти. Қодир баҳши озрок қўшиқ айтиб чиқиб келдида менга: «Ошна бўл, Сурхондарёга тўйга кетамиз», деди. Мен ҳам майли, деб жўнайдиган бўлдик. Дарҳақиқат, Сурхондарё рақами билан енгил машина уйнинг ташқарисида турарди. Шўрчи туманининг марказида бўладиган тўйга етиб бордик. «Баҳши келди, баҳши келди» деб, қарши олиб тўрга ўтказишди. Тўй эгаси нон-чойдан кейин олдимизда бир қоғоз қутини очди-да: «Э Қодир баҳши, мен энанинг пайғамбар тўйига «Алпомиш» дostonини бир бошдан тўла ёздириб оламан деб ният билан япон магнитофони сақлаб юриб эдим, айтиб берсангиз ёзиб олсам», деди. Қодир баҳши: «бўпти, айтамиз, деди, сўнгра менга қараб: «Ошнажон, устоз-шогирд бўламиз, деб юрасиз. Энди ғайратишгизни кўрамиз. Менинг қўлларимга қаранг, кеча тўйдан келдик», деб қўлларини кўрсатади. Учта бармоғидан қон чиқиб турар эди. Икки панжасига шампан шишасининг қоққоғини кийиб: «Мен бошлаб бераман, Алпомишни зиндондан чиқариб берасиз, ундан у ёғини ўзим айтаман» деди ва дostonни бошлади. Бирор соатдан сўнг дўмбирани менга узатди. Мен давом эттирдим. Бир нарсани айтиб ўтишим керакки, баҳши бўлиб қанча жойларда қўшиқ айтган бўлсам, лекин ўша Қодир баҳши билан Шўрчида бирга бўлганимдай айтганимни ҳеч эслай олмайман. Илҳомим шу қадар шиддаткор эдики, гўё тўхтовсиз оқётган дарё эдим. Мен устозим Қодир баҳшида қандайдир илҳомлантирувчи куч мавжудлигини айтмоқчиман. Етти соат ичида Алпомишни зиндондан чиқариб дўмбирани Қодир баҳшига узатдим. Энди қўшиқни бошлайман, деб турганда бир ширакайф

кириб келди ва Қодир бахшининг қўлидан дўмбирани олди: «сиз Қодир бахшимисиз, Алпомишдай йигит экансиз, зўр одам экансиз» деб ҳар хил гаплар билан даврани совута бошлади. Халиги киши «Манг, бир айтинг кани қандай айтишингни ўз оғзингиздан эшитаман», деб дўмбирани бахшига узатди. Шунда Қодир бахши менга аста: «Ошна, бир ҳазиллашиб қўйинг» деб дўмбирани берди. Халиги кишини ҳажв қилиб тера бошладим.

Қўшиқ тўқиб кетдим. «Акажон тавба қилдим, акажон тавба қилдим», деб даврадан чиқиб кетди. То эшикка чиккунча қўшиқ билан савалаб қолдим... Қайтишимизда Сурхондарё билан Қашқадарёнинг чегарасига келиб бир неча ўғитларни тайинлаб менга дуо берди. Шундан бошлаб устоз-шогирд бўлдик, ҳар доим учрашиб турдик. Айтганларим ёкса: «Қодир бўпсиз, Қодирдан ҳам зиёд бўпсиз», деб кўнглимизни кўтарар эди. Устознинг бирорта бахшига ёмон гапирганини эслай олмайман. Вафотидан сўнг дўстимни ёдлаб шу термани айтдим:

### Торинг эрта узилди...

Бахши бўлиб чиқдинг Қашқа элидан.  
Юзлаб дoston айтилди бол тилингдан,  
Созинг сайраб булбул бўлди қўлингдан.  
Аттанг, устоз, торинг эрта узилди.

Қўшиқ айтсанг сўм юраклар эзилди,  
Қўшиқ айтсанг қўзларга ёш тизилди.  
Дўстларингга устоз ўрнинг сезилди,  
Сумбул создан торинг бевақт узилди.

Бахшилар ичида жуйрук зўр эдинг,  
Биз карвонмиз йўл бошловчи нор эдинг.  
Ҳаммамизга сен ўзинг сардор эдинг,  
Дўмбирангни тори эрта узилди.

Ширин-Шакарларни товда бўзлатдинг,  
Фиротгаям забон бериб сўзлатдинг.  
Авазхонга Хиромонни излатдинг,  
Сафар вақти торинг эрта узилди.

Қаландар бўб ишлатдинг кўп амалди,  
Гўрўғли бўб ёрдинг қанча қамалди.  
Заргар элда сен йиғлатдинг Зилолди,  
Минг афсуски торинг эрта узилди.

Хондаллини олиб бердинг Хасанга,  
Зулхуморни етиштирдинг Равшанга.  
Майна бўлиб кичаб учдинг осмонга,  
Таранг бўлган торинг шартта узилди.

Таранг тортиб дўмбирангнинг торини,  
Олиб юрдинг ўзбек элнинг орини.  
Бирдай кўриб ёши билан қарини,  
Дўмбирангнинг тори эрта узилди.

Ойпарчани айтганингда ойлар йиғлади,  
Куйлаганда тоғу-тошлар бўзлади.  
Рустамхонни кўр қилганда сувлар йиғлади,  
Сунбул создан торинг бевақт узилди.

Келинойни ҳар мақомда кийдириб,  
Сочларини тақимига тийдириб.  
Сен қуддирдинг ичакларни туйдириб,  
Жўр бўлганда торинг шартта узилди.

Кўз ўнгимдан кетмас сира савлатинг,  
Эл бордирки ўчмас сира, бил отинг.  
Созинг ушлаб орқангдаги фарзандинг,  
Бемахалда торинг аттанг узилди.

Йигитликда қилган ишинг йирикдир,  
Йирикларнинг иши доим тирикдир.  
Устоз бўб кўрсатдинг йўл йўриқди,  
Илхом тўлган чоғда торинг узилди.

Биринчи бўб номи чиққан сен бўлдинг,  
Аждодлар чирофинг ёққан сен бўлдинг.  
Навдам кетиб ёшим тўкан сен бўлдинг,  
Навдам бўлган вақти торинг узилди.

Дехқонобод ўчирмайди номингни,  
Унутмайди асло зўр илхомингни.  
Шогирдларинг тўлғазгаймиз камингни,  
Аттанг устоз торинг бевақт узилди.

Дўмбирангга биз улаймиз торингни,  
Давом қилиб кўнглингдаги борингни.  
Кечир дўстим Рўзи биродарингни,  
Бўзлагайман торинг недан узилди.

Қодир бахши Раҳим ўғли таниқли бахшилардан сўз ўрганиб созга солган, ўзи ҳам мустақил дoston ва термалар яратган. Республикамизда, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон каби кўшни элларда ўтган қатор кўрик-танловларнинг ғолиби бўлган. Яратган дoston ва термалари инглиз, француз, немис, турк, япон, рус ва бошқа тилларга таржима қилиниб чоп этилган.

Қодир аканинг ўғиллари Абдуқаҳҳор, Абдумурод, Баҳодир, Баҳромжонлар отаси созини кўлига олиб кўшиқ куйлашмоқда. Тўнғичи, Ўзбекистон халқ бахшиси Абдуқаҳҳор анча танилган бахши. Ёшлиғида отасидан эшитган дoston ва термалар билан бирга ўзи ҳам янги-янги намуналарини яратиб элу-юртга танилди. Республикамикўрик-танловларининг аксариятида ғолиб чиққан. Америкага бориб океан ортидаги ватандошларимизни ота-она боболарининг қадимий санъатидан баҳраманд этиб қайтди. Бугунги кунда у куйлаётган дostonу термалар анча салмоқли, бадий жихатдан мукамалдир. «Юсуф ва Зулайхо», «Боборавшан», «Эрали ва Шерали», «Ойларча», «Олланазар Олчинбек», «Авазнинг Гуржистонга кетиши», «Малика айёр», «Балогардон», «Зандигар», «Хон Далли», «Санамгавҳар», «Қирқ дарвозали Қирим», «Бўри Шермат», «Амир Темур» каби дostonлар ва термалар унинг ижодига сайқал бахш этган. Абдуқаҳҳор доимий изланишда, ижодий йилдан-йилга камол топиб бормоқда.

Қодир бахшининг яна бир шогирди ва қариндоши Маҳматмурод Исмоил ўғли ижрочилик маҳорати анча юқори. Яқинда унга ҳам Ўзбекистон халқ бахшиси унвони берилди. Халқимизнинг тўйларида эл олқнишига сазовор бўлиб, вилоят, республика микёсидаги кўрик-

танловларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Термаларида Қодир бахшига хос жўшқинлик, бобоси Ражаб бахшига хос чечанлик хислатлари мужассамдир.

Ҳа, оққан арик окмасдан қолмайди. Бугунги кунда мустақиллик нуридан бахраманд бўлган Дехқонободнинг ҳар икки ўрасидан чечан бахшилар бор. Омон бахши Шерназар ўғли, Зулҳумор бахши, Абдумурод бахши, Зиёдилла бахши, Бойқўчқор бахши, Рашид бахши, Маҳматмурод Исмоил ўғли, Панжи бахши, Боймурод бахши, Маҳмережаб бахши, Мурод бахши, Комил бахши, Бобоназар бахшилар устозлар дўмбирасини жаранглатиб қўшиқ куйланмоқда.

Сурхондарё ва Қашқадарё халқлари орасида дўмбира санъати алоҳида ўрин тутди. Дўмбира куйларини фақатгина номдор бахшилар эмас, балки оддий кишилар ҳам юксак даражада ижро этиб элни ўзига қаратишади. Мўжазгина ёғочга тақилган қўштордан нотасиз, бандларсиз чиқаётган оҳанглар киши қалбини сеҳрлабгина қолмасдан инсоннинг қалбидаги пинхоний сурурини сўйлаб беради, бошдан кечирмаган кечмишларни ҳам жонлантира олади. «Катта Қўнғирот», «Ботови», «Ойпари», «Келин сувга чикди», «Келинойнинг келиши», «Ҳалинчак», «Иззатой», «Хиромони», «Ғарибнома», «Қўнғироти», «Суюнчи», «Сарвиноз», «Лақайча», «Бобоси», «Қўрғонча», «Мозандарони», «Чўпонча», «Тўрғай», «Тойвоқ», «Бойимча», «Оҳува», «Чечажон», «От йўрғаси», «Куй қайтариш», «Кунсулув», «Қиз ноzi», «Гулойим», «Шерна», «Қора Қўнғироти», «Туркманча», «Барчин сулув», «Гавхарим» куйларининг яралганига минг йиллардан кам бўлмаган.

Дўмбирачилар обрў-эйтибори бахшиларникидан қолишмаган. Айтишларича, буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур бўлажак жанглар олдидан ўғиллари ва саркардаларини чодирга чақириб, дўмбира куйларига қулоқ тутишни амр қилган экан. Унинг оҳанслари кишига жасурлик, жанговарлик ҳамда ватанпарварлик хисларини пайдо қилар экан. Бу мўъжизавий созга бағишланган термалар ҳам анчагина:

## Дўмбирам

Арчаларнинг ичидан,  
Арчиб олган дўмбирам.  
Зарангларни оралаб,  
Таниб олган дўмбирам.  
Зардолини кесдириб,  
Пичиб олган дўмбирам.  
Олмаларнинг остидан,  
Чертиб олган дўмбирам.  
Олмурутдан ахтариб,  
Сўраб олган дўмбирам.  
Тувдонани тушириб,  
Кесиб олган дўмбирам.  
Ёвочнинг сарасидан,  
Тўсиб олган дўмбирам.  
Саккиз дарё, олти кўл,  
Кечиб олган дўмбирам.  
Мард йигитнинг кўлида,  
Тори бўлган дўмбирам.  
Келинчақдай керилиб,  
Пари бўлган дўмбирам.  
Дўмбирам сўйла торминан,  
Шункор учади парминан.  
Йигитлар ўйнар ёрминан,  
Товлар гўзалдир ёзминан.  
Термалар териб ойтайин-а,  
Кўлимда сунбул созминан.  
Сулувларининг қанди бор,  
Йигитларнинг онти бор.  
Қулоғининг пастиди,  
Торгинаннинг банти бор.  
Дўмбирам ўзинг қув ёғоч,  
Бўйинингда торинг бир қулоч.  
Бир пасил терма айтайин,  
Йиғилган элнинг кўнглин оч.

Бўйнингда қўша тор бўлиб,  
 Дўмбирам сўйла шеър бўлиб,  
 Номусминан ор бўлиб.  
 Бовингда бор садаф мунчок,  
 Баланд тоғларнинг қоридай.  
 Сўйлай бергинда қув ёғоч,  
 Ошиқнинг охи зоридай.  
 Бўйнингдаги қўша тор,  
 Кетмасинда-я узилиб.  
 Бобомдан қолган номус ор,  
 Куйлай бергинда эшилиб.

Ривоят қилишларича, бир чўпон дўмбира чалганда осмондаги қушлар гирдига қўниб куйларини тингла — шар экан. Уйда ўтирган киз бола «Оҳ» тортарканг — йигитнинг исми Жаббор бўлиб Боботовдан ошиб келган. Уша ерда бир бойнинг қизига ошиқ бўлиб қирда дўмбирани чертса, киз ўтовдан чиқиб эшитар олис — дан куй орқали висол қуришган. Такдир насиба, боки кизини қўшни қишлоққа узатади. Йигит қараса кизнинг ок туяга миндириб олиб кетишаяпти. Удумга кўра келин олдига таёқ ташлаш одати бор. Чўпон йигит таёқ ўрнига дўмбирасини йўлга кўндаланг қўйиб тош устига ўтиради. Қудалар хуржундан яхна гўшт чиқариб унга узатишади. Лекин йигит гўштга қайрилиб ҳам қарамай дўмбирасини қўлига олиб черта бошлайди. Куйлар унинг севгиси, орзу-армонлари, айрилик добинини ифодалагани аниқ. Селдай оқаётган оханглар сеҳридан сеп ортилган туялар тўхтаб қолади. Сарбон йигитлари билан қанча уринмасин, ўринларидан силжишмайди. Келин ўтирган нортуянинг кўзларидан ёш тўкилади. Нихоят сарбоннинг тоқати тугаб йигитга дебди: «Эй йигит, куйган юракни куйдирма, қув ёвочни мунча қувратмагинда, қарвонни ўтқариб юбор!» Шунда йигит ўрнидан туриб, қизга қараб: «Жоним чиқар, қўшиқ айтсам, қайрилма ёр, пешонангга ёзганидан айрилма ёр!» дея созини ўради, дўмбира чил-чил синади, шундан кейингина қарвон ўрнидан жилади.

## Дўмбирам

Арчаларнинг ичидан,  
Арчиб олган дўмбирам.  
Зарангларни оралаб,  
Таниб олган дўмбирам.  
Зардолини кесдириб,  
Пичиб олган дўмбирам.  
Олмаларнинг остидан,  
Чертиб олган дўмбирам.  
Олмурутдан ахтариб,  
Сўраб олган дўмбирам.  
Тувдонани тушириб,  
Кесиб олган дўмбирам.  
Ёғочнинг сарасидан,  
Тўсиб олган дўмбирам.  
Саккиз дарё, олти кўл,  
Кечиб олган дўмбирам.  
Мард йигитнинг кўлида,  
Тори бўлган дўмбирам.  
Келинчақдай керилиб,  
Пари бўлган дўмбирам.  
Дўмбирам сўйла торминан,  
Шунқор учади парминан.  
Йигитлар ўйнар ёрминан,  
Товлар гўзалдир ёзминан.  
Термалар териб ойтайин-а,  
Қўлимда сунбул созминан.  
Сулувларининг қанди бор,  
Йигитларнинг онти бор.  
Қулоғингнинг настида,  
Торгинангнинг банти бор.  
Дўмбирам ўзинг қув ёғоч,  
Бўйинида торинг бир қулоч.  
Бир пасил терма айтайин,  
Йивилган элнинг кўнглин оч.

Бўйнингда қўша тор бўлиб,  
 Дўмбирам сўйла шеър бўлиб,  
 Номусминан ор бўлиб.  
 Бовингда бор садаф мунчок,  
 Баланд тоғларнинг қоридай.  
 Сўйлай бергинда қув ёғоч,  
 Ошиқнинг охи зоридай.  
 Бўйнингдаги қўша тор,  
 Кетмасинда-я узилиб.  
 Бобомдан қолган номус ор,  
 Куйлай бергинда эшилиб.

Ривоят қилишларича, бир чўпон дўмбира чалганда осмондаги қушлар гирдига қўниб куйларини тинглашар экан. Уйда ўтирган қиз бола «Оҳ» тортаркан. Йигитнинг исми Жаббор бўлиб Боботовдан ошиб келган. Ўша ерда бир бойнинг қизига ошиқ бўлиб қирда дўмбирани чертса, қиз ўтовдан чиқиб эшитар олисдан куй орқали висол қуришган. Тақдир насиба, бой қизини қўшни қишлоққа узатади. Йигит қараса қизни оқ туяга миндириб олиб кетишаяпти. Удумга кўра келин олдига таёқ ташлаш одати бор. Чўпон йигит таёқ ўрнига дўмбирасини йўлга кўндаланг қўйиб тош устига ўтиради. Қудалар хуржундан яхна гўшт чиқариб унга узатишади. Лекин йигит гўштга қайрилиб ҳам қарамай дўмбирасини қўлига олиб черта бошлайди. Куйлар унинг севгиси, орзу-армонлари, айрилиқ доғини ифодалагани аниқ. Селдай оқаётган оҳанглар сеҳридан сеп ортилган туялар тўхтаб қолади. Сарбон йигитлари билан қанча уринмасин, ўринларидан силжишмайди. Келин ўтирган нортуянинг кўзларидан ёш тўкилади. Ниҳоят сарбоннинг тоқати тугаб йигитга дебди: «Эй йигит, куйган юракни куйдирма, қув ёғочни мунча қувратмагинда, карвонни ўтқариб юбор!» Шунда йигит ўрнидан туриб, қизга қараб: «Жоним чиқар, қўшиқ айтсам, қайрилма ёр, пешонангга ёзганидан айрилма ёр!» дея созини ўради, дўмбира чил-чил синади, шундан кейингина карвон ўрнидан жилади.

## Дўмбирам

Арчаларнинг ичидан,  
Арчиб олган дўмбирам.  
Зарангларни оралаб,  
Таниб олган дўмбирам.  
Зардолини кесдириб,  
Пичиб олган дўмбирам.  
Олмаларнинг остидан,  
Чертиб олган дўмбирам.  
Олмурутдан ахтариб,  
Сўраб олган дўмбирам.  
Тувдонани тушириб,  
Кесиб олган дўмбирам.  
Ёғочнинг сарасидан,  
Тўсиб олган дўмбирам.  
Саккиз дарё, олти кўл,  
Кечиб олган дўмбирам.  
Мард йигитнинг қўлида,  
Тори бўлган дўмбирам.  
Келинчакдай керилиб,  
Пари бўлган дўмбирам.  
Дўмбирам сўйла торминан,  
Шункор учади парминан.  
Йигитлар ўйнар ёрминан,  
Товлар гўзалдир ёзминан.  
Термалар териб айтайин-а,  
Кўлимда сунбул созминан.  
Сулувларининг қанди бор,  
Йигитларнинг онти бор.  
Қулоғингнинг пастида,  
Торгинангнинг банти бор.  
Дўмбирам ўзинг қув ёғоч,  
Бўйинингда торинг бир қулоч.  
Бир пасил терма айтайин,  
Йиғилган элнинг кўнглин оч.

Бўйнингда қўша тор бўлиб,  
Дўмбирам сўйла шеър бўлиб,  
Номусминан ор бўлиб.  
Бовингда бор садаф мунчок,  
Баланд тоғларнинг коридай.  
Сўйлай бергинда қув ёғоч,  
Ошиқнинг охи зоридай.  
Бўйнингдаги қўша тор,  
Кетмасинда-я узилиб.  
Бобомдан қолган номус ор,  
Куйлай бергинда эшилиб.

Ривоят килишларича, бир чўпон дўмбира чалганда осмондаги қушлар гирдига қўниб куйларини тинглашар экан. Уйда ўтирган қиз бола «Оҳ» тортаркан. Йигитнинг исми Жаббор бўлиб Боботовдан ошиб келган. Ўша ерда бир бойнинг қизига ошиқ бўлиб қирда дўмбирани чертса, қиз ўтовдан чиқиб эшитар олисдан куй орқали висол қуришган. Такдир насиба, бой қизини қўшни қишлоққа узатади. Йигит қараса қизни оқ туяга миндириб олиб кетишяпти. Удумга кўра келин олдига таёқ ташлаш одати бор. Чўпон йигит таёқ ўрнига дўмбирасини йўлга кўндаланг қўйиб тош устига ўтиради. Қудалар хуржундан яхна гўшт чиқариб унга узатишади. Лекин йигит гўштга қайрилиб ҳам қарамай дўмбирасини қўлига олиб черта бошлайди. Куйлар унинг севгиси, орзу-армонлари, айрилик доғини ифодалагани аниқ. Селдай оқаётган оханглар сеҳридан сеп ортилган туялар тўхтаб қолади. Сарбон йигитлари билан қанча уринмасин, ўринларидан силжишмайди. Келин ўтирган нортуюнинг кўзларидан ёш тўкилади. Ниҳоят сарбоннинг токати тугаб йигитга дебди: «Эй йигит, куйган юракни куйдирма, қув ёғочни мунча қувратмагинда, карвонни ўтқариб юбор!» Шунда йигит ўрнидан туриб, қизга қараб: «Жоним чиқар, қўшиқ айтсам, қайрилма ёр, пешонангга ёзганидан айрилма ёр!» дея созини ўради, дўмбира чил-чил синади, шундан кейингина карвон ўрнидан жилади.

Азалдан таниқли дўмбирачиларнинг мусобақалашиб соз чалиш одатлари бўлган. Мен туғилиб ўсган Ёнғоқлида ҳам мохир чертаганлар қўп эди. Отам Малла бобо, Умрзоқ Худойқулов, амаким Шариф Хўжамқуловларнинг куйини эшитгани олис кишлоқлардан ҳам одамлар келиб туришарди. Қоқбошлик Хўжамурод Тўраев Шариф акам билан тенгдош, икковиям кишлоқнинг кўзга кўринган йигитлари. Мусобақалашиб дўмбира чертиб юришарди.





## МУНДАРИЖА

### ҚИССАЛАР

|                      |     |
|----------------------|-----|
| Қўналға .....        | 4   |
| Зурёд .....          | 75  |
| Болалик қўшиғи ..... | 145 |

### ХИҚОЯЛАР

|                                  |     |
|----------------------------------|-----|
| Маъбуда .....                    | 182 |
| Шаффоф одам .....                | 195 |
| Мафлуклар (Шаффоф ёзувлар) ..... | 213 |
| Лёл ва илон .....                | 225 |
| Нарилар тилсими .....            | 235 |
| Шамғалат .....                   | 253 |
| Тоғ элининг табobati .....       | 271 |

**Алп Ҳамид.**  
А 52 Парилар тилсими: қисса/Ҳ. Алп. – Тошкент:  
«O'zbekiston», 2015. – 296 б.

ISBN 978-9943-28-081-6

УЎК: 821.512.133-3  
КБК 84(59)7

*Адабий-бадиий нашр*

**Ҳамид АЛП**

## **ПАРИЛАР ТИЛСИМИ**

*Қиссалар, ҳикоялар*

Мухаррир *И. Аҳмедов*

Рассом-дизайнер *И. Юлдашев*

Техник муҳаррир *Т. Харитонова*

Кичик муҳаррир *Д. Холматова*

Мусаххих *Ж. Караматов*

Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Нашриёт лицензияси АИ № 158, 14.08.09.

Босилга 2015 йил 29 январда рухсат этилди. «Газетная пухлая»  
қовози. Бичими 84x108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. «Times» гарнитурасида офсет усулда  
босилди. Шартли босма табори 15,54. Нашр табори 15,37.

Адади 1500. Буюртма № 15-46.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O'zbekiston»  
нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)



*Ҳамид Али (Маллаев)*

*1953 йилда Қашқадарё вилоятинини Дехқонобод тумани, Ёнқоқли қишлоғида туғилган. Қарши давлат педагогика институтинини рус тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. Қўплаб асарлари, таъжжималари, «Зурёд», «Шарфдор одам» каби китоблари топ эдилган.*

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасинини аъзоси.*

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-28-081-6



9 789943 280816

